

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ФАЛСАФА”
кафедраси**

**«Этика» (Ахлоқшунослик)
фанидан маъруза матнлари**

Наманган

1-мавзу. Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари.

Режа:

1. Ахлоқшунослик фанининг предмети, тадқиқот доираси.
2. Ахлоқшуносликнинг вазифалари, унинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни.

Таянч атамалар: Ахлоқ, одоб, ҳуққ, ахлоқнинг таркиби ва функциялари.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси. 2000 йил, 8 июн.
2. И.А.Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари-энг олий қадрият “Халқ сўзи” газетаси. 2005 йил 8 декабр.
3. Абдулла. Шер. Ахлоқшунослик, Маърузалар матни Т., 2003.
4. Э.У.Умаров, Ф.Б. Загыртдинова. Этика. Учебник для студентов вузов Т., 2005.

Кўшимча адабиётлар

1. Авесто. Аша алқови Т., 2000.
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., 1083.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
4. 4.3. Геюшева. Этические взгляды восточных мыслителей. Баку, 1982.
5. Кропоткин. Этика. М., 1991.

Ахлоқшунослик фалсафий фан бўлиб, у фалсафий фикр тараққиёт жараёнида шаклланиб эрамиздан авв. IV асрда қадимги Юнонистонда алоҳида илм соҳаси сифатида ундан ажралиб чиқади. Бу даврда Юнонистонда жамиятни идора қилиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ўз ечимини талаб қилувчи долзарб масалалар тарзида кун тартибига қўйила бошлади.

Шу вақтга қадар фалсафанинг олам ва одам муаммоси умумий тарзда талқин қилиб келинган бўлса, бу даврга келиб мазкур муаммо конкрет йўналишда—жамият ва шахс муносабатлар бирлигида талқин қилишни тақозо эта бошлайди. Ушбу заруриятни теран англаб етган мутафаккирлардан бири Арастудирки, у ахлоқни ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, уйғунлаштирувчи энг муҳим омил деб ҳисоблайди. Ва ана шу масала тадқиқи билан махсус шуғулланувчи илм соҳаси зарур деган фикрга келади, ҳамда уни “этика”(юнон *etkos*-хуққ) деб номлайди.

Арасту шу муносабат билан “Никомах этикаси”, Евдомив этикаси”, “Катта этика” каби асарларини ёзадики, унда ахлоқшуносликнинг предмети, вазифалари кўрсатиб берилади, ҳамда ахлоқий мезоний тушунчаларнинг тавсифи берилади. У мазкур илм соҳасининг асосий вазифасини унинг жамият мукамаллигини ва шахс баркамоллигини таъминлашга хизмат қилишдир, деб белгилайди.

Шунга кўра Арасту ахлоқшунослик-(этика)ни фалсафанинг амалий турига киритади. Файласуфнинг ушбу қараши то ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ахлоқшунослик фалсафий фан сифатида ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти ва унинг ижтимоий муносабатлар жараёнида амал қилиш қонуниятлари, тамойилларни ўрганади. Ушбу фан ахлоқни жамият ва шахс маънавий ҳаёти тизимининг асосий унсури сифатида олиб қарайди ва шунга кўра унинг тадқиқот доираси ҳисобланади. Бунда ахлоқ маънавиятнинг барча унсурларини ўзида мужассамлаштирувчи тизим ташкил этувчи ижтимоий ҳодиса(феномен) тарзида олиб қаралади.

Ахлоқшунослик ўз тадқиқот доирасини асосан икки йўналишда ўрганади: назарий—баён қилиш, изоҳлаш ва ўргатиш, ўқдириш орқали кўникмалар ҳосил қилдириш. Биринчи йўналиш ахлоқий норма, меъёр ва томайилларнинг моҳиятини илмий-фалсафий жиҳатдан талқин, таҳлил қилса, иккинчи йўналишда уларнинг мазмун –талабларини шахс фаолияти ҳаётнинг мақсад, моҳиятига айлантириш бўйича тадқиқ қилади. Шу йўналиш ахлоқшуносликнинг тарбиявий дидактик-пандномавий характерин белгилайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, агар Фарб ахлоқшунослигида биринчи йўналиш устувор бўлган бўлса, Шарқда ахлоқий таълимотлар асосан пандномалар тарзида (масалан, “Калила ва Димна”, “Қобуснома”, “Зарбулмасал”) амал қилган.

Қайд этилган ҳар икки йўналиш бир-бирини тақозо этади ва уларнинг ўзаро бирлиги

туфайли ахлоқшунослик том маънодаги амалий фалсафа, инсоннинг ўз-ўзини англаши орқали уни маънавий-ахлоқий комилликка эриштириш вазифасини ўтайди.

Ахлоқ тор маънода муайян жамият тизимида кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи норма, хулқ атвор қоидалари мажмуидир. Бунда мазкур ходисанинг моҳияти “одоб”, “хулқ” тушунчаларининг мазмуни муҳокамаси орқали англашилади.

Агар ахлоқ тарихан муайян ижтимоий фикр маҳсули сифатида шаклланган, йўналтирувчилик, тартибга солувчилик табиатига эга бўлган норма, хулқ-атвор қоидалари мажмуи бўлса, одоб ва хулқ кишининг ихтиёр эркинлиги билан уларни ўзлаштириш ва уларга риоя-амал қилишдир.

Дарҳақиқат, инсон ахлоқий меъёр, талабларини билимлар даражасида ўзлаштириб билиб олгандагина уларни ўз фаолиятининг мезоний ўлчовлари сифатида қабул қилади.

Ахлоқ кенг қамровли фалсафий тушунча бўлиб, у тор маънода қўлланилади.

Одоб кишининг индивид сифатида миллий урф-одатлар доирасидаги ахлоқий меъёрларга амал қилиши билан боғлиқ ҳаётий ҳаракатидир. Масалан, саломлашиш, хушмуомалалик, ростгўйлик ва б.

Хулқ—кишининг шахс сифатидаги бошқалар билан бўлган муносабати, хатти-ҳаракати бўлиб, бу унинг оила, маҳалла- куй ва меҳнат жамоасида намоён бўлади.

Одоб ва хулқ ахлоқий талаб, норма ва тамойилларга риоя қилишнинг бошланғич босқичи бўлиб, бу ҳам ижтимоий фикр мезони билан ўлчанмайди. Лекин кишининг одоб ва хулқи унинг маънавиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ахлоқий норма, талаб ва қоидалар жамият ва шахс муносабатларни уйғунлаштирувчи муҳим омилдир.

Ахлоқ кенг маънода ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли бўлиб, у ижтимоий ва индивидуал дунёқараш шакли сифатида жамият ва шахс маънавий ҳаёти тизимининг таркибий қисми сифатида амал қилади.”Аслини олганда,- деб ёзади Ислон Каримов,- ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчалик салом –алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ—бу аввало, инсоф ва адолат туйғун, иймон, ҳалоллик дегани”.

Ахлоқ ижтимоий онг шакли сифатида таркибий тузилишига эга бўлиб, уларнинг ўзаро бирлигида муайян вазифа (функция)ларни бажаради.

Нормалар, қадриятлар ва идеаллар ахлоқнинг таркибий қисм(элементлари)ларидир. Норма—бу кишилик жамияти юзага келиши, тараққиёти жараёнида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бошқариш зарурати негизда шаклланган, ва такомиллашиб борган хулқ-атвор талаблари бўлиб, улар ижтимоий фикр, катъий қоида, муққадас бурч, урф-одатлар шаклида амал қилади.

Қадриятлар—бу жамият шаклида мукамаллиги ва инсон комиллиги учун аҳамиятли бўлган сифатлардир. Булар: ҳақиқат, адолат, эзгулик, жувонмардлик ва б. Қадриятлар мутлақ ва нисбий турларга ажратилади. Мутлақ қадриятлар умуминсоний қимматга эга бўлиб, замон ва маконда ўзининг сифатини тамойилларини ўзгартирмайди. Масалан, адолат, ҳақиқат, эзгулик. Нисбий қадриятлар миллий характерга эга ва муайян ижтимоий муносабатлар учун аҳамият касб этади.

Ахлоқ маънавият тизимида тартибга солувчи, билиш ва тарбиявий вазифа (функция)ларни бажаради.

Ахлоқшунослик ўзининг тадқиқот доирасини бевосита мантиқ, эстетика, диншунослик, ҳуқуқшунослик, социология, экология каби фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганади. Чунки қайд этилган илм соҳалари, биринчидан, жамият ва шахс муносабатларини уйғунлаштириш масаласи билан шуғулланади, иккинчидан мазкур фан соҳаларининг предмети маънавият тизимининг таркибий қисмларини ташкил этади.

Ахлоқшунослик қадимдан эстетика билан ўзаро боғлиқ тарзда шаклланиб, ривожланиб келган. Қадимги Юнонистонда Калокатия(юнон. calog-гўзал, адатос-ахлоқий муккамал) деб аталадиган таълимот ана шу асосда юзага келган бўлиб, унга кўра, эзгулик, яхшилик учун нима хизмат қилса, ўша нарса гўзалдир. Мазкур таълимот ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зотан инсоннинг том маънодаги гўзаллиги унинг ахлоқий фазилатларида, кейингиси эса киши маънавий руҳий олами-ички гўзаллигида намоён бўлади. Ахлоқшунослик ўз тадқиқот доирасини ана шу тамойилдан туриб ўрганади.

Ахлоқшуноликнинг диншунослик билан узвий алоқаси шундаки, ҳар иккала фан вазифалари инсонларни эзгуликка йўналтирувчи, ахлоқий норма, қоида, тамойиларни уларнинг ҳаёти, фаолиятининг мақсад, моҳиятига айлантиришга қаратилгандир.

Ахлоқшунослик айниқса педагогика билан узвий боғлиқда иш кўради. Маълумки,

педагогиканинг асосий вазифаси тарбия жараёнини усул, йўллари, воситаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳисобланади. Шуннинг учун ахлоқ тарбияни мезоний ўлчови сифатида қараладики, бу ахлоқшуносликнинг педагогика учун метадологик аҳамиятини белгилайди.

Ахлоқшунослик ўзининг амалий—тарбиявий, тартибга солувчилик вазифаларини ҳуқуқий қонун қоидалар орқали амалга оширадики, бу унинг ҳуқуқшунослик фани билан алоқада бўлишлигини тақозо этади.

Мазкур фанлар жамият ва шахс мақсад ва манфаатларини уйғунлаштириш масаласи билан шуғуналладиларки, шунга кўра ахлоқни жамоатчилик томонидан қабул қилинган ҳуқуқ эса қонунлаштирилган, амри вожиблаштирилган ахлоқдир. Аслида давлат кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичида ахлоқий норма, талаблар ижтимоий фикр сифатида амал қилиш кучини йўқотгандан сўнг уларни кишиларга мажбурий-амри вожиб тарзида бажартирувчи ташкилот сифатида юзага келади.

Ахлоқнинг пайдо бўлиш масаласи ахлоқшунослик фани тадқиқот доирасининг муҳим жиҳатини ташкил этади. Ушбу масала ечимига икки хил ёндашув мавжуд: диний ва табиий-илмий қарашни даҳрийлик деб ҳисоблайдилар. (дунёвий). Биринчи йўналиш вакиллари ахлоқнинг пайдо бўлишини инсонни худо яратган деган қарқшдан келиб чиққан ҳолда тушунтирадилар. Бунда улар Ер юзидаги инсониятнинг аксарият кўпчилиги диндор эканлигини асосий далил қилиб кўрсатадилар. (Мас. Қад. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т. 2000,120-б.)

Табиий-илмий қараш мазкур масалани фан ютуқлари (археология, этнография, биология)га таянган ҳолда талқин қиладилар. Шунини таъкидлаш керакки илм фанни яратувчи куч(худо) нинг моҳиятини англаш деб билганки ахлоқ моҳиятини инсонга Худо томонидан ато этилган мутлақ ўзгармас неъмат деб қарамайдилар. Форобий, Ибн сино Беруний каби дунёвий ва илмий билимларни бир-бирига мавжудлик усуллари деб қарайдилар. Улар худо инсонни ҳайвонлардан фарқли ўлароқ ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ахлоқа камол топтириш имкониятлари билан яратганки, бунга эришиш унинг ўз измида деб тушунтирадилар.

“Инсондаги хулқ-атвор ва ҳаёт тарзига келганда шунини айтиш керакки-деб ёзади Абу Райҳон Беруний –инсон ўз иродасига эга бўлади.(Жавоҳирот китобида) Бунда шахс ўз нафсини (кўнглини) нима билан тозаламаса, уни руҳоний табобат билан даволай олса ва ахлоқ китобида айтиб ўтилган йўл-йўриқлар билан аста-секин ундаги даврлардан фориғ этса, бундай инсон мазаммат –(айбланадиган) қилинадиган томонларини мақтаналадиган томонларга айлантиришга ҳам қодирдир”.¹

Ахлоқнинг пайдо бўлиши масаласини моддиюнчилик-даҳрийлик йўналиши бўйича талқин этишда асосан инглиз табиатшуноси Чарлз Дарвин(1809-1882) эволюцион назариясига таянадики, унга мувофиқ одам ҳайвонот оламиндан узоқ тадрижий тараққиёт натижаси ўлароқ пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ана шу жарённинг маҳсулидир. Дарвиннинг ушбу таълимоти кейинчалик табиатшунослар, файласуфлар томонидан риаожлантирилади. Ана шундайлардан бири рус анархисти, файласуфи П. А. Кропаткин (1842-1921)дир. У ўзининг “Адолат ва ахлоқийлик” номли асарида ўзаро ёрдам,(взаимопомощь) ҳаққонийлик (справедливость) каби ахлоқий инстинктив ҳиссиётлар ҳайвонот дунёсига хос бўлиб, улар кейинчалик кишилиқ жамияти тараққиёти жараёнида том маънодаги ахлоқийлик тамойиллари сифатида шаклланади деган дарвинча қарашни баён этади.¹

Ҳозирги замон илм –фани кашфиётлари моддиюнча даҳрийлик ғоясининг асосизлиги ва оламини Яратувчи ибтидо Куч-Худонинг мавжудлигини исботлаб беришга хизмат қилмоқда. Бу ўринда аниқ фанлар соҳасида инқилоб қилган Альберт Эйнштейн (1882-1944) эътирофининг эсга олиш характерлидир: “ Мен ўзимнинг нисбийлик назариямни кашф қилганимдан сўнггина Яратувчи куч- Худонинг мавжудлигига ишонабошладим”²

XX асрнинг 60-70 йилларида табиатшунос олимлар – Г. Хакен, И. Пригожин, И. Стенгерслар томонидан илгари сурилган ва оламнинг тузилиши, пайдо бўлиши ҳақидаги мавжуд тасаввурларни ўзгартириб синергетика таълимоти “ йўқдан бор бўлмади ва бордан йўқ бўлмади” деган моддиюнча –даҳрийлик ғоясининг пуч эканлигини кўрсатиб беради.

2. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари.

Илк ахлоқий қарашлар бундан уч ярим минг йиллар илгари юзага келган бўлиб, то бугунги кунга қадар унинг назарий – фалсафий таълимот сифатида шаклланиши қуйидаги давр босқичларида кечади:

¹ Қаранг: П. А. Кропаткин. Справедливость и нравственность. // Этика М., Политиздат, 1991. С.270-271.

² Ўша жойда.

- 1.Қадимги давр ахлоқий тафаккури;
 - 2.Ўрта асрлар, уйғониш даври ахлоқий таълимотлари тараққиёти
 - 3.Янги давр (XVII-XVIIIасрлар) ахлоқий таълимотлари.
- Ҳозирги давр (XIX-XX асрлар ахлоқий фикр тараққиёти.

Дастлабки ахлоқий қарашлар назарий –фалсафий йўналишда қадимги Шарқ – Шумер, Бобил, Мисрда шакллана бошлаган. Бундан ушбу минтақалардан топилган миҳ хатлар билан гилтахталарда ёзиб қолдирилган маталлар, мақоллар шаклидаги ёдгорликлар гувоҳлик беради.

Шумерликлар ўзларининг эзгулик, ҳақиқат тамойиллари бўлмиш маъбудаларига атаб кўшиқлар мадҳ этилган ва улар кейинчалик алқов-..гимнларча айланган. Ва улар халқнинг ҳамжихатликда яшашга, эзгуликка йўналтирувчи ахлоқий норма , қоидалар вазифасини ўтган.

Қадимги Миср ва Бобилда ахлоққа доир “қарашлар эпос, халқ дostonлари, пандномаларда баён этилганки, уларнинг айримлари бизгача етиб келган. (“Пхотатеп ўғитлари”) , “Хўжайиннинг ўз кули билан ҳаётнинг мазмуни ҳақида суҳбати”, “Гильгамиш” эпоси, “Арфиси кўшиғи” каби битикларда “бахт”, “бурч”, “адолат”, “ҳаётнинг мазмуни” каби ахлоқий мезоний тушунчалар тавсифланадики, ахлоқий меъёрлар хусусида фикр юритилади.

Қадимги Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур зардуштийлик дини негизида шаклланган бўлиб, унинг асосий ғояси “Авесто” да ўз ифодасини топган. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мазкур ғоянинг асосини ташкил этади. Бунда Ахурамазда эзгулик, Ахримен ёвузлик кучларининг тимсоли сифатида кўрсатилади ва эзгулик худоси мадҳ этилади. Чунки фақат угина кишиларга бахт-саодатга эриштиради, камолат сари етаклайди.

Шунга кўра “Авесто” да илгари сурилган, “эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амал” ғояси моҳиятан ахлоқий қоида, тамойилларки, булар ҳар бир кишини ана шу ғоя асосида яшашга йўналтиради.

Бу ўринда “Авесто” дан куйидаги истибоҳни келтириб ўтамыз: “Яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф—хатар остида қолганда кўмаклашиш, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашига шайлик, ҳамма билан аҳил ва тоғувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжихатликда яшашга интилиш эзгу амалдир.

Инсон ўз фикр–ҳаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, чунки бундай ҳасадда у киши яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ножўя ҳаракат қилади.

“Авесто”да инсоннинг ахлоқсизлигини ёвузлик, ёмонликка қўл уруши учун ҳам олдиндан жазо бўлиши ва у дунёда бундай кишиларга бериладиган жазо ҳақида фикр юритилади. Унда келтирилишича, одамзоти ҳаётининг иккинчи даври Зардуштнинг диний ислоҳотлари билан боғлиқ фаолияти бўлиб, у дин ва имон учун беомон курашлар билан характерланади, 3000 йиллик курашлардан сўнг Зардуштнинг фарзанди бошчилигида дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага келади. Ахриман енгиледи. Учинчи даврда қиёмат қойим бошланади ва ўликлар тирилиб, Худо ҳузурига ўз қилмишлари ҳақида ҳисоб бергани боришади. Ҳамма ишлардан воқиф бўлган Худонинг олдига юборилади ва ҳисоб-китоб қилинади. Эзгу амал билан машғул бўлганлар жаннатга киритилади, ёвуз ишлар билан шуғулланганлар жаҳаннам азобига маҳкум бўладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, охирзамон, бу дунё жаннат ва дўзах ҳақидаги ғоя биринчи бўлиб зардуштийлик томонидан илгари сурилган бўлиб, бу кейинчалик барча дунёвий динларнинг асосий ғоясига айланади.

Қадимги давр ахлоқий тафаккури Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистонда юксак тараққиёт босқичига кўтарилади. Ведачилик, йўга, жайнчилик, буддачилик, локаята деб аталадиган диний-фалсафий оқимлар қадимги Ҳиндистон ахлоқшунослигининг шанлланишида муҳим роль ўйнайди. Булар орасида ведачилик етакчи оқим ҳисобланади. “Ведалар” диний-фалсафий мазмунга эга бўлган муқаддас битиклар бўлиб, уларда қадимги даврда яшаган маънавий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривож, ахлоқий қарашлари ҳақида муҳим маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

Ведачилик таълимотига кўра, жамият тўрт табақага-браҳманлар (қоҳинлар), кштарийлар (ҳарбийлар), ва ишчилар (деҳқонлар, косиблар), шчудрийлар (қуллар). Ва ҳар бир табақа муаян даражадаги туғма ахлоққа эгадирлар. Улар ичида қоҳинлар юксак ахлоққа эга бўлиб, ахлоқан қуллар тубан одамлар ҳисобланади.

Йўга, жайнчилик ва баддохчилик оқимлари ведачиликдан фарқли равишда ахлоқий фазилатлар туғма бўлмасдан, улар ҳар бир шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш, камол топтириш натижасида шаклланади деб тушунтирадилар.

Қайд этилган оқимлар орасида буддохчилик етакчи фалсафий-ахлоқий-таълимот бўлиб, у то ҳозирги пайтгача ҳам Ҳиндистон, Хитой, Япония ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи мавқеини эгаллаб келмоқда. Буддахчиликнинг асосчиси Сиддхарийха Гаутама лақаби Будда-санскритча

буддаха-нурланган милоддан авв. 567-488 й). дирки, у ўз таъминотини ведалар матнлари асосида яратади. Унинг таълимотининг негизини қуйидаги “тўрт олий ҳақиқат” ташкил этади.

- 1) Бу дунёдаги ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат.
- 2) Бу азоб-уқубатларнинг сабаблари бор.
- 3) Бу сабабларни англаб олиш ва халос бўлиш мумкин.

4) Азоб-уқубатлардан халос бўлиш, уларни бартараф этиш йўллари бор ва уларни билиб олиш мумкин. Ва бунда ахлоқий меъёр ва тамойилларга қатъий риоя қилишни ана шундай йўлларида бири деб кўрсатилади. Булар: ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғрилиқ қилишдан, ҳис-ғуйғуларга ортиқча берилишдан, сақланиш, маст қилувчи ичкиликлардан ўзини тийиш, турмуш ўртоғига хиёнат қилмаслик, зебу зийнатга берилмаслик.

Хитойдаги ахлоқий тафаккур даочилик ва конфуцийлик таълимотлари негизида шаклланади. Даочиликнинг асосчиси Лао-цзи (милоддан аввал. VI-V асрлар) бўлиб, унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари “Дао де цзин” номли асаридан баён этилган. Унинг фикрича, борликда “дао” деб аталадиган, унинг уйғунлигини таъминлаб турадиган объектив қонуният амал қилади. Инсон ҳам ана шу қонуниятга бўйсинди. У ана, шу қонуният тамойилларига амал қилган пайтда ахлоқий комилликка йўл тутди, ундаги барча салбий хислатлар, ахлоқсизликлар даоча нисбатан хилоф хатти-ҳаракатларнинг натижасидир.

Конфуцийлик ахлоқий-сиёсий таъминот бўлиб, унинг асосчиси Кун-цзи (Конфуций) – милоддан аввал. 551-479) дир. Унинг ахлоқий қарашлари “Сухбатлар ва мулоҳазалар” (“Лунь юй”) китобида афоризм, ҳикматлар шаклида баён этилган.

Унинг фикрича инсон тақдирини “Осмон” қонуни белгилайди, одамларнинг табақага бўлиниши, қисматини ўзгартириб бўлмайди. Шу бош кичик каттага, хизматчи хўжайинга бўйсинмоғи, итоат қилмоғи керак. Унинг уқдиришича, “Жен”, “Ли” деб аталадиган самовий ахлоқий-инсонпарварлик қонуниятлари мавжудки, кишилар уларга сўзсиз риоя қилиши зарур.

Ушбу қонуният жамиятда, қуйидаги тамойил бўйича амал қилиниши керак: Император-осмон ўғли, у осмон остидагиларнинг барчасига ота. Демак, подшо-подшо, ота-она, мулозим-мулозим, ўғил-ўғил бўлиши даркор.

Кишилар ушбу қонуниятларни ўрганиб, ўзлаштириб олишлари учун ўзининг жамиятдаги ўрни, мавқеи даражасини ва ўз бурчларини яхши билишлари зарур.

Қадимги давр ахлоқий тафаккури тизимлашган илмий-фалсафий билим соҳаси сифатида Юнонистонда шаклланади.

Бунга Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит каби мутафаккирлар катта ҳисса қўшадилар.

Демокрий (эрам.аввал.460-370)нинг ахлоқий қарашлари асосида ақл инсоннинг маънавияти, ахлоқнинг негизини ташкил этади ва унинг такомил билан киши бахтга эришиши мумкин, деган ғоя ётади. Унингча донолик (ақллилик) ахлоқий фазилатларни, хусусан, яхши фикрлаш, яхши хулқ-атворни ҳосил қилади.

Сукрот (эрам.аввал. 469-399) ахлоқининг негизининг донишмандлик ташкил этади ва у ўзгармас ва мутлақ табиатига эгадир. Донишмандлик эса ўз-ўзини англашдан бошланади. Унинг “куч билимда, ўз-ўзини бил” каби фикрлари ҳозиргача ҳам “Ли” фикрлари ўз аҳамиятини йўқотмаган.

“Ли” тушунчаси тартиб, бўйисуниши зарур бўлган қоида, деган маъноларни англатади. Тартиб бўлмаса жамият барқарор ривожланмайди. Кишилар бу қоидаларга бўйсунганларида ахлоқий фазилатларга эга бўладилар.

Сукрот ҳам Конфуций каби тартибли умумий қонун қоидаларни ахлоқнинг асоси деб ҳисоблайди. Бунингча “нимаики қонуни бўлса, ўша адолатлидир”. Бу ўз даврида Афинадаги мавжуд тузум қонун қоидаларини қаттиқ танқид остига олган ва шунга кўра унга сиёсий айб қилиб ўлимга ҳукм этилади. Унинг шогирдлари Сукротни ўлимдан қутқариб қолиш йўлини таклиф қилганда, бу унга рози бўлмайди ва суд ҳукмига бўйсинишни айтган.

Сукрот фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари туради ва бу масалаларнинг қандай тарзда ҳал қилиниши жамият ҳаёти равнақини белгилайди деб ҳисоблайди.

Афлотун (эрамиздан аввалги 347) нинг ахлоқий қарашларининг фалсафий асоси ғоялари ва жон (рух) тўғрисидаги таълимот ташкил этади. Унинг фикрича, бу оламдаги барча нарса ҳодисалар, ғоялар дунёсининг соясидир. Демак, ахлоқ илоҳий асосга эга. Афлотун давлатни бошқариш, сиёсатни амалга оширишда ахлоқнинг тутган ролини ўзининг ана шу қарашларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради. Унинг бу ҳақидаги қарашлари “давлат”, “сиёсат” каби асарларида баён этилган.

Арасту (эрамиздан аввалги 384-322) биринчилардан бўлиб, ахлоқшуносликни мустақил фан

сифатида фалсафадан ажратиб, унинг предмети, вазифаларини белгилаб берган мутафаккирдир. Бу мазкур илм соҳасини амалий фалсафа деб таърифлайди ҳамда уни “этика” деб номлайди.

Арасту ихтиёр эркинлигини ахлоқ тизилмасининг асоси таркибий қисми деб кўрсатади. Шунингдек Афлотундан фарқли равишда ахлоқни руҳнинг тўғлич хусисяти эмас, балки тафаккур билан бевосита ихтиёр эркинлиги натижасида ҳосил қилинадиган фазилати талқин қилади. Арасту инсон ўз маънавий баркамоллигига ўзида ана шундай фазилатни шакллантириш билан эришади, деб ҳисоблайди. У бу ҳақида шундай деб ёзади: “маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигида амал қиладиган кишидир. Фазилат инсонни қўлга киритган сифатидир”.

2. Ахлоқшуносликнинг вазифалари, унинг жамият ижтимоий – маънавий ҳаётидаги ўрни унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Маълумки, инсон, унинг моҳияти фалсафанинг азалий муаммоларидан бири ҳисобланадики, бунинг тадқиқи ахлоқшуносликнинг алоҳида илм соҳаси сифатида фалсафадан ажралиб чиқишни юзага келтиради.

Ахлоқ инсон моҳияти, унинг борлигининг субстанциявий (жавҳорий) жиҳати бўлиб, homo sapiens ни—“ақлли мавжудот”ни қандай қилиб noto motalisus – “ахлоқий мавжудот”га айлантириш энг қадимги даврдан то ҳозиргача ҳам ечимини топмаган муаммо бўлиб келмоқда.

Ҳозирги давр жаҳон цивилизациясига хавф солаётган глобал экологик муаммоларни инсоннинг “ақлли мавжудот” сифатидаги хатти-ҳаракатлари келтириб чиқарган бўлса, уни бартараф этувчи ҳам унинг ўзи ҳисобланади. Бунинг учун эса у том маънодаги “ахлоқий мавжудот” даражасига кўтарилмоғи, ўз-ўзини англаб етмоғи лозим бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ер юзидаги-оксил моддаларнинг яшашига, Ҳаётга хавф солаётган экологик муаммолар,-айтиш мумкинки, инсоннинг узоқ йиллар мобайнида табиатга “ахлоқсиз мавжудот” сифатида муносабатида бўлиб келганлигининг натижасидир. Бу ўринда машҳур австриялик биолог, Нобель мукофоти совриндори Кинрад Лоринцнинг куйидаги сўзлари мутлоқ ҳақиқатдир: “Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисасининг асосий сабаби цивилизациямиз кишидаги эстетик ва ахлоқий тўппосликдир”.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ахлоқшунослик фани глобал миқёсдаги ҳаёт-мамот масалаларини ҳал этишда муҳим рол ўйнайди.

Маърузамизнинг бошида таъкидлаганимиздек, ахлоқшунослик ўз тадқиқот объектини назарий (баён қилиш; изоҳлаш) ва амалий (дидактик, ..) йўналишларида ўрганадики, унинг вазифалари ҳам ана шу томонлар билан белгиланади. Назарий йўналишдаги вазифалари: 1) ахлоқни ўзига хос ижтимоий онг шакли, ижтимоий ҳодиса (фенолик) сифатида ўрганиш; 2) унинг бошқа ижтимоий онг шакллари билан ўзаро диалектик бирликда жамият ва шахс маънавий ҳаёти тизимида амал қилиш қонуниятларини очиб бериш; 3) ахлоқий мезоний тушунчалар, меъёр ва тамойилларнинг баҳовий, қадриятли табиатини кўрсатиб бериш; 4) гуманитар-педагогик тавсиялар қодалар ишлаб чиқиш.

Амалий йўналишдаги вазифалари;

1) Ахлоқий билимларни инсон шахси дунёқараш, эътиқодига айлантириш;

2) Ҳар бир шахс ахлоқий онги ва фаолиятини уйғунлаштириш орқали унинг ахлоқий маданиятини шакллантириш;

3) Ахлоқий тарбияни бошқа тарбия йўналишлари билан узвий алоқадорликда олиб боришни амалга ошириш.

Ахлоқшунослик фани ҳозирги пайтда мамлакатимизда ўзига хос моделдаги фуқаролик асосларини барпо этиш борасидаги вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бундай жамият ижтимоий муносабатларнинг мукамал уйғунлигини тақозо этадики, бунга миллий истиқлол ғоясини ўзида мужассамлаштирган маънавий-ахлоқий меъёрлар, тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши орқали эришилади.

Истиқлол мафқурасининг ғоя, мазмунига ахлоқий меъёр, тамойиллар руҳи сингдирилгандагина улар кишилар томонидан ботиний эътиқод, дунёқараш даражасида ўзлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, миллий истиқлол ғояси, ихтиёр эркинлиги орқали ўзлаштирилгандагина ўзгартирувчи интеллектуал-ахлоқий кучга айланади. Мавзуни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва уни мустақил ўрганиш учун интерактив режимидаги савол ва топшириқлар.

1. Ахлоқнинг келиб чиқиши ҳақида қандай қарашлар мавжуд? Сиз уларнинг қайси бирига кўшилисангиз ва бунинг сабабини изоҳлаб беринг.

2. “Ахлоқ”, “одоб”, “хулқ” тушунчалари мазмунини очиб беринг (муҳим белгиларини ажратиб кўрсатинг) ва уларни конкрет мисоллар бўйича изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг.

3. Ахлоқшуносликнинг фалсафий фан эканлиги нима билан белгиланади?

4. Ахлоқни объектив характерга эга дейиш мумкинми?

2-мавзу: Ўрта асрлар мусулмон шарқи, янги давр ва ҳозирги давр европа ахлоқшунослиги.

(2 соат).

Режа:

1. Диний-ҳадисий йўналиш ахлоқшунослиги. (Ал-Бухорий, Ат-Термизий).

2. Машшоййўнлик ва тасаввуф ахлоқшунослиги таълимотлари. (Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ғаззолий, Румий). Темур ва Темурийлар даври ахлоқшунослиги (Навоий, Жомий, Кошифий).

3. Янги давр ва ҳозирги давр Европа ахлоқшунослиги (Валла, Макиавелли, Кант, Шеллинг, Ҳегель, руҳий таҳлил, экзистенциячилик, ғайризўравонлик).

4. Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашлари. (Аҳмад Дониш, Абай, - Анбар Отин, Абдулла Авлоний, Фитрат).

Таянч иборалар: Машшоййўнлик, тасаввуф, руҳий таҳлил, экзистенциячилик, ғайризўравонлик, жадидчилик, дин, ҳадис.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. "Фидокор" газетаси. 2000.8 июнь.

2. И.А. Каримов. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т.1994.6-17.б.

3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Маърузалар матни. Т.: 2000. 3-118 - б.

4. Абдулла Шер. Ибрат кўзи." "Соғлом авлод учун" журнали, 1996.7-8, 9-10 сонлар.

5. Ибн Сино. Бахманёр ал-Озарбайжоний билан мунозара."Соғлом авлод учун" журнали, 1996.3-4 сонлар.

6. Н. Комилов. Комил инсон – миллат келажаги. Т., 2001, 3-11-бетлар.

7. Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.1994. 159-162-бетлар.

8. Й.Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикр тараққиёти тарихидан. Т.: 1998. 5-21 – бетлар.

Қўшимча адабиётлар

1. Авесто. Аша алқови. Т., 2000.

2. Конфуций. Панд-ўғитлар. «Соғлом авлод учун» Журнали, 1997. 5-

3. Хусайн Воиз Кошифий. Футувномаи Султоний, Т., 1994. 7-18 – бетлар.

4. Ф.Ницше. Зардушт таволлоси. «Тафаккур» журнали. 1995. 1-сон.

5. А.Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1993. 3-9-бетлар.

6. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони Т., 1994, 3-10-бетлар.

Илк ахлоқий қарашлар бундан уч ярим минг йиллар илгари юзага келган бўлиб, то бугунги кунга қадар унинг назарий – фалсафий таълимот сифатида шаклланиши куйидаги давр босқичларида кечган:

4. Қадимги давр ахлоқий тафаккури;

5. Ўрта асрлар, уйғониш даври ахлоқий таълимотлари тараққиёти

6. Янги давр (XVII-XVIIIасрлар) ахлоқий таълимотлари.

Ҳозирги давр (XIX-XX асрлар ахлоқий фикр тараққиёти.

Дастлабки ахлоқий қарашлар назарий –фалсафий йўналишда қадимги Шарқ – Шумер, Бобил, Мисрда шакллана бошлаган. Бундан ушбу минтақалардан топилган мих хатлар билан гилтаҳталарда ёзиб қолдирилган маталлар, мақоллар шаклидаги ёдгорликлар гувоҳлик беради.

Шумерликлар ўзларининг эзгулик, ҳақиқат

тамойиллари бўлмиш маъбудаларига атаб кўшиқлар мадҳ этганлар ва улар кейинчалик алқов-гимнларча айланган. Ва улар халқнинг ҳамжихатликда яшашга, эзгуликка йўналтирувчи ахлоқий норма, қоидалар вазифасини ўтган.

Қадимги Миср ва Бобилда ахлоққа доир “қарашлар эпос, халқ дostonлари, пандномаларда баён этилганки, уларнинг айримлари бизгача етиб келган. (“Пхотатеп ўғитлари”), “Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётнинг мазмуни ҳақида суҳбати”, “Гильгамиш” эпоси, “Арфиси кўшиғи” каби битикларда “бахт”, “бурч”, “адолоат”, “ҳаётнинг мазмуни” каби ахлоқий мезоний тушунчалар тавсифланадики, ахлоқий меъёрлар хусусида фикр юритилади.

Қадимги Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур зардуштийлик дини негизида шаклланган бўлиб, унинг асосий ғояси “Авесто” да ўз ифодасини топган. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мазкур ғоянинг асосини ташкил этади. Бунда **Ахурамазда эзгулик, Ахримен ёвузлик кучларининг** тимсоли сифатида кўрсатилади ва эзгулик худоси мадҳ этилади. Чунки фақат угина кишиларга бахт-саодатга эриштиради, камолат сари етаклайди.

Шунга кўра “Авесто” да илгари сурилган, “эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амал” ғояси моҳиятан ахлоқий қоида, тамаойилларки, булар ҳар бир кишини ана шу ғоя асосида яшашга йўналтиради.

Бу ўринда “Авесто” дан қуйидаги истибоҳни келтириб ўтамиз: “Яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф—хатар остида қолганда кўмаклашиш, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашига шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжихатликда яшашга интилиш эзгу амалдир.

Инсон ўз фикр—хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, чунки бундай ҳасадда у киши яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ножўя ҳаракат

қилади.

“Авесто”да инсоннинг ахлоқсизлигини ёвузлик, ёмонликка қўл уруши учун ҳам олдиндан жазо бўлиши ва у дунёда бундай кишиларга бериладиган жазо ҳақида фикр юритилади. Унда келтирилишича, одамзоти ҳаётининг иккинчи даври Зардуштнинг диний ислоҳотлари билан боғлиқ фаолияти бўлиб, у дин ва имон учун беомон курашлар билан характерланади, 3000 йиллик курашлардан сўнг Зардуштнинг фарзанди бошчилигида дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага келади. Аҳриман енгилади. Учинчи даврда қиёмат қойим бошланади ва ўликлар тирилиб, Худо ҳузурига ўз қилмишлари ҳақида ҳисоб бергани боришади. Ҳамма ишлардан воқиф бўлган Худонинг олдига юборилади ва ҳисоб-китоб қилинади. Эзгу амал билан машғул бўлганлар жаннатга киритилади, ёвуз ишлар билан шуғулланганлар жаҳаннам азобига маҳкум бўладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, охирзамон, бу дунё жаннат ва дўзах ҳақидаги ғоя биринчи бўлиб зардуштийлик томонидан илгари сурилган бўлиб, бу кейинчалик барча дунёвий динларнинг асосий ғоясига айланади.

Қадимги давр ахлоқий тафаккури Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистонда юксак тараққиёт босқичига кўтарилади. Ведачилик, йўга, жайнчилик, буддачилик, локаята деб аталадиган диний-фалсафий оқимлар қадимги Ҳиндистон ахлоқшунослигининг шанлланишида муҳим роль ўйнайди. Булар орасида ведачилик етакчи оқим ҳисобланади. “Ведалар” диний-фалсафий мазмунга эга бўлган муқаддас битиклар бўлиб, уларда қадимги даврда яшаган маънавий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривож, ахлоқий қарашлари ҳақида муҳим маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

Ведачалик таълимотига кўра, жамият тўрт табақага-браҳманлар (қоҳинлар), кштарийлар (ҳарбийлар), ва ишчилар (деҳқонлар, косиблар), шчудрийлар (қуллар). Ва ҳар бир табақа муаян даражадаги туғма ахлоққа эгадирлар.

Улар ичида қоҳинлар юксак ахлоққа эга бўлиб, ахлоқан куллар тубан одамлар ҳисобланади.

Йога, жайнчилик ва баддохчилик оқимлари ведачиликдан фарқли равишда ахлоқий фазилатлар туғма бўлмасдан, улар ҳар бир шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш, камол топтириш натижасида шаклланади деб тушунтирадилар.

Қайд этилган оқимлар орасида буддохчилик етакчи фалсафий-ахлоқий-таълимот бўлиб, у то ҳозирги пайтгача ҳам Ҳиндистон, Хитой, Япония ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи мавқеини эгаллаб келмоқда. Буддахчиликнинг асосчиси **Сиддхарийха Гаутама лақаби Будда-санскритча буддаҳа-нурланган милоддан авв. 567-488 й).** дирки, у ўз таъминотини ведалар матнлари асосида яратади. Унинг таълимотининг негизини қуйидаги “тўрт олий ҳақиқат” ташкил этади.

5) Бу дунёдаги ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат.

6) Бу азоб-уқубатларнинг сабаблари бор.

7) Бу сабабларни англаб олиш ва халос бўлиш мумкин.

8) Азоб-уқубатлардан халос бўлиш, уларни бартараф этиш йўллари бор ва уларни билиб олиш мумкин. Ва бунда ахлоқий меъёр ва тамойилларга қатъий риоя қилишни ана шундай йўлларида бири деб кўрсатилади. Булар: ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғрилиқ қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан, сақланиш, маст қилувчи ичкиликлардан ўзини тийиш, турмуш ўртоғига хиёнат қилмаслик, зебу зийнатга берилмаслик.

Хитойдаги ахлоқий тафаккур даочилик ва конфуцийлик таълимотлари негизида шаклланади. Даочиликнинг асосчиси Лао-цзи (милоддан аввал. VI-V асрлар) бўлиб, унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари “Дао де цзин” номли асарида баён этилган. Унинг фикрича, борликда “дао” деб аталадиган, унинг уйғунлигини таъминлаб турадиган объектив қонуният амал қилади. Инсон ҳам ана шу қонуниятга бўйсунди. У ана, шу қонуният тамойилларига

амал қилган пайтда ахлоқий комилликка йўл тутди, ундаги барча салбий хислатлар, ахлоқсизликлар даога нисбатан хилоф хатти-ҳаракатларнинг натижасидир.

Конфуцийлик ахлоқий-сиёсий таълимот бўлиб, унинг асосчиси Кун-цзи (Конфуций) – милоддан аввал. 551-479) дир. Унинг ахлоқий қарашлари “Сухбатлар ва мулоҳазалар” (“Лунь юй) китобида афоризм, ҳикматлар шаклида баён этилган

Унинг фикрича инсон тақдирини “Осмон” қонуни белгилайди, одамларнинг табақага бўлиниши, қисматини ўзгартириб бўлмайди. Шу бош кичик каттага, хизматчи хўжайинга бўйсинмоғи, итоат қилмоғи керак. Унинг уқдиришича, “Жен”, “Ли” деб аталадиган самовий ахлоқий-инсонпарварлик қонуниятлари мавжудки, кишилар уларга сўзсиз риоя қилиши зарур.

Ушбу қонуният жамиятда, қуйидаги тамойил бўйича амал қилиниши керак: Император-осмон ўғли, у осмон остидагиларнинг барчасига ота. Демак, подшо-подшо, ота-она, мулозим-мулозим, ўғил-ўғил бўлиши даркор.

Кишилар ушбу қонуниятларни ўрганиб, ўзлаштириб олишлари учун ўзининг жамиятдаги ўрни, мавқеи даражасини ва ўз бурчларини яхши билишлари зарур.

Қадимги давр ахлоқий тафаккури тизимлашган илмий-фалсафий билим соҳаси сифатида Юнонистонда шаклланади.

Бунга Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит каби мутафаккирлар катта ҳисса қўшадилар.

Демокрит (эрам.аввал.460-370)нинг ахлоқий қарашлари асосида ақл инсоннинг маънавияти, ахлоқнинг негизини ташкил этади ва унинг такомили билан киши бахтга эришиши мумкин, деган ғоя ётади. Унингча донолик (ақллилик) ахлоқий фазилатларни, хусусан, яхши фикрлаш, яхши хулқ-атвори ҳосил қилади.

Сукрот (эрам.аввал. 469-399) ахлоқининг негизининг донишмандлик ташкил этади ва у ўзгармас ва мутлақ

табиатига эгадир. Донишмандлик эса ўз-ўзини англашдан бошланади. Унинг “куч билимда, ўз-ўзингни бил” каби фикрлари ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

“Ли” тушунчаси тартиб, бўйисуниши зарур бўлган қоида, деган маъноларни англатади. Тартиб бўлмаса жамият барқарор ривожланмайди. Кишилар бу қоидаларга бўйсунганларида ахлоқий фазилатларга эга бўладилар.

Сукрот ҳам Конфуций каби тартибли умумий қонун қоидаларни ахлоқнинг асоси деб ҳисоблайди. Бунингча “нимаики қонуни бўлса, ўша адолатлидир”. Бу ўз даврида Афинадаги мавжуд тузум қонун қоидаларини қаттиқ танқид остига олган ва шунга кўра унга сиёсий айб қилиб ўлимга ҳукм этилади. Унинг шогирдлари Сукротни ўлимдан қутқариб қолиш йўлини таклиф қилганда, бу унга рози бўлмайди ва суд ҳукмига бўйсинишни айтган.

Сукрот фалсафасининг марказида ахлоқ масалалари туради ва бу масалаларнинг қандай тарзда ҳал қилиниши жамият ҳаёти равнақини белгилайди деб ҳисоблайди.

Афлотун (эрамиздан аввалги 347) нинг ахлоқий қарашларининг фалсафий асоси ғоялари ва жон (руҳ) тўғрисидаги таълимот ташкил этади. Унинг фикрича, бу оламдаги барча нарса ҳодисалар, ғоялар дунёсининг соясидир. Демак, ахлоқ илоҳий асосга эга. Афлотун давлатни бошқариш, сиёсатни амалга оширишда ахлоқнинг тутган ролини ўзининг ана шу қарашларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради. Унинг бу ҳақидаги қарашлари “давлат”, “сиёсат” каби асарларида баён этилган .

Арасту (эрамиздан аввалги 384-322) биринчилардан бўлиб, ахлоқшуносликни мустақил фан сифатида фалсафадан ажратиб, унинг предмети, вазифаларини белгилаб берган мутафаккирдир. Бу мазкур илм соҳасини амалий фалсафа деб таърифлайди ҳамда уни “этика” деб номлайди.

Арасту ихтиёр эркинлигини ахлоқ тизилмасининг асоси таркибий қисми деб кўрсатади. Шунингдек Афлотундан

фарқли равишда ахлоқни руҳнинг хусусияти эмас, балки тафаккур билан бевосита ихтиёр эркинлиги натижасида ҳосил қилинадиган фазилати талқин қилади. Арасту инсон ўз маънавий баркамоллигига ўзида ана шундай фазилатни шакллантириш билан эришади, деб ҳисоблайди. У бу ҳақида шундай деб ёзади: “маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигида амал қиладиган кишидир. Фазилат инсонни кўлга киритган сифатидир”.***

Ўрта асрларда ахлоқий тафаккур мусулмон шарқида юксак тараққиёт даражасига кўтаришган. Агар Ғарб-Оврўпада бу даврда турғунлик-схоластика ҳукм сурган бўлса, бу минтақада, хусусан Марказий Осиёда уйғониш даври юз беради. Бу даврда ахлоқшунослик машшойийунлик (арастучилик) ва тасаввуф фалсафий-диний таълимотлари ривожланадилар. Беруний, Фаробий, ибн Сино, Ибн Рушдлар, Арасту таълимотини ривожлантирган ва ахлоқшунослик масалаларини ана шу йўналишда талқин қилган мутафаккирлардир.

Абу Наср Форобий (873-950)нинг ахлоқий қарашлари унинг “Фозил одамлар шаҳари”, “Шаҳарни идора этиш китоби”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола” каби асарларда баён этилган. Форобийнинг қарашича ахлоқий Камолотга эришиши инсоннинг ўз кўлидадир. Бунга эса тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаши орқали эришилади. Барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирлари билан, ҳамкорлик муносабатида бўлишлари керак деб кўрсатади файласуф. Бахт, унинг талқинича, табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдир.

Абу Райҳон Беруний 973-1048 ҳар қандай билимлар инсоннинг ахлоқий камолотга хизмат қилиш кераклигини у “бурч” “номус”, “яхшилиқ ва ёмонлик”, “адолат”, “виждон” мезонли тушунчаларни ана шу нуқтаи назардан туриб талқин қилади. Унинг ана шу ахлоқий қарашлари “Ҳиндистон”, “Жавоҳирот” асарларида ўз аксини топган.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ахлоқий қарашлари “Саломон ва Ибсол ҳақида қисса”, “Зафарнома”, “Рисолат ат-Тайёр”, “Аksam аль умум ал ақлини” асарларида баён этилган.

Ибн Сино ахлоқий фазилатларни тарбия маҳсули деб ҳисоблайди. Унингча, камлотга интилиш яхшиликдир. Савол жавоб тарзида ёзилган “Зафарнома” номли пандномасида яхшилик қўйидагича тавсифланади.

“- Яхшиларнинг яхшилиги нимада? Деди: - Хоксорлик, беминнат саховат ҳамда мукофот таъма қилинмаган хизматида”³

Фаробий, ибн Синонинг фалсафий-ахлоқий қарашлари араб файласуфи Ибн Рушд (1126-1198) томонидан ривожлантирилади. Унинг ахлоқшуносликка оид қарашлари “Таҳофут ут-таҳофут” асарида баён этилган бўлиб, бунда у ихтиёр эркинлиги масаласи устида фикр юритилади. Унингча, инсон хулқ-атвори билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар азалдан белгилаб қўйилмайди, у ихтиёр эркинлигига эгадир. Бундай эркинликни инкор этиш яратувчининг моҳиятига зиддир, зотан инсоннинг ахлоққа зид хатти-ҳаракатларини тақдири азал битиклари деб бўлмайди. Илло ўз бандаларига ёмонлик соғиниши, уларни ёвузликка бошлаш яратувчининг атрибутларига кирмайди.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқда тасаввуф диний-фалсафий таълимот VIII аср боши ва IX аср бошларида Марказий Осиёга кенг ёйила бошлайди ва у Абдуҳолиқ, Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби бир қатор машҳур мутасаввулар томонидан ўзига хос маънавий-ахлоқий таълимот сифатида ривожлантирилади.

Аҳмад Яссавий (тахм. 1103-1166) ахлоқий қарашларини теран фалсафийлик билан йўғрилган “Девони ҳикмат” номли ўғит-пандномасида баён этади. Унингча, Худога-Ҳақиқат, Эзгулик тимсолига эришиш

³ Абу Али ибн Сино. Зафарнома. Самарканд, “Сўғдиёна”, 1993, 10-бет.

учун нима хизмат қилса, уларнинг барчаси ахлоқий фазилатлардир.

Тасаввуфнинг Яссавия йўналиши унинг номи билан аталиб келинади.

Абдухолик Гиждувоний (1103-1220) инсонни маънавий ахлоқий комиликка олиб борувчи йўллар (рашҳа)ларни ишлаб чиқади ва булар кейинчалик нақшбандия тариқати учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу тамойиллар тўртта бўлиб, улар: 1. Ҳуш дар дам: зикр вақтида ҳар бир чиқаётган нафас ҳушёрлик билан чиқмоғи, ғафлатга тушмаслик лозим, ҳар нафас олиб чиқариш пайтида Аллоҳни зикр қилиш даркор. 2. Назар бар қадам: солиқ тариқат аъзоси қаерда бўлмасин ҳар бир қадамига назар солиши, огоҳ бўлиб юрмоғи лозим. 3. Сафар дар ватан: солиқнинг ёмон одатдан хушхулқликка йўналиши. 4. Хилват дар анжуман: Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлиш зарурлиги.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) тасаввуфни маънавий-ахлоқий таълимот даражасига кўтарган мутасаввуф. У асос солган Нақшбандия тариқати Маркази Осиё халқларининг маънавий ҳаётидан чуқур ўрин эгаллайдики, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантиришда, миллий мафкурамизни кишилар қалбига сингдиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Нақшбандия тариқати А.Гиждувоний таълимотининг такомили бўлиб, унинг асосида “Дил ба ёру даст ба кор” (“Кўнгил Худода, қул эса ишда бўсин”) деган диний (илоҳийлик) лик ва дунёвийликни ўзида мужассамлаштирувчи шиор ётади. Мазкур шиорнинг мазмуни шундаки, ахлоқийлик инсоннинг бахт-саодатига йўналтирилган бунёдкорлик ишларида намоён бўлади ва бундай ахлоқийлик эса илоҳийлик билан йўғрилган бўлиши лозим.

Нажмиддин Кубро (1154-1226)нинг ахлоқий қарашлари “Шархуссунна вал-мисолиҳу”, “Усули

асари”, “Фавоинхул-Жамол” номли асарларида баён этилган. Кубровия тариқатининг моҳияти қуйидаги ўнта ахлоқий қоидаларда мужассамлашган: тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш; зуҳд фи дунё-ҳар қандай лаззатдан ўзни тийиш; таваккул-Оллоҳга эътиқод ва бу йўлдан ҳар қандай нопок нарсалардан воз кечиш; қаноат; узлат-хилватни ихтиёр қилиш; мулозамат аз-зикр; таважжух-Худога муҳаббат қўйиш; нафсни енгиш; муроқабат-тафаккур, мушоҳада қила билиш; ризо-Худо хушнудлиги эришиш.

Тасаввуф (нақшбандия) тариқати маънавий-ахлоқий таъминот сифатида Темур ва Темурийлар даврида халқ мафкурасига айланади ва кишиларни мўғул истилосига қарши курашга, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади. **Амир Темурнинг “Куч-адолатда” деган шиори мазмуни нақшбандия тариқатининг “Дил ба ёру даст ба кор” тамойили билан йўғрилган эди.** Темурийлар даврида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби ижодкорлар нақшбандия тариқати тамойиллари асосида ижод қиладилар ва унинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ибрат намуналарини кўрсатадилар.

Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг “Баҳористон” асарида бахт, бурч, яхшилик ва ёмонлик каби ахлоқий мезоний тушунчалар хусусида фикр юритилади.

Алишер Навоий (1441-1501) инсонни олий қадрият деб билади ва бунга ҳар бир киши энг аввало ўзида ахлоқий фазилатларни шакллантириш орқали эришади. Инсон бу дунёга бир марта келар экан, деб уқдиради мутафаккир ўзида ана шундай фазилатларни касб этиб яшамоғи керак:

Камолот касб этким олам уйидин,

Сенга фарз ўлмағой ғамнок чикмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайних

Эрур ҳаммомдан нопок чикмоқ.

Унинг “маҳбуб ул-қулуб” асари бевосита ахлоқий масалаларга бағишланган бўлиб, унда ахлоқий меъёрлар,

тамойллар ўғит, ҳикматлар тарзида баён этилади.

XV асрдан бошлаб Оврўпада уйғониш даври бошланади ва бу кейинчалик янги-илм фан, маърифатнинг ривожланган даврнинг шаклланишига замин тайёрлайди. Уйғониш давридаги ахлоқий қарашлар гуманизм-инсонпарварлик ғоялари таъсирида ривожланадики, бунга Лоренцо Валла, Никалло Макиавеллар катта ҳисса қўшадилар.

Л.Валла (1407-1457) “Ҳақиқий ва ёлғон эзгулик”, “Ихтиёр эркинлиги ҳақида” номли асарида барча жонзотларнинг табиатан ўзини асрашга ва изтиробдан қочишга интилишини таъкидлайди ва буни ўзининг ахлоқий қарашига асос қилиб олади. У муҳаббат, ихтиёр эркинлиги масалаларини ана шундай биологик қарашидан келиб чиққан ҳолда тавсифлайди. Унингча, муҳаббат лаззатга ўхшаш ҳиссий идрок этишдир, ихтиёр эркинлиги эса ҳар бир кишининг яхши яшаш учун интилиши ва ёмонликдан қочишидир.

М.Макиавелли (1469-1577) ахлоқшунослик масалаларини дин, сиёсат билан бевосита боғлиқ тарзда талқин қилади. Унинг бундай қарашлари “Подшоҳ”, “Тин Ливейнинг биринчи декадаси” асарларида баён этилади.

И. Кант ва Г.Гегеллар янги давр ахлоқшунослиги ривожига катта ҳисса қўшган немис мумтоз фалсафасининг намояндаларидир.

И.Кант (1724-1804)нинг ахлоқий қарашлари ундан кейинги давр ахлоқшунослигига катта таъсир кўрсатади. У “қатъий имериатив” (“мутлақ буйруқ”) ёки “ахлоқнинг олтин қоида”си деган ном олган ғояни илгари сурадики, унга мувофиқ мазкур буйруқ (империтив) хатти-ҳаракатнинг мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда хулқ-атворнинг ялпи умумий қонунини бўладиган қоидага амал қилишни талаб этади.

Мазкур қоиданинг муҳим талаби: бу “ ... фақат шундай қоидага мувофиқ ҳаракат қилки, унга амал қилиш

баробарида унинг энг умумий қонун бўлиб қолишини хохлаб қолишинг мумкин бўлсин”⁴.

Кантнинг фикрича, инсоннинг табиий майллари иродага таъсир ўтказди ва айна пайтда ирода эркин ақл ёрдамида ўрнатилган қонунга бўйсунди. Бу ахлоқий мажбурият-амр сифатида қатъий императив-мутлақ буйруқ мавқеига эгадир. Ва шундан келиб чиққан ҳолда ахлоқийликнинг мезони адолатдир, деб ҳисоблайди файласуф.

Кантнинг ахлоқий қарашлари унинг “Хулқлар метофизикаси”, “Ахлоқ метафизикаси” асарларида ўз аксини топган.

В.Гегель (1770-1831) ахлоқшунослик масалаларини ҳуқуқ, сиёсат билан боғлиқ тарзда талқин қилади. Унинг ахлоқий императив ҳақидаги қарашни шундай: “Қонунлар ҳаракат қилмайди, балки фақат инсон ҳаракат қилади”.

У черковнинг таркидунёчилик ахлоқига қарши чиқади ва ҳар қандай фазилат “Ҳузур-ҳаловат бахш этса, шунчалик саодатга элтади”, деб ҳисоблайди.

Энг янги давр ахлоқшунослиги бевосита шу давр фалсафий фикри учун хос бўлган **иррационализм** (лот. Irrationalis-ғайри ақлий) услуби таъсирида ривожланади. Экзистенциячилик, прагматизм, позитивизм, руҳий таҳлил каби ахлоқий йўналишлар ана шундай услубий таъсир натижасида шу даврда юзага келади.

Экзистенциячилик (лот. Existenlia-мавжудлик) XX аср ахлоқшунослигидаги етакчи йўналишдир. Мазкур таълимотда кишининг ҳар лаҳзада ҳаёт ва ўлим оралиғида кечадиган ички кечинмалари мавжудлиги асосий масала сифати олиб қаралади. Ушбу таълимот немис файласуфи **Карл Ясперс (1883-1969)** томонидан илгари сурилади ва ундан кейинчалик фашизмнинг ғоявий қуроли, мафкураси сифатида фойдаланилади. Чунки Ясперс инсондаги зўрлик, шавқатсизликка мойил биологик жиҳатларни унинг

⁴ Кант И. Соч. В. 6 Т. – М., 1965, Т. 4, с. 260.

маънавий-ахлоқий жавобгарликдан озод ҳолатдаги мавжудлиги тарзида талқин қилади. Кейинчалик экзистенциализмга франциялик Жон Пол Сартр (1905-69) томонидан гуманизм руҳи сингдирилади.

Прагматизм АҚШ да юзага келган бўлиб, унинг намоёндалари (Ч.Пирс, Ж.Дьюн) ахлоқий меъёрлар, нормалар кишининг фойдали фаолияти талабларига бўйсинади, деган қарашни илгари сурадилар. Шунга кўра, деб ҳисоблайди улар, ахлоқ киши хатти-ҳаракатлари, феъл атворларининг нормалари эмас, балки унинг истак ва ниятларидир. Ва улар ҳар бир кишининг ўз ҳоҳиши, ўз мақсади бор бўлгани учун уларда шунга мувофиқ ўзи учун нима яхши ва нима ёмон эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи ахлоқий меъёри, ўлчовлари бўлади.

Руҳий таҳлил таълимотининг асосчиси австриялик психолог Зигмунд Фрейд (1856-1939) бўлиб, у ахлоқий масалаларни киши руҳиятида муҳим мавзени эгалловчи онгсизлик Фрейднинг фикрича, инсон шахси учта-Ид,Эго, Суперэго компоментларининг ўзаро бирлигидан ташкил топади. Ҳолати орқали талқин қилади. (Ид) Фрейднинг фикрича, онгсизлик инсон шахси таркибидаги Марказий компонентдирки, у инсон танасининг ички эҳтиёжидан келиб чиқади. Онгсизликда ҳеч қандай замон таъсири бўлмайди ва унда ҳеч қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам йўқ, у ахлоқий меъёрларга бўйсинмайди.

Инсон шахси таркибидаги Эго ва Суперэго компонентлари бевосита Ид билан боғлиқдир. Эго Ид негизида, Суперэго эса Эго заминида вужудга келади. Шахсдаги барча ахлоқий меъёрлар, хулқ-атвор талабалари Суперэго компоментида мужассамлашади ва маънавий ахлоқий тақиқлар қатламини ҳосил қилади.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Оврўпа Шарқ Мамлакатларида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар турли йўллар билан Тркистон ҳаётида ҳам кириб кела бошлайди. Бу даврда Россия Чоризми 1870

йилга келиб Қўқон хонлигини босиб олади ва Бухоро ҳамда Хива хонликларини вассалига айлантиради. Туркистон халқларининг чоризм мустамлакачилигига қарши кураши-маърифатчилик ҳаракати юзага келади. Мазкур ҳаракат янги тараққиёт, илм-маърифатга чақирувчи, миллатни уйғотувчи куч сифатида майдонга келади. Аста-секин маърифатчилик ҳаракатидан жаидчилик ўсиб чиқади. Ва у таълим-тарбия янгича мактаб, маориф тизимини йўлга қўйиш масалаларини кун тартибига қўяди. Бу даврда Аҳмад Дониш, Бердақ, Абай, Абдулла, Авлоний каби маърифатпарварлар етишиб чиқади.

Аҳмад Дониш (1827-1897) мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни танқид остига олади. Ўз юртининг Оврўпа мамлакатларидан иқтисодий, маданий жиҳатдан орқада, қолишнинг асосий сабабларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Унинг фикрича, агар ҳукмдор адолатли юритса, илм-фан, санъатнинг гуллаб-яшнашига йўл очиб берса, мамлакат обод бўлади, халқ фаровонликка эришади. Қорақалпоқ шоири Бердақ (1927-1900) “Ахмоқ подшо”, “Халқ учун”, “Бўлган эмас” каби асарларида ахлоқий меъёрлар, тамойиллар поэтик услубда баён этилади.

Абай Иброҳим Қунанбаев (1845-1904) жамиятдаги барча салбий ҳодисаларнинг сабаби ахлоқий қоида, талабларга риоя қилмасликдир деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, одам боласи онадан ахлоқсиз бўлиб туғилмайди, унинг ахлоқсизлиги тарбиясизлик натижасидир. Абай ҳаё, уят, инсоф, одилликни инсоннинг энг асосий фазилатлари деб кўрсатади. Масалан, у уятни кишининг ор-номуси, ўзининг ярамас хулқига қарши турувчи ички исёнидир деб тавсифлайди.

Абдулла Авлоний (1848-1734)нинг ахлоқий қарашлари XXаср бошлари Туркистон ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. У ахлоқий тарбия, илм-маърифат масалаларини шу даврининг

талаб, эҳтиёжларидан келиб чиқиб таҳлил қилади ва бунда замонавийлик, дунёвийликни асосий мезон қилиб олади.

Авлоний тарбияни уч турга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлоқий тарбия. Булардан ахлоқий тарбияни шакллантирувчи, мартаба, комилликка кўтарувчи тарбия деб ҳисоблайди. Авлоний мазкур тарбиянинг жамият ва шахс равнақида қандай муҳим рол ўйнашни кўрсатиб беради. Бу борада унинг **“Тарбия—биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир.”** Деган фикри ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, билъакс алоҳида долзарблик этмоқда.

Мавзу: Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар.

Режа:

1. Ахлоқшунослик мезоний тушунчаларининг хусусияти.
2. Муҳаббат-ахлоқшуносликнинг кэнг қамровли мезоний тушунчаси эканлиги.
3. Ахлоқий тамойиллар.
4. Ахлоқий меъёрлар.

Таянч иборалар: 1. Ахлоқ тузилмаси, ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий муносабат, муҳаббат, эзгулик, ёвузлик, яхшилик, ёмонлик, адолат, бурч, виждон, бахт, ахлоқий меъёрлар, ахлоқий тамойиллар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси Т., 2005.
2. Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойиллик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., 1994.
3. Каримов И. А. Адолатли жамият сари. Т., 1998.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000.
5. Умаров Э. У., Загритдиновна Этика. Т., 2005.
6. Оллоёров М. Ахлоқшунослик, эстетика ва мантиқ фанлари таянч атамаларининг изоҳли луғати. С., 2004.

Қўшимча адабиётлар.

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., 1983.
2. Кайковус. Қобуснома. Т., 2006.
3. Абу Райҳон Беруний. Тарвихалар. “Жавоҳирот китоби”дан . Т., 1991.
4. Умар Хайём. Рубоийлар. Т., 1991.
5. Воронцов В. Л. Тафаккур гулшани. Т., 1981.
6. Ҳикматлар хазинаси. Т., 1977.

Ўтган маърузамизда кўриб ўтганимиздек ахлоқнинг моҳияти, унинг пайдо бўлиши ва инсон фаолиятининг мотиви, ижтимоий муносабатлар тарзида амал қилиши ахлоқшунослик фанининг асосий масаласи-тадқиқот предмети эканлиги кўриб ўтган эдик.

Ушбу маърузамизнинг мақсди ана шу қайд этилган масала хусусида бўлиб , унинг ахлоқшунослик фанида қандай тарзда талқин қилиниши ҳақида муҳокама юритишдир. Шуни таъкидлаш керакки, ахлоқнинг моҳияти фалсафанинг азалий муамоларидан бўлган инсон(одам)нинг моҳияти талқини билан бевосита боғлиқ унга диний ва атеистик-дахрийлик (материалистик) қарашлар мавжуд. Диний қараш ахлоқнинг моҳиятини инсон худо томонидан яратилган олий мавжудот деган умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда тушунтиради.

Дахрийлик қарашга кўра эса, инсон табиат тадрижий тараққиётнинг маҳсулидир, бинобарин, ахлоқининг моҳиятини ҳам ана жараён тамойили бўйича англаб олиш мумкин. Мазкур қарашга собиқ иттифоқ давримизга мафкуравий тус берилади, бунга барча табиий фан ютуқларидан унинг мутлақ тарзида кўрсатиш учун фойдаланилди. Хусусан Ч. Дарвин эволюцияси назарияси энг асосий далил сифатида келтирилади. Лекин бунда (мафкура назариячилари) хўш, болиқ органик табиатни ўзи қандай пайдо бўлган?” деган ҳозиргача очиқ қолиб келаётган

муаммога кўз юмилади.

Дин Худо инсонни фақат ақлан мукамал қилиб яратганлигини, ахлоқий камолатга эришиши эса унинг ўзининг зиммасига юклатилганлигини эътироф этади. Агар одам Ато ва Момо ҳаво ахлоқан мукамал бўлганларида эди, Шайтон қуткусига учиб тақиқланган дарахт мевасини емаган бунинг учун Аршдан ҳайдаб чиқарилмаган бўлурди.

Инсонлар то ҳозиргача ҳам уни ахлоқсизликка бошлаган Шайтон қуткусидан қутилаолган эмас, чунки қачонлардир Шайтон вужудига кириб олишга муваффақ бўлган.

Диний талқиндаги ушбу фикрни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов "Одам ва шайтон" шеърида қуйидагича ифодалайди;

"Шайтон Одам Атоси

Йўлдан урдим сени мудом,

Азоб бердим жонингга,

Мен ғалаба қилдим охир

Кирдим энди қонингга!

Коинотга сукут чўқди,

Пирпиради юлдузлар,

Шундан буён ўтди қанча

Йиллар кеча-кундузлар

Кўрдик қанча шайтонликни,

Қанча шайтон инсонни,

Чиқарилмай оворамиз

Қонимиздан шайтонни.

(Жаҳон адабиёти журнали март, 2006,54-бет)

Мухтасар қилиб айтганда, динда ахлоқ инсонга худо томонидан инъом этилган неъмат деб эмас, балки, ўз-ўзини тарбиялаш, камол топтириш жараёнида шаклланадиган олий фазилат сифатида талқин қилинади. Ва шунга кўра ахлоқ моҳиятининг диний талқини ахлоқшуносликнинг амалий фалсафа тарзидаги мақсад ва вазифаларин амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ахлоқнинг моҳияти, унинг шахс фаолияти, ижтимоий муносабатлар мақоматида амал қилиши ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов моҳияти орқали англашилади.

Ихтиёр эркинлиги тушунчаси кэнг маънода инсоннинг ўз дунёқараши, эътиқодига муваофиқ хатти-ҳаракатининг мақсадини тазийксиз, эркин тарзда белгилаши ва унга йўналтирилган фаолиятини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда мазкур тушунча кишининг ўз хатти-ҳаракати, фаолиятида ахлоқийлик(эзгулик, ёмонлик) танлашни ифодалайди. Ихтиёр эркинлиги туфайли киши ҳар қарашда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади.

Ахлоқий танлов – бу шахснинг муаян ахлоқий меъёрлар тамойилар тизимини эътиқод даражасида англаши ва шунга мувофиқ уни ўз фаолиятининг мақсад, мотиви тарзида қабул қилишдир. Аниқроғи, ахлоқий танлов – шахснинг ахлоқий талаб, қоидаларни ташқи тазийқсиз, ихтиёрий, яъни ўз-ўзига амр қилиши орқали бажаришдир. Масалан бирор кишининг ёнғин ичида қолган ёш болани қутқариши унинг ахлоқий танлов доирасида хатти-ҳаракатидир.

Ихтиёр эркинлиги тушунчаси кэнг маънода инсоннинг ўз дунёқараши, эътиқодига мувофиқ хатти-ҳаракатининг мақсадини тазийксиз, эркин тарзда белгилаши ва унга йўналтирилган фаолиятини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда мазкур тушунча кишининг ўз хати-ҳаракати, фаолиятида ахлоқийлик (эзгулик, яхшилик) ва ахлоқсизлик(ёвузлик, ёмонлик) танлашни ифодалайди. Ихтиёр эркинлиги туфайли киши ҳар қадамда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади.

Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов ахлоқнинг муаян тузилма мақоматида шахс ва жамият маънавий ҳаётининг таркибий қисми сифатида амал қилишини белгилайди. Шунга кўра ахлоқ тузилмаси-бу ахлоқнинг ижтимоий муносабатлар шаклида амал қилишдир.

Ахлоқ тузилмаси қуйидаги таркибий қисмдан иборат: ахлоқий онг, ахлоқий ҳис этиш, ахлоқий муносабат.(фаолият).

Ахлоқий онг—ижтимоий онг шакли бўлиб, кишиларнинг хулқи одобига таалукли талаб, меъёр, тамойилларининг моҳиятини англаши ва улар ҳақидаги қараш, тасаввурнинг мажмуидир.

Ахлоқий онгда воқелик қонун-қоидалар тарзида эмас, балки ихтиёр эркинлигига асосланган ижтимоий норма, тамойиллар сифатида акс эттирилади. Шу боис мазкур онг жамият маънавий ҳаёт тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ахлоқий онг ақлий билиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ахлоқий ҳиссиёт орқали амал қилади.

Ахлоқий ҳиссиёт – шахснинг ахлоқий талаб меъёрлар доирасида ўз-ўзини ҳис қилишдир. Шунга кўра мазкур ҳиссиёт типи ахлоқий онгнинг ихтиёр эркинлиги тарзидаги шакли ҳисобланади. Ахлоқий ҳиссиёт шафқат, ачиниш, ҳамдардлик, уялиш-хаё, тавба-таззару ҳолатларида намоён бўлади. Ахлоқий ҳиссиёт ахлоқий онг (англаш)нинг ахлоқий муносабат(фаолиятга) мотиви-сабабига асосланишининг зарурий шартидир. (Зотан киши ачиниш, ҳамдардлик ҳиссиётини тўйганда яхшиликка қўл уради).

Ахлоқий муносабат (фаолият) ахлоқ тузилмасининг амал қилиши, яъни ахлоқий онг ва ахлоқий ҳиссиётнинг киши ҳатти-ҳаракатлари тарзида рўёбга чиқиши жараёнидир. Киши ахлоқий талаб, тамойилларни яхши англаган, ўзлаштирган бўлиши, лекин уларнинг мазмуни унинг фаолиятининг мотивига айланмаган бўлиши мумкин. Фақат ахлоқий ҳиссиёт билан “тўйинган” муносабатлар доирасидагина ахлоқий талаб, тамойиллар шахс ҳатти-ҳаракатларида реаллашади. Шунга кўра ахлоқий муносабатлар кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамда уларнинг жамиятга бўлган муносабатида намоён бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур муносабат ахлоқий тамойил, меъёрларнинг киши фаолиятининг барча соҳаларида амал қилиш жараёнидир.

Кишининг ахлоқийлик даражаси унинг ахлоқий тамойил, талабларни қай даражада англаши, ўзлаштирилганлиги билан эмас, балки уларга кундалик турмушда, касбий фаолиятида ички эътиқод даражасида амал қилиши билан белгиланади.

Ахлоқ тузилмаси ўз функциясини билиш босқичларини ўтовчи муайян мезоний тушунчалар (категориялар) тизими орқали амалга оширади.

Маълумки, ҳар бир фан ўзининг муайян мезоний тушунчалари (категория)ларига эгаки, улар ўрганилаётган соҳа моҳиятини билиш усули босқичлари вазифасини ўтайди. Шунингдек ахлоқшунослик фанининг предмети ҳам муайян мезоний тушунчалар мазмуни орқали тадқиқ қилинади.

Ахлоқшунослик фани мезоний тушунчалари ўзига хос бўлиб, бу мазкур фanning предмети, билан белгиланади. Чунки фан тушунчаларида тадқиқ қилинаётган соҳанинг энг муҳим жиҳатлари акс этади. Шунга кўра ахлоқшунослик мезоний тушунчаларнинг қуйидаги икки хусусиятини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) баҳовий қадриятлилик табиатида эгаллиги; 2) улар мазмунининг ҳиссий билиш орқали англашилиши.

Ахлоқшуносликнинг мезоний тушунчалари нисбий, кутбли характерга эга бўлиб, уларнинг бирининг мазмуни орқали англашилади. Булар : Муҳаббат (нафрат), эзгулик(ёвузлик), яхшилик(ёмонлик), адолат(адолатсизлик), бурч, номус(беномус), виждон(виждонсизлик), бахт(бебахтлик). Шунга кўра мазкур тушунчалар ахлоқнинг моҳиятини очиб бериб қолмасдан, айни пайтда шахс ва жамият маънавий ҳаёт учун ҳам мезон вазифасини ўтайди.

Муҳаббат—кэнг қамровли мезоний тушунча бўлиб, у бошқа барча ахлоқий тушунчаларнинг жавҳар субстанцияси ҳисобланади. Муҳаббат бу кэнг маънода шундай олий туйғуки, унинг асосида инсонларнинг ўзаро муносабатида маънавий-руҳий яқинлашишлари шаклланади.

Муҳаббат инсоннинг биосоциал мавжудот сифатидаги хусусиятидир. Бунда унинг ўз аждод, зотини давом эттириш билан боғлиқ эротик(юнонча-жинсий)-табiiй–биологик ҳис-туйғусини ҳамда ўзига ва ўзгалар муносабатида шаклланадиган ижтимоий(социал) ҳис-туйғусини ажратабилмоқ зарур. Ўзбек тилида эротик ҳис-туйғу “севги”, “ишқ”, кейингиси эса ”меҳр”, “муҳаббат” тушунча(сўз)ларида ифодаланади.

Инсондаги эротик ҳис-туйғу ижтимоий ҳис-туйғу азмига бўйсунгандагина, тана ва рух уйғунлашиб, юксак ҳис-туйғу-муҳаббат юз кўрсатади.

Улуғ бобокалонимиз Ибн Сино “Ишқ рисоласи” асарида ҳайвоний(эротик) ҳиссиёт онгга бўйсунмагунча инсон севгини соф ишқ-илоҳий, яъни юксак ҳис-туйғу-муҳаббат даражасига кўтарилмаслигини таъкидлайди.⁵

Муҳаббатнинг объекти фалсафий-эстетик мазмунга эга бўлган, моҳияти Эзгулик билан англашиладиган Гўзалликдир, субъекти эса уни идрок этувчи, баҳоловчи, ундан маънавий-руҳий лаззатланиш қобилиятига эга бўлган шахсдир.

Тасаввуф таълимоти ғояси асосини ана шу талқиндаги муҳаббат ташкил этилганлиги

⁵ Қаранг: Ибн Сина. Трактаты о любви. Т., 1976, с. 63-64.

учун у халкимиз-маънавиятининг таркибий қисми сифатида ҳозиргача яшаб келмоқда.

Тасаввуф фалсафасида муҳаббат(ишқ) ўзида эзгулик, ҳақиқатни мужассамлантирувчи мутлақ гўзаллик тимсолидаги Худонинг илоҳий сиймосидан руҳий–маънавий ғизоланиш(лазатланиш), бу эса унга яқинлашиш, етиши йўли деб талқин қилинади. Тасаввуф таълимоти бундай йўлга кириш инсонни зотан, Худо томонидан яратилган одам зоти сиймосида Худонинг сифати—Гўзаллиги мужасамлашгандир.

“Тасаввуфни лўнда қилиб айтганда,-деб ёзади адабиётшунос олим Н. Комилов,-муҳаббат ҳақидаги илм дейиш мумкин. Чунки тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Аллоҳнинг сифат ва усуллари орқали Унинг зотини билиш ва танишни талаб қилар экан, буни... яширин бир ички туйғу, ботиний басират, яъни муҳаббат воситасида амалга ошириш мумкин деб таълим беради.”⁶

Муҳаббат инсонларнинг инсонийлигини кўрсатувчи фазилатдир. Бу ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Хусни нетсин кишиким они йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилни мамалакатимизда меҳр-мурувват йили деб белгиланганлигида катта ахлоқий фалсафий маъно бордур.

Муҳаббатнинг объекти Эзгуликдир, зотан киши ўзгаларда меҳр-муҳаббат ҳис-туйғусини тўймасдан эзгуликка қўл урмайди. “Эзгуликни нафрат ёки адоват билан қилиб бўлмайди, деб ёзади инглиз санъатшуноси Жон Рескин, у фақат муҳаббатдан туғилади.

Эзгулик мезоний тушунчасида тарихий шаклланган ахлоқий идеал яъни комил инсон, мукамал(адолатли) жамият ҳақидаги тасаввур, қарашлар ва унга етишишига, рўёбга чиқаришга бўлган саъи-ҳаракатлар ифодаланади.

Эзгулик инсоннинг асл моҳияти Ҳақиқат, Гўзаллик парадигма тамойиллари орқали англашилади. Эзгуликка хизмат қилмайдиган ҳар қандай билим, назария кадритига, қимматга эга эмас. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, қирғин-барот курулларини кашф этилиши, уларнинг такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ва бошқалар.

Эзгуликнинг олий кадрит тарзидаги моҳияти мутлақ мукамаллик—Ҳақиқат, Гўзаллик тимсоли бўлган Худо сифатларида намоён бўлади. Шунинг учун барча дунёвий динларда Худо инсонларни эзгуликка бошловчи зот сифатида талқин қилинади.

Зардуштлиликда Ахурамазда “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” ўзида мужассамлаштирган ана шундай зотдир.

Эзгулик инсонларнинг улуғворлик даражасидаги, яъни оддий ўлчовлар доирасига сиғмайдиган фаолиятларида намоён бўлади. Эл-юрт манфаати, мақсадларини ўзиникидан устун кўядиган ва бу йўлда фидойилик кўрсатадиган кишиларнинг бунёдкорлик, яратувчилик, фаолиятлари эзгулик ўлчови билан баҳоланилади.

Ёвузлик эзгуликнинг муқобили бўлиб мазкур тушунчада инсоннинг ижтимоий миқёсидаги тубанлик, пасткаш саъи-ҳаракатлар ифодаланади. Шунга кўра бундай саъи-ҳаракатлар жамият, инсониятга келтирган кулфат, талофатлар миқёси билан ўлчанади. Масалан, Ҳитлер, Сталин каби шахсларнинг қилмишлари ва бугунги кундаги халқаро терроризм ҳомийларининг қилмишлари ана шу тушунча билан номланади.

Нима учун кишилар ёвузликка қўл урадилар, ёвузлик кучлими ёки эзгулик, деган саволлар барча даврларда мутафаккирлар, файласуфларни уйлантириб келган ва ҳозирда ҳам кун тартибидан тушмаган азалий ва бош масала ҳисобланади. Немис файласуфи А. Шопэнгауэрнинг фикрича, “Оламда эзгулик кўпроқми ёки ёвузлик, деган савол хусусидаги баҳс ортиқчадир. Чунки ёвузликнинг мавжудлигининг ўзи ёвузлик ҳеч қачон барҳам топмайди, ҳеч қачон унинг билан бирга ва кейин ҳам яшовчи эзгулик билан баҳамти бўлиб бараварлашмайди. Зотан “Минг бор хузурланиш биттагина азобга арзимамайди”⁷

Яхшилик ва ёмонлик тушунчалари кўпинча эзгулик ва ёвузлик билан бир маънода қўлланилади. Лекин мазкур жуфт тушунчалар бир-биридан мазмунан фарқ қилади.

Яхшилик ва ёмонлик конкрет шахснинг кундалик одоб ва хулқига тааллуқли ижобий ва салбий жиҳатларни ифодалайди. Шунга кўра яхшилик баъзан ёмонликка айланиши мумкин

⁶ Н. Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., “Ёзувчи”, 1996, 48-49-бетлар.
⁷ I.Петрарка. Шопэнгауэр А. Избранные произведения-М.,1992,с.67.

ва аксинча. Лекин эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди. Айни пайтда яхшилик эзгуликка, ёмонлик ёвузликка айланади.

Адолат (арабча “одиллик”) мезоний тушунчасида ҳуқуқий талаб, мажбуриятларнинг ахлоқий тамойил, меъёрларга мувофиқ равишда амал қилишлиги даражаси ифодаланади. Қадимги юнон файласуфлари **Арасту адолатнинг** ана шу хусусиятини назарда тутган ҳолда уни **“қонунга мувофиқ хулқ” деб таърифлаган эди.** Олий кадрят сифатидаги ахлоқий тамойиллар, талаблар ҳуқуқий норма қонун-қоидаларга нисбатан бирламчи, белгиловчи ҳисобланади. Инсонни олий кадрят сифатида баҳоламайдиган ва унга мувофиқ тарзда амал қилмайдиган ҳуқуқий норма, қонун-қоидалар адолатсиздир.. Шунга кўра адолат жамиятни, кишилар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий ва ҳуқуқий талабларга мос тарзда тартибга солиб туриш вазифасини ўтайди ва шунга кўра барча ижтимоий ҳатти-ҳаракатлар ана шу мезон билан ўлчанади.

Инсоният аввал – азалдан то ҳозиргача адолатли жамият барпо этиш учун курашиб келган. Айтиш мумкинки, ўтмишдаги барча ижтимоий беқарорлик, инқилобий тўнтаришлар адолат тамойилларининг ҳуқуқий-сиёсий қонун-қоидаларга нисбатан бирламчи, белгиловчилиги қонуниятига амал қилмаслик, унинг бузилишининг натижасида рўй беради. Мисол тариқасида 1917 Россияда октябрь тўнтаришини олиб қарайлик. Бу вақтдаги мамлакатдаги амалдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар, яъни Чор Россияси давлатининг қонунлари инсонни олий кадрят сифатида қарашни талаб этувчи ахлоқий тамойилларга зид эдики, бунинг натижаси ўлароқ мамлакат миқёсида адолатсизлик авж олади. Ва бундан Ленин бошлиқ большевиклар устакорлик билан фойдаланадилар. Олий кадрят сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари меҳнат аҳлини ишчи(пролетариат, деҳқонларни) ҳуқуматга қарши оёққа турғизади.

Бугунги кунда мамлакатимизда барпо этилаётган демократик давлат юксак умуминсоний ахлоқий тамойилларга асосланади. “Биз шунчаки демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиш мумкин”.⁸ Президентимизнинг ушбу фикрида адолат тамойиллари сиёсий-ҳуқуқий қонун-қоидаларга нисбатан белгиловчилиги ва мазкур қонуниятга амал қилиш бугун мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг асосий омили эканлиги ҳақидаги ғоя ўз ифодасини топган.

Тарихан шаклланган қатъий ахлоқий талаблар мажмуи ва уларнинг кишилар томонидан бажарилиши билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар бурч тушунчасида ифодаланади. Бурчнинг икки жиҳати мавжуд: ригоризм(лот. ригор-қатъий)-сўзсиз бажариладиган қоидалар ва деонтология(лот. дсонтос-лозим)-бажарилиши керак бўлган талаблар.

Биринчи жиҳатига ҳуқуқий қонун-қоидалар билан мустаҳкамланган мажбуриятли аҳамиятга молик ахлоқий талаблар киради. Масалан; ҳарбийлар, шифокорларнинг қасамёди ва бош. Ушбу турлардаги бурчларнинг бузилиши муаян моддалар бўйича жиноят деб белгиланади.

Деонтология-ахлоқий талабларнинг ихтиёр эркинлиги бўйича бажариладиган бурчдир. Масалан; кишининг Ватан, эл-юрт олдидаги ва бош. шу каби бурчлари.

Қайд этилган бурчнинг ҳар икки жиҳати бир-бирини тақозо этади, улар киши фаолиятида ўзаро бирликда амал қилади. Чунки бурчнинг бажарилиши кишидан ўз касбий вазифасини фақат мажбурият тарзида (ригоризм) эмас, балки ахлоқий (деонтология) танлов орқали бажарилишни талаб этади. Масалан, аскар ҳарбий қасамёдни фақат унга нисбатан юклатилган ҳарбий—сўзсиз бажарилиши талаб этиладиган қоида-вазифа-деб эмас, балки ахлоқий тамойиллар сифатида бажармоғи керак. Ва шундай ҳолдагина у ўз бурчини том маънодаги ватан ҳимоячиси даражасида бажаради.

Шундай қилиб, **бурч – бу муаян ахлоқий меъёр ва тамойилларнинг бажарилишни талаб қиладиган вазифа, мажбурият бўлиб, бу кишидан унга нисбатан виждонан муносабатда бўлишни тақозо этади.**

Шунга кўра бурчнинг ахлоқий танлов даражасида бажарилиши виждон билан бевосита боғлиқдир.

Виждон кэнг мазмунга эга ахлоқий тушунча бўлиб, унда шахснинг ўз бурчини англаши, унинг адо этилишини ихтиёр эркинлиги, эътиқод даражасида назорат қилиш қобилияти ифодаланади. Виждон шахснинг ўз ҳатти-ҳаракатларини олий кадрятли ахлоқ нормалари, хусусан, бурч талабларидан туриб баҳолаши ва уни адо этишидир. Шунга кўра айтиш мумкинки, виждон ахлоқий амр, мажбуриятларнинг ахлоқий танлов доирасида бажарилишига бўлган маънавий-руҳий маъсулиятидир. Виждон юксак ахлоқий ҳиссиёт уят туйғуси билан боғлиқ

⁸ И. А. Каримов. Адолатли жамият сари. Т.,1998, 10-б.

ботиний-рухий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига бўлган муносабатдир. Немис файласуфи виждоннинг бундай хусусиятини назарда тутган ҳолда, уни дилда яшайдиган қонундир, деб таърифлайди.

Агар кимда-ким ана шу қонун соҳиби бўлса, улар устидан ҳукм чиқарувчиси ҳакам бўлади. Шу боис виждон азобидан қочиб қутилиб бўлмайди ва бу энг олий жазо ҳисобланади.

Диний таълимотга кўра виждон (иймон)да Худо тажаллиси намоён бўлади. Шунга кўра иймон Худо ва инсон ўртасида боғловчи вазифасини ўтайди. Бунда Худо инсоният иймонининг тимсоли сифатида талкин қилинади.

Виждон талаблари – ижтимоий нормаларининг моҳиятини ўзида ифодалайди. Баъзан улар ўртасида ички зиддият юзага келади. Бунинг сабаби жамият қонунлари ижтимоий нормаларнинг эскирганлиги, тор мафкуравий йўналишга эга эканлиги билан изоҳланади. Виждон ижтимоий миқёсда юксак ахлоқий қадриятлиликни ифодалайди ва шунга кўра у жамият талаблари – ижтимоий нормаларга нисбатан белгиловчидир.

Ўзининг ҳатти-ҳаракатларини маънавий ўлчовда баҳолай билмоқ ва ўз гуноҳларини хотиралаб улар устидан ҳукм чиқармоқ виждонлиликнинг мезонидир. “Виждон ҳам аслида гуноҳни маънавий жиҳатдан баҳолаш билан уйғунлашиб кетган хотирадир, - деб ёзади таниқли рус маданиятшунос олими, академик Дмитрий Лихачёв,- агар қилинган гуноҳ хотирада сақланиб қолмаган бўлса, уни муҳокама этиб, баҳолаб бўлмайди. Хотирасиз виждон йўқ”.⁹

Бурч виждон тушунчаларининг мазмуни орқали англашиладиган тушунча “номус” тушунчасидир.

Номус тушунчаси дастлаб Рим станктар мактаби вакиллари Сенека, Марк Аврелий томонидан фалсафий жиҳатдан талкин қилинади. Улар номусни инсоннинг кадр-қийматини кўрсатувчи фазилат деб ҳисоблайдилар.

Номус тушунчасида инсоннинг олий қадрият сифатидаги ўз кадр-қийматини англаб етиши ва буни сақлаш, эъзозлашга қаратилган ҳатти-ҳаракати ифодаланади. Инсон учун жон қанчалик қадрли азиз бўлса, номус ундан ҳам қимматлироқдир. Зотан, номус учун киши керак бўлса, жонидан ҳам кечади. **Ор-номусдан ажралиб яшаш –бу тирик ҳолдаги ўлимдир.**

Номус кишининг индивидуал кадр-қиймати билан боғлиқ бўлиш баробарида ижтимоий характерга эга. Унда шахснинг жамият, миллати, Ватани олдидаги бурчини англаши ва бу йўлдаги фидоийлиги ифодаланади. Бундай фидоийлик эса виждон амрига бўйсунди. Шунга кўра номусни ташқи виждонни эса ички, ботиний номус(А. Шопэнгауэр), деб аталади.

Бугунги кунда жамиятимиз аъзоларида ўзликни англаш, миллий ғурур, Ватан туйғуси каби хислатларни уларда ор-номус ахлоқий фазилатларни камол топтириш орқали шакллантириш мумкин.

Юқорида кўриб ўтганимиз мезоний тушунчалар билан биргаликда яна бир қатор муаммовийлик табиатига эга бўлган ахлоқий тушунчалар мавжуд. Булар; ахлоқий идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси. Мазкур тушунчаларнинг муаммовийлик хусусияти шу билан изоҳланадики, уларнинг мазмуни то ҳозиргача фалсафада тўлиқ ўз ечимини топмаган инсон муаммосининг талқини билан боғлиқдир.

Ахлоқий идеал тушунчасида ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлантирадиган комил инсон ва мукамал (адолатли) жамият ҳақидаги тасаввур, орзу ва унга етишишга бўлган интилиш ифодаланади.

Комил инсон, одил подшоҳ, ҳар бир кишининг мақсад, манфаатларини ўзида мужассамлантирувчи жамият ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар мажмуи-ахлоқий идеалдир. Мазкур идеал ахлоқий онг шакли бўлиб, унда орзу қилинган комил инсон, мукамал жамият мавжуд имжтимоий талаб (социал норма), мақсад ва манфаатлар мезонидан туриб баҳоланилади.

Ахлоқий идеал эстетик, диний, ижтимоий-сиёсий идеаллар тарзида намоён бўлади ва ижтимоий – йўналтирувчилик, уюштирувчилик вазифаларини ўтайди.

Бугунги кунда истиқлол ғоясининг асосий тамойили- комил инсонни камол топтириш вазифаси кишиларда, хусусан ёшларда ахлоқий идеални шакллантиришни талаб этади.

Бахт ахлоқшуносликдаги энг баҳсли мавзу. Мазкур масалага хилма-хил қарашлар бўлиб, турлича таърифлар берилади. Бу ўринда поляк файласуфи В. Татаркевичнинг “Ҳеч ким бахтнинг нималигини аниқ билмайди” деган сўзини келтириш кифоя.

Бахт ҳақида турфа қарашларнинг сабаби шундаки, уни ҳар бир киши ўз шахсий манфаат мақсадлардан келиб чиққани ҳолда талкин қилади, тушунади. Чунки бировга бахт бўлиб кўринган нарса бошқа киши учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин ва аксинча.

⁹ Д. Лихачёв. “Ўйлар” китобидан //Жаҳон адабиёти -2006 й.,март сони, 107 б.

Барча даврларда файласуфлар бахт(бахти ёрликнинг) ҳамма учун умумийликни(мезоний) аниқлашга ҳаракат қилиб келганлар. Масалан француз файласуфи Клод Адрион Гельвеций(1715-1771) фақат билим – маърифат тараққиёти бахт(бахтлилик)нинг умумий жиҳати деб кўрсатади. Чунки, унингча, маърифат эзгуликка элтувчи йўлдики, бусиз бахт йўқ.”Маърифатли ҳукмдор (қирол)лар,-деб ёзади у бирдан-бир реал лаззатланишни кишиларга яхшилик қилишда, эзгуликда кўрадилар. Маърифатланган ва яхши бошқариладиган кишилар ўзгаларни бахтли қилганлари ҳолда бахтли бўладилар”.¹⁰

То ҳозирги вақтгача ҳам файласуфлар бахтнинг умумий жиҳати-мезони боасида яқдил фикрга келиша олган эмаслар. Шунга кўра ахлоқий бахт тушунчаси талқинига нисбатан қуйдаги тўрт хил қарашни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1.Бахтни таъриф бериб бўлмайди.

2.Бахт-ўзига хос ҳиссиёт, кўтаринки роҳатланиш, ҳузурланиш ҳолати

3.Бахт-бу мавҳумот ва у ҳақиқатда мавжуд эмас.

4.Бахт воқеликда бўлиши мумкин.(Ушбу қарашлар ҳақида батафсил қаранг: Э.У. Умаров. Ф.Б. Загиртдиновна Этика. Т.2005, 85-86-бетлар).

Бизнинг бахт тушунчасининг мазмун-моҳияти унинг муқобили бахтсизлик билан таққослаш орқали англашилади.

Халқимизда “Ёмонни кўрмай яхшининг кимлигини билмайсан”, деган нақл борки, уни бахтга нисбатан бериб бахтсизликни билмасдан бахтнинг нималигини билмайсан” деб айтиш мумкин.

Бахтсизликни қуйдаги белгилари билан тавсифлаш мумкин: турмушдан ёлчимаганлик, кулфат, ғам-ғусса, дард-алам, рўшносизлик, омадсизлик, толесизлик.¹¹

Бахтсизлик киши бошига жамиятдаги муаян муҳит, шарт-шароитлари билан заруран шартланган ҳолда рўй берадиган ҳодисадир. Бахтсизлик бу тасодифий ҳодиса эмас, балки заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир. Шунга кўра бахтсизлик муқобилиги бахт тушунчаси кэнг маънода жамият ва шахс эҳтиёж манфаатларининг ўзаро уйғунлиги кондирилиши ва бунинг натижаси ўлароқ кишининг ҳаётдан лаззатланиб яшаши ҳолатини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, бахт-бу инсоннинг ҳаётдан, турмушдан лаззатланиб, ундан тўласинча мамнун бўлиб яшашидир.

Ҳаётнинг маъноси муаммовий тушунча бўлиб, унда инсоннинг ўзлигини англаган ҳолда яшаш, умр ўтказишнинг мақсадини танлови ва уни рўйёбга чиқариш йўлидаги фаоллиги ифодаланади. Ҳаётнинг маъноси тушунчасининг мазмунини “киши нима учун дунёга келади ва нима учун яшайди?-деган азалий фалсафий савол ташкил этадики, барча даврларда файласуф, мутафаккирлар унга жавоб ахтарганлар. Бу ўринда Умар Хайёмнинг қуйдаги рубойиси характерлидир:

Бу беҳабар дил ҳам тегди-ку жонга,

Ситамидан жоним келди фиғонга.

Оламга барибир бору йўқлигим,

Бас, мен нима учун келдим жаҳонга.

“Ҳаётнинг маъноси” тушунчаси фалсафий мазмунга эга бўлиб, у қуйдаги икки жиҳатга эга; дунёқараш ва психологик. Унинг дунёқараш жиҳатида шахснинг индивидуаллашган қарашлари, мақсадлари мажмуи орқали намоён бўладиган унинг дунёга ва ўзининг борлиғига бўлган муносабати ифодаланади.

Психологик жиҳати эса шахснинг ахлоқий ҳиссиёти билан боғлиқ руҳий-ботиний кўрсатмаси(установка) ифодаланади. Мазкур жиҳат назарий мазмун даражасида шахс дунёқараш жиҳатининг унинг ахлоқий фаолияти мотивига айланишида муҳим омил вазифасини ўтайди.

7.Ахлоқий тамойиллар ахлоқий онг шакли бўлиб улар қонун-қоидаларнинг умумлашган, жамият томонидан шахсга қўйиладиган ижтимоий норма талаблар тарзида намоён бўлиш усуллари дир. Шунга кўра ахлоқий тамойиллар ижтимоий умуминсоний характер-мазмунга эгадирларки, улар ирқи, миллати, мазаби турлича бўлган кишилар учун бирдек умумий-талаблар ҳисобланади. Ва мазкур тамойиллар инсоннинг олий кадрият сифатидаги моҳиятини белгилайдиган жиҳатлар тарзида намоён бўлади. Булар: инсонпарварлик, жумардлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, тинчликпарварлик.

Инсонпарварлик – ахлоқий тамойиллар тизимидаги марказий қисм бўлиб, унда инсоннинг

¹⁰ Гельвеций Клод Адриан-Счастье. М.,1978, с.158-159.

¹¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. М.,”Рус тили нашриёти,1981, 85-б.

том маънодаги моҳиятини белгиловчи ахлоқий фазилатидир. Инсоннинг инсонга олий кадрият сифатида муносабатда бўлиши инсонпарварликнинг муҳим белгисидир.

Зардуштийлик таълимотининг муқаддас китоби “Авесто”да инсонга ана шу тарзда муносабатда бўлиш эзгуликнинг ибтидосидир деган ғоя қизил ип бўлиб сингдирилган. Шунингдек 3-4 минг йил аввал Сомир(Шумер) миҳхатларида ҳам ана шу ғоя қайд этилган.

Шунга кўра айтиш мумкинки, инсонпарварлик(гуманизм)ғояси, кўпгина мавжуд илмий адабиётларда қайд этилганидек, Оврўпадаги Уйғониш даврида эмас, балки Шарқда ахлоқий таълимот сифатида юзага келгандир.

Жувонмардлик(жувонмардлик)-инсонпарварликнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Жумардлик асосан Шарқ, хусусан, бизнинг фазилат ҳисобланади. Араб сайёҳи Ибн Батута(ХИИИ аср) “сафарнома”асарида шундай ёзади: “Мен дунёни кезиб, бундай одамлар (жувонмардлик)дан кўра эзгу ниятли ва эзгу халқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси, гарчи ўзларини жувонмардларга ўхшасалар-да, аммо улар(янги Хоразм мовароуннаҳр жавонмардлари) ғариб ва мусофирларни сийлаш ва меҳмондўстликда улардан баланд турадилар. Бизда жувонмардлик йўлини тутганларни қадимда “футувват аҳли”, деб атаганлар. “Футувват” сўзи луғавий маъноси “ёшлик” деган маъносини ифодалайди. Хусайн Воиз Кошифий (ХВ аср)”Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”(Мазкур китоб Н. Комилов таржимасида 1994 й. Чоп этилган) китобида футувватнинг асосий учта мартабаси (хусусияти)ни кўрсатади:1)саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик; 2) сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-қудрат, қаҳру-ғазабдан пок тутиш; 3) ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш, барчага мурувват кўрсатиш в эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик.

ХВИИИ асрда келиб оврўпад индивидуализм (эгоизм) нинг кучайиши билан шарқона жумардликнинг ўзига хос йўналиши –альтуризм(франц.алтруисме лот. алтер-бошқа) деган ахлоқий таълимот юзага келади. Унинг назариячиларидан бири француз философи, позитивизмнинг асосчиси О.Контдир(1798-1857).

Эркпарварлик ахлоқий тамойилида инсоннинг ўз кадр-қиймати, ва озод, эркин яшаш мақсади йўлидаги саъи-ҳаракатлари ифодаланади. Эркпарварлик ғояси у ёки бу мамлакат, миллат халқининг бошқа давлат, миллат томонидан истило қилиниши, шунингдек илк таталитар жамият типининг шаклланиш давридан бошлаб юзага келади.

Мамлакат учун энг оғир, машъум кулфат-мустамлакалик, миллат, халқ учун қарамлик қилишдир. Тарихда бўлиб ўтган деярли барча урушлар истилочилик ва ундан озод бўлиш йўлидаги жангу жадаллардир.

Истиклол, эркинликдан мамлакат, юрт учун олий неъмат йўқ. Буни теран англаган халқ, унинг йўлбошчилари унга эришиш учун ўз ҳаётларини бағишлаганлар. Спитамен, Жалолодин Мангуберди, Тоҳир Малик, Амир Темур каби сиймолари мангуликка дахлдордир.

Адолат қонунлари амал қиладиган жамиятда шахс эркинлиги бўлади. Юнон файласуфи Цицерон ўз вақтида “Адолат, ҳақиқат ғояси билан иш кўргувчи жамият эркинликнинг чинакам масканидир” ёзган эди. Том маънодаги эркинлик кишининг ўзлигини англашида, мустақил фикрлашида намоён бўлади. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир”.¹²

Қўлга киритилган мустақиллигимизни эркпарварлик тамойиллари асосида теран англаб олмоғимиз зарур.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик-ахлоқий тамойиллар бўлиб, уларда кишининг энг юксак туйғуси-ўз Ватанига, миллати, халқига бўлган муҳаббати ифодаланади. Зотан, муҳаббат бобидаги барча олий туйғу, ҳиссиётларимиз “Ватан” деган сўзда мужассамлашгандир.(Цицерон)

Ватанпарварлик, миллатпарварлик ижтимоий моҳиятга эга бўлса-да, улар конкрет шахс хатти-ҳаракатларига намоён бўлади. Киши учун битта гуноҳ кечирилмайди-бу Ватанга хиёнат қилишдир.

Ватан тарқини бир нафас айлама,

Яна ранжу гурбат ҳавас айлама, деб ўгит беради-бобомиз Алишер Навоий.

Ватанпарварлик-миллатпарварлик тамойиллининг ўзига хос тарзидаги намоён бўлиш шаклидир. Ўз миллати(“миллат” арабча-халқ) билан маънавий руҳий бирликда бўлган кишигина миллатпарвар бўла олади. Миллатпарварлик кишининг ўзи мансуб бўлган халқ маданияти, тили, анъана, урф-одатларини қадрлашида, уларга содиқлигида ифодаланади. Бундай ҳислатни

¹² . И. А. Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур” журнали, 1998 №2.,4-б.

кишиларнинг хусусан, ёшларимизда бугунги кунда мамлакатимизда демократия ниқобида кириб келаётган миллатимиз менталитетига ёт мафкурадан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Аммо миллатпарварлик умуминсоний қадриятларга муносабат, инсонпарварлик тамойилли мезони билан ўлчанади. Буни инobatга олмаслик миллатпарварликни миллатчилик, миллатпарастликка олиб келади.

Ахлоқий меъёрлар - киши одобининг дастлабки талаблари бўлиб, улар ахлоқий тамойиллар амал қилишининг зарурий шартидир. Улар кишиларнинг ўзига бўлган муносабати, талабида кечадиган хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Шу маънода ахлоқий меъёрлар ахлоқий қонун-қоидаларининг киши фаолиятининг ички сабаби(мотиви)га айланишининг бошланғич талаблари ҳисобланади. Булар: ростгўйлик, ҳалоллик, камтарлик, хушмуомалалик, камтарлик, саҳийлик.

Ростгўйлик - кишининг ҳақиқатга нисбатан бўлган ахлоқий танловидир. Ростгўй кишигина ҳақни ноҳақ, ноҳақни ҳақ демайди. Шундай кишигина яхшилик, эзгулик йўлини тутди. Гуноҳнинг боши ёлғондир. Алишер Навоий бу ҳақида шундай ёзади: "Сўзнинг ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир. Кимки ёлғон сўзни бировга тўнқагай, ўз қора юзини ёғга бўлайди. Озгина ёлғон ҳам улуг гуноҳдир, озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир".¹³

Хушмуомалалик-киши хулқининг муҳим жиҳати бўлиб, тавозеллиги, ҳалим(мулойим табиатли)лилигида намоён бўлади. Хушмуомалалик кишининг бошқалар билан бўладиган муносабатидаги зарур талаб ҳисобланади. Агар шундай ўхшатиш жоиз бўлса, кишини яхши либос қанчалик чиройли, хушрўй кўрсатса, хушмуомалалик ҳам уни шунчалик жозибадор қилиб кўрсатади. Алишер Навоий хушмуомалаликни шундай тавсифлайди: "Ҳилм(мулойим табиатлик) инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгилилик-ҳодисалар тўла дэнгиздаги кишилик кэмасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тэнглаштирса бўлади."¹⁴

Камтарлик кишининг ўзи ва ўзгалар қадрини англаши ва баҳолай билиши асосидаги фазилатидир. Халқимиз орасида "Камтарга камол", "Ўз қадрини билмаган ўзгани қадрини қайдан билсин", "Ўзингни эр билмаган, ўзгани шер бил" каби кэнг тарқалган нақллар кишидаги ана шу фазилат ҳақидадир. Такаббурлик камтарликнинг муқобили худпарастликдир. Алишер Навоий худпарастликнинг учта феъл-атворини ажратиб кўрсатади. 1) Ўзига бино қўйишлик. Худбиннинг ҳар бир қилган иши ўзига яхши кўринади, 2) ўзини бошқалардан устун қўйиши; 3) ҳақнинг амрига бўйсунмаслик. Такаббурлик шайтон иши. Шу боис мутафаккир шоир: "Худпарастликдан бутпарастлик яхшироқдир",¹⁵ деб уқтиради.

Ахлоқий тамойил ва меъёрлар ахлоқ тузилмасининг маънавият таркибий қисми тарзида амал қилишининг зарурий шартларидир.

Хулоса қилиб айтганда, ахлоқий мезоний тушунчалар, тамойил ва меъёрлар ахлоқнинг маънавият ўзаги сифатидаги табиатини белгилайдиган жиҳатлар бўлиб ҳисобланади.

4-мавзу. Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари.

Режа:

1. Оила маънавий-ижтимоий муҳит сифатида. Никоҳ ахлоқий муносабат эканлиги. Фуқаролик жамияти оила билан давлат ўртасидаги ўзига хос босқич эканлиги. Давлат мустақиллиги тушунчасининг ахлоқий талқини.

2. Ахлоқий маданият ва касбий одоб. Муомала одоби, этикет. Касбий одобнинг ахлоқий маданият тузилмасидан ўрни.

3. Шахс ахлоқий тарбияси. Замонавий ахлоқий тамойил, восита йўллари.

Адабиётлар.

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Адолат" газетаси 2002 йил, 30 август.

¹³ Алишер Навоий Маҳбуб ул-қулуб"(қалблар севгилиси") Т.,1983.,72-73-б.

¹⁴ Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. Т.,1983,65-б.

¹⁵ Ўша жойда. 57-59-б.

1. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси.2000, 8 июн.
2. Каримов И.А. инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият. “Халқ сўзи” газетаси. 2005 йил, 8 декабр.
3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Маъруза матни. Т. 2000 йил.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Маърифат” газетаси. 1998 й. 1 апрел.
5. Оллоёров М. Оллоёрова М. Эстетика ва ахлоқшунослик фанларини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. Сам.2006 й.

Оила жамиятнинг асоси, муҳим ҳужайраси ва айна пайтда у маънавий ижтимоий муҳит ҳисобланади. Шунга кўра у жамиятнинг бошланғич ахлоқий асоси вазифасини ўтайди.

Авваламбор оила микро маънавий маскан бўлиб, у қандай ташкил топса, шаклланса, жамият ҳам шундай тараққий этади. Шу маънода оила жамият тизимининг таркибий қисмики, айна пайтда унинг ўзи ҳам макрооиладир. Инсон ана шу микро маънавий-маскан муҳитида вояга етади ва унда ахлоқий фазилатлар эгаси камол топади.

Оила инсониятнинг цивилизация босқичига асосий омил вазифасини ўтайди. Тарих, қадимшунослик (археология) фанларининг кўрсатишича инсоният маълум давр мобайнида оиласиз даврни бошидан кечирган.

Оиланинг тарихан шаклланиши жараёнида инсоннинг табиий-биологик жиҳати, муносабатлари ахлоқий талаб, нормалар асосида ижтимоийлашади. Ва бунинг натижаси ўларок ижтимоий характерга эга бўлган эр-хотинлик, ота-она, қариндошлик ташкилот-давлат шаклланади. Оиланинг бундай хусусиятига биринчилардан бўлиб қадимги юнон файласуфи Афлотун эътиборини қаратган ва давлат оилаларнинг ўзаро бирлашиши натижасида юзага келади деб тушунтиради.¹⁶

Оиланинг жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит сифатида юзага келиши унинг қуйидаги учта жиҳатлари ўзида мужасамлаштиришлиги билан изоҳланади. Айна пайтда улар унинг асосий вазифаси ҳам саналади. Булар: 1) никоҳ; 2) оилавий мулк ва унга эгалик қилиш; 3) Фарзанд тарбияси. Никоҳ оила тизимининг негизи ҳисобланади.

Оила ва никоҳ турли даражадаги ижтимоий тузилмаларидир. Оила кишиларнинг табиий-биологик(жинсий муносабатлар, уй-рўзгор юритиш, фарзанд кўриш), ҳуқуқий-маънавий муносабатларга (севги-муҳаббат, масъулият, бурч, виждон ва ҳ.) асосланган бирликдир.

Никоҳ эса оиланинг фақат ҳуқуқий асоси бўлиб, оила бошлиқларининг бир-бирлари ва жамият олдидаги ахлоқий ва ҳуқуқий бурч мажбуриятларини, масъулиятини белгилайди. Шунга кўра унинг моҳиятан ижтимоий-маънавий ходиса тарздаги мақомати белгиловчи жиҳатдир.

Никоҳ-бу икки жинсдаги кишининг ихтиёр эркинлигига асосланган оила қуришларига берилган фатводир.

Тарих, қадимшунослик, этнография фанларининг кўрсатишича, никоҳ кишилик жамиятининг цивилизация томон тадрижий ривожланиб бориши жараёнида такомиллашиб борган.

Никоҳнинг дастлабки шакли – экзогамия, яъни никоҳ бўлиб, унинг ўзи ҳам қуйидаги шаклларда – бочқичлар бўйича оддийдан мураккабга қараб ўзгариб боради. Булар: 1) **полигамия** (кўпникоҳлик); 2) **полигиния** (кўпхотинлилик); 3) **полиандрия** (кўпэрлилик).

Уруғчиликни пайдо бўлиши билан кўпникоҳлилик(полигамия) юзага келади, яқин қариндошлар ўртасида жинсий муносабат-алоқада бўлишни табу.. тақиқларнинг юзага келиши билан изоҳланади.

Полигиния – эркак кишининг чегараланган миқдордаги аёллар билан полиандрия эса аёл кишининг чегараланган, бир қанча эркаклар билан никоҳли иттифоқидир.

Никоҳ бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларни ўз ичига олади. Булар; ҳуқуқий, ахлоқий, диний жиҳатлар. Ҳуқуқий томондан, социал норма, талаблар мажмуи билан шартланган бўладики, улар муайян қонун-қоидаларда мустаҳкамланган бўлади. Масалан унинг шартларидан энг муҳими-никоҳга қирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари(йигитлар 18 ёш, қизлар 17 ёшдан никоҳ тузиш ҳуқуқига эга). Шунингдек никоҳнинг давлат томонидан расмий рўйхатга қайд этилиши оилада эр-хотининг ҳуқуқларига доир талаблар унинг ҳуқуқий жиҳати ҳисобланади. Никоҳнинг ҳуқуқий жиҳати унинг ахлоқий жиҳатини заруран тақозо этади-ушбу жиҳатлар уйғунлашган пайтдагина қурилган оила

¹⁶ Қаранг; Платон. Законы //Соч. В-3 т.-М.,1972 т.3. с.148-150.

мустаҳкам бўлади. Оила бузилишларининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу уйғунликнинг бузулиши ҳисобланади.

Никоҳнинг ахлоқий жиҳати асрлар давомида шаклланган севги-муҳаббат, ор-номус, бурч, шарм-ҳаё вафо-каби ахлоқий тамойил, нормалар билан боғлиқдир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Шарқда хусусан, ўзимизнинг юртимизда аввал-азалдан никоҳнинг ахлоқий жиҳати устивор ҳисобланган. (Абдулла Ориповнинг “Аёл шеърисида севги-муҳаббат, вафодорлик ахлоқий тамойиллари ўзининг ифодасини топган.) Ахлоқий томондан қурилган никоҳда севги, яъни томнларнинг муҳаббати етакчи ўрин тутаети. Никоҳ тузишдан аввал икки ёш орасида гоҳ очик, гоҳ яширин севги-муҳаббат бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам розилик шарти билан қурилган оила унинг муҳим томонини ташкил этади. Кўпинча бундай оиланинг қурилишига ота-оналарда норозилик, шубҳа уйғотади, чунки бўлажак келин-куёвнинг оилавий келиб чиқиши, ота-онаси, ахлоқийлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаганлиги учун улар бундан никоҳга қарши бўладилар.

Ҳозиргача Ғарб маданияти, демократияси идеаллари жамиятимиз ҳаётига таъсири кучли бўлса-да, оилалар халқимизга хос урф-одат, анъаналар бўйича қурилмоқда. Бунда, айниқса, ота-она, маҳалла қўшниларнинг фикрлари, иштироки муҳим жиҳат ҳисобланади. Масалан, ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасига кўра, сўровга жалб қилинган, оила қураётган ёш йигит-қизларнинг 83,3 фоизи оила қуриш никоҳдан ўтишда ота-оналарнинг розилиги, оқ фотиҳаси зарур деб ҳисоблайдилар.¹⁷

“Сизнингча, никоҳдан ўтиш ҳақидаги масалани ҳал қилишида маҳалла, яқин қўшниларнинг фикрини ҳисобга олиш керакми?” дэган саволга эса уларнинг 47,6 фоизи” албатта, керак бу муҳим” деб, 38,8 фоизи” керак жуда зарур бўлган ҳолда” деб жавоб берадилар.¹⁸

Ҳозирги пайтда никоҳнинг ҳуқуқий жиҳати шариат қоидалари асосида мустаҳкамланади. Бундай ҳолатда ҳар иккала томон розилиги олинади ва диний маросимлар ўтказилади (ислом динида мулла томонидан фотиҳа сураси ўқилади, христиан динида черков олдида ва художўй черков отаси томонидан керакли маросимлар ўтказилади. Мазкур никоҳда ҳам томонлар бир-бирига ҳурмат қилишга, ҳаётнинг аччиқ ва ширин кунларида бирга елкадош бўлишни ўз зиммаларига оладилар.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтирослар ахлоқи бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда табиий-эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккинчи даражалидир. Шунинг учун никоҳсиз қурилган оилалар жамият олдида бурч ва маъсулиятсиз яшайдилар ва унда туғилиб вояга етган фарзандлар ҳам етук инсонлар бўлиб шаклланмайдилар.

Оиланинг иккинчи жиҳатини оилавий меросий муносабатлар бу унинг мавжудлиги, мустақиллигини, тинч осойишталиги таъминловчи моддий асос ҳисобланади. У оила аъзоларнинг балки маънавий эҳтиёжларни қондириш, бахтли ҳаёт кечиришларининг муҳим омилидир. Оилавий бойлик, молу-мулк ҳалол меҳнат билан топилган пайтдагина оилада ахлоқий муҳит юзага келади. Оилада асосан эркак киши етакчилик қилади. Оилани бошқариш ва уни моддий жиҳатдан таъминлаш унинг зиммасига юкланади. Аёл киши оилада кўпроқ уй-юмушлари, фарзанд тарбияси билан машғул бўладилар.

Моддий жиҳатдан таъминланган оилаларда кўпинча фарзандлар турли ахлоқсиз йўлларга кириб кетиши мумкин. (Ўғирлик, қаллоблик ва ҳ.) Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, моддий бойлик ҳеч қачон оилада устувор характерга эга бўлмаслиги лозим, акс ҳолда, ундай оила ахлоқсизликка, тубанликка юз тутаети. Ҳадиси шарифларда: “Оила моддий жиҳатдан қанча фаровон бўлса ҳам, лекин эр-хотин бир-бирларидан маънавий озика тополмаса, у энг кашок оиладир”, дейилади.

Шунинг учун ҳукуратимиз кам таъминлаган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича доимий равишда тадбир-чораларни амалга ошириб бормоқда.

Оиланинг учинчи жиҳати фарзандлар тарбиясидир. Бу ҳар қандай жамиятда ниҳоятда катта жамиятда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Оилада асосан аёл кўпроқ фарзанд тарбияси билан машғул бўлса-да, лекин конституциямизнинг 14 боби 64-моддасида ота-она ўз фарзандларини вояга етказишда бирдек маъсулдирлар, деб кўрсатилган. Шуни яхши тушуниб олиш керакки, оилада, фарзанд тарбиясида ҳуқуқийликдан кўра ахлоқийлик устувор характерга эгадир. Бошқача қилиб айтганда ота-она фарзандларига юксак ва олийжаноб ахлоқий фазилатлари

¹⁷ Қаранг: Раъно Убайдуллаева. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда миллий менталитетни ҳисобга олиш.//Ижтимоий фикр “Инсон ҳуқуқлари. №2(34) 2006, 42-б.

¹⁸ Ўша жойда.

билан намуна бўла олишлари билан тарбияни амалга оширадilar. Халқ тилида айтганда “Қуш уясида кўрганини қилади”.

Ота-она фарзандлар тарбияси учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий жиҳатдан бирдек жавобгардирлар.

Комил фарзандлар тарбияси оилани мустаҳкам ва унинг жамиятининг кичик ҳужайраси сифатидаги мавқени таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Шунга кўра фарзандлар тарбияси жамиятнинг келажагини белгилайди.

Айни пайтда фарзандлар ҳам ота-она олдида ўз бурчларини адо этишлари лозим.

Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб то ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятлардан бири ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромлари, ҳурматларини жойига қўйишдир. Ота-онани қадрлаш, уларнинг дуоларини олиш – болаларнинг фарзандлик бурчдир.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий бу борада шундай ўғит беради: Ота-она иккисига хизматни бирдек қил. Икки дунёни обод бўлишни истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол. Туни кунингга нур бериб турган–бирисини ой англа, бирисини кўёш”.

Ҳадису шарифларда фарзанднинг ота-она олдидаги қарздорлиги ҳақида шундай дейилади: “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади”.

“Ота-оналарнинг кексайган вақтда ҳар иккисини, ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, ва яна хор бўлсин”. “Ким ота-онасини рози қилса унга тубо(жаннатдаги дарахт) насиб бўлиб, Оллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади.

Оила турли хил сабабларга кўра бузиладики, уларнинг асосийларидан бири фарзандлар тарбияси билан боғлиқдир.

Шунингдек оила табиий сабабларга кўра ҳам бузилади. Бу асосан ота-онанинг ёки улардан бирининг вафотидан сўнг жанжал, низолар туфайли юз беради.

Бундан ташқари оила никоҳнинг бекор қилиниши муносабати билан ҳам бузилади. Никоҳнинг бекор қилинишнинг турлича сабаблари бор. Хусусан фарзандсизлик, турмуш ўртоғига хиёнат ва бошқалар.

Ота-онага бўйсунидан бош тортишга йўл қўйиш боланинг кўпол бадхулқ, нокам бўлиб етишувига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоғи, маскани сифатида катта аҳамият касб этади.

Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом, бахтли бўлсагина жамиятда барқарорлик вужудга келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Асосий қонуниимизнинг “Оила деб аталган 14-бобидаги 64-65-моддаларида оиланинг мавқеи куйидагича белгиланади. “оила жамиятнинг бир бўғинидир ҳамда жамият ва Давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”. “Оналик ва болалик Давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

Ахлоқий маскан бўлиш оила жамиятини, миллатини ташкил этади. Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти оила ва давлат ўртасидаги муҳим босқичдир. Бунда мазкур фуқаролик жамияти ўзига хос хусусияти унда ахлоқий тамойиллар жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш босқичига ўтишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилишлиги билан изоҳланади. Бу ўринда Президентимизнинг куйидаги фикрини эсда олиш мақсадга мувофиқдир: “ Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси–бу давлатнинг вазифаси–ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаолиятини, сиёсий-ахлоқий маданиятини оширишдан иборатдир.”¹⁹

Фуқаролик жамияти моҳиятан оила ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг нисбатан уйғунлашган даражадаги жамият тизимидир. Чунки фуқаролик жамиятнинг асосий хусусиятларидан бири бу ўз-ўзини бошқариш(тамойили) ҳисобланадики, бунда ушбу тамойил оила билан бошқарувчи сиёсий ташкилоти бўлган давлат ўртасидаги муносабатни уйғунлаштириш омили бўлиб хизмат қилади.

Ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтиш жараёнида давлат функциялари аста-секинлик билан жамоат, нодавлат ташкилотлари зиммасига ўта боради. Ўзбекистон Конституциясининг 105 моддаси ва “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунни 1-моддасига биноан, шаҳар кишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг

¹⁹ Халқ сўзи” газетаси, 2004 й. 23 июн.

йиғинларини –ўзини-ўзи бошқариш деб белгиланадики, улар 2,5 йил муддатга раиси(оқсоқолли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларга ўз ҳуқуларини рўйёбга чиқаришга кўмаклашадилар, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президентнинг фармонларини, ҳукуматнинг, халқ депутатлари маҳаллий Кэнгашлари ва ҳақимларнинг қарорларини бажаришда фуқароларни бирлаштирадилар.

Ўзини-ўзи бошқариш тамойили ҳар бир фуқародан жамиятдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол субъект сифатида иштирок этиш билан бирга, улардан ўзида юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришларини талаб қилади. Ушбу вазифани барча тарбия йўналишларида ахлоқий тарбиянинг устувор мавқеи ўзаро бирлик орқали амалга оширилади. Шунга кўра барпо этилаётган жамият мамлакатимизда.. Ғарб мамлакатларидаги фуқаролик жамиятидан ана шу жиҳати билан фарқ қилади. Агар Ғарб мамлакатлари бошқариш тизимида қонунчилик етакчилик қилса, бизда маънавий ахлоқий йўналиш белгилловчи мавқеини эгаллайди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда давлат бош ислохотчи вазифасини ўтайди. Давлат турли-туман бошқарув ва ташкилий институтлар мажмуаси бўлиб, унинг энг муҳим вазифалардан бири-бу жамият ва шахс муносабатларини уйғунлаштиришдирки, буни у энг аввало таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш мукаммалаштириш орқали амалга ошади.

1997 йилдан бошлаб амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бу соҳадаги асосий ютуқларимиздан бири бўлиб, у халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш билан бирга уларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришга фуқаролик жамиятига мувофиқ келувчи етук кадрлар етиштиришга қаратилгандир.

2. Режадаги иккинчи савол ахлоқий маданият ва касбий одоб масаласи бўлиб, у ахлоқшуносликдаги асосий мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат ва фуқаролик жамияти учун хос бўлган жамият ва шахс уйғунлигига муайян даражасини фуқароларнинг ахлоқий маданияти даражаси орқали эришилади. Ахлоқий маданият шахснинг жамият томонидан қабул қилинган, инсонда завқ уйғотувчи тажрибаларнинг ўз ҳаёти фаолиятида амал қилиши , қўллаши, ҳаёт тарзига сингиб бориши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига қамраб олади. Шунга кўра ахлоқий маданият умумий маданият тизимининг таркибий қисми бўлиб , шахснинг жамият ахлоқий тажриба, нормаларини эътиқод даражасида ўзлаштириши, хатти-ҳаракатлари, ҳаётини фаолиятида намоён этиш малака кўникмаларидир. Ахлоқий маданият шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлари, уларнинг мақсад манфаатларини уйғунлаштиришнинг омили бўлиб ҳисобланади. Чунки ижтимоий муносабатлар тараққиёти даражаси ахлоқий норма, тамойилларнинг жамият аъзолари томонидан қай даражада ўзлаштирилганлиги билан белгиланади.

Ахлоқий маданият тузилмаси муайян таркибий қисмлардан иборат бўлиб, булар куйидагилар: 1)муамола одоби; 2)этикет; 3)касбий одоб.

Ижтимоий муносабатлар–бу кишилар ўртасидаги кундалик, турмуш, ишлаб чиқариш жараёнида шаклланадики, бу жараёнда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш–муомала одоби муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра муомила одоби ижтимоий характерга эга бўлиб, у моҳиятан шахс ахлоқий маданияти шаклланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Муомила одоби кишининг хушмуомалалик, ростгўйлик, камтарлик, ҳалолик каби ахлоқий меъёрларга қай даражада риоя қилиши, турмуш тарзида қўллай билишида намоён бўлади. Халқимиз орасида кэнг тарқалган ҳикмату нақлларда муомила одобининг ана шу жиҳатлари ўз ифодасини топган. Масалан: “Ширин сўз жон озиғи, ёмон сўз–бош қозиғи”, “Яхши топиб гапиради, ёмон-қопиб”, “Тиг яраш битади, сўз яраси битмайди”, “Дўст ачитиб гапиради, душман-қулдириб” ва бошқ.

Бундай ҳикматларнинг ҳар бирида мужассамлашган фикр минг йиллар давомида кишиларнинг ҳаётини тажрибасида юзага келган ҳақиқатлардирки, бунга кўпинча эътибор берилмайди. Ваҳоланки, кишининг ахлоқий-маънавий хислатлари энг аввало муомала маданияти одобида намоён бўлади. Бу ўринда биргина мисол келтириш билан чекланишимиз мумкин. Демак, бир киши берган ваъда бўйича ўз таниши билан келишилган учрашувга атайлаб бормади. Бир қарашда оддий бир ҳол бўлиб кўринган ваъдага вафо қилмаслик аслида ростгўйлик ахлоқий меъерининг бузилишидирки, бунда киши ўзига нисбатан ишончини йўқотади.

Этикет–бу кишиларнинг ўзаро муносабатига тегишли умумий тарзда қабул қилинган ва риоя қилиниши талаб этиладиган ахлоқий қоидалардир. Шунга кўра у муомила одобининг

расмийлашган шаклидирки, у ҳар бир халқнинг урф-одати, хулқ-атвори билан бевосита боғлиқ одоб қоидалари ҳисобланади. Масалан, бизнинг халқимиздаги меҳмондорчилик, дастурхон устида ўтириш – овқатланишнинг одоб қоидалари–этикетлардан (дастурхон тўрида энг катталарнинг ўтириши, овқат ейишни уларнинг бошлаб бериши ва бошқ.)дан Ғарб – Оврўпа халқларнинг бу борадаги этикетлари фарқ қилади. (Бу ўринда Махтумқулининг: “Ҳар йигитнинг аслини билай десангиз, маракада ўтириб туришинг кўринг” деган сўзларини эслаш кифоя).

Бугунги глобаллашув, дунё халқлари маданий алоқаларининг кэнгайиб боришида кишиларимизда, айниқса ёшларимизда миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра ёшларимиз миллий этикет кўникмаларини шакллантириш бугунги тарбия тизимининг муҳим вазифаси ҳисобланадики, оила буни амалга оширувчи асосий субъект саналади. Дарҳақиқат, одоб кўникмалари болада ёшлиқдан бевосита ота-онанинг намунавий хатти-ҳаракатлари таъсирида шаклланади. “Куш уясида кўрганини қилади” деган халқ ҳикматида ана шу оддий ҳақиқат мужассамлашгандир.

Этикет муомала одоби сифатида фақат муайян миллат, халқ муносабатидаги эмас, балки халқаро ижтимоий-сиёсий миқёсида, хусусан, дипломатия соҳасида қабул қилинган қонун-қоидалар тарзида ҳам амал қилади. Бундай қонун қоидалар расмий ҳарактерга эга бўлиб, уларга элчилардан тортиб, давлат бошлиқларигача бирдай риоя қилиши талаб этилади. Ва уларни бузиш қатъиян тақиқланадики, бунга йўл қўйилган ҳолда катта жарима тўланади. (Собиқ шўролар мамлакатининг бошлиғи Н. С. Хрущёв 1962 йилда БМТ ассамблеясида маъруза қилиш этикетини бузганлиги учун унга жарима белгиланган эди).

Касб одоби ахлоқий маданиятнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнида амал қилиш шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, касб одоби муайян ишлаб чиқариш соҳасида шуғулланувчи шахс–касб эгасининг ўз ижтимоий бурчини ахлоқий норма, меъёрлар мезонидан ўташ маданиятидир. Касб одоби бир-бири билан узвий боғлиқ икки жиҳатни ўз ичига олади: ҳуқуқий ва ахлоқий. Касб эгасининг ўз бурчини жамиятнинг мақсад ва манфаатларига мувофиқ мажбурият доирасида бажариши биринчи жиҳат моҳиятни ифодаласа, иккинчи жиҳатнинг моҳияти эса ихтиёр эркинлиги, ахлоқий танлов асосланишлиги билан изоҳланади. Ва қайд этилган жиҳатлар ўзаро узвий бирликда касб эгаси фаолиятида ахлоқий муносабат тарзида намоён бўлган пайтдагина касб одоби ахлоқий маданиятнинг амал қилиш шакли ҳисобланади. Дарҳақиқат, масалан, шифокор-врачнинг касб одоби Гиппократга қасамёдини фақат мажбурият доирасида эмас, балки ахлоқий танлов тамойиллари асосида адо этишлигида намоён бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, касб одобида ҳуқуқий жиҳат белгиловчи, устувор томон ҳисобланади. Ва шу боис ҳеч бир табиб, ҳатто ўзининг ашадий душманини ҳам даволамасликка ҳаққи йўқ.

Касб одоби ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларининг бирлиги тамойили барча касб эгаларига ҳам бирдек таллуқлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, касб одоби турли тоифадаги кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа муомала одоби бўлиб қолмасдан, айни пайтда унда шахс ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ифодаланади. Чунки ҳар бир ижтимоий гуруҳ касбий вазифа-бурчларини бажаришига кўра иерархияли, мавқега эгадирларки, бунда уларнинг бири иккинчисига нисбатан имтиёзли ҳуқуқга эга бўлади. Чунинчи, ўқитувчи укувчига нисбатан, мактаб директори ўқитувчига нисбатан ва ҳ.

Шу жиҳатдан олиб қараганда касб одоби маданияти жамият ва шахс муносабатларини уйғунлаштиришда муҳим мавқени эгаллайдики, бу айниқса бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Зотан бундай жамият ўз моҳиятига кўра ўз-ўзини бошқа тамойилига асосланган тизим бўлиб, бунда фуқароларнинг ахлоқий маданияти устивор мавқени эгаллайди.

3. Ахлоқшунослик, биринчи маърузамизда кўриб ўтганимиздек, амалий фалсафада бўлиб, унинг у ахлоқий билимлар, тамойиллар, меъёрлар, норма-талабларни кишиларнинг хатти-ҳаракатига турмуш-тарзи, ҳаётини фаолиятимизга айлантириш масаласи тадқиқи билан шуғуланишлиги билан изоҳланади. Ва бунда мазкур фан бевосита ахлоқий тарбия амалиёти, яъни уни амалга ошириш жараёни билан шуғулланилади, балки мазкур тарбиянинг мақсади, вазифалари ва восита усулларини фалсафий-назарий, тажрибавий-баёний усулларини кўрсатиб беради. Шунга кўра ахлоқшунослик педагогика фани ва тарбия малиёти учун дастуриламалий аҳамиятга эга бўлган илм соҳаси ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия умумий тарбия тизимининг, фалсафий тил билан айтганда субстанциявий асосини ташкил этади. Чунки барча тарбия йўналишлари(эстетик, сиёсий-мафкуравий, ҳуқуқий, жисмоний ва ҳ.)нинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ахлоқий тарбия асосий восита –

омил бўлиб хизмат қилади.

Чунки умуман ҳар қандай тарбиянинг амалий кўриниши, унинг мақсад, вазифаларининг қай даражада реаллашиши шахс ахлоқий тарбияси даражаси билан белгиланади. Ва шунга кўра ахлоқ маънавиятнинг негиз элементи ҳисобланади.

Инсон маънавият соҳиби эканлиги унинг маданияти даражаси билан белгиланади. Шунга кўра шахс ахлоқий тарбияси инсон моҳияти билан боғлиқ азалий фалсафий муамолардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки барча тарбия йўналишлари ўзаро бирликда жамият ва шахс маънавиятини шакллантириш учун хизмат қилиб мазкур жараённинг натижаси ахлоқийлик мезонлари билан ўлчанади. Шу боис ахлоқий тарбия масаласига ҳар бир даврда ўта долзарб вазифа сифатида қаралган. Тарихдан маълумки, ахлоқий тарбия Конфуций, Платон, Аристотел, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Аҳмад Юкнакий, Авлоний каби мутафаккирларнинг диққат марказларида бўлган ва улар ўзларининг бу ҳақда ноёб фикрларини мерос қилиб қолдирганлар. Бу ерда ҳар бир аллома фикрига тўхталиш имконияти эга бўлмасда, айримларининг фикрини келтириб ўтамиз. Юнон файласуфи Афлотун(эр. авв.4 аср)нинг фикрича “Тарбия фақат азалдан инсонга берилган фазилатларни шакллантиради, юзага чиқаради, холос. Борди-ю тарбия нотўғри берилса, у ҳолда инсондаги азалий фазилатлар ўзгариши ёки ўчиши мумкин.

Ахлоқий тарбия инсонни комилликка элтувчи йўлларнинг энг асосийси ҳисобланади. Юнон файласуфи Арасту(эр.авв. 4 асрда) “Маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигига амал қиладиган кишидир. Фазилат (ахлоқий-тарбия маҳсули) инсоннинг қўлга киритган сифатидир.”-деб таъкидланган эди. Шунга кўра ахлоқий тарбия шахсни маънавий-руҳий камол топишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шахсни ахлоқий тарбиялаш мураккаб узлуксиз жараён бўлиб у жамият учун энг долзарб масала ҳисобланади. У ўз вақтида буни таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний бир жумла билан ифодалаб берган эди: “Тарбия (ахлоқий тарбия изоҳ бизники) биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”. Алломанинг ушбу фикри ҳозирги кунда ёшларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда дастуриамалий аҳамият касб этмоқда.

Шахс ахлоқий тарбияси ахлоқий фазилатлар, меъёр ва тамойилларнинг муайян усул ва воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади маънавий-ахлоқий баркамол шахсни шакллантириш бўлиб, бу ахлоқий норма, тамойил ва меъёрларни ҳар бир кишининг фаолияти, мотиви ҳатти-ҳаракатининг мазмуни, турмуш тарзига айланттириш вазифаси орқали амалга оширилади. Шу маънода ахлоқий тарбия—бу шахснинг ахлоқий маданиятини шакллантиришга қаратилган узлуксиз, тизимли жараёндир.

Мазкур вазифа бир-бирини тақозо этувчи объектив ва субъектив омиллар бирлигида амалга ошади. Жамият маънавий ҳаёти даражаси ахлоқий тарбиянинг объектив шароити—омили ҳисобланади. Мазкур тарбиянинг субъектив омилли эса инсондаги илоҳий ноёб неъмат ахлоқийликни муайян тамойил восита ва усуллар билан такомиллаштиришга қаратилган мақсадли жараёндир.

Ахлоқий тарбия куйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади: 1)намунавийлик; 2)ўз-ўзини тарбиялаш; 3) узлуксизлик.

Намунавийлик – бу тарбияланувчига ахлоқий меъёрларнинг конкрет шахс фаолиятида қай даражада реаллашганлигини ибрат қилиб кўрсатишдир. Мазкур тамойил айна пайтда тарбиялининг ўзи тарбияланган бўлиши керак деган тамойилга амал қилишни талаб этади.

Намунавийлик тамойили, айниқса, ёшларга оила, мактабларда одоб, хулқ кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки болалар табиатан тақлидчи бўладиларки, улар бундай кўникмаларни биринчи галда ўз ота-оналари, ўқитувчиларидан оладилар. Шунинг учун ҳар бир ота-она, педагог ёшларни фақат ўғит, насихат билан бериш билан эмас, балки намунавий хатти-ҳаракати, ўрнатилган кўрсатиш орқали тарбиялаши талаб этилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш ахлоқий тарбия жараёнининг фаолият сифатида амал қилишининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш—бу кишининг ўз-ўзини англаши, жамиятнинг эҳтиёжи, мақсади мезонидан туриб ўз-ўзига баҳо бериши, ўз-ўзини назорат қилиши асосида кечадиган фаолияти бўлиб, бунда у ўзини шахс сифатида шакллантиради. Шахсда бундай қобилият мақсадга қаратилган тарбия жараёнида шаклланади. Ва бундай тарбия биринчи галда оилада амалга ошириладики, бунда ота-онанинг фарзандларга намуна кўрсатиши муҳим роль ўйнайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш ижобий сифатларини такомиллаштириш ва салбий нуқсонларни тузатишга қаратилган онгли ва мунтазам фаолият деб таърифланади. Лекин, шахсда ўзининг

салбий хислатларини тушуниш, уни йўқ қилишга интилиш, яхши фазилатларни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш фаолияти ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бунинг учун барча тарбиячилар кунт билан ёшларни ўзига нисбатан талабчанлик нуқтаи-назари билан қараш йўлида талай иш олиб боришлари лозим. Бу ўринда болани кимга ўхшаши ва кимдан ибрат олишига кўмаклашиш зарур. Аммо бу иш буйруқ ёки кўрсатма шаклида эмас балким, фикр-хоҳиш билдириш ёки маслаҳат тарзида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Танкидий қараш вужудга келмасдан туриб ўз-ўзини тарбиялаш амалга ошмайди. Лекин бошқа кишилардаги камчиликларни танқид қилиш кифоя қилмайди. Балким ўзига нисбатан қаттиқ талабчан бўлиш, ўз камчиликларни англаш ва уларни кунт билан йўқотиш муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзига нисбатан талабчан бўлмаслик, ўз нуқсонларини тан олмаслик, худбинликка ва ниҳоят ахлоқий тубанликка олиб боради. Ўз-ўзини тарбиялаш йўлида ижобий натижага эришмоқ учун ёшларда ўз хулқ-атворини тўғри баҳолаш қобилиятини ривожлантириш, ўзи учун маъқул ахлоқий идеал танлаш истагини вужудга келтириш лозим. Бу оқил она тарбия жараёни ва мураббийларнинг шахсий таъсири орқали вужудга келади. Инсонда ўз-ўзини тарбиялаш хусусиятлари кичик ёшда бошланиб, ёши улғайган сари такомиллашиб боради. Хусусан ўсмирлик даврида тақлидчанлик анча ривож топади. Улар ижобий шахслардан ибрат олиш билан бирга баъзан салбий мард, ботирлардан таъсирланиб уларнинг ножўя йўллари билан бориб қоладилар. Натижада: манманлик, икки юзламачилик, бағритошлик, ичкиликбозлик, ҳаттоки ўғрилик каби ёмон сифатларни йўқотишга уринадилар. Ўзларидаги салбий ҳаракатларни ижобий фараз қилиб баъзан жиноятлар содир қиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини педагогик назоратсиз (стихияли ҳолида) қолдириб бўлмайди. Чунки ёшлар ҳаётини тажриба ва шунингдек ҳуқуқий билимдонлик етишмайди. Унинг устида айрим ўсмирлар ўжарликни принципиалликни деб хато тушуниб ахлоқсизлик даражасига тушунадилар.

Узлуксизлик ахлоқий тарбиянинг муҳим тамойили бўлиб, мазкур тарбиянинг барча йўналишлар билан узвий бирликда ва тарбия субъектларининг (оила тарбия муасасалиги мактаб, олий мактаб, жамоат ташкилотлари)нинг ўзаро алоқадорликда фаолият кўрсатишни тақозо этади.

Ахлоқий тарбиядаги узлуксизлик-тамойили таълим ва тарбия бирлигида амалга ошириладигани, бу кўпинча тарбия хусусан, ахлоқий тарбия амалиётида назардан четда қолдирилади.

Ахлоқий тарбия бир қатор воситалар орқали амалга оширилади: Булар; оила, меҳнат, санъат, оммавий ахборот воситалари ва ҳ. Шахс ахлоқий тарбияси аввало оиладан шаклланади. Тўғрироғи, у она қорнидан бошланади деган гап бежиз айтилмаган. Чунки аввало ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак. Ота-она ўзининг ахлоқий фазилатлари билан фарзандига намуна бўла олиши керак. Шунинг учун уларнинг зиммасига катта маъсулият юклангандир.

Ахлоқийлик инсоннинг инсонийлиги унинг ахлоқий тарбия маҳсули бўлган ахлоқий маданиятида ифодаланади. Шунга кўра ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, оила унинг асосий омил – воситаларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат ҳам шахсий ахлоқий тарбияловчи муҳим воситаларидан биридир. Инсонни ҳалолликка, покликка ўргатади. Меҳнатга ўрганмаган киши дангаса, лоқайд, бёмани, адолатсиз, мол-дунёга берилувчан, тайёрга-айёр, хасис, пасткаш, такаббур каби иллатлар эгасига айланади.

“Меҳнат инсонни улуғлайди” деган мақолда катта ҳикмат бор. Ижодий меҳнат инсонни инсон қилиб тарбиялайди, комилликка элтади, сабр тоқатли бардошли қиладди. Шунинг учун оила, мактабда болаларни меҳнатга ўргатиш – меҳнат тарбиясини амалга ошириш муҳим долзарб вазифа ҳисобланади.

Санъат ахлоқий тарбия воситалар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки санъат асарларида ахлоқий мезоний тушунчалар, тамойиллар мазмун-моҳияти бадиий образларда мужассамлашади. Шунга кўра шахсда санъат асарларини эстетик идрок этиш, ундан маънавий-руҳий ғизоланиш қобилиятини шакллантириш ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ва худди мана шу вазифани амалга оширишда ахлоқий ва бадиий-эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари ўзаро муштараклашади.

Санъат турлари орасида бадиий адабиёт алоҳида мавқени эгаллайди. Чунки бадиий асарларда ахлоқий эстетик идеаллар, конкрет қахрамонлар образида мужассамлантирадигани, улардан ўқувчи яшашдан мақсад нима ва қандай яшамок деган азалий ахлоқий саволларга нисбатан жавоб топади.

**«Эстетика»
(Нафосатшунослик)
фанидан маъруза матнлари**

1-мавзу: ЭСТЕТИКАНИНГ ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1. Эстетика фанининг тадқиқот доираси ва мақсади.
2. Эстетиканинг фалсафий фан сифатидаги моҳияти.
3. Эстетиканинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабати.
4. Эстетиканинг амалий аҳамияти ва вазифалари.

Эстетика ёхуд нафосат энг қадимги фанлардан бири. Унинг тарихи икки ярим-уч минг йиллик вақтни ўз ичига олади. Бироқ у ўзининг ҳозирги номини XVIII асрда олган. Унгача бу фаннинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар ҳар хил санъат турларига бағишланган рисодаларда, фалсафа ҳамда илоҳиёт борасидаги асарларда ўз аксини топган эди. «Эстетика» атамасини биринчи бўлиб буюк олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714—1762) илмий муомалага киритган. Бунда у бошқа бир улуг олмон файласуфи Лейбниц (1646-1716) таълимотидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирган эди. Лейбниц инсон маънавий оламини уч соҳага – ақл, ихтиёр, ҳиссиётга бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Баумгартенгача ақлни ўрганадиган фан–мантик, ихтиёрни ўрганувчи фан эса-ахлоқшунослик (этика) ни фалсафада кўпдан буён ўз ўрни бор эди. Бироқ ҳиссиётни ўрганадиган фан фалсафий мақомдаги ўз номига эга эмасди. Баумгартеннинг бу борадаги хизмати шундаки, у «ҳис қилиш», «сезиш», «ҳис этиладиган» сингари маъноларни англатувчи юнонча аистхетикос–«ойэстетикос» сўзидан «эстетика» (олмонча «эстетик»-«эстетик») иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди.

Баумгартен Эстетикани ҳиссий идрок этиш назарияси сифатида илгари сурди. Лекин, кўп ўтмай, у гоҳ «гўзаллик фалсафаси», гоҳ «санъат фалсафаси» сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг энг буюк назариётчиларидан бири Ҳегел эса ўз маърузаларининг кириш қисмида ёзади: «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлди. Сўзнинг ўз-ўзича бизни қизиқтирмаслигини назарда тутиб, биз «эстетика» номини сақлаб қолишга тайёрмиз, бунинг устига, у одатий нутққа сингишиб кетган. Шунга қарамай, бизнинг фанимиз мазмунига жавоб берадиган ибора, бу–«санъат фалсафаси» ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда–«бадий ижод фалсафаси».

Ҳегелнинг «эстетика» атамасидан кўнгли тўлмаганлигига жиддий сабаблар бор. Булардан бири–юқорида унинг ўзи айтиб ўтган фикрлари бўлса, иккинчиси–мазкур сўзнинг барча ҳис-туйғуларга тааллуқлилиги. Ваҳоланки, фанимиз фақат нафосатли ҳис туйғулар ва уларнинг зиддини назарда тутди. Айниқса, мана шу иккинчи сабабга кўра, «эстетика» атамасининг талабга жавоб бериши шубҳали. Бунинг устига аллақачон фанимизнинг тадқиқот доираси санъат ҳудудидан чиқиб, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетган. Шу боис биз «Эстетика» атамасини илмий муомалага киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро мазкур атамага асос бўлган «нафис», «нафислик», «нафосат» сўзлари ўз қамрови билан фанимиз талабига тўла жавоб бера олади. «Нафис» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да–гўзал, нозик, латиф, ёқимли, бадий жиҳатдан жуда юксак маъноларида изоҳланади. Бундан ташқари «эстетика» («эстетик») сўзи олмонлардаги ёки руслардаги каби бизда кэнг ёйилиб, халқимиз нутқига

сингишиб кетган эмас.

Энди фанимизнинг моҳиятини англатадиган «санъат фалсафаси» ва «гўзаллик фалсафаси» ибораларига тўхталамиз. Эстетикатарихида биринчи ибора тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, санъат фанимизнинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника нафосатшунослиги ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам бизнинг фанимиз шуғулланади. Шу боис унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди: биз тақиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз учадиган тайёра, биз яшаётган уй, биз меҳнат қиладиган ишхона, биз юргизаётган дастгоҳ, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган томошабоғлар–ҳаммасидан нафис бир рух уфуриб туриши лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсак, демак, «гўзаллик фалсафаси» деган ибора фанимизга кўпроқ мос келади. Нэгаки, фанимиз фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Шунингдек, гўзалликдан бошқа улуғворлик, фожеавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам Эстетикафанининг зиммасида. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бирида гўзаллик, бир томондан, унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлишини биз нафосат деб атаймиз.

Гўзаллик, кўрганамиздек, нафосатнинг бош, етакчи хусусияти ҳисобланади. Шу боис у Эстетиканинг асосий мезоний тушунчаларидан бири сифатида тадқиқ ва талқин этилади. Зеро гўзалликнинг иштирокисиз юқоридаги хусусиятларнинг бирортаси нафосатдорлик табиатига эга бўлолмайди. Масалан, улуғворликни олайлик. У асосан ҳажмга, миқдорга асосланади. Бухородаги Арслонхон минораси ёхуд Минораи Калон улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади, унга тикилар экансиз, қалбингизни нафосат завқи қамраб олади. Лекин худди шундай баландликдаги кимёвий қорхона мўрисидан завқланолмайсиз. Ёки ёнбағирдан туриб, тоққа тикилсангиз нафосат завқини туясиз, аммо худди шундай баландликдаги шаҳар четида ўсиб чиққан ахлат «тоғи»га қараб завқланмайсиз. Чунки Арслонхон минораси меъморлик санъати асари сифатида гўзаллик қонуниятлари асосида бунёд этилган; тоғ эса табиат яратган улуғвор гўзаллик. Завод мўрисида ҳам, ахлат «тоғи»да ҳам ҳажм, миқдор бору, лекин бир нарса–гўзаллик етишмайди. Минора билан тоғдаги ҳажмни салобатга айлантирувчи унсур, бу–гўзаллик. Фожеавийлик хусусиятида ҳам гўзалликнинг иштирокини кўриш мумкин. Мисол сифатида Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги Аустрлицда бўлиб ўтган рус ва француз қўшинлари тўқнашувидан сўнг, жанг майдонида ярадор бўлиб ётган князь Андрей Болконскийни эслайлик: бир қўлида байроқ дастасини ушлаганча кўм-кўк майсада мовий осмонга қараб ётган, оппоқ мундирли ботир йигит–байроқдор зобитнинг тепасига келган Наполеон уни ўлган деб ўйлаб, бу манзарадан ҳайратланиб: «Мана бу–гўзал ўлим!», дейди. Бу ўринда асар қаҳрамонининг ўлими- фожеавийлик, ўлимнинг қаҳрамонликка айланиши–улуғворлик; фожеавийлик билан улуғворлик хусусиятларининг омухталашуви натижасида эса гўзал манзара, қайғули ва улуғвор гўзаллик вужудга келган. Шунинг учун ҳам Наполеоннинг ҳайротомуз хитоби бежиз эмас. Демак, Эстетиканинг асосий тадқиқот объекти–гўзаллик, бироқ, санъат ҳам ўз навбатида Эстетиканинг гўзаллик каби кэнг қамровли тадқиқот объекти ҳисобланади.

Санъат Эстетиканинг объекти сифатида ўзига хос олам. Унда нафосатнинг хусусиятлари бўртиб кўзга ташланади. Шунга кўра уни нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин. Санъат ҳаётни инъикос эттирар экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда Эстетикасанъатнинг кўмакчиси, етакчиси ҳисобланади. Эстетикабир томондан, санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турларию жанрларигача, санъат асарининг ички мурватларидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни ўрганади. Иккинчи томондан, санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва тадбиқ этади. Учинчи томондан, эса санъат асарини идрок этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни нафосат нуктаи назаридан тадқиқ қилади.

Шундай қилиб, Эстетикасанъатни тўла қамраб олади ва унинг ич-ичига кириб боради: бадий асарнинг яратилиш арафасидаги шарт-шароитлардан тортиб, то у бунёдга келиб, асл эгаси-идрок этувчига етиб боргунигача бўлган ва ундан кейинги жараёнларни тадқиқ этади ҳамда улардан назарий хулосалар чиқаради. Зотан «Санъат фалсафаси» иборасининг сири ана шунда.

Эстетика-фалсафий фанлар таркибига кирувчи махсус соҳа. Фалсафани эса, ўзингизга маълумки, фанлар подшоси деб аташади. Дарҳақиқат, у фанлар подшоси сифатида барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқларни ўз камровига олиб, улардан умумий хулосалар чиқариб, шулар асосида инсониятни ҳақиқат томон етаклайди. Шу боис тафаккурни фалсафанинг тадқиқот объекти деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Эстетика-фалсафий фан сифатида, барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари Эстетикаишлаб чиққан қонун-қоидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Масалан, услуб, ритм, композиция в. х. борасидаги қонуниятлар барча санъат турларига тааллуқли. Ҳеч бир алоҳида санъат тури ҳақидаги фан бундай имтиёзга эга эмас. Масалан, адабиётшунослик ишлаб чиққан қофия назариясини мусиқа ёки меъморлик санъатига тадбиқ этиб бўлмайди.

Эстетиканинг фалсафий моҳиятини яна унинг санъат асарига ёндошувида кўриш мумкин. Маълумки ҳар бир санъатшунослик илми ўз тадқиқот объектига уч томонлама- назарий, тарихий, танқидий жиҳатдан ёндошади. Масалан, адабиётшуносликни олайлик. Адабиёт назарияси фақат адабиётгагина хос бўлган бадиий қонуниятларни, бадиий қиёфа яратиш усули ва воситаларини ўрганади. Адабиёт тарихи муайян тарихий-бадиий жараёнлар орқали бадиий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини очиқ беради. Адабий танқид эса адабий-бадиий ижоднинг замонавий жараёнларини тадқиқ этади ва ҳар бир янги асарни баҳолайди, асар ижодкорининг ижодий ривожланишини кузатиб боради. Мусиқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам ва х. к санъат турларида шундай. Эстетикада эса тадқиқот объектига ёндошув уч эмас, биргина-назарий жиҳатдан амалга оширилади: тарих ҳам, танқид ҳам назарияга бўйсундирилади. Тўғри, Эстетикатарихи деган ибора ва шу номда курслар ўқитилади. Лекин бу ном, ибора-шартли тарзда қўлланилади. Ваҳоланки, у фаннинг тарихи эмас, балки тарихан даврларга бўлинган нафосат назарияларининг тахлилидир.

Маълумки, санъат асарининг мавжуд бўлиши учун тўрт шарт-унсур албатта зарур. Булар: ижодкор-бадиий асар-бадиий асарни идрок этувчи-воситачи. Юқоридаги мисол нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак: ёзувчи-роман-китобхон-танқидчи. Адабиётшунослик буларнинг ҳар бирини одатда алоҳида-алоҳида ўрганади. Дейлик, ёзувчи Одил Ёқубов ижодий фаолияти ҳақида адабий портрет-алоҳида, унинг «Улуғбек хазинаси» романи тўғрисида тадқиқий мақола алоҳида, замонавий китобхоннинг диди, савияси ва талабларига бағишланган мулоҳаза-мақола алоҳида, «Улуғбек хазинаси» романига тақриз эса алоҳида ёзилиши мумкин. Эстетикафани ҳаммасини бирийўла, муайян тизим сифатида тадқиқ этади ва бу тадқиқот умумлаштирувчилик, назарийлик хусусиятига эга бўлади. Шундай қилиб, Эстетиканинг фалсафий моҳиятини кўриб ўтдик. Энди унинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатларига тўхталамиз.

Эстетикақадим-қадимлардан кўпгина фанлар билан мустаҳкам алоқада ривожланиб келган. Шулардан бири бўлган фалсафа ҳақида, улар орасидаги боғлиқлик тўғрисида юқорида айтиб ўтдик. Эстетикаучун яна бир алоқадор, «кадрдон» фан ахлоқшуносликдир. Бу иккала фан шу қадар бир-бирига яқинки, ҳатто баъзи даврларда улар етарли даражада ўзаро чегараланмаган. Чунки инсоннинг хатти-ҳаракати ва нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, Яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик, ҳам нафосат хусусиятларини ўзида бирваракай мужассам қилади. Шу сабабли «Авесто», «Библиё» ва «Қуръон» каби муқаддас китобларда, Сукрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар таълимотларида ахлоқийликни-ички гўзаллик, нафосатни-ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, кўриб ўтганимиздек, санъат Эстетиканинг асосий тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва ижодкор энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали инъикос эттиради. Бу инъикос бевосита ижобий қахрамонлар қиёфасида амалга ошса, билвосита салбий воқеа-ҳодисаларга муаллиф нуқтаи назари орқали рўй бериши мумкин. Яъни бирор бир бадиий асарда ижобий қахрамонлар, умуман, бўлмайди, лекин ундаги воқеа-ҳодисаларга ижодкор ўз замонаси эришган ахлоқий юксакликдан туриб баҳо беради. Шу боис мутлақо ахлоқсиз тарздаги бадиий асарнинг бўлиши мумкин эмас. Демак, Эстетикаўрганаётган ҳар бир бадиий асар маълум маънода ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади. Бироқ, бундай яқинлик, юқорида айтганимиздек, асло айнанликни англатмайди. Бу иккала фаннинг тадқиқот объектлари орасидаги фаркни биринчи бўлиб буюқ Арасту назарий жиҳатдан исботлаб берган эди; у, эзгулик фақат ҳаракатда, гўзаллик эса, ҳаракатсиз ҳам намоён бўлади, деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, ахлоқийлик фақат инсоннинг хатти-ҳаракати, қилмиши орқали юзага келади; одам токи ҳаракатсиз экан, биз унинг

на яхшилигини, на ёмонлигини биламиз; муайян хатти-ҳаракат содир қилинганидан кейингина биз уни ё эзгулик, ё ёвузлик, ё яхшилик, ё ёмонлик сифатида баҳолаймиз. Гўзаллик эса, ўзини ҳаракатсиз ҳам намоён этаверади. Олайлик, Кўкалдош мадрасаси. У ҳеч қачон ҳаракат қилмайди, лекин гўзаллик сифатида мавжуд, ҳаракатсизлигидан унинг гўзаллигига путур етмайди. Бундан ташқари, ахлоқнинг қонун-қоидалари, насихатлар, ҳикматлар умумийликка, барчага бир хилда тааллуқлик хусусиятига эга. Нафосат эса муайянликни, аниқликни ёқтиради. Масалан, ахлоқшуносликдаги «яхши одам» тушунчаси ҳаммага–аёлга ҳам, эркакка ҳам, ёшу-қарига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Эстетикада эса, «гўзал одам» тушунчаси йўқ; ё «гўзал йигит», ё «гўзал қиз» дэган тушунчаларгина мавжуд. Чунки, эркак кишидаги чиройли мўйлов фақат эркакнинг юзида, аёл кишидаги хуснлардан бири-кўкрак фақат аёл киши вужудида гўзалликка эга. Энди мўйлов бураб сўзлаётган аёлни-ю, сийнабанд тақиб юрган эркакни тасаввур қилинг! Бояги гўзалликлар хунуқликка айланади-қолади. Шунингдек, гўзаллик бир вужудда ҳам фақат ўз ўрнини талаб қиладиган «ўта инжиқлик» хусусиятига эга. Шу жойда олмон нафосатшуноси Фехнер қўллаган мисолни келтириш ўринлидир. Унинг фикрича қиз боланинг юзидаги қизиллик унинг гўзаллигидан далолат беради. Бироқ, қизиллик унинг бурун устига кўчса–хунуқликка айланади. Демак, ахлоқ учун–умумийлик, нафосат учун эса–муайянлик мавжудлик шarti ҳисобланади. Эстетикаруҳшунослик (психология) билан ҳам мустаҳкам алоқада. Маълумки, инсоннинг руҳий ҳаётини ўрганар экан, руҳшунослик, ҳиссиётлар масаласига катта ўрин беради. Гўзалликни, санъат асарини яратиш ва идрок этиш ҳам, маълум маънода ҳиссиётлар билан боғлиқ. Масалан, оддий харсанг тош кишида алоҳида бир ҳиссий таассурот уйғотмайди. Лекин тошга ҳайкалтарош қўл урганидан сўнг, ундан ҳаёт нафаси, инсоний ҳиссиётлар уфуриб туради. Гап бунда тошга одам қиёфаси берилганида эмас, балки шу қиёфага бир лаҳзалик инсоний туйғуларнинг жамланганидир; бошқачароқ қилиб айтганда, ижодкор тошга ўзи томошабинга етказишни мақсад қилиб қўйган ҳиссиётларнинг суратини чизади ва оддий тошни ҳақиқий санъат асарига айлантиради. Агар ижодкор-ҳайкалтарош ана шу ҳиссиётларни ўзи мўлжаллаган даражада томошабинга етказа олса ва томошабинда ўша ҳиссиётларга ё айнан, ё монанд туйғулар уйғота олса, мазкур ҳайкал ҳақиқий санъат асри ҳисобланади. Эстетикаҳайкалтарошдан ҳайкалга, ҳайкалдан томошабинга ўша ҳиссиётларнинг қай даражада ўтган-ўтмаганлигини, яъни, бадиий қиёфа қанчалик пухта яратилганлигини ўрганади ва шу асосда асарни баҳолайди. Руҳшунослик эса ана шу ҳиссиётларнинг ўзини ўрганади. Бундан ташқари руҳшунослик асар ғоясидан тортиб, то бадиий асар–нафосатли кадрийат вужудга келгунга қадар бўлган ижодкорнинг ҳиссиётлар оламини ўрганади. Албатта, бу ўрганишлар алоҳида-алоҳида, мухтор ҳолда эмас, балки иккала фаннинг бир-бири билан ҳамкорлиги, бирининг иккинчиси ҳудудига ўтиб туриши воситасида рўй беради. Шу боис руҳшуносликка ҳам, Эстетикака ҳам тэнг алоқадор бўлган санъат руҳшунослиги ва бадиий ижод руҳшунослиги деб аталган йўналишлар мавжуд.

Шунингдек, Эстетиканинг социология (ижтимоийшунослик) билан алоқадорлиги ҳам муҳим. Маълумки, ҳар бир санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани ҳолда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими сифатида бадиий тадқиқ қилади. Ҳатто инсон ва жамият бевосита акс этмаган манзара жанридаги асарда ҳам, ижтимоийлик жамият аъзоси–муаллиф қарашларининг билвосита инъикоси бўлмиш услубда ўзини кўрсатади. Зеро асар муаллифи ҳеч қачон ўзи мансуб жамиятдан четда «томошабин» бўлиб туролмайди. Чунончи, йирик асарлар социологик тадқиқотлар учун ўзига хос материал бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий вазифаларини ўрганади; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ўқувчи ва томошабинларнинг ижтимоий демографик ҳолатларини тадқиқ этади; шахс ижтимоийлашувида санъаткор ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қилади. Бу муаммоларни атрофлича ўрганиш учун маҳсус санъат социологияси соҳаси ҳам мавжуд. У–ҳам ижтимоийшуносликка, ҳам Эстетикака бирдай тегишлидир. Айни замонда, муайян санъат асарлари, жанрлари ва турларининг жамиятдаги мавқеини аниқлаб берувчи маҳсус социологик сўров усуллари ҳам мавжудки, улар шубҳасиз, санъат тараққиётига, Эстетиканинг санъат соҳасида тўғри йўналиш танлашига кўмаклашади.

Эстетиканинг диншунослик билан алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Чунки дин ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади ва кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шarti бўлиб майдонга чиқади. Бунинг устига, ҳар бир умумжаҳоний диннинг «ўз тасарруфидаги» санъат турлари бор: буддҳачилик учун-ҳайкалтарошлик, насронийлик учун-тасвирий санъат, мусулмончилиқ учун-бадиий адабиёт. Шунингдек, барча умумжаҳоний динлар ўз ибодатхоналарини тақазо этади. Ибодатхоналарнинг эса меъморлик санъати билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. Умуман олганда, динлар деярли барча санъат турлари билан алоқадорликда

иш кўради. Асрлар мобайнида, ана шу алоқалар натижаси ўларок, санъат асарининг ўзига хос кўриниши—диний-бадий асар вужудга келди. «Абу Муслим жангномаси», Шоҳизинда меъморлик мажмуидаги иншоотлар, Кёлен жомеси, Рембрандтнинг «Муқаддас оила» асари, Ҳинди-Хитой минтақасидаги Буддха ибодатхоналари ана шундай диний-бадий асарлардир. Уларда диний ғоялар бадиият орқали ифода топган. Эстетикабундай асарларни тадқиқ этар экан, албатта, диншунослик билан ҳамкорлик қилмай иложи йўқ: у ўша диний ғояларнинг моҳиятини, ҳар бир умумжаҳоний диннинг санъат олдига қўйган талабларини яхши билмоғи ва ҳисобга олмоғи лозим.

Эстетиканинг педагогика билан алоқасини биз тарбия муаммоларини ҳал қилишда кўрамиз. Чунки педагогика ҳам маълум маънода нафосат тарбияси билан шуғулланади. Лекин бу тарбия алоҳида-алоҳида, мустақил қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун махсус белгиланган тарбия тарзида, яъни муайян, аниқ чەгараларда олиб борилади. Масалан, мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, спортчилар тарбияси в. х. Педагогика ана шу соҳа ва ёшлар бўйича олиб борилаётган нафосатли тарбия муаммоларини ўрганади. Эстетикаэса нафосат тарбиясининг умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқади, яъни, инсон туғилганидан бошлаб то ўлгунигача босиб ўтадиган босқичлар учун умумий бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш кўради. Демак, рус нафосатшуноси М. Каган айтганидек, педагогика тарбия борасида тактик табиатга эга бўлса, Эстетикаунинг стратегиясидир.

Шунингдек, Эстетикасемиотика—белгилар ва белгилар тизими ҳақидаги фан билан ҳам алоқадор. Чунки санъат асари белгилар орқали намоён бўлади. Масалан, ҳарфлар, ноталар в.х. Бошқачароқ қилиб айтганда, билиш ва баҳолаш фаолияти натижаларини, яъни семантик ва прагматик ахборотни ўзида мужассам қилган санъат асари ўша ахборотни етказиб беришга ҳам мўлжалланган. Ана шу санъатнинг белги билан боғлиқ томонини, коммуникатив-воситачилик жиҳатини семиотика ўрганади. Айни пайтда, фанимизда тузилмали-семиотик Эстетика деб аталган назария ҳам мавжуд. Унда санъат махсус тил ёки белгилар тизими, алоҳида санъат асари эса ана шу тизим белгиси ёки ўша тизим белгиларининг изчиллиги сифатида олиб қаралади. Зеро бунда белги санъат асарини идрок этувчига етказиб берувчи ходиса тарзида ўрганилади.

Бундан ташқари, Эстетикакибернетика, экология ва юқорида айтиб ўтганимиздек, барча санъатшунослик фанлари билан ҳам яқин алоқадорликда иш олиб боради.

Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор. Эстетикаҳам бундан мустасно эмас. Фанимиз, аввало, кундалик ҳаётимизда нафосат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим; ҳақиқий бадий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, «оммавийчилик санъати»ни рад қила олишлари лозим. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Эстетикажамятнинг барча аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга.

Эстетиканинг, айниқса, бадий асар ижодкорлари учун амалий аҳамияти катта. Чунончи, бирор бир санъат турида ижод қилаётган санъаткор биринчи галда, маълум маънода, ўз соҳасининг билимдони бўлиши керак. Дейлик, бастакор нотани билмасдан, мусиқали асар яратиш қонун-қоидаларини, шу жумладан, мусиқага ҳам тааллуқли бўлган Эстетиканинг умумий қонуниятларидан беҳабар ҳолда тузукроқ асар яратиши даргумон. Баъзилар даҳо санъаткорлар қонун-қоидаларсиз ҳам ижод қилаверадилар, деган нотўғри тасаввурга эгалар. Ваҳоланки, даҳоларнинг ўзлари кўп ҳолларда нафосат назарияси билан шуғулланганлар. Мисол тариқасида, Жомий, Навоий Леонардо да Винчи, Шиллер, Шопен каби буюкларнинг номларини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Бадий асарни тадқиқ этувчи олимлар, танқидчилар-санъатшунослар ва адабиётшунослар учун ҳам Эстетикани билиш зарур. Дейлик, «соф театр» - фақат сахна санъатинигина яхши билган санъатшунос у қанчалик истеъдодли бўлмасин, юксак талаб даражасида тадқиқот олиб боролмайди, ҳатто эътиборга молик мақола ҳам ёза олмайди. Чунончи, у драматургиядан, мусиқадан, услуб ва композиция қонун-қоидаларидан, бир сўз билан айтганда, Эстетикақонуниятларидан хабардор эмас. Натижада унинг тадқиқоти, мақоласи ёки тақризи бирёқлама, фалсафий умумлашмалардан холи, жўн ва саёз жумлалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолади.

Эстетиканинг санъатни халқ орасида ёядиган, тарғиб этадиган ташкилотлар раҳбарлари учун аҳамияти, айниқса, муҳим. Бордию маънавият ва мафкура соҳаларига матасадди раҳбарлар Эстетикадан беҳабар бўлсалар, Худо урди деяверинг. Ўша вилоят, туман, шаҳар ёки ташкилотларда юзаки қараганда кулгили, латифанамо, аслида эса санъат учун фожиали ҳолатлар юзага келади. Дикқатингизни тоталитар тузум даврида бўлиб ўтган кулгили бир воқеага

қаратмоқчимиз.

Воқеанинг тафсилоти қўйидагича; вилоят театрларидан бирида ёш истеъдодли режиссёр ишлай бошлайди. Дастлаб ҳамма иш яхши боради. Лекин нима бўлади-ю, вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ишдан бўшатилади. Шўролар тузуми одатига кўра, номенклатура одами ишсиз қолиши мумкин эмас, кичик бўлса ҳам раҳбарлик лавозимига ўтказилиши керак. Оқибатда уни театрга директор қилиб юборишади. Янги раҳбарга театрда ўрнатилган иш тартиби ёқмайди-бундай ҳолат унга интизомсизлик бўлиб туюлади: қараса, актёрлар пешинга яқин гоҳ пешиндан кейин репетицияга келишар экан. У режиссёрдан ҳамма ё соат тўққиздан олтигача, ёки ўндан еттигача ишлашини, шўролар давлатида ҳамма учун иш соатлари бир хил эканини уқтирмакчи бўлади. Режиссёр эса, актёрлар эрталабдан уйда, ойна қаршида ўз ролларида машқ қилишларини, бу ерга фақат репетиция ва спектакл учун келишларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Лекин янги директор бу ҳатти-ҳаракат ва гапларни ўзига қарши атайин уюштирилган исён деб тушунади: театрда, санъат даргоҳида ўзига ҳос қонун-қоидалар борлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Натижада икки ойдан ортиқ вақт мобайнида актёрлар «интизомсизлиги» учун маош олмайдилик, иш орқага қараб кетади. Ниҳоят, юқоридагиларга бу гап етиб боргач директор алмаштирилади. Агар собиқ милиция раҳбари озгина Эстетикадан ҳабардор бўлганида, театрда бунча асаб бузарликлар рўй бермаган, ўзи ҳам ҳаммага кулги бўлмас эди. Бундай мисоллар, афсуски, бошқачароқ шаклларда ҳозир ҳам жамиятимизда учраб туради.

Дизайнчи-инженерлар, атроф-муҳитни ободонлаштириш билан шуғулланадиган мутахассислар фаолиятига нафосат илмининг сезиларли таъсири мавжуд. Шунингдек, корхона раҳбарлари, цех бошлиқлари мазкур корхона ёки цехда дастгоҳлар дизайнидан тортиб, деворлар ранглари-ю, «ички гулзор»ларнинг жойлаштирилишигача нафосат қонун-қоидалари асосида бўлишини таъминлашлари лозим Зеро ўшандагина иш жойида меҳнат унумдорлигининг ошиши табиий. Бунинг учун эса мазкур раҳбарлар Эстетикадан албатта ҳабардор бўлишлари шарт.

Умуман олганда, Эстетика ҳамма учун ҳам зарур. Чунки инсон зоти бари-бир, ҳаётда тез-тез санъат асарини идрок этувчи сифатида майдонга чиқади. Дейлик, сиз Самарқандга «саёҳат қилиб келгани» бордингиз. Агар Эстетикадан беҳабар бўлсангиз, Гўри Мир макбарасининг гумбазига, Регистондаги мадрасалар ёнида қад кўтарган минораларга, пештоқларидаги кўҳна арабий ёзувларга қизиқиб қараймиз, чиройли экан деб мамнуният ҳосил қиласиз. Борди-ю, аксинча, нафосат илмидан ҳабардор бўлсангиз, у холда на фақат уларнинг чиройлилигини, балки гумбаз шунчаки гумбаз эмас, Худо гўзаллигининг рамзи эканини, «жамол» деб аталишини, миноралар–Тангри кудратининг тимсоли ўлароқ «жалол» дейилишини, пештоқлардаги гўзал ёзувлар-оятлар, Худонинг белгиси «сифат» деб номланишини эслайсиз ва олаётган таассуротингиз бир неча баробар кучаяди. Зеро Эстетикаорқали биз фақатгина кўрганларимизнинг шаклий гўзаллигини эмас, балки айни пайтда шакл билан бирга унинг фалсафий моҳиятини ҳам идрок этамиз. Шу сабабли, фермерга ёки темир йўл ишчисига, ёки тижоратчи-тадбиркорга Эстетикаҳақида бош қотириб ўтириш зарур келибдими, деган гаплар хато ва зарарлидир.

Юқорида кўриб ўтганларимиздан шу нарса маълум бўладики, бугунги кун Эстетикафани олдида улкан вазифалар турибди. Зотан биз кураётган фуқаролик жамияти аъзоси ҳар жихатдан камол топган, юксак нафис дид эгаси бўлмоғи лозим. Қолаверса, ҳозирги машинасозликни, авиасозликни, умуман, саноатни замонавий дизайнсиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Бунда бевосита техника нафосатшунослигининг аҳамияти катта. Бунлардан ташқари, айниқса ёшларнинг нафосат тарбиясига алоҳида эътибор бериш–замоннинг долзарб талаби бўлиб бормоқда. Шу боис «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойилларидан бири: «Таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш», деб аниқ белгилаб қўйилгани бежиз эмас.

2-мавзу. Эстетик онг (англаш) ва эстетик фаолият. Эстетиканинг асосий тушунчалари.

Режа:

1. Эстетик онг ва унинг индивидуаллик. Эстетиканинг кадрятшунослик табиати. Эстетик онгнинг асосий унсурлари: эстетик эҳтиёж ва эстетик муносабат; эстетик туйғу ва эстетик дид; эстетик баҳо ва эстетик идеал, эстетик қараш ва назария. Эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига ҳос

тури сифатида. Меҳнат эстетикаси саънат ва ҳунар. Эстетик фаолият турлари: санъат, дизайн, техника эстетикаси.

Дизайннинг эстетик моҳияти. Техника эстетикаси ва унинг ҳозирги замон эстетика фанида тутган ўрни.

2. Эстетика мезоний тушунчаларининг хусусиятлари, улар эстетик билишнинг омили сифатида. Нафосат-эстетиканинг кэнг камровли муштарак мезоний тушунчаси. Гўзаллик ва унинг намоён бўлиш соҳалари.

3. Улуғворлик, Фожеавийлик ва ҳажвийлик (кулгилилик) мезоний тушунчалари. Улуғворликка сон ва миқёснинг таъсири, табиатдаги улуғворлик, улуғворликнинг санъатда намоён бўлиши; улуғворлик ва тубанлик: Фожиавийлик ва эстетик идеал; фожиавийликнинг санъатда намоён бўлиши; Кулгилилик.

Кулги ва унинг ҳаётдаги ўрни; кулгиликнинг санъатида намоён бўлиши ва унинг ифода шакллари.

Таянч атамалар: Эстетик онг, эстетик фаолият, эстетик билиш: эстетик онг унсурлари: эстетик дид, эстетик эҳтиёж, эстетик идеал, эстетик фаолият, дизайн, техника эстетикаси; Нафосат, гўзаллик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилик.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.1996, 16-21-бетлар.
2. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000, 8 июн.
3. Умаров Э.Эстетика.Т.1995.103-134-б.
4. М.Оллоёров. Эстетика. СамДУ.2002.36-47-б.
5. Бёрк Э. Философское исследование о происхождении наших идей о возвышенном и прекрасном. М.1987. 7-15-бетлар.
6. Гегель Г. Эстетика в 4 т.т-1.1968.37-78.б.
7. Ал-Газали. Воскрешение наук о вере. М.1980.
8. Кант И. Наблюдения над чувством возвышенного и прекрасного. Соч.в 2-х томах.Т-2,Н.1949,с.173-259.
9. Шер А. Ибрат кўзи. «Соғлом авлод учун» журнал 1996 йил, 7-8,9-10-сонлар.
10. Оллоёров М., Оллоёрова М. Ахлоқшунослик, эстетика ва мантиқ фанлари таянч атамаларининг изоҳли луғати. Самарқанд, 2004, 16-22-бетлар.
11. Эстетика. Словарь М., 1989, 141-142, 324-375-бетлар.
12. В.И. Абдиев. Других. Эстетика. М., «Центр», 2000. С. 109-138-бетлар.
13. Оллоёров М., Оллоёрова М. Эстетика, ахлоқшунослик фанларини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. Самарқанд, 2006. 10-22-бетлар.
14. М.Оллоёров. Мантиқ. Маърузалар матни. Интернетда. ҳттп: // аллаяров. Фрееннет.уз.

Эстетик билиш инсоннинг дунёни ўзлаштиришининг, англашининг таркибий қисми, ажралмас жиҳати ҳисобланади. Чунки билиш жараёни моҳиятан инсоннинг ижодкорлик-фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунда у нарса, ҳодисаларнинг қонуниятлари билан биргаликда ўзининг ҳам моҳиятини билиб олади.

Эстетик билиш айна пайтда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Биринчидан, мазкур билиш объективлик ва субъективликнинг ўзаро бирлигида юзага келади ва амал қилади. Унинг бундай хусусиятини инобатга олмаслик, чуқур тушунмаслик фалсафий фикр тарихида унга бўлган бир ёқлама, юзаки талқин қилувчи қарашларни юзага келтирган.

Уларнинг бирлари фақат объективликни эътироф этувчилар бўлиб, (улар кўпинча “табиатчилар” деб аталади) эстетик билиш- бу воқеликдаги нарса, ҳодисаларнинг ўзига объектив тарзда хос бўлган “эстетик хусусиятлари”ни акс эттирувчи билишдир деб ҳисоблайдилар. Бунда улар воқелик (табиат)нинг “эстетик хусусияти” дэганди, унинг кишига боғлиқ бўлмаган гўзаллик, улуғворлик жиҳатларини кўзда тутадилар.

Иккинчи бир қараш тарафдорлари субъективликни тан олувчилар бўлиб, (улар “жамиятчилар” деб аталади) улар эса бунга зид, яъни моддий дунё, воқеликдаги нарса, ҳодисаларга ҳеч қандай объектив “эстетик хусусият” хос эмас, деган қарашни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича, бундай хусусият нарса, ҳодисаларга нисбат бериш, баҳолаш тарзида ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида, конкрет ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага

келади.

Шундай қилиб, воқеликдаги нарса, ҳодисаларнинг уйғунлиги, ўзаро алоқадорлиги, қонуниятларисиз уларнинг объектив, “эстетик хусусиятлари” йўқ. Шунингдек, айти пайтда муайян онг даражасисиз уларнинг бундай хусусиятларини англаб - билиб олиш ҳам мумкин эмас. Шунга кўра эстетик билиш онгнинг юксак босқичи — эстетик онг негизида юзага келганидек, кейингиси эса ўз навбатида эстетик билиш жараёнида шаклланади.

Иккинчидан, эстетик билиш рефлексив (лот.рефлехио-орқага ташланган нигоҳ), яъни субъектнинг(лот.субжестум - эга) ўз-ўзига қаратилган билишдир. Мазкур билиш умумий билиш жараёнининг тури сифатида субъект томонидан объектнинг (лот. обжестус - предмет, ҳодиса) моҳияти, қонуниятларини аниқлаш учун хизмат қилиш билан бирга айти пайтда унинг ўз-ўзини билиши, англашига қаратилган бўлади.

Шунга кўра бундай билиш кишининг руҳий, маънавий озикланиши, лаззатланиши билан узвий боғлиқда кечадиган жараён ҳисобланади.

Учинчидан, мазкур билиш жараёнида жонли мушоҳада, ҳиссий билиш босқичи (сезги, идрок, тасаввур) устивор мавқега эга бўлади. Чунки субъект объектни бевосита идрок этмасдан туриб, унинг эстетик хусусиятларини билиб ололмайди. Шунинг билан биргаликда эстетик билиш субъектнинг объектга бевосита муносабатисиз воситали идрок этиши тарзида ҳам кечади. Бунда унинг мушоҳадали тасаввури, ҳаёли муҳим роль уйнайди. Масалан, диний билишда Худони мутлақ, гўзаллик тимсоли сифатида идрок этиш, унинг сиймо, хусусиятларидан руҳий лаззатланиш ва б.

Тўртинчидан, эстетик билишда субъект томонидан объектнинг нафосатлилиқ (эстетиклик) жиҳати баҳоланилган тарзда аниқланилади. Бошқача қилиб айтганда, предмет, ҳодисалар гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик каби мезонлар билан баҳоланилади. Шу маънода мазкур билиш маънавий қадриятлар яратилишнинг мезоний ўлчовлари бўлиб хизмат қилади. Зотан, бундай қадриятлар ижтимоий-сиёсий, мафкуравий аҳамиятлилиги билан биргаликда гўзаллик меъёрлари асосида яратилади.

Бешинчидан, мазкур билиш тафаккур ва ҳис-туйғунинг ўзаро бирлигида амалга ошадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг натижаси ўлароқ купфункциялилиқ табиатга эга бўлган санъат юзага келади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, эстетик билиш инсоннинг воқелик- объектни ўзига хос субъект сифатида англаши (эстетик онги) натижаси ўлароқ юзага келишлиги, кейингиси айти пайтда мазкур билиш жараёнида шаклланишлигини кўриб чиққан эдик. Демак, эстетик онг ва унинг моҳиятини эстетик билишнинг хусусиятлари орқали билиб олиш мумкин.

Эстетик онг онгнинг юксак шакли (босқичи) бўлиб, унда борлиқдаги нарса, ҳодисалар, умуминсоний ғоялар эмоционал — ҳис-туйғули тарзда инъикос этади ва маънавий қадриятлилиги нуқтаи назаридан туриб баҳоланилади.

Эстетик онгда жамият ва шахснинг ўзаро бирлиги, алоқадорлиги барча ички зиддиятлари билан инъикос этади. Шунга кўра мазкур онгнинг ижтимоий онг ва конкрет шахс (индивид) онги даражасида амал қилишни фарқлай билмоқ керак. Маълумки, ижтимоий онг жамиятдаги кишилар онгининг ўзаро ички алоқага киришиши ўлароқ, юзага келадиган янги сифатга эга онг шакли бўлиб, унда муайян жамиятнинг борлиги, ҳаёти ифодаланади. Шунга кўра жамиятнинг эстетик онги шахс эстетик онги асосида шаклланиб, унинг маънавий ҳаётининг таркибий қисмини ташкил этувчи эстетик идеал, эстетик қараш ва назариялар тарзида амал қилади. Жамият эстетик онгининг субъекти — бу ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат ва элат, халқларидир. Айти пайтда улар эстетик объект тарзида намоён бўлади, чунки жамият маънавий ҳаёти тараққиёти даражаси ана шу ижтимоий бирликларнинг эстетик қарашлари, идеалларини тадқиқ қилиш орқали белгиланади.

Жамият эстетик онгининг муҳим хусусиятлари шундаки, у гарчи, ҳиссиёт, эмоционалли табиатга эга бўлсада, асосан тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш усуллари билан иш кўрувчи эстетик идеал, қараш, назариялар тарзида амал қилади. Шунга кўра мазкур онг бевосита мафкура, ижтимоий, ахлоқий ғоя, қарашлар билан боғлиқ бўлади.

Шахс эстетик онги — эстетик эҳтиёж, муносабат, эстетик ҳис-туйғу ва дид ҳамда эстетик идеал, қараш, назария каби унсур (таркибий қисм)ларнинг ўзаро бирлигидан ташкил топган мураккаб тизим ҳисобланади.

Мавжуд кўпчилиқ адабиёт, ўқув қўлланмаларида шахс эстетик онги жамият (ижтимоий) эстетик онгининг тури, унинг таркибида ҳаракат қилишлиги таъкидланади. Бй эътироз билдирилмайдиган ҳақиқат. Лекин, бизнингча, бунда шахснинг, тақрорланмас “Мен”и иккинчи

ўринга қолади. Аникроғи, бунда унинг ўз рухий туйғу, кечинма, қизиқишлари билан яшовчи индивид (табiiй-биологик тур) эканлиги, унинг муайян ижтимоий гуруҳ, табақа вакили эканлиги ҳисобга олинмайди.

Шахс эстетик онгининг моҳиятини унинг бу жиҳатни назардан четда қолдирган ҳолда тўлиқ англаб олиш мумкин эмас. Буни ҳисобга олмасдан туриб, унда бундай онгни шакллантириш мумкин эмас. Чунки, биринчидан, индивид организми, хусусан бош миясининг такомиллашиш эволюцияси ва унинг негизида юзага келган сезиш, ҳис этиш каби органлари эстетик сезги, ҳис-туйғуларининг пайдо бўлиши, ривожланишининг моддий асоси, органи ҳисобланади. Эстетик завқланиш, лаззатланишнинг физиологик асоси киши бош миясининг олий қатламларида жойлашганлиги ҳақидаги фикр физиолог, руҳшунос олимлар томонидан ўтказилган тажрибалар билан тасдиқланган.

Иккинчидан, ҳар бир шахснинг ижтимоий тип сифатида шаклланиши унинг генетик жиҳатидан соғлом насли, биологик тур сифатида яшашининг зарурий шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқдир. Шунга мувофиқ ўз-ўзидан аёнки, шахснинг эстетик туйғу, диди ва эҳтиёжларини унинг соғлом табiiй-физиологик камолотисиз шакллантириш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан соғлом авлод наслини камол топтиришнинг давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида кун тартибига қуйилиши алоҳида маъно касб этади.

Маълумки, ҳозир Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар, давлатчилик сиёсатининг пировард мақсади юксак маънавият қарор топадиган демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлиб, ушбу вазифани амалга ошириш ҳар бир кишида ватанпарварлик, халқига фидоийлик ҳис-туйғуларини шакллантиришни тақозо этади. “Инсон ўзини халқининг бип зарраси деб сезгандагина, - деб кўрсатади Президент Ислон Каримов,- у ҳақда уйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”.

Шахс маънавияти унинг эстетик онги орқали жамият, миллат маънавияти билан муштараклашади. Шахс эстетик онги жамият маънавияти ривожланишида муҳим мавқени эгаллайди. Муайян ғоя, қарашлар шахс эстетик онгида ўзлаштирилади ва фаолиятининг мазмунига, мотивига айланадики, бу жамият маънавияти юксалишига фаол таъсир кўрсатади. Бунинг натижаси ўлароқ, юксакроқ даражадаги маънавий қадриятлар яратилади. Мазкур жараён шу зайлда узлуксиз давом этади.

Шахс эстетик онги назарий ва амалий босқичлар ва уларнинг ўзаро бирлиги, ўзаро таъсирида амал қилади.

Биринчи босқичда шахс эстетик қараш ва назариялар, яъни эстетик билим асосида воқеликка муносабатда бўлади.


Шунга кўра эстетика фани шахс эстетик онгининг мазкур босқичида шакллантиришнинг муҳим воситаси, назарий асоси бўлиб ҳисобланади. Чунки мазкур фаннинг мезоний тушунчалари, қонун-қоида ва тамойилларини билмасдан туриб назарий эстетик билимга эга бўлиш мумкин эмас.

Шахс эстетик онгининг амалий босқичи — бу унинг ҳиссий билиш билан бевосита боғлиқ бўлган эстетик ҳис-туйғуси, идроки, диди каби қобилиятлари асосида кечадиган жараёндир. Шунинг учун мазкур босқичдаги шахс эстетик онги даражаси, асосан, унинг бадиий ижод, санъат соҳасига бўлган муносабатида намоён бўлади. Айтилганларни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин.

1-расм. Жамият эстетик онги
 А — эстетик идеал, қараш,
 назария.
 В-ижтимоий идеал, ғоя,
 мафкура.
 ⇔ ўзаро таъсир, ўтиш

2-расм. Шахс эстетик онги
 А-назарий босқич: назарий эстетик
 билиш
 В-амалий босқич: ҳиссий эстетик
 билиш

Шахсда муайян эстетик эҳтиёж бўлганидагина субъект сифатида воқеликка (объектга)



шундай даражада муносабатда бўлади. Демак, эстетик муносабат эстетик эҳтиёж негизида шаклланади. Хуш, эстетик эҳтиёж нима, у шахснинг бошқа эҳтиёжларидан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади? Инсон биологик тур сифатида ўз эҳтиёжларини қондириш ҳаракати билан тирикдир. Зотан:

Эр киши бирла улур андаги эҳтиёж,

То у барҳаёт экан, эҳтиёж этгай давом (Беруний)

Инсон хайвонот олаmidан ўзининг турли-туман эҳтиёжларини ақл, фаросат орқали қондиришлиги билан фарқланади. Лекин унинг шундай эҳтиёжлари ҳам бўладикки, у ҳаммада ҳам шаклланган бўлмайди. Бу эстетик эҳтиёждир. Масалан, шундай кишилар тоифаси борки, умр буйи мол, бойлик тўплаш билан машғул бўлган ҳолда маънавий-руҳий лаззатланиши учун бирорта бадиий китоб, тасвирий санъат ёки бошқа хил бадиий қимматга эга қадриятли нарса харид қилишга ўзида эҳтиёж сезмайдилар.

Эстетик эҳтиёж маънавий эҳтиёжнинг ўзига хос юксак тарзда намоён бўлиш шаклидир.

Бй ўзига хослик қуйидагилардир:

1) эстетик эҳтиёж инсоннинг нарса, ҳодисалардаги гўзалликни, нафосатлиликни ҳис этиш, англаш, уларни ана шу мезонда баҳолаш, идрок этишга бўлган интилиши, қизиқиши эканлиги;

2) мазкур эҳтиёж субъектининг объектга моддий манфаатдорликдан холи бўлган муносабатига асосланган бўлади;

3) мазкур эҳтиёж эстетик онг таркибидаги муҳим унсур бўлиб, бошқа қисм унсурлари учун асос вазифасини ўтайди.

4) мазкур эҳтиёж шахс ва жамият эстетик онгини ўзаро боғловчи ва улар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга хизмат қилади.

Кишида эстетик эҳтиёж ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У муайян шарт-шароит ва субъектив омиллар таъсирида, хусусан умумий эстетик тарбия жараёнида шаклланади. Бунда мазкур эҳтиёжни қондириш ва шахснинг бунга бўлган ички фаол интилишини ҳосил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунга эса уни турли хил фаолият соҳаларига жалб этиш, энг муҳими санъатга яқинлаштириш орқали эришилади. Шахсдаги гўзаллик, нафосатни ҳис этиш ва ундан маънавий завқланиш ҳамда шу асосда фаолият кўрсатиш малакасини ҳосил қилиш эстетик эҳтиёжни шакллантиришнинг муҳим шартларидандир.

Эстетик эҳтиёжлар асосида дастлаб эстетик ҳис-туйғу шаклланади ва бу айна пайтда биринчисининг ривожланиши янги сифатга ўтиши учун таъсир кўрсатади.

Маълумки, инсоннинг ҳис-туйғулари унинг ақлий билиши билан бевосита боғлиқ. Шунга кўра инсон ҳис-туйғусининг ижтимоий типини ажратиш мумкин. Бунга унинг: ҳақиқатни англаш, номус, бурч, масъулият, ватанпарварлик, меҳнат завқи, кўтаринкилиги каби ҳис-туйғулар киради.

Инсон ҳис-туйғулари айна вақтда, нисбий мустақил табиатга эга бўлиб, оддий шакл, ҳолатларда намоён бўлади. (Рухшунослар унинг 70 дан ортиқ, хилини ажратиш кўрсатадилар) Хусусан: очикиш, чанқоқлик, ҳорғинлик, соғинч, лаззатланиш ва х.к.).

Эстетик ҳис-туйғу инсон ҳис-туйғусининг юксак босқичда намоён бўлиш шакли ҳисобланади. Бу қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади.

л. Ҳис-туйғунинг ижтимоий ва шахсий (индивидуал) шакллари (тур)нинг ўзаро бирлигида амал қилади. Масалан, киши ўзининг Ватан олдидаги бурчини чуқур англаган пайтда унинг учун ўзини фидо қила олади ва бундан ўзи ва бошқалар ҳам маънавий қониқиш — завқ оладилар.

2. Манфаатдорликдан холи, бегараз ҳис-туйғу бўлиб, унинг замирида нарса, ҳодисаларнинг нафосатлилиги, гўзаллиги (эстетик жиҳатидан)дан завқланиш, лаззатланиш туйғуси ётади.

3. Кишининг ўз-ўзини англаши, дунёқараши, маънавий эҳтиёжи даражаси билан заруран шартланган ҳис-туйғудир. Дарҳақиқат, фақат шу даражадаги эстетик ҳис-туйғуси шаклланган кишигина нарса ва ҳодисалар замирида яширинган моҳиятли гўзалликни идрок эта олади. Масалан, ҳис-туйғуси оддий ва оралиқ даражасида бўлган, яъни ижтимоий тип даражасига кўтарилмаган киши табиатнинг кўркидан ҳайратланиши, завқланиши табиий. Лекин унинг тимсолида она юрт гўзаллигини кўра олмаслиги, унда Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳислари туғён урмаслиги мумкин. Бошқача қилиб айтганда, эстетик ҳис-туйғу — нарса, ҳодисалар гўзаллигининг моҳиятини англаган ҳолда ҳис этишдир.

Шунга кўра инсон сезги, жонли мушоҳада органларининг иштирокисиз ақлий билиш, англаши орқали ҳам нарса-ҳодисалар гўзаллигини идрок эта олади ва ундан завқ, лаззат олади. Масалан, Молдавиядаги Загорский шахридаги барча сезги органлари ишламайдиган болалар уйи директорининг улар устида олиб борган тажрибалари бу фикрни тасдиқлайди.

Эстетик хис-туйғу асосида эстетик дид шаклланади ва ривожланади.

Эстетик дид бу кишининг нарса-ходисаларнинг нафосатлилик (эстетиклик) моҳияти (жиҳати)ни идрок этиш ва баҳолай билиш қобилиятидир. Эстетик дидга эга бўлган киши нарса, ходисалар ҳамда санъат асарларини эстетик объект сифатида идрок этади ва улардаги гўзаллик, улғуворлик жиҳатларини хунуклик, тубанлиликдан фарқлай олади.

Эстетик дид инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган умумий диднинг юксак шаклида намоён бўлишидир. Чунки умумий дид кишининг объектни барча турдаги эҳтиёж ва манфаатлари билан боғлиқ ҳолда баҳолай билиши (яхши, ёмон, фойдали, фойдасиз, ижобий, салбий ва х.,к.) бўлса, эстетик дид уни эстетик субъект сифатида, яъни уни нафосатлилик мезони асосида қадрлай билиш қобилияти ҳисобланади. Масалан, бундай дидга эга бўлмаган киши учун ҳар қандай юксак санъат асари намуналари (дейлик, тасвирий санъат) ҳеч қандай (нархидан ташқари) қимматга эга эмас. Киши эстетик дидининг қай даражада шаклланганлиги унинг санъат асарларини маънавий қадриятлар сифатида баҳолай билиши, идрок этишида намоён бўлади.

Эстетик дид — бу кишининг гўзаллик, унинг барча кўринишларида намоён бўлишидан руҳий, маънавий лаззатланиш қобилиятидир. Киши объектни маънавий қадрият сифатида баҳолай билганидагина шундай қобилиятга эга бўлади-ки, бунинг учун унинг эстетик идеали, қарашлари шаклланган бўлмоғи керак.

Эстетик дид хис-туйғу ва тафаккурнинг ўзаро уйғунлигида амал қилади. Чунки нарса-ходисаларни нафосатлилик, гўзаллик мезони буйича баҳолаш-бу улар ҳақидаги соф мантиқий мазмундаги фикр эмас, балки шахснинг уларга бўлган субъектив муносабатидир. Мазкур муносабатда эса унинг конкрет индивид сифатидаги руҳий дунёси, хис-туйғулари, кечинмалари мужассамлашган бўлади. Эстетик диднинг мана шу жиҳатини бўрттириб кўрсатиш уни кишининг туғма қобилиятидир, деб хулоса чиқаришга олиб келади. (масалан, И. Кант ўз вақтида шундай қарашни илгари сурган эди.) “Дид борасида баҳслашмайдилар”, деган ибора ҳам мазкур хулосанинг ўзига хос ифодасидир, деб айтиш мумкин.

Эстетик дид муайян объект ва субъект омилар бирлиги таъсирида шаклланади ва ривожланади. Бадиий-эстетик тарбия ана шундай муҳим субъектив омилардан бири ҳисобланади.

Эстетик идеал (юнонча идеал-ғоя, бошланғич образ) эстетик қадриятларнинг орзу қилинган, талаб даражасидаги образ, тасавурларни конкрет ҳиссий шаклда ифодаловчи онг унсуридир. Инсон ўзи бевосита идрок этадиган нарса, ходисаларга эстетик муносабатда бўлиш билан чэгараланиб қолмасдан, айна пайтда уларга муайян эстетик эҳтиёж, орзу-мақсадлари билан шартланган тасавурлари орқали ҳам шундай муносабатда бўладилар. Шунга кўра эстетик идеал — бу объектнинг субъект томонидан муайян мақсадга қаратилган контрет-образли, тасавурли инъикос эттиришидир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, миллий истиқлол ғояси, мафкураси жамиятимизнинг эстетик идеалини ифодалайди. Зотан, ушбу тушунчалар мазмуни орқали Ватанимизнинг келажаги, равнақи, фаровонлиги каби ғояларнинг маъносини теран англаб этиши мумкин (Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар Т. 2000; 6-бет).

Эстетик идеалнинг конкрет тарзда намоён бўлиш соҳаси санъат ҳисобланади, чунки бадиий образларда ғоялар конкрет — ҳиссий шаклда ифодаланади ва кишилар томонидан идрок этилади. Эстетик идеалсиз киши маънавий қашшоқ, эътиқодсиз мешчан - худбин кимсадирки, бундайлар ўзининг кундалик майда ҳавас, эҳтиёжлари билангина яшайдилар. Уларнинг сиймосини шоир куйидагича тасвирлайди.

Ўша майда ҳавас қурбони — мешчан,

Биров ўлаётса дэмас “калайсиз?”.

Думбаси лорсиллар, қорни нақ мешдан.

Буниси бозорнинг подшоҳи Тоирий

Пулини нақ тўланг... - отасин ташлаб,

Сотиб юборади онасини ҳам.

(У. Азимов. Сурат парчалари. Т. 1993. 15-бет)

Социологик тадқиқотлар натижасига кўра ўсмирлар орасида жиноятларнинг 90 фоизидан ортиғи муайян мақсад, идеаллардан холи гуруҳ, тўдаларнинг таъсири остида содир этилар экан.


Эстетик қараш ва назариялар эстетик онг (англаш) унсурлари мазмунининг фалсафий умумлашган, тизимлашган шаклдаги ифодасидир. Улар эстетик онгнинг ғоявий-мафкуравий соҳаси бўлиб, фикр шакллари (тушунча, муҳокама, хулоса чиқариш) да баён этиладиган ғоя, таълимотлар кўринишида мавжуд бўлади. Масалан, истиқлол эстетикаси масаласи тадқиқ қилинадиган бўлса, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча, тамойилларининг мазмунига

асосланилади ва хулосалар чиқарилади.

Эстетик қараш ва назариялар табиат, жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари ва инсон моҳияти билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақидаги тизимлашган билимлардир. Эстетика фани ана шундай қараш ва назарияларни ифодаловчи билимлар мажмуидир. Эстетик қараш, назариялар мазкур соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчилар томонидан илгари сурилади, асосланилади. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги турлича фалсафий-диний таълимот, ғояларга асосланган бўлиб, турлича йуналишларда бўлиши мумкин. Масалан, Аристотель, Гегель, Кантларнинг эстетик қарашлари ва х.к.

3. **Эстетик фаолият** эстетик онг асосида юзага келадиган, шаклландиган инсон фаолиятининг ўзига хос туридир. Эстетик онгнинг юқорида кўриб ўтганимиз, барча унсурлари ўзаро бирликда унинг амалий босқичида фаолият шаклида амал қилади. Эстетик фаолият эстетик онгда ифодаланган ғоя, қарашларнинг руёбга чиқиши, амалиётга айланишининг усулидир. Демак, мазкур фаолият, агар шундай айтиш жоиз бўлса, эстетик онгнинг реал тарзда “ишлаши” жараёнидир. Мана шу жараёнда эстетик фаолият айни пайтда яна онг шаклида юксак босқичга ўтади. Бу жараён даврий (цикллик) лик характериға эгадир. Буни куйидаги расмда ифодалаш мумкин. 3-расм.

А- эстетик онг
В-эстетик фаолият
←→ ўзаро таъсир ва ўзаро ўтиш А В



Эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури ҳисобланади. Бу куйидагиларда намоён бўлади.

1) мазкур меҳнат ўз табиатиға кўра ижодий хислатға эға бўлиб, унда инсоннинг қобилияти, истеъдоди, таъйиксиз, эркин тарзда юзаға чиқади.

2) мазкур меҳнат жараёнининг натижаси ўлароқ эстетик қийматларға эға бўлган қадриятлар яратилади.

3) мазкур фаолият объективлик ва субъективлик бирлигида кечадиган муносабат жараёнида амал қиладики, у инсон меҳнатининг (фаолиятининг) турли соҳалари билан бевосита боғлиқдир.

Инсоннинг биологик тур сифатидаги (Нома Сапинес) даражасидан ижтимоий-эстетик тип босқичиға ўтиши ўзи ясаган меҳнат қуроллари, воситаларини ижодий такомиллаштириб бориши натижаси ўлароқ юз беради. Ибтидоий одамларнинг бундай ижодкорлиги уларнинг дастлабки эстетик онги унсурларининг шаклланиши учун асос бўлиб ҳисобланади.

Масалан, уларнинг ижодкорлиги самараси ўлароқ яратилган безакли, шаклдор буюмлар фақатгина фойдалилиги билан эмас, балки чиройлилиги, хушбичимлилиги ва бошқа шу каби жиҳатлари билан ҳам истеъмолчиларни ўзига жалб этган. Бу эса уларда буюмнинг моддий эҳтиёжлари (фойдали, манфаатли) билан бирликда эстетик эҳтиёжларини қондирувчи хусусиятларини фарқлай билиш қобилиятларини ҳам шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳар қандай меҳнатнинг натижаси муайян неъмат, бойлик яратиш билан яқунланадики, улар кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Эстетик фаолият ҳам меҳнат соҳаси ҳисобланади. Лекин у, юқорида кўриб ўтганимиздек, меҳнатнинг барча турлари (ақлий ва жисмоний) нинг ижодкорлик даражасида амалға оширишни тақозо этадиган меҳнат туридир. Эстетик фаолият—бу ижодкорлик фаолиятидирки, шунга кўра унинг турларини кўрсатиш мумкин: моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги (дизайн, техника эстетикаси, хунармандчилик), маънавий ишлаб чиқариш соҳасидаги (санъат, халқ амалий санъати) эстетик фаолият.

Биз бу ерда қисқача биринчи тури ҳақида тўхталиб ўтамиз (санъат алоҳида мавзу сифатида ўтилади).

Дизайн (инглизча Сесигҳ - лойиҳа) предметлашган жиҳозли муҳитни шакллантиришға қаратилган бадиий-техник фаолият туридир. Мазкур фаолиятнинг хусусияти шундаки, бунда объектларнинг барча жиҳатлари (фойдалилиги, мақсадға мувофиқлиги, кўриниши ва х.к.) бирликда олиб қаралади ва шу буйича лойиҳалаштирилади. Дизайнлик фаолиятининг асосий методи—бу бадиий лойиҳалаштиришдики, бу барча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Мазкур методда шакл (ташқи кўриниш) ва мазмун (симметриклик., уйғунлик, ритмийлик ва х.к.) ўзаро мувофиқлигиға эришиш тамойили белгиловчи жиҳат ҳисобланади. Масалан, автомобилнинг ташқи кўриниши фақат чиройли бўлиши билан биргаликда бошқа талабларға ҳам жавоб бериши керак (хавфсизлик ва бошқа).

Техника эстетикаси (юнонча течне — устакорлик, моҳирлик) дизайн восита, методлари ёрдамида инсон ҳаёти ва фаолиятида предметлашган, буюмлашган жиҳати, муҳитини

шакллантириш, юзага келтириш қонуниятларни ўрганувчи эстетика соҳасидир.

Мазкур фаннинг тадқиқот объектига қайд этилган йуналишдаги кўпгина масалалар киради. Хусусан, дизайннинг умумий назарияси, инсон ва буюмлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, саноат маҳсулотларининг истеъмол хусусиятларини башорат қилиш ва баҳолаш ва бошқалар.

2. Эстетика борлиқни эстетик ва бадий ўзлаштиришнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи фалсафий фан сифатида муайян категориялар (мезоний тушунча) лар тизими билан иш кўради. Мазкур категориялар шунга кўра асосан икки гуруҳга ажратилади: 1) Эстетик фаолият категориялари (эстетик ўзлаштириш, дизайн, эстетик идрок, бадий лойиҳалаш, техника эстетикаси); 2) эстетик (нафосатлилик) хусусиятлари ва санъатнинг моҳиятини ифодаловчи категориялар;

Биз биринчи гуруҳдаги категориялар ҳақида олдиндаги маърузаларимизда фикр юритган эдик. Ушбу маърузамизда иккинчи гуруҳ категориялари ҳақида тўхталамиз.

Эстетиканинг мезоний тушунчалари эстетик онг ва фаолият бирлигида юзага келадиган ва уларнинг унсур, соҳаларининг мазмунини ташкил этувчи категориялар ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фан билимлар тизими сифатида ўзининг мезоний тушунча, категорияларига эга бўлиб, улар тадқиқ этиладиган объектнинг муҳим томонларини, қонуниятли боғланишларини акс эттирадилар (Масалан, физикада — “масса”, “энергия”, биологияда — “ҳаёт”, “ирсият”, иқтисод назариясида — “товар”, “пул” ва х.к.).

Демак, категориялар ҳар бир фаннинг билиш соҳасининг натижаси ўларок юзага келади ва айни пайтда билишнинг ўзига хос усули, воситаси вазифасини ҳам ўтайди.

Фан категорияларига хос хусусиятлар эстетиканинг мезоний тушунчаларига ҳам таалуқлидир. Лекин улар айни пайтда ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

1. Мазкур категориялар борлиқдаги барча нарса, ҳодисаларнинг умумий томонларини, боғланишларини, муносабатларини ўзида акс эттиради. Шунга кўра улар моҳиятан фалсафий мазмунга эгадир.

2. Эстетик категориялар билишнинг ўзига хос типи — эстетик билишнинг натижаси ўларок объективлик ва субъективлик табиатига эга. (ўтган маърузамизнинг биринчи саволида бу ҳақида батафсил фикр юритилган эди). Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур категорияларда субъектнинг объектга унинг моҳиятини шунчалик билиб олиш мақсадида эмас, балки ўзи ва бошқалар учун аҳамиятлилиги, қадриятлилиги нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиши ифодаланади. Деярли барча фанларда билиш объектнинг моҳиятини билиб олишга қаратиладиган бўлса, эстетикада билишнинг йуналиши рефлексив, яъни субъектнинг ўзига қаратилган бўлади. Бунда объектнинг моҳиятини билиш — ўз-ўзини билиш ҳисобланади. Шунга кўра эстетик категориялар рефлексив табиатга эга бўлиб, унда субъектнинг объектни муайян мезон, ўлчовлар асосида баҳолаши ва унга маънавий қадрият тарзида муносабатда бўлиши акс этади (масалан, уни “гўзал” ёки “хунук” деб баҳолаш). Бундай мезон, ўлчов вазифасини эса муайян бир жамиятнинг эмас, балки умуминсоний ижтимоий идеал, ғоялар ўтайди.

3. Мазкур категориялар тушунчалар тарзида, яъни тафаккур шакли бўлиши билан биргаликда конкрет шахснинг ҳис-ғуйғу, руҳий кечинмаларини ҳам ўзида ифодалайди. Дарҳақиқат, эстетик мезоний тушунчалар “соф” фикр шакллари эмас, балки субъектнинг ички дунёси, маънавий олами ифодаловчи ҳиссий билиш шакллари — сезги, идрок, тасаввурларидир.


Эстетиклик (нафосатлилик) — муштарак категориядир, у ўзида барча бошқа эстетик мезоний тушунчаларни бирлаштиради.

Мазкур категорияда инсоннинг эстетик субъект сифатида борлиққа, воқеликдаги нарса, ҳодисаларга бўлган муносабати ифодаланади. Шунга кўра у фалсафий мазмунга эга бўлиб, бу эстетик билишнинг хусусиятлари орқали англашилади. (ўтган мавзунинг биринчи саволига қаранг).

Эстетиклик (нафосатлилик) категориясининг моҳияти қуйидаги нисбий, мезоний тушунчалар тизими мазмуни орқали англашилади, зухрланади Булар: гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик ва ҳажвийлик.

Мазкур тушунчалар эстетик билишнинг ўзаро бир-бирини мазмунан тақозо этадиган ва бир-бирига ўтиб турадиган жиҳатлар тарзидаги алоқадорликдаги хусусиятларини ифодалайди. Буни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин.

А-эстетиклик (нафосатлилик)
Б-гўзаллик



В-улуғворлик
Г-ҳажвийлик, фожиавийлик

↔ -ўзаро мазмунан бир-бирини тақозо этиши, бир-бирига ўтиши

Гўзаллик, эстетика фанидаги асосий масалалардан биридир. Чунки ундаги деярли барча бошқа муаммолар ана шу мезоний тушунча мазмуни орқали таҳлил қилинади ва англашилади. Кишилиқ эстетик фикр тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур масала асосий баҳс мавзуларидан бири бўлиб келган ва унинг қандай ҳал этилишига қараб турли фалсафий-диний қарашлар, таълимотлар юзага келган.

Масалан, куёшга сиғинган қадимги аждодларимиз айна пайтда унга гўзаллик маъбудаси — тимсоли сифатида қараганлар ва шу асосда зардуштийлик илк натур фалсафий-диний таълимоти шаклланди. Мазкур таълимот умуминсоний, фалсафий-эстетик ғояларини ўзида муҷассамлаштирган бўлиб, у дунё халқларининг фан, маданият ривожига катта таъсир кўрсатади. “Айтиш мумкинки, деб таъкидлайди Ислом Каримов зардуштийликнинг муқаддас китоби ҳақида фикр юритар экан, - “Авесто”да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча- тасавурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган”.

Зардуштийлик таълимоти моҳиятан табиат ва инсон гўзаллигининг фалсафасидир. Қадимги юнон натур файласуфларининг инсон (микро олам) ва табиат (макро олам) уйғунлиги ҳақидаги қарашлари ана шу фалсафий ғоя таъсирида юзага келади, деб айтиш мумкин. Улар ана шу уйғунликни гўзаллик деб ҳисоблайдилар.

Ана шундай юнон натур файласуфларидан бири Гераклит (э.о. 554- 483) фикрича, доимий ҳаракатдаги ибтидо унсур-субстанция — олов (Куёш — изоҳ бизники) оламнинг асосини ташкил этади. У “Табиат ҳақида” номли асарида гўзалликнинг моҳиятини ўзининг ана шу умумий фикридан келиб чиққан ҳолда тушунтиради. Унингча олов (Куёш) мангу ҳаракат оқими бўлган ҳаётни юзага келтиради. Гўзаллик ана шу оқимнинг моҳиятидир.

Яна бир юнон натур файласуфи Эмпедокл (э.о. 490-30 й) уқдиришича, олам асосини тўртта ибтидо унсур ташкил этади. Булар: ҳар бири алоҳида- алоҳида мавжуд олов, ҳаво, сўв, тупроқдир. Уларнинг ўзаро бирикиши ва ажралишишини файласуф икки бир-бирига қарама-қарши тортилиш (муҳаббат) ва итарилиш (душманлик — қаҳр, ғазаб) кучларининг амал қилиши билан изоҳлайди. Мазкур кучларнинг бир-бирига нисбатан устун келиши буйича амал қилиши коинот тараққиётининг даврий (цикллик) тарзда кечишини белгилайди, деб ҳисоблайди файласуф. Қайд этилган унсурларнинг ўзаро бирлашиши — уйғунлашиши табиат, унинг бўлаги- инсон гўзаллигини юзага келтиради.

Пифагорчилар (қадимги юнон файласуфи Пифагор — э.о. 580-500 ва унинг издошлари) миқдорий муносабатлар нарса, ҳодисаларнинг моҳияти ҳисобланади, деб тушунадилар. Бошқача қилиб айтганда, бутун олам сонларнинг доимий, ўзгармас қаторларидир. Улар ўзларининг ушбу умумий фикрларидан келиб чиққанлари ҳолда гўзалликнинг моҳиятини математик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилишга ҳаракат қилдилар. Пифагорчилар тасаввурчи, осмон жисмлари товуш чиқарганлари ҳолда ҳаракатланадиларки, унинг паст-баландлиги (тембри), ҳаракат тезлиги миқдорий муносабатига боғлиқ.

Бошқа бир юнон файласуфи Сукрот (Сократ — э.о. 469-399й) нарса, ҳодисаларнинг гўзаллиги уларнинг фақат фойдалилик жиҳати билан белгиланади, деб кўрсатади. У бу ҳақида шундай деб ёзади: “Агар чиройли безатилган қалқон жангчини душмандан ҳимоя қилмаса, гўзал эмас. Аксинча безатилмаган қўпол қалқон ўз вазифасини бажарса, у гўзалдир”.

Сукротнинг шогирди Афлотун (Платон э.о. 428-348й) гўзалликнинг моҳиятини мазмундан ташқаридаги мавҳумий шаклда кўради. Шунга кўра у гўзалликни нарса, ҳодисалар хусусияти сифатида эмас, балки макон ва замондан ташқаридаги мутлақ мавҳумий (умумий) шакл-ғоя тарзида олиб қарайди. “Мен буни (шакл — ғояни- изоҳ бизники) у ёки бу нарсага нисбатан эмас, балки у ўз табиатига кўра ва мангу шундай бўлганлигига кўра гўзал деб атайман”, -деб ёзади “Катта Гиппий” номли асарида Платон.

Афлотун биринчилардан бўлиб гўзаллик бу-фақат нарса, ҳодисаларнинг “соф” объектив хусусиятларини эмас, балки инсоннинг руҳий борлиғи, дунёсини ифодаловчи тушунча эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Файласуфларнинг мазкур масалага бўлган қарашидаги қимматли жиҳати шундаки, у гўзаллик нарса, ҳодисаларнинг ташқи томони, шаклида эмас, балки моҳиятида яширинган бўлади, уни идрок эта билиш талаб этилади, деган фикрни илгари суради.

Арасту (Аристотель — э.о. 384-322) мазкур масалада ўз устози Афлотунга нисбатан муқобил қарашни илгари суради. Унингча, гўзалликнинг моҳияти нарса, ҳодисаларнинг табиий мутаносиблик, уйғунлик, ҳамоҳанглик ва бошқа шу каби хусусиятларни ифодалашлигида англашилади, деб тушунтиради.

Гўзаллик масаласи немис файласуфлари И. Кант ва Г.В. Гегеллар томонидан атрофлича таҳлил қилинади. Кант (1724-1804) гўзалликни ҳар қандай фойдали, манфаатдорликдан холи муносабатдир, деб таърифлайди.

Гегель (1770-1831) “Эстетика хақида маърузалар” номли асарида гўзаллик хусусида батафсил фикр юритади ва уни мутлақ руҳнинг ҳиссий ифодаланиш шаклидир, деб таърифлайди. Гўзалликни бундай шаклда ифодаланишнинг воситаси санъат, деб ҳисоблайди файласуф.

Эстетик фикр тарихида гўзаллик масаласига бўлган турлича қарашлар унинг моҳиятини аниқлашда нисбий билим — ҳақиқатлар мажмуи бўлиб хизмат қилади.

Гўзаллик — бу марказий мезоний тушунча бўлиб, унда борликдаги нарса, ҳодисаларнинг шакл ва мазмун уйғунлиги ва эстетик қимматга эга бўлган мукамаллиги ва инсоннинг унга бўлган муносабати ифодаланади. Объектнинг хусусият, жиҳат, муносабатлари қайд этилган бирлик ўлчовида идрок этилган пайтда у кишида (субъектда) шодлик, завқланиш ва маънавий лаззатланиш ҳис-туйғуларини уйғотади. Гўзалликнинг моҳияти борликнинг барча соҳаларида (табиат, жамият, инсон, санъатда) турлича шаклларда намоён бўлади.

Табиатдаги гўзаллик ҳар бир турнинг узоқ эволюцион, тадрижий тараққиёти натижаси ўларок, шаклланган ўзаро уйғунлик, мақсадга мувофиқлик каби хусусиятлари билан белгиланадиган мукамаллигида намоён бўлади.

Бизни қуршаб турган жонли ва жонсиз табиат, табиий муҳитнинг ўзини шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, улар учун умумий мукамаллик қонунияти ҳосдир. Табиат барча тирик ва нотирик турларнинг ўзаро уйғун, мутаносиблигидан ташкил топган мутлақ мукамаллигидир. Ва бунда уларнинг (турларнинг) ҳеч бири ортиқча эмас, яъни бири иккинчисиз яшай олмайди. Мазкур қонуниятни англаб етмаслик XX аср охирида мавжуд цивилизацияга хавф солувчи умумбашарий экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

Ўтган асрнинг бошида бир рус файласуф ёзувчиси ўзининг ва ўзга юртларга хавф солаётган маънавий қашшоқликдан ташвишланиб: “Дунёни гўзаллик қутқаради” деб башорат қилган эди. Ўша ёзувчининг ҳикматли иборасини қўллаган ҳолда “Бугунги кунда умумбашарий экологик хавфдан гўзаллик қутқаради” деб айтиш мумкин.

Жамият гўзаллиги унинг тараққиёти йуналиши, иқтисодий ва маънавий соҳаларининг ўзаро уйғунликда ривожланишида намоён бўлади. Тараққиётнинг йуналиши, ҳар бир шахс, фуқаронинг камолотига қаратилган жамиятнинг мукамаллик даражасига кўтарила олади. Жамият, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик ана шундай мукамалликни ифодалайдики, бу унинг маънавий ҳаёти, маънавияти ривож даражаси билан белгиланади. Бу ўринда файласуф, эстетик олим Т.Махмудовнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Маънавият шахс ва миллатнинг “ақлли қалби”ни ифода этадиган, тарих тақозасига биноан унинг турли томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб оламидир”.

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилаётган демократик, фуқаролик жамияти мақсад ва моҳиятига кўра ана шундай мукамал ижтимоий тузум типи ҳисобланади.

Шахс (инсон) гўзаллиги кенг маънода унинг маънавий-руҳий дунёсининг фаолияти, ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлишлиги билан белгиланади. Шунга кўра конкрет шахс гўзаллиги унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, хулқ атвори, ахлоқи ва кундалик амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ жиҳат ҳисобланади. Лекин айни пайтда мазкур жиҳат қуйидаги мезоний ўлчовларига эга.

1) Объектга эстетик субъект сифатида муносабатда бўлиши. Бошқача қилиб айтганда, нарса, ҳодисаларнинг эстетик қимматини баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши. Масалан, у ёки бу сиёсат мафқурасини эстетик идеаллар мезонида туриб баҳолай олмайдиган шахснинг ижтимоий фаоллиги манқуртлик даражасида бўлади. Бугунги кунда терроризм ва бошқа турли сиёсий оқимларнинг таъсирига тушиб қолган баъзи ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ана шундай манқуртлик — сиёсий кўрликдир.

2) Санъат асарларини идрок эта билиш, эстетик кадрятлар сифатида баҳолай билиш ва улардан маънавий ғизоланиш (озикланиш), лаззатлана билиш малакасига эга бўлиши.

1) Инсон ички маънавий-руҳий дунёсининг унинг ташқи дунёси (хатти-ҳаракати, хусни, чиройи) билан уйғунлиги ва бунда биринчисининг белгиловчи мавқеига эга эканлиги. Масалан,

кишининг хусни, чиройи қанчалик жозибали бўлмасин, агар ички дунёси маънавиятдан озикланмаган бўлса, у гўзаллик фазилатидан маҳрумдир.

Бу ўринда таниқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг: “Гўзалликнинг япроғи ахлоқ, илдизи — ички дунё, меваси — инсоний фазилатдир”, деган ҳикматли гапи ёдга келади.

Инсон гўзаллигининг қайд этилган мезоний ўлчовларини ҳисобга олмасдан туриб бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланмиш комил инсонни шакллантириш масаласини ҳал қилиш мумкин эмас.

Санъатда воқелик шакл ва мазмун уйғунлигида бадиий образларда акс эттирилади. Шунга кўра ҳап қандай юксак даражада яратилган санъат асарлари гўзалликнинг конкрет шаклдаги ифодасидир. Бунда эстетик идеал бадиий асар яратишнинг ўлчови — гўзалликни тасвирлашнинг мезони бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда Чўлпон ва Абдулла Ориповларнинг “Гўзаллик” деб номланган шеърларини олиб қарайлик. Уларда укувчи инсон гўзаллигининг ўзи учун нотаниш жиҳатларини инкишоф этади.

Коронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен
Ул юлдуз уялиб, бошини эгиб,
Айтадир: мен уни тушда кўрамен
Тушимда кўраман шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!
Кўзимни оламан ой чикқан ёққа,
Бошлайман андан-да сени сурмоққа
Ул айтадир : бир қизил ёноққа
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

(Чулпон).

Кузнинг рутубатли оқшоми эди
Боғлар секингина чекар эди оҳ.
Рухимда бир ҳазон айёми эди,
Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ,
Бир зум гўзалликнинг хузурида жим,
Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.
О, доно табиат, о, буюк ҳаким,
Ҳикмат кўрмадим ҳеч сэнга монанд.
Ўзинг юракларга чўктириб қадар,
Халос ҳам қилурсан паҳм этган дамда,
Шундай гўзалларни яратмасанг гар
Қолиб кетармидик доимо ғамда.

(А. Орипов).

(Бу ҳақда кейинги мавзуда батафсил фикр юритилади).

Улуғворлик — эстетик (нафосат)ликнинг, хусусан, гўзалликнинг ўзига хос жиҳатларда намоён бўлишидир. Фалсафий фикр тарихида кўпгина файласуфлар ана шу ўзига хосликни аниқлашга уринадилар. Инглиз файласуфи Э. Бёрк (1729-97) “Улуғворлик ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотлар” номли асарида улуғворликни кишининг ҳайрат, қурқинч ҳис-туйғусини ифодаловчи категория сифатида талқин қилади. И. Кант улуғворлик инсон руҳида туғиладиган, уни жунбўшга келтирадиган ҳис-туйғу деб тушунтиради. “Улуғворлик, — деб таъкидлайди у, - ҳеч қандай табиат ҳодисаларини акс эттирмайди, у фақат руҳимизда туғён уради”. Унингча, гўзаллик ҳамма вақт жозибали бўлиб, кишини завқлантурса, лаззатлантурса, улуғворлик ҳайратланиш, қурқув ҳис-туйғуларини уйғотади. Улуғворлик, Брёк, Кантлар таъкидлаганидек, фақат “соф” тарздаги қурқув, ҳайратланиш ҳиссиётини уйғотиб қолмасдан, кишида юксак ўлчовлардаги, даражадаги эстетик завқ, лаззатланиш туйғуларни ҳосил қилади. Шунга кўра у гўзаллик мезоний тушунчаси мазмунининг ўзига хос шаклдаги ифодаланишидир. Шундай қилиб, улуғворлик бу нарса, ҳодисаларнинг юксак даража, мезонда баҳоланувчи эстетик қимматини ифодаловчи категориядир. Шахс эстетик субъект даражасидагина объектнинг бундай қимматини идрок эта олади. Бугунги кунда жамиятимизда кечаётган жараёнларнинг моҳияти, унинг тараққиётининг олий мақсадининг эстетик қимматини англамасдан, тасаввур этмасдан туриб уни улуғворлик мезони бўйича баҳолаб бўлмайди. Масалан,

шундай жараёнлардан бири маънавиятнинг моҳиятини, шаклланишини теран англаб олиш учун унинг улуғворлик жиҳатини ҳис эта билмоқ, керак. И.А. Каримов маънавиятнинг ғоят кэнг камровли, кўламли (улуғвор) эканлиги, уни оддий ўлчовларга сиғмаслиги ҳақида шундай дейди: “Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни **ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди**. У инсон учун бир олам....Ер, оила, ота-она, болалар, қариндаш-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”.

Улуғворликнинг объектив манбаи фидойилиги, ижтимоий тараққиётдаги туб сифат ўзгаришлари бўлса, субъектив жиҳати — уларнинг юксак эстетик идеаллар асосида баҳоланишидир. Мазкур жиҳат санъат соҳасида ўз аксини тўла намоён этади. Шунинг учун агар чексиз, сарҳадсиз океан, осмонупар тоғлар, вулқонлар кишида “соф” ҳолдаги кўркув, хайратланиш ҳиссиётини уйғотса, санъат асарларида тасвирланган улуғвор нарса, ҳодисалар уни завқлантиради, руҳан лаззатлантиради. Масалан, Чўлпоннинг “Халқ” шеърини ўқир эканмиз, халқнинг қудратли куч эканлигини конкрет-образли тарзда идрок этиш, англаб олиш билан бирга унинг улуғворлигини қалбдан ҳис этамиз ва завқланамиз.

Халқ дэнгиздир, халқ тўлкиндир, халқ, кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ кучдир...

Халқ кўзгалса куч йукдирки, тўхтатсин,

Қувват йукқим, халқ истагин йук этсин..

Халқ исёни салтанатни йук қилди,

Халқ истади, тож ва тахтлар йикилди.

Улуғворликнинг жамият ва инсон ҳаётида намоён бўлишининг қарама-қарши кутби тубанлик ва пасткашлиқдир. Бугунги кунда тараққийпарвар, демократик кучлар фаолиятининг улуғворлигини уларнинг муҳолифи бўлган терроризмнинг тубанлигини чуқур тушуниб етмасдан туриб идрок этиш мумкин эмас. Тубанлилик тушунчасида муайян гуруҳ, алоҳида шахснинг ижтимоий-эстетик идеалларга зид хатти-ҳаракатлари акс этади. Масалан, диний-экстремизм, терроризм тўдалари ва уларнинг йўлбошчиси, раҳнамоларининг бугунги кундаги хатти-ҳаракатлари ана шу мезон билан баҳоланади.

Кундалик ҳаётда кишилар орасида учрайдиган оқпадарлик, нонкўрлик, соткинлик, гиёҳвандлик ва бошқа хатти-ҳаракатлар ана шу ўлчовда баҳоланилганда кишида нафратланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Фожиавийлик мезоний тушунчасида жамият ва шахс ҳаётидаги ўта мураккаб зиддиятлар ифодаланади. Мазкур зиддиятлар ижобий (тараққийпарвар) ва салбий ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш тарзида кечади. Унинг эстетик аҳамияти, моҳияти фалсафий категориялар – зарурият ва эркинлик мазмуни орқали англашилади. Бундай курашлар кўпинча тараққийпарвар кучларнинг ҳалокати, ўлими билан яқунланади. Лекин уларнинг қисмати мангуликка дахлдор бўлади. Чунки бу ўлим (ҳалокат) юксак мақсад, илғор ғоялар учун кураш йулидаги фидойилик бўлиб, абадиятлик номи билан аталади. Масалан, бугунги кунда истиқлол учун курашган А.Кодирий, Чўлпон, Бехбудийларнинг ҳалокатларини фожиавийликнинг ана шу мезоний ўлчовлари билан баҳолаймиз.

Киши фожиавийликнинг эстетик аҳамиятини идрок етмасдан туриб ҳаёт, умр, яшашнинг мақсадини чуқур англаб етаолмайди.

Фожиавийликни бадий образларда мужассамлаштирувчи санъат ана шу жиҳатдан муҳим роль уйнайди. Фожиавийлик санъатининг трагедия жанрида ифодаланади. Мазкур жанрда — фожиавийлик ижтимоий зиддиятлар конкрет шахс (характер) ва турли хил ҳолатлар, кучлар ўртасидаги кескин тўқнашув, курашлар тасвирида берилади. Бунда конкрет шахс образининг фожиаси ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш йулидаги ҳалокат сифатида тасвирланади. Масалан, инглиз драматурги Шекспирнинг “Ҳамлет” асаридаги Ҳамлет фожиаси бу шунчалик таҳқирланган кишининг ўз отаси учун қасос олиш ҳикояси эмас, балки унинг мавжуд маънавий тубанлашишга юз тутган муҳитни ўзгартириш йулида ўзини фидо қилиш тасвиридир уйғотувчи воқеаларни тасвирлаш орқали кишини руҳий поклантириш (катарсис)лигидир, деб ҳисоблайди.

Кулгулилик (ҳажвийлик) мезоний тушунчасининг мазмуни фожиавийлик тушунчасининг моҳияти орқали англашилади. Чунки мазкур тушунчада ижтимоий аҳамиятга молик зиддиятларга эстетик идеал нуқтаи назаридан бўлган танқидий муносабат ифодаланади. Эстетик фикр тарихида кулгулилик асосан гўзаллик ва хунуклик (Арасту), улуғворлик ва тубанлик (Кант), сохта беъманилик ва ҳақиқат (Гегель) ўртасидаги қарама-қаршилиқларнинг натижаси сифатида таърифланади. Маълумки, кулги психофизиологик ҳодиса бўлиб, турлича тур, хилларда бўлади

(хажвий, иронияли, масхараомуз ва бошқа).

Баъзи кишилар кулги таъсиридан қаттиқ ҳаяжонга тушади, руҳий зарбага учрайдилар. Масалан, манбаларда қайд қилинишича, Бобил ва Юнонистонни вайрон этган Эрон шоҳи (э.о.?-465 вафот этган) Крехс кулгидан ўлган. Француз драматурги Пьер Огюстен (1732-99 й) ўзини жаҳонга танитган “Севилия саргароши” номли комедиясини отасига ўқиб бераркан, кейингиси ичак узди кулгидан жон беради. Қадимги юнон драматурги Софокл (э.о.496-406) ҳам томошабин олқишлари остида кулгидан вафот этган.

Кулгулиликнинг эстетик аҳамияти, моҳияти шундаки, унда жамият ҳаётидаги ҳодисаларга, шахс хатти-ҳаракатига эстетик идеал мезонидан туриб баҳо берилади. Кулгулиликнинг эстетик моҳияти шундаки, у доимо кишида психофизиологик ҳолатни келтириб чиқаравермайди. У қарама- қарши кутбдаги томонларни оқловчи ёки қораловчи кулгидир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур кулги жамият ва шахс ҳаётидаги зиддиятли ҳодиса, жиҳатларга ижтимоий - эстетик идеал мезони буйича бериладиган баҳодир. Шунга кўра у моҳиятан ижтимоий аҳамиятга молик кулги бўлиб, у айни пайтда кишида кайғуриш, ачиниш, азобланиш ҳис-ғуйғуларини уйғотади.

Масалан, терроризмнинг хатти-ҳаракати умуминсоний — гуманистик, эстетик идеаллар ўлчовидан туриб баҳоланганда, шу маънодаги кулгулиликдир. Кулгулилик санъатининг комедия, сатира, юмор каби жанрларида ифодаланади. Комедия драматик жанр тури бўлиб, у гўзалликнинг муқобили бўлган кулги ҳолатларда ифодалади. Кулги ҳолат эса, Арасту таъкидлаганидек, хунукликнинг бир қисми, холос .

Масалан, Саид Аҳмаднинг “Келинлар кузғолони” комедиясида қайнона-келин муносабатини тасвири замирида хунук ижтимоий фожиалар келтириб чиқарган собиқ иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқариш тизими устидан бўлган кулги ётади. Садриддин Айнийнинг “Қори ишқамба” ҳикоясидаги Қори образи инсондаги хунуклик, маънавий тубанлик гўзаллик муқобилида тасвирланганлиги учун кулги уйғотади.

Шундай қилиб, санъат асарлари фожиавийлик ва кулгулиликнинг эстетик моҳиятини англашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Умумий хулосалар:

- 1) . Эстетиканинг мезоний тушунчалари фалсафий мазмунга эга бўлиб, улар кишининг табиат, жамият ҳодисаларига ва ўзига нисбатан бўлган баҳовий муносабатини ифодалади.
- 2) . Эстетик билиш умумий мезоний тушунчалар тизими орқали амалга оширилади.
3. Эстетик онг ва фаолиятнинг моҳияти мазкур тушунчалар мазмуни орқали англашилади.
4. Эстетик мезоний тушунчалар санъат асарларини яратиш ва уларни идрок этиш, маънавий қадриятлар сифатида баҳолай билишнинг тамойиллари бўлиб хизмат қилади.

3-мавзу. Эстетиканинг асосий мезоний тушунчалари.

(2-соат).

Режа:

1. Эстетика мезоний тушунчаларининг хусусиятлари, улар эстетик билишнинг омили сифатида. Нафосат-эстетиканинг энг қамровли муштарак мезоний тушунчаси.
2. Гўзаллик ва унинг намоён бўлиш соҳалари. Гўзаллик ва хунуклик, уларнинг санъатда намоён бўлиши.
3. Улуғворлик мезоний тушунчаси.
4. Фожеавийлик ва ҳажвийлик (кулгулилик) мезоний тушунчалари. Фожиавийлик ва кулгулиликнинг санъатда намоён бўлиши.

Таянч атамалар: эстетик мезоний тушунчалар, нафосатлилик, гўзаллик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгулилик,

АДАБИЁТЛАР:

15. И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.1996, 16-21-бетлар.
16. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000, 8 июн.
17. Умаров Э.Эстетика.Т.1995.103-134-б.
18. М.Аллоёров. Эстетика. СамДУ.2002.36-47-б.
19. Бёрк Э. Философское исследование о происхождении наших идей о возвышенном и прекрасном. М.1987. 7-15-бетлар.
20. Гегель Г. Эстетика в 4 т.т-1.1968.37-78.б.

21. Ал-Газали. Воскрешение наук о вере. М.1980.
22. Кант И. Наблюдения над чувством возвышенного и прекрасного. Соч.в 2-х томах.Т-2,Н.1949,с.173-259.
23. Шер А. Ибрат кўзи. «Соғлом авлод учун» Журнал. 1996 йил, 7-8,9-10-сонлар.
24. Эстетика. Словарь М., 1989, 141-142, 324-375-бетлар.
25. В.И. Авдеев и другие. Эстетика. М., «Центр», 2000. С. 109-138-бетлар.

Эстетика борлиқни эстетик ва бадий ўзлаштиришнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи фалсафий фан сифатида муайян категориялар (мезоний тушунча) лар тизими билан иш кўради. Мазкур категориялар шунга кўра асосан икки гуруҳга ажратилади: 1) Эстетик фаолият категориялари (эстетик ўзлаштириш, дизайн, эстетик идрок, бадий лойихалаш, техника эстетикаси); 2) эстетик (нафосатлилик) хусусиятлари ва санъатнинг моҳиятини ифодаловчи категориялар;

Биз биринчи гуруҳдаги категориялар ҳақида олдиндаги маърузаларимизда фикр юритган эдик. Ушбу маърузамизда иккинчи гуруҳ категориялари ҳақида тўхталамиз.

Эстетиканинг мезоний тушунчалари эстетик онг ва фаолият бирлигида юзага келадиган ва уларнинг унсур, соҳаларининг мазмунини ташкил этувчи категориялар ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фан билимлар тизими сифатида ўзининг мезоний тушунча, категорияларига эга бўлиб, улар тадқиқ этиладиган объектнинг муҳим томонларини, қонуниятли боғланишларини акс эттирадilar (Масалан, физикада — “масса”, “энергия”, биологияда — “ҳаёт”, “ирсият”, иқтисод назариясида — “товар”, “пул” ва х.к.).

Демак, категориялар ҳар бир фаннинг билиш соҳасининг натижаси ўларок юзага келади ва айни пайтда билишнинг ўзига хос усули, воситаси вазифасини ҳам ўтайди.

Фан категорияларига хос хусусиятлар эстетиканинг мезоний тушунчаларига ҳам таалуқлидир. Лекин улар айни пайтда ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

1. Мазкур категориялар борлиқдаги барча нарса, ҳодисаларнинг умумий томонларини, боғланишларини, муносабатларини ўзида акс эттиради. Шунга кўра улар моҳиятан фалсафий мазмунга эгадир.

2. Эстетик категориялар билишнинг ўзига хос типи — эстетик билишнинг натижаси ўларок объективлик ва субъективлик табиатига эга. (ўтган маърузамизнинг биринчи саволида бу ҳақида батафсил фикр юритилган эди). Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур категорияларда субъектнинг объектга унинг моҳиятини шунчалик билиб олиш мақсадида эмас, балки ўзи ва бошқалар учун аҳамиятлилиги, қадриятлилиги нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиши ифодаланади. Деярли барча фанларда билиш объектнинг моҳиятини билиб олишга қаратиладиган бўлса, эстетикада билишнинг йуналиши рефлексив, яъни субъектнинг ўзига қаратилган бўлади. Бунда объектнинг моҳиятини билиш — ўз-ўзини билиш ҳисобланади. Шунга кўра эстетик категориялар рефлексив табиатга эга бўлиб, унда субъектнинг объектни муайян мезон, ўлчовлар асосида баҳолаши ва унга маънавий қадрият тарзида муносабатда бўлиши акс этади (масалан, уни “гўзал” ёки “хунук” деб баҳолаш). Бундай мезон, ўлчов вазифасини эса муайян бир жамиятнинг эмас, балки умуминсоний ижтимоий идеал, ғоялар ўтайди.

3. Мазкур категориялар тушунчалар тарзида, яъни тафаккур шакли бўлиши билан биргаликда конкрет шахснинг ҳис-ғуйғу, руҳий кечинмаларини ҳам ўзида ифодалайди. Дарҳақиқат, эстетик мезоний тушунчалар “соф” фикр шакллари эмас, балки субъектнинг ички дунёси, маънавий олами ифодаловчи ҳиссий билиш шакллари — сезги, идрок, тасаввурларидир.


Эстетиклик (нафосатлилик) — муштарак категориядир, у ўзида барча бошқа эстетик мезоний тушунчаларни бирлаштиради.

Мазкур категорияда инсоннинг эстетик субъект сифатида борлиққа, воқеликдаги нарса, ҳодисаларга бўлган муносабати ифодаланади. Шунга кўра у фалсафий мазмунга эга бўлиб, бу эстетик билишнинг хусусиятлари орқали англашилади. (ўтган мавзунинг биринчи саволига қаранг).

Эстетиклик (нафосатлилик) категориясининг моҳияти қуйидаги нисбий, мезоний тушунчалар тизими мазмуни орқали англашилади, зухрланади Булар: гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик ва ҳажвийлик.

Мазкур тушунчалар эстетик билишнинг ўзаро бир-бирини мазмунан тақозо этадиган ва бир-бирига ўтиб турадиган жиҳатлар тарзидаги алоқадорликдаги хусусиятларини ифодалайди. Буни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин.

А-эстетиклик (нафосатлилик)
 Б-гўзаллик
 В-улуғворлик
 Г-ҳажвийлик, фожиавийлик



←→ -ўзаро мазмунан бир-бирини тақозо этиши, би

Гўзаллик, эстетика фанидаги асосий масалалардан бири бўлиб, ҳақиқатдаги деярли барча бошқа муаммолар ана шу мезоний тушунча мазмуни орқали таълим олинилади ва англашилади. Кишилиқ эстетик фикр тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур масала асосий баҳс мавзуларидан бири бўлиб келган ва унинг қандай ҳал этилишига қараб турли фалсафий-диний қарашлар, таълимотлар юзага келган.

Масалан, кўёшга сиғинган қадимги аждодларимиз айна пайтда унга гўзаллик маъбудаси — тимсоли сифатида қараганлар ва шу асосда зардуштийлик илк натур фалсафий-диний таълимоти шаклланган. Мазкур таълимот умуминсоний, фалсафий-эстетик ғояларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, у дунё халқларининг фан, маданият ривожига катта таъсир кўрсатади. “Айтиш мумкинки,-деб таъкидлайди Ислон Каримов зардуштийликнинг муқаддас китоби ҳақида фикр юритар экан,- “Авесто”да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча- тасаввурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган”.²⁰

Зардуштийлик таълимоти моҳиятан табиат ва инсон гўзаллигининг фалсафасидир. Қадимги юнон натур файласуфларининг инсон (микро олам) ва табиат (макро олам) уйғунлиги ҳақидаги қарашлари ана шу фалсафий ғоя таъсирида юзага келади, деб айтиш мумкин.²¹ Улар ана шу уйғунликни гўзаллик деб ҳисоблайдилар.

Ана шундай юнон натур файласуфларидан бири Гераклит (э.о. 554- 483) фикрича, доимий ҳаракатдаги ибтидо унсур-субстанция — олов (Куёш — изоҳ бизники) оламнинг асосини ташкил этади. У “Табиат ҳақида” номли асарида гўзалликнинг моҳиятини ўзининг ана шу умумий фикридан келиб чиққан ҳолда тушунтиради. Унингча олов (Куёш) мангу ҳаракат оқими бўлган ҳаётни юзага келтиради. Гўзаллик ана шу оқимнинг моҳиятидир.

Яна бир юнон натур файласуфи Эмпедокл (э.о. 490-30 й) уқдиришича, олам асосини тўртта ибтидо унсур ташкил этади. Булар: ҳар бири алоҳида- алоҳида мавжуд олов, ҳаво, сйв, тупроқдир. Уларнинг ўзаро бирикиши ва ажралишишини файласуф икки бир-бирига қарама-қарши тортилиш (муҳаббат) ва итарилиш (душманлик — қаҳр, ғазаб) кучларининг амал қилиши билан изоҳлайди. Мазкур кучларнинг бир-бирига нисбатан устун келиши буйича амал қилиши коинот тараққиётининг даврий (цикллик) тарзда кечишини белгилайди, деб ҳисоблайди файласуф. Қайд этилган унсурларнинг ўзаро бирлашиши — уйғунлашиши табиат, унинг бўлаги- инсон гўзаллигини юзага келтиради.

Пифагорчилар (қадимги юнон файласуфи Пифагор — э.о. 580-500 ва унинг издошлари) микдорий муносабатлар нарса, ҳодисаларнинг моҳияти ҳисобланади, деб тушунадилар. Бошқача қилиб айтганда, бутун олам сонларнинг доимий, ўзгармас қаторларидир. Улар ўзларининг ушбу умумий фикрларидан келиб чиққанлари ҳолда гўзалликнинг моҳиятини математик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар. Пифагорчилар тасаввурича, осмон жисмлари товуш чиқарганлари ҳолда ҳаракатланадиларки, унинг паст-баландлиги (тебри), ҳаракат тезлиги микдорий муносабатига боғлиқ.

Бошқа бир юнон файласуфи Сукрот (Сократ — э.о. 469-399й) нарса, ҳодисаларнинг гўзаллиги уларнинг фақат фойдалилик жиҳати билан белгиланади, деб кўрсатади. У бу ҳақида шундай деб ёзади: “Агар чиройли безатилган қалқон жангчини душмандан ҳимоя қилмаса, гўзал эмас. Аксинча безатилмаган қўпол қалқон ўз вазифасини бажарса, у гўзалдир”.

Сукротнинг шогирди Афлотун (Платон э.о. 428-348й) гўзалликнинг моҳиятини мазмундан ташқаридаги мавҳумий шаклда кўради. Шунга кўра у гўзалликни нарса, ҳодисалар хусусияти сифатида эмас, балки макон ва замондан ташқаридаги мутлақ мавҳумий (умумий) шакл-ғоя тарзида олиб қарайди. “Мен буни (шакл — ғояни- изоҳ бизники) у ёки бу нарсага нисбатан эмас, балки у ўз табиатига кўра ва мангу шундай бўлганлигига кўра гўзал деб атайман”, -деб ёзади

1. Каримов И.А. Эзгу фикр, эзгу суз ва эзгу амалий улуғлаган китоб. “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқ. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001 й, 9 ноябрь.

2. Қаранг: М. Оллоёров. Шарқ фалсафий фикр тараққиётининг хусусиятлари. Самарканд, 1993.

“Катта Гипсий” номли асарида Платон.²²

Афлотун биринчилардан бўлиб гўзаллик бу-фақат нарса, ҳодисаларнинг “соф” объектив хусусиятларини эмас, балки инсоннинг руҳий борлиғи, дунёсини ифодаловчи тушунча эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Файласуфларнинг мазкур масалага бўлган қарашидаги қимматли жиҳати шундаки, у гўзаллик нарса, ҳодисаларнинг ташқи томони, шаклида эмас, балки моҳиятида яширинган бўлади, уни идрок эта билиш талаб этилади, деган фикрни илгари суради.

Арасту (Аристотель — э.о. 384-322) мазкур масалада ўз устози Афлотунга нисбатан муқобил қарашни илгари суради. Унингча, гўзалликнинг моҳияти нарса, ҳодисаларнинг табиий мутаносиблик, уйғунлик, ҳамоҳанглик ва бошқа шу каби хусусиятларни ифодалашлигида англашилади, деб тушунтиради.

Гўзаллик масаласи немис файласуфлари И. Кант ва Г.В. Гегеллар томонидан атрофлича таҳлил қилинади. Кант (1724-1804) гўзалликни ҳар қандай фойдали, манфаатдорликдан холи муносабатдир, деб таърифлайди.

Гегель (1770-1831) “Эстетика ҳақида маърузалар” номли асарида гўзаллик хусусида батафсил фикр юритади ва уни мутлақ руҳнинг ҳиссий ифодаланиш шаклидир, деб таърифлайди. Гўзалликни бундай шаклда ифодаланишнинг воситаси санъат, деб ҳисоблайди файласуф.

Эстетик фикр тарихида гўзаллик масаласига бўлган турлича қарашилар унинг моҳиятини аниқлашда нисбий билим — ҳақиқатлар мажмуи бўлиб хизмат қилади.

Гўзаллик — бу марказий мезоний тушунча бўлиб, унда борлиқдаги нарса, ҳодисаларнинг шакл ва мазмун уйғунлиги ва эстетик қимматга эга бўлган мукамаллиги ва инсоннинг унга бўлган муносабати ифодаланади. Объектнинг хусусият, жиҳат, муносабатлари қайд этилган бирлик ўлчовида идрок этилган пайтда у кишида (субъектда) шодлик, завқланиш ва маънавий лаззатланиш ҳис-ғуйғуларини уйғотади. Гўзалликнинг моҳияти борлиқнинг барча соҳаларида (табиат, жамият, инсон, санъатда) турлича шаклларда намоён бўлади.

Табиатдаги гўзаллик ҳар бир турнинг узоқ эволюцион, тадрижий тараққиёти натижаси ўлароқ, шаклланган ўзаро уйғунлик, мақсадга мувофиқлик каби хусусиятлари билан белгиланадиган мукамаллигида намоён бўлади.

Бизни қуршаб турган жонли ва жонсиз табиат, табиий муҳитнинг ўзини шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, улар учун умумий мукамаллик қонунияти ҳосдир. Табиат барча тирик ва нотирик турларнинг ўзаро уйғун, мутаносиблигидан ташкил топган мутлақ мукамаллигидир. Ва бунда уларнинг (турларнинг) ҳеч бири ортиқча эмас, яъни бири иккинчисиз яшай олмайди. Мазкур қонуниятни англаб етмаслик XX аср охирида мавжуд цивилизацияга хавф солувчи умумбашарий экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

Ўтган асрнинг бошида бир рус файласуф ёзувчиси ўзининг ва ўзга юртларга хавф солаётган маънавий қашшоқликдан ташвишланиб: “Дунёни гўзаллик кутқаради” деб башорат қилган эди. Ўша ёзувчининг ҳикматли иборасини қўллаган ҳолда “Бугунги кунда умумбашарий экологик хавфдан гўзаллик кутқаради” деб айтиш мумкин.

Жамият гўзаллиги унинг тараққиёти йуналиши, иқтисодий ва маънавий соҳаларининг ўзаро уйғунликда ривожланишида намоён бўлади. Тараққиётнинг йуналиши, ҳар бир шахс, фуқаронинг камолотига қаратилган жамиятнинггина мукамаллик даражасига кўтарила олади. Жамият, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик ана шундай мукамалликни ифодалайдики, бу унинг маънавий ҳаёти, маънавияти ривожига даражаси билан белгиланади. Бу ўринда файласуф, эстетик олим Т.Махмудовнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Маънавият шахс ва миллатнинг “ақлли қалби”ни ифода этадиган, тарих тақозасига биноан унинг турли томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб оламидир”.²³

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилаётган демократик, фуқаролик жамияти мақсад ва моҳиятига кўра ана шундай мукамал ижтимоий тузум типи ҳисобланади.

Шахс (инсон) гўзаллиги кенг маънода унинг маънавий-руҳий дунёсининг фаолияти, ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлишлиги билан белгиланади. Шунга кўра конкрет шахс гўзаллиги унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, хулқ атвори, ахлоқи ва кундалик амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ жиҳат ҳисобланади. Лекин айни пайтда мазкур жиҳат куйидаги мезоний ўлчовларига эга.

1. Қаранг. Платон “Катта Гипсий” номли асари. Соч. в 3х.т. 3 часть 1., стр. 66.

²³ Махмудов Т. Мустиқиллик ва маънавият. Т. 2001 й, 18-бет.....

1) Объектга эстетик субъект сифатида муносабатда бўлиши. Бошқача қилиб айтганда, нарса, ҳодисаларнинг эстетик қимматини баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши. Масалан, у ёки бу сиёсат мафқурасини эстетик идеаллар мезонида туриб баҳолай олмайдиган шахснинг ижтимоий фаоллиги манқуртлик даражасида бўлади. Бугунги кунда терроризм ва бошқа турли сиёсий оқимларнинг таъсирига тушиб қолган баъзи ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ана шундай манқуртлик — сиёсий кўрликдир.

2) Санъат асарларини идрок эта билиш, эстетик қадриятлар сифатида баҳолай билиш ва улардан маънавий ғизоланиш (озикланиш), лаззатлана билиш малакасига эга бўлиши.

2) Инсон ички маънавий-руҳий дунёсининг унинг ташқи дунёси (хатти-ҳаракати, хусни, чиройи) билан уйғунлиги ва бунда биринчисининг белгилловчи мавқеига эга эканлиги. Масалан, кишининг хусни, чиройи қанчалик жозибали бўлмасин, агар ички дунёси маънавиятдан озикланмаган бўлса, у гўзаллик фазилатидан маҳрумдир.

Бу ўринда таниқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг: “Гўзалликнинг япроғи ахлоқ, илдизи — ички дунё, меваси — инсоний фазилатдир”, деган ҳикматли гапи ёдга келади.

Инсон гўзаллигининг қайд этилган мезоний ўлчовларини ҳисобга олмасдан туриб бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланмиш комил инсонни шакллантириш масаласини ҳал қилиш мумкин эмас.

Санъатда воқелик шакл ва мазмун уйғунлигида бадиий образларда акс эттирилади. Шунга кўра ҳап қандай юксак даражада яратилган санъат асарлари гўзалликнинг конкрет шаклдаги ифодасидир. Бунда эстетик идеал бадиий асар яратишнинг ўлчови — гўзалликни тасвирлашнинг мезони бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда Чўлпон ва Абдулла Ориповларнинг “Гўзаллик” деб номланган шеърларини олиб қарайлик. Уларда укувчи инсон гўзаллигининг ўзи учун нотаниш жиҳатларини инкишоф этади.

Коронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен
Ул юлдуз уялиб, бошини эгиб,
Айтадир: мен уни тушда кўрамен
Тушимда кўраман шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!
Кўзимни оламан ой чикқан ёққа,
Бошлайман андан-да сени сурмоққа
Ул айтадир : бир қизил ёноққа
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

(Чулпон).

Кузнинг рутубатли оқшоми эди
Боғлар секингина чекар эди оҳ.
Руҳимда бир ҳазон айёми эди,
Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ,
Бир зум гўзалликнинг хузурида жим,
Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.
О, доно табиат, о, буюк ҳаким,
Ҳикмат кўрмадим ҳеч сэнга монанд.
Ўзинг юракларга чўктириб қадар,
Халос ҳам қилурсан паҳм этган дамда,
Шундай гўзалларни яратмасанг гар
Қолиб кетармидик доимо ғамда.

(А. Орипов).

(Бу ҳақда кейинги мавзуда батафсил фикр юритилади).

Улуғворлик — эстетик (нафосат)ликнинг, хусусан, гўзалликнинг ўзига хос жиҳатларда намоён бўлишидир. Фалсафий фикр тарихида кўпгина файласуфлар ана шу ўзига хосликни аниқлашга уринадилар. Инглиз файласуфи Э. Бёрк (1729-97) “Улуғворлик ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотлар” номли асарида улуғворликни кишининг хайрат, қурқинч ҳис-туйғусини ифодаловчи категория сифатида талқин қилади. И. Кант улуғворлик инсон руҳида туғиладиган, уни жунбўшга келтирадиган ҳис-туйғу деб тушунтиради. “Улуғворлик, — деб таъкидлайди у, - ҳеч қандай табиат ҳодисаларини акс эттирмайди, у фақат

руҳимизда туғён уради”.²⁴ Унингча, гўзаллик ҳамма вақт жозибали бўлиб, кишини завқлантирса, лаззатлантирса, улуғворлик ҳайратланиш, қурқув хис-туйғуларини уйғотади. Улуғворлик, Брёк, Кантлар таъкидлаганидек, фақат “соф” тарздаги қўрқув, ҳайратланиш ҳиссиётини уйғотиб қолмасдан, кишида юксак ўлчовлардаги, даражадаги эстетик завқ, лаззатланиш туйғуларни ҳосил қилади. Шунга кўра у гўзаллик мезоний тушунчаси мазмунининг ўзига хос шаклдаги ифодаланишидир. Шундай қилиб, улуғворлик бу нарса, ҳодисаларнинг юксак даража, мезонда баҳоланувчи эстетик қимматини ифодаловчи категориядир. Шахс эстетик субъект даражасидагина объектнинг бундай қимматини идрок эта олади. Бугунги кунда жамиятимизда кечаётган жараёнларнинг моҳияти, унинг тараққиётининг олий мақсадининг эстетик қимматини англамасдан, тасаввур этмасдан туриб уни улуғворлик мезони бўйича баҳолаб бўлмайди. Масалан, шундай жараёнлардан бири маънавиятнинг моҳиятини, шаклланишини теран англаб олиш учун унинг улуғворлик жиҳатини ҳис эта билмоқ, керак. И.А. Каримов маънавиятнинг ғоят кэнг қамровли, кўламли (улуғвор) эканлиги, уни оддий ўлчовларга сиғмаслиги ҳақида шундай дейди: “Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни **ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди**. У инсон учун бир олам...Ер, оила, ота-она, болалар, қариндаш-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”.²⁵

Улуғворликнинг объектив манбаи фидоийлиги, ижтимоий тараққиётдаги туб сифат ўзгаришлари бўлса, субъектив жиҳати — уларнинг юксак эстетик идеаллар асосида баҳоланишидир. Мазкур жиҳат санъат соҳасида ўз аксини тўла намоён этади. Шунинг учун агар чексиз, сарҳадсиз океан, осмонупар тоғлар, вулконлар кишида “соф” ҳолдаги қўрқув, ҳайратланиш ҳиссиётини уйғотса, санъат асарларида тасвирланган улуғвор нарса, ҳодисалар уни завқлантиради, руҳан лаззатлантиради. Масалан, Чўлпоннинг “Халк” шеърини ўқир эканмиз, халкнинг қудратли куч эканлигини конкрет-образли тарзда идрок этиш, англаб олиш билан бирга унинг улуғворлигини қалбдан ҳис этамиз ва завқланамиз.

Халқ дэнгиздир, халқ тўлкиндир, халқ, кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ кучдир...

Халқ кўзгалса куч йукдирки, тўхтатсин,

Қувват йукқим, халқ истагин йук этсин..

Халқ исёни салтанатни йук қилди,

Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди.²⁶

Улуғворликнинг жамият ва инсон ҳаётида намоён бўлишининг карама-карши кутби тубанлик ва пасткашлиқдир. Бугунги кунда тараққийпарвар, демократик кучлар фаолиятининг улуғворлигини уларнинг муҳолифи бўлган терроризмнинг тубанлигини чуқур тушуниб етмасдан туриб идрок этиш мумкин эмас. Тубанлиқ тушунчасида муайян гуруҳ, алоҳида шахснинг ижтимоий-эстетик идеалларга зид хатти-ҳаракатлари акс этади. Масалан, диний-экстремизм, терроризм тўдалари ва уларнинг йўлбошчиси, раҳнамоларининг бугунги кундаги хатти-ҳаракатлари ана шу мезон билан баҳоланади.

Кундалиқ ҳаётда кишилар орасида учрайдиган оқпадарлик, нонкўрлик, соткинлик, гиёҳвандлик ва бошқа хатти-ҳаракатлар ана шу ўлчовда баҳоланилганда кишида нафратланиш хис-туйғуларини уйғотади.

Ғожиавийлик мезоний тушунчасида жамият ва шахс ҳаётидаги ўта мураккаб зиддиятлар ифодаланади. Мазкур зиддиятлар ижобий (тараққийпарвар) ва салбий ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш тарзида кечади. Унинг эстетик аҳамияти, моҳияти фалсафий категориялар — зарурият ва эркинлик мазмуни орқали англашилади. Бундай курашлар кўпинча тараққийпарвар кучларнинг ҳалокати, ўлими билан якунланади. Лекин уларнинг қисмати мангуликка дахлдор бўлади. Чунки бу ўлим (ҳалокат) юксак мақсад, илғор ғоялар учун кураш йулидаги фидоийлик бўлиб, абадиятлик номи билан аталади. Масалан, бугунги кунда истиқлол учун курашган А.Кодирий, Чўлпон, Бехбудийларнинг ҳалокатларини ғожиавийликнинг ана шу мезоний ўлчовлари билан баҳолаймиз.

Киши ғожиавийликнинг эстетик аҳамиятини идрок этмасдан туриб ҳаёт, умр, яшашнинг мақсадини чуқур англаб етаолмайди.

Ғожиавийликни бадий образларда мужассамлаштирувчи санъат ана шу жиҳатдан муҳим

²⁴ Қаранг: И. Кант. Соч-в 6 т-х. т. 5. с.272.

²⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1993, 78-бет.

²⁶ Чўлпон. Яна олдим созимни. Т.,1991, 407-бет.

роль уйнайди. Фожиавийлик санъатининг трагедия жанрида ифодаланади. Мазкур жанрда — фожиавийлик ижтимоий зиддиятлар конкрет шахс (характер) ва турли хил ҳолатлар, кучлар ўртасидаги кескин тукнашув, курашлар тасвирида берилади. Бунда конкрет шахс образининг фожиаси ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш йулидаги ҳалокат сифатида тасвирланади. Масалан, инглиз драматурги Шекспирнинг “Ҳамлет” асаридаги Ҳамлет фожиаси бу шунчалик таҳқирланган кишининг ўз отаси учун қасос олиш ҳикояси эмас, балки унинг мавжуд маънавий тубанлашишга юз тутган муҳитни ўзгартириш йулида ўзини фидо қилиш тасвиридир уйғотувчи воқеаларни тасвирлаш орқали кишини руҳий поклантириш (катарсис)лигидир, деб ҳисоблайди.²⁷

Кулгулилик (хажвийлик) мезоний тушунчасининг мазмуни фожиавийлик тушунчасининг моҳияти орқали англашилади. Чунки мазкур тушунчада ижтимоий аҳамиятга молик зиддиятларга эстетик идеал нуқтаи назаридан бўлган танқидий муносабат ифодаланади. Эстетик фикр тарихида кулгулилик асосан гўзаллик ва хунуклик (Арасту), улугворлик ва тубанлик (Кант), сохта беъманилик ва ҳақиқат (Гегель) ўртасидаги карама-қаршиликларнинг натижаси сифатида таърифланилади. Маълумки, кулги психофизиологик ҳодиса бўлиб, турлича тур, хилларда бўлади (хажвий, иронияли, масхараомуз ва бошқа).

Баъзи кишилар кулги таъсиридан қаттиқ ҳаяжонга тушади, руҳий зарбага учрайдилар. Масалан, манбаларда қайд қилинишича, Бобил ва Юнонистонни вайрон этган Эрон шоҳи (э.о.?-465 вафот этган) Крекс кулгидан ўлган. Француз драматурги Пьер Огюстен (1732-99 й) ўзини жаҳонга танитган “Севилия сартароши” номли комедиясини отасига ўқиб бераркан, кейингиси ичак узди кулгидан жон беради. Қадимги юнон драматурги Софокл (э.о.496-406) ҳам томошабин олқишлари остида кулгидан вафот этган.

Кулгулиликнинг эстетик аҳамияти, моҳияти шундаки, унда жамият ҳаётидаги ҳодисаларга, шахс хатти-ҳаракатига эстетик идеал мезонидан туриб баҳо берилади. Кулгулиликнинг эстетик моҳияти шундаки, у доимо кишида психофизиологик ҳолатни келтириб чиқаравермайди. У карама-қарши кутбдаги томонларни оқловчи ёки қораловчи кулгидир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур кулги жамият ва шахс ҳаётидаги зиддиятли ҳодиса, жихатларга ижтимоий - эстетик идеал мезони буйича бериладиган баҳодир. Шунга кўра у моҳиятан ижтимоий аҳамиятга молик кулги бўлиб, у айни пайтда кишида кайғуриш, ачиниш, азобланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Масалан, терроризмнинг хатти-ҳаракати умуминсоний — гуманистик, эстетик идеаллар ўлчовидан туриб баҳоланганда, шу маънодаги кулгулиликдир. Кулгулилик санъатининг комедия, сатира, юмор каби жанрларида ифодаланади. Комедия драматик жанр тури бўлиб, у гўзалликнинг муқобили бўлган кулги ҳолатларда ифодалайди. Кулги ҳолат эса, Арасту таъкидлаганидек, хунукликнинг бир қисми, холос.²⁸

Масалан, Саид Аҳмаднинг “Келинлар кузғолони” комедиясида қайнона-келин муносабатини тасвири замирида хунук ижтимоий фожиалар келтириб чиқарган собиқ иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқариш тизими устидан бўлган кулги ётади. Садриддин Айнийнинг “Қори ишқамба” ҳикоясидаги Қори образи инсондаги хунуклик, маънавий тубанлик гўзаллик муқобилида тасвирланганлиги учун кулги уйғотади.

Шундай қилиб, санъат асарлари фожиавийлик ва кулгулиликнинг эстетик моҳиятини англашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Умумий хулосалар:

3) . Эстетиканинг мезоний тушунчалари фалсафий мазмунга эга бўлиб, улар кишининг табиат, жамият ҳодисаларига ва ўзига нисбатан бўлган баҳовий муносабатини ифодалайди.

4) . Эстетик билиш умумий мезоний тушунчалар тизими орқали амалга оширилади.

3. Эстетик онг ва фаолиятнинг моҳияти мазкур тушунчалар мазмуни орқали англашилади.

4. Эстетик мезоний тушунчалар санъат асарларини яратиш ва уларни идрок этиш, маънавий кадриятлар сифатида баҳолай билишнинг тамойиллари бўлиб хизмат қилади.

4-мавзу. Санъат ва унинг турлари. Бадий ижод, эстетик тарбия.

Режа:

1. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти, вазифалари

Санъат ва фан. Санъатда ҳаётий ҳақиқат ва шартлилик . Санъат асарида бадий образ, унда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг яхлит намоён бўлиши.

²⁷ Қаранг: Аристотель. Поэтика, Т.,1980. 23-24-бетлар.

²⁸ Қаранг: Арасту. Ўша асар. 14-бет.

2. Санъатнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги ва нисбий мустақиллиги. а) бадиий адабиёт; б) халқ амалий санъати;

в) меъморчилик; г) рассомлик; д) хайкалтарошлик; е) театр, сирк, кино.

3. Бадиий ижод жараёнининг ўзига хос хусусиятлари. Ғоявий ният ва унинг рўёбга чиқиши; бадиий тасаввур, ҳаёлот, интуисию (фаҳм) ва илҳомнинг бадиий ижоддаги аҳамияти. Истеъдод ва меҳнат. Санъаткорнинг жамиятдаги ўрни. Санъаткор ва миллий ғоя.

4. Бадиий асарни естетик идрок етиш ва естетик тарбия. Бадиий асарни естетик идрок етишнинг ўзига хос естетик фаолият екани. Естетик тарбия ва унинг замонавий йўналишлари ва воситалари. Саънат-естетик тарбиянинг асосий воситаси сифатида.

Таянч атамалар: Мифология, бадиий-естетик ўзлаштириш, санъатнинг естетик моҳияти, вазифалари. Санъат турлари, бадиий ижод, бадиий идрок, естетик тарбия, бадиий тарбия. Санъат, бадиий образ, ўйин назарияси; санъат ва фан, бадиий ижод, бадиий услуб, санъат асарида шакл ва мазмун, мавзу, ғоя, сюжет, композиция, услуб естетик ва бадиий тарбия.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хафвсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1998.137-150.б.

2. И.А. Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат ецин. "Таффакур" журнали. 1998.№2.3-32.б.

3. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасина ишонаман. "Фидокор" газетаси, 2000.8 июн.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1996. 14-21-бетлар.

5. Умаров Е.Естетика.Т.1985.135-155.б.

6. Аллоёров М., Аллаярова М. Естетика, ахлоқшунослик фанларини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. Самарқанд, 2006. 23-37-бетлар.

7. М.Оллоёров. Естетика. СамДУ.2002.48-66.б.

Қўшимча адабиётлар.

8. Гегел Г. Естетика в 4 т.т-3.1973.79-101.б.

9. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.1998.26-37,278-284.б.

10. Маҳмудов Т. Естетика и духовные ценности. Т.1993.210-226.б.

11. Шер А. Диний-бадиий асарнинг естетик моҳияти. «Гулистон» журнали 2001 йил 5-сон.

12. Умуров Ҳотам. Бадиий ижод мўжизалари. Самарқанд, «Зарафшон», 1992. 7-82-бетлар.

Санъат маънавий ҳаётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу унинг естетик билиш, англаш (онг) ва шу типдаги фаолият соҳаси еканлиги билан белгиланади. Естетика фани санъатни худди шу жиҳатдан ўрганади.

Естетика санъатнинг пайдо бўлиши, табиати, қонуният ва вазифа (функция) ларини ўрганиш билан мазкур англаш (онг) ва фаолиятнинг моҳиятини тўлароқ очиб беради.

Санъатнинг пайдо бўлиши масаласи хусусида естетик фикр тарихида турлича қараш, концепсиялар бўлган. Биз бу ерда шулардан иккитаси - биологик ва ижтимоий концепсиялар устида қисқача тўхталамиз.

Биринчи концепсия назариячилари асосан инглиз табиацхунос олими Ч. Дарвиннинг (1809-1882) еволюсион таълимотига таянадилар. Маълумки, бу табиацхунос “Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш” номли асарида инсоннинг ҳайвонот олаmidан тадрижий тараққиёт натижаси ўлароқ ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фаразни илгари суради. Ва шунга таянган ҳолда нафосатлилик, гўзалликни ҳис, идрок етиш қобилияти ҳайвонларга ҳам хосдир, деган фикрни асослашга ҳаракат қилади.

Биологик концепсия ўзининг юзага келишидан бошлаб то хозиргача турли хил йўналишда ўзгариб борди.

Шулардан бири ХВИИИ асрнинг иккинчи ярмида юзага келган ўйин назарияси бўлиб, унинг асосчилари немис файласуф ва естетиклари И. Кант (1724-1804) ва И. Шиллер (1759-1805)лардир. Улар ўйин — бу инсон еркин фаолиятининг намоён бўлишидир, шунга кўра у санъат билан жинсдош деб ҳисоблайдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб мазкур фалсафий қараш позитивистлик (лотинча поситивус — ижобий) нуктаи назаридан туриб талқин қилина бошланади. Бунда ҳайвонлар учун хос хусусият бўлган ўйин санъатнинг пайдо бўлишининг асосидир деб қаралади. Масалан, инлиз

позитивисти Ф.Спенсер (1820-1.903) ўйин ҳайвон ва инсонларга бирдек хос, бирдек таалукли психофизиологик фаолиятдир, санъатнинг пайдо бўлишини ҳам ана шу умумийликдан келиб чиққан ҳолда тушунмоқ зарур деб кўрсатади.

“Социобиология” деб аталадиган оқим ҳозирги давр биологик концепсиянинг йўналишларидан биридир. Ушбу оқимнинг асосчиси америкалик биолог Е.О. Уилсон бўлиб, унинг қарашлари “Сосиобиология: янги синтез” (1975) номли рисоласида баён этилади. Унингча, жамият ҳаётини тадқиқ етувчи фанлар биологиянинг махсус бўлимларини ташкил қилмоғи керак. Шу жумладан, санъатнинг вужудга келиши масаласини ҳам биология фани асослари орқали ҳал этиш мумкин. Биологик концепсия назариячилари томонидан илгари сурилган фикрлар санъатнинг пайдо бўлиши, бадиий ижод моҳияти масаласини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, биологик концепсия тамойилларисиз бадиий онг, ижод генезиси ва бу билан бевосита боғлиқ бўлган таланти ва истеъдод каби масалаларининг моҳиятини очиб бериш мумкин эмас.

Лекин мазкур концепсия санъатнинг пайдо бўлишида кишининг биологик ирсий хусусиятларининг мавқеини мутлақлаштиргани ҳолда, унинг ижтимоий тип сифатидаги табиатини назардан четда қолдиради. Ижтимоий концепсияга мувофиқ санъатнинг пайдо бўлишининг сабабини инсоннинг биологик тур тарзидаги табиатидан эмас, балки ижтимоий тип — шахс сифатида тарихан шаклланиш жараёнидан ахтариш керак, деб ҳисоблайдилар.

Меҳнат еса бундай жараённинг бош омилидир, деб қарайди мазкур концепсиянинг назариячилари. Масалан, Плеханов, ўйин эмас, меҳнат санъатнинг пайдо бўлишининг сабабидир, чунки кейингиси биринчисига нисбатан бирламчидир, деб тушунтиради.

Шубҳасиз, меҳнат санъатнинг юзага келишида муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади. Лекин бунда уни асосий сабаб деб қараш мазкур масалага юзаки, бир ёқлама ёндашидир. Бунда куйидаги муҳим жиҳатлар ҳисобга олинмайди.

1) Меҳнат — бу фақат, мазкур концепсия назариячилари нуқтаи назарича, ишлаб чиқариш қуролларини тайёрлаш эмас, балки ижодиётдир.

2) Кейингиси (ижодиёт) еса моҳиятан кишининг эстетик англаши (онги) ва фаолиятининг узвий бирлигида кечадиган жараён бўлиб, бу унинг био-генетик, ирсий хусусиятлари — ҳистуйғу, руҳий — эмоционал кечинма, ички еҳтиёжлар ва бошқалар билан заруран шартлангандир.

3) Санъат — бу фақат “ижтимоий борлик”нинг шунчалик инъикоси натижаси — “ижтимоий онг” шакли эмас, балки сосио-биологик тур сифатидаги шахс “Мен”ининг онгидир.

Шундай қилиб, бизнингча, санъатнинг пайдо бўлиши, эстетик моҳияти масаласини индивиднинг дунёни ўзлаштиришида айни бир вақтда ҳам биологик тур, ҳам ижтимоий мавжудот, яъни биососиал тип сифатида тарихан шаклланиши жараёнида олиб қараш билан чуқурроқ очиб бериш мумкин.

Шунга кўра, мазкур масала тадқиқ дунёни ўзлаштиришнинг илк шакли — мифологик дунёқарашнинг юзага келиши ва қисмларга ажралишишга учрашини таҳлил этишни тақозо этади.

Мифология (юнон. мйтҳос — нақл, ривоят, логос — таълимот) ибтидоий одамнинг ўзини қуршаб турган нарса, ҳодисаларга муносабати ва уларнинг сабабларини билиб олиш натижаси ўлароқ юзага келган дунёқарашдир. Бундай дунёқараш жонли мушоҳадали, образли ва ақлий билиш жиҳатларининг ўзаро қоришиши (синкретик) бирликда амал қилишлиги билан изоҳланади. Шунга кўра мифология моҳиятан дунёни илк шаклдаги бадиий — эстетик ўзлаштириш усулидир. Мазкур дунёқарашнинг амал қилиши кишилик тарихида узок даврни ўз ичига оладики, буни шартли равишда уч босқичга - юзага келиши, тўлиқ шаклланиши ва инқирозига (қисмларга ажралишиши) ажратиш мумкин.

Мифологик дунёқарашнинг барча босқичлари уларнинг бир сифатдан бошқасига ўтиши ундаги образли — ҳиссий ва ақлий жиҳатлар нисбати мавқеининг ўзгариб бориши билан изоҳланилади.

Мифий тасаввур шаклланишининг дастлабки босқичи одамнинг ижтимоий мавжудот, (антропогенез - юнон. антҳропос - одам, генесис - пайдо бўлиш) сифатида шаклланиш даврига тўғри келади, деб таҳмин қилиш мумкин. Бу даврдаги одамнинг онги биз бугунги кунда тушунадиган онг эмас, балки ақлийлик ва ҳиссийлик, образлиликнинг айнанлиги, қоришиқлиги билан изоҳланилади. Бундай онгга эга ибтидоий одам ўзини қуршаб турган нарса, ҳодисалардан ўзини ажратиб қарамайди, ўзининг ҳислатларини унга, уларникини ўзига кучиўади, жонлантиради. “Кундалик факт — тажрибаларнинг мифга айланишининг биринчи ва бош сабаби, - деб ёзади инглиз этнографи Е.Б.Тайлор, - бутун табиатнинг жонлилигига ишониш

хисобланади”^{29[19]} Иллий даврда ибтидоий одамнинг табиатни жонлантириши натижаси ўларок унинг оламнинг зооморф (юнон. зоо — хайвон, морфе — тузилиш) манзараси ҳақдаги образли тасаввурлари юзага келади. Масалан, Ерни ғоят катта балиқ устида турган улкан хўкиз ўз шоҳлари устида кўтариб туришлиги ва бошқа шу кабилар.

Мифология тадрижий тараққиётнинг иккинчи босқичининг хусусияти ибтидоий одамнинг ўзининг “Мен”ини табиатдан ажратиб қарашлиги билан изоҳланади. Бу даврда у энди табиат билан унинг бўлаги сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот тарзида муносабатга киришади. Бунда энди у ўзининг мантикий мушоҳада юритиш, мавхумлаштириш қобилиятига еҳтиёж сеза бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ мифологик онг таркибида ақлий билиш жиҳати фаоллаша бошлайди.

Агар унинг тараққиётининг биринчи босқичида эмоционал – ҳиссий, образли идрок етиш устиворлик қилган бўлса, кейинги босқичда мавхумий фикрлаш - нарса, ходисаларни рамзий белгиларда ифодалаш (тил) бундай мавкени егаллаш бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ ибтидоий одам энди қоя, ғор деворларига ҳар хил расмлар (рамзлар) чиза бошлайди.

Айтиш мумкинки, бу босқич мифлар (афсона, ривоятлар) ижод қилинишининг дастлабки палласи ҳисобланадики, бу санъатнинг, агар шундай айтиш жоиз бўлса, уруғдан униб чиқиш давридир.

Ибтидоий одамнинг дунёни ўзлаштириш еҳтиёжларининг ошиб бориши билан мифологик дунёқараш аста-секинлик билан “инқиҳоз”га учрайди. Ундаги ҳиссий ва ақлий жиҳатларнинг яхлит қоришиқлиги (синкретиклик) дарз кета бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, мифологик онг таркибидаги образли - ҳиссий ва ақлий билиш жиҳатларининг уйғунлиги бузила бошланади ва улар қарама-қарши кутбларга айлана бошлайди.

Мазкур жараён ниҳоят, унинг қисмларга (алоҳида ижтимоий онг шакллари) — дин, ахлоқ, фалсафа, фан, санъат - ажралишига олиб келади.

Мифологиядан ажралиб чиққан барча ижтимоий онг шакллари унинг хусусиятларини вазибаларини уўидан соқит қилганлари ҳолда ундан «бегоналаша» боради. Лекин фақат санъатгина мифологиянинг хусусиятларини (дунёни бадий- эстетик ўзлаштириш усули еканлиги, ҳиссий- образли ва ақлий билиш жиҳатларининг бирлиги, кўп функциялилиги) ўзида сақлаб қола олади. Шу билан биргаликда санъат алоҳида ижтимоий онг шакли сифатида ўзига хос хусусиятларга ега бўлиб боради ва жамият ҳаётида муайян вазибаларни бажаради. Биз энди бу масала устида тўхталамиз.

Санъатнинг ўзига хос хусусияти, моҳияти шундаки, у эстетик онг (англаш) ва яъни дунёни бадий - эстетик ўзлаштириш усулидир. (Эстетик онг ва эстетик фаолият масаласи иккинчи маърузада батафсил баён етилган. Биз бу ерда фақат санъатнинг қайд етилган онг шакли ва фаолият тури еканлиги устида тўхталамиз).

Санъатнинг эстетик онг шакли еканлиги унинг обектив ва субектив (маънавий) борлиқни бадий - образли тарзда акс еттириши ва уни ижтимоий эстетик идеаллар нуқтаи назаридан туриб баҳолаши билан изоҳланади.

Бошқа хил образлиликлардан (фоторасм, тасвир, геометрик шакллар ва ҳакозо) фарқли равишда бадий образ нарса — ходисаларни яқкалик ва умумийлик, обективлик ва субективлик, ҳис-туйғу ва ақлийлик бирлигида акс еттиради. Бошқача қилиб айтганда, бадий образ санъатнинг воқеъликни ўзига хос тарзда акс еттириш, уни инсон қалби, руҳиятига, фикр ва ҳис- туйғусига таъсир етадиган шаклда умумлаштириш хусусиятидир. Шунга кўра у маънавий - руҳий мазмунга ега бўлиб, муайян ғояни ифодалайди. Масалан, агар суратчи туширган кишининг расмида унинг муайян вақтдаги ҳолати, ташқи қиёфаси айнан шу ҳолда акс еттирилса, мусаввир (рассом) ишлаган портретда кишининг ички руҳий дунёси, маънавий қиёфаси умумлаштирилган ҳолда турли хил тасвирий услублар (ранглар, буёқлар жилосида, чизик, соялар) уйғунлигида тасвирланади ва ҳакозо. Санъаткор санъат асариде бадий образ орқали маълум нарса-ҳодисаларни акс еттирувчисига эмас, балки ўзининг, халқининг орзу-умидларини, ижтимоий ғояларини, қарашларни ифодачиси, тарғиботчиси ҳамдир.

Маънавий-руҳий мазмуннинг, ғоянинг хусусиятига ва унинг турли хил восита, материалларда мужассамлашишига кўра бадий образ санъатнинг турларида турлича тузилишга ега бўлади. (Бу ҳақида кейинроқ фикр юритилади)

Санъатнинг эстетик фаолият тури еканлиги санъат асарларининг яратилиши ва уларнинг

^{29[19]} Тайлор Э.Б. Первобытная культура. М., 1989, с.129

идрок етилиш жараёни билан белгиланади.

Естетик фаолиятнинг натижаси бўлган санъат асарлари бадиий- эстетик кимматга ега бўлиб, у кишиларнинг маънавий еҳтиёжларини қондирадиган қадриятлар ҳисобланади. Шунга кўра санъат маънавий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланадики, бу унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, мавқеи ва вазифаларини белгилаб беради.

Санъат кўп вазифа бажаришликхусусиятига ега бўлиб, бу унинг, юқорида кўиб ўтганимиз, эстетик моҳиятга ега эканлиги билан белгиланади.

Санъат эстетик, ижтимоий-ўзгартирувчилик, билиш, тарбиявий ва бошқа вазифаларни бажаради. Санъатнинг эстетик вазифаси шундан иборатки, у борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни бадиий образлар орқали ифодалаб, кишиларда эстетик дид, еҳтиёж, қобилиятни шакллантиради, ижодқорлик руҳини, қайфиятини, фаолиятини уйғотади. У шахснинг ички, ботиний дунёси, ҳис - туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир. Бадиий асардаги тасвир, воқеа-ҳодиса кишиларда завқ, қониқиш, ҳайратланиш, маънавий лаззатланиш каби ҳис - туйғуларни туғдиради. Санъатнинг ижтимоий ўзгартирувчилик вазифаси санъат асарларида мужассамлашган ижтимоий-эстетик ғоя, идеалларнинг жамият аъзолари томонидан етқиқод даражасида идрок етилиши ва ижтимоий тараққиёт жараёнига таъсир кўрсатиши билан изоҳланилади. Шунга кўра санъат мафкуравий вазифани ўтайди. Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш керакки, узоқ йиллар давомида санъат коммунистик мафкуранинг “хизматкори”га айлантириб келинди. Бунда мафкура умуминсоний гуманистик ғояларга ёт қарашлар системаси, яъни дунёдаги барча пролетарларни “коммунизм туғи” остига бирлаштирувчи сиёсатнинг назарияси ҳисобланар еди.

Мафкура — бу том маънода инсоннинг ўз моҳиятини, ўзлигини, яшашдан мақсадини англашга хизмат қилувчи ижтимоий-эстетик идеаллар тизими бўлиб, у миллий ва умуминсоний қадриятларга таянади. Бугунги кунда ҳар бир жамиятимиз аъзоси асрлар мобайнида орзу қилиб келган мустақилликнинг кадр-киммати, моҳиятини теран англаш учун унга мувофиқ, ўз-ўзини англаш ва яратиш дастури — мафкурага ега бўлмоғи ғоят муҳимдир. “Олдимизда турган энг муҳим масала, — деб кўрсатади Президентимиз бу вазифанинг ғоят муҳимлигини кўзда тутгани ҳолда, - бу - миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда тадбиқ етишдир. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳру-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим”^{30[20]}.

Санъатимиз бугунги кунда худди ана шу маънодаги мафкурага хизмат қилмоғи зарур. Санъатнинг ижтимоий — ўзгартирувчилик вазифасини яхши тушунган сиёсий муҳолифларимиз миллий мафкура, маънавиятимизга ёт ғоялар сингдирилган турли хил кинофилмлар, видеофилмлар орқали кишиларимиз, хусусан, ёшларимиз онгига таъсир кўрсатишга, ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу еса, ижодқорлардан юксак гуманистик ғоялар билан суғорилган санъат асарлари яратишни талаб етади. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги кунда ғояни, фикрни маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсра киришиш, олишиш мумкин”.

Санъатнинг билиш вазифаси шу билан изоҳланадики, у ўзига хос билиш, аниқроғи, эстетик билиш туридир. Унинг бу хусусиятини билишнинг бошқа турлари, хусусан, фан билан таққослаганимизда аниқроқ билиб оламиз.

Агар фан инсоннинг дунёни мантиқий билиши (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) орқали ўзлаштириши усули бўлса, унинг санъатдаги билиши еса ҳис- туйғу ва тафаккур бирлигида, яъни конкрет- образли тарзда кечади. Мантиқий билиш инсон воқеликни обектив ҳолатда, яъни унга ўзининг субъектив муносабатини билдирмасдан фақат моҳиятини билиш мақсадида ўрганади. Конкрет-образли билиш еса рефлексияли, яъни ўз-ўзига қаратилган билишдир. Бошқача қилиб айтганда, киши бундай билишда воқеликка (обектга) ўзининг руҳий дунёси, ҳис-туйғуси, кечинмалари орқали муносабатда бўлади, унга баҳо беради. Шунга кўра айтиш мумкинки, санъат ўз-ўзини билиш, англаш вазифасини ўтайди. Ушбу вазифани бошқа бирорта билиш тури, хусусан, фан бажара олмайди. Масалан, агар киши ёзувчи Одил Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси” романини ўқигандагина, унинг бу шахс ҳақидаги тарих фанидан олган маълумотлари унинг тасаввурида ҳаётий фактлар, образлар тимсолида қайта жонланади. Енди у ҳаёлан ўша даврда яшай бошлайди, энг муҳими Улуғбек шахсини қайта кашф етади.

^{30[20]} Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1993, 168-бет.

Санъатнинг бундай хусусияти айниқса, бугунги кунда тарихий хотирани тиклаш орқали ўз-ўзини англаш вазифасини амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Санъатнинг тарбиявий вазифаси унинг дунёни бадиий-естетик ўзлаштириши усули эканлиги билан белгиланади. Шунга кўра санъат асарлари кишининг естетик онгига таъсир кўрсатиш орқали унинг бир бутун дунёқарашини ўзгартиради ва маънавиятини шакллантиради.

Шунинг учун санъат айни пайтда ахлоқий, сиёсий-мафкуравий, ҳуқуқий тарбия вазифасини ўтайди.

Шуни таъкидлаш керакки, санъат ўзининг бундай вазифасини умумий тарбия тизимида естетик тарбия воситаси бўлиб хизмат қилишлиги орқали амалга оширади. (бу ҳақида кейин батафсил тўхталамиз).

2. Бадиий ижод жараёнининг ўзига хос хусусиятлари. Миллий истиклол ғояси ва бадиий ижод. Санъат естетик онг ва фаолият тури сифатидаги табиати санъат асарларининг яратилиши ва истеъмол, идрок этилиши жараёнларида намоён бўлади.

Санъат асарларини яратиш билан боғлиқ фаолият естетикада бадиий ижод жараёни деб юритилади.

Бадиий ижод - умумий ижод жараёнининг муҳим тури бўлиб, естетик фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бадиий ижод рефлексияли (лотин. рефлехи. - орқага ташланган нигоҳ, ички акс еттириш маъносида) ижодкорнинг ўз “Мен”ига нисбатан объект сифатида бўлган муносабати тарзида кечади ва шу тамойил асосида санъат асарлари юзага келади. Ва бу орқали уларда инсоннинг ички рухий, маънавий дунёси ўз ифодасини топади.

Санъат асарларининг яратилиши мураккаб зиддиятли жараён бўлиб, бу бир томондан, ижодкорнинг истеъдод, таланти билан шартланган бўлса, иккинчи томондан, бадиий метод, тамойилларига таянилишни талаб этади. Истеъдод ва таланциз юксак санъат асарлари яратилмайди. Бадиий метод еса уларни намоён қилдириш омилидир. Чунки санъаткор ижод усули, тамойилларини билмасдан туриб ўзида мустақил, янгича фикрлаш қобилиятини шунингдек, санъат асари яратиш маҳорати ва малакасини шакллантира олмайди.

Бадиий метод — бу санъат асарларини яратишнинг тарихан шаклланган умумий тамойилларининг тизимидир. Унинг шаклланиши ва амал қилишида қуйидаги жиҳатлар муҳим омил ҳисобланади: воқелик, муайян йўналишдаги дунёқараш. Шунга кўра айтиш мумкинки, бадиий метод — бу воқеликни муайян дунёқараш нуқтаи назаридан туриб акс еттириш, баҳолаш услубидир. Шунга кўра санъатда турли хил йўналиш (оқимлар), бадиий услублар (классицизм, романтизм, реализм) бир-биридан фарқланади (бу ҳақида олтинчи маъруза матнини ўқинг). Естетика санъат фалсафаси сифатида бадиий методнинг умумий тамойилларини тадқиқ этадики, улар естетик қимматга ега бўлган асарларнинг яратилиши ҳамда уларнинг маънавий қадриятлар даражасида идрок этилиши, баҳоланишининг зарурий шартлари ҳисобланади. Бу тамойиллар қуйидагилар: 1) воқеликнинг умуминсоний естетик идеаллар нуқтаи назаридан туриб акс еттирилиши, баҳоланилиши; 2) шакл ва мазмун бирлиги; 3) бадиий образда тафаккур ва ҳис-туйғу яққалик (индивидуаллик) ва умумийлик, объективлик ва субъективлик бирлиги.

Миллий истиклол ғояси, унинг асосий мезоний тушунча ва тамойиллари бадиий ижод жараёни учун метод, дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Чунки мазкур ғоя халқимизнинг озод ва обод Ватан, еркин ва фаравон ҳаёт барпо этиш йўлидаги езгу асрий орзуси-интилишлари, ҳаётгий-естетик идеалларини ўзида акс еттиради.^{31[21]}

Ижодкорлар олдидаги бугунги асосий вазифа — бу жамиятимиз аъзоларида, хусусан, ёшларимизда ўзликни англаш, Ватан туйғусини шакллантирувчи, уларни комилликка етакловчи, ибрат оладиган, идеал қахрамонлар образини яратишдир.

Президент Ислон Каримов “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракат ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида ижод аҳлига маданият намояндаларига мурожаат этиб, бугунги куннинг ана шундай фазилатга ега қахрамонлари сиймосини яратишга даъват қилади. Шу муносабат билан ижодкорлар олдида бундай идеал — Ибрат булувчи қахрамон қиёфаси, маънавий - рухий интилишлари қанақа бўлиши, уларнинг сиймоларини қаердан излаш керак, деган саволлар кундаланг бўлиб қолмоқда. Уларнинг кўпчилиги бундай қахрамонлар сиймосини ҳозирги кунда туб ўзгаришларни амалга ошираётганган кишиларимиз орасидан - ҳаётдан ахтариб топиш билан яратиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

^{31[21]} Қаранг: Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000, 6-бет.

“Модомики, Ибрат булгудек қарамонларни кўрсатиш бугунги куннинг еҳтиёжи экан, - деб таъкидлайди таниқли ёзувчи Ш.Ҳолмирзаев бу саволлар хусусида фикр юритиб, - нима қилмоғимиз керак? Ўйлаб кўрайлик: белни маҳкам боғлаб ишга киришишдан ўзга йўл йўқ. Зеро, Ибратли инсонлар ҳаётда бор. Ундай инсонларни адабиётда яратиш учун яратувчининг ўзидан ҳам ибратлилик талаб етилади. Зеро, ... ўтмишдаги барча Идеал ва Ибратли қаҳрамонларни ижод етган адибларнинг ўзлари Ибрат намуналари бўлганлар”.^{32[22]}

“Ўзбектеелефилм” студиясининг бош муҳаррири Шойим Бутаев бу масала хусусида шундай дейди: “Ибрат бўлгулик қаҳрамон, Идеал осмондан тушмайди ёки ҳаёл суриб, ўйлаб топиб бўлмайди. Туб ўзгаришлар, янгиланишлар кечаётган қайноқ ҳаёт ичида бўлиш бундай имкониятни беради ижодкорга. Ҳаётнинг ўзи бизга ана шундай қаҳрамонни тақдим етишга шубҳа йўқ”.^{33[23]}

Бугунги кунда санъаткорларнинг миллий мафкура соҳасидаги вазифаси кишиларнинг бадиий тафаккурини, естетик еҳтиёж, идеалларини шакллантириш ҳисобланади. Бу еса, айниқса, миллий истиклол ғояси тушунчалари ва тамойилларининг мазмунини кишиларимиз, хусусан, ёшларимиз онгига, қалбига сингдириш вазифаси қўйилган бир пайтда алоҳида аҳамиятга ега.

Бадиий ижод санъат асарларининг ўқувчи, тингловчи, томошабин томонидан бадиий идрок, истеъмол етиши билан бевосита боғлиқ жараёнدير. Чунки, биринчидан, ҳар бир санъаткорнинг талант, истеъдоди ўз халқининг тарихан шаклланган маънавий маданияти заминидан шаклланади, вояга етади. Шунга кўра санъат асарлари халқ, миллатнинг маънавий еҳтиёжлари натижаси ўларок яратилади ва уларнинг менталитети - кечинмалари, ҳис-туйғулари, руҳий дунёси, орзу-мақсадларини ифодалайди. Шу боис ижодкорларни халқдан олиб ўзига қайтарувчилар деб атайдилар. Иккинчидан, бадиий идрок, истеъмол етиш жараёни орқали санъат асарлари естетик қадриятларга айланади. Мазкур жараённинг кечиши еса санъат асарларини тингловчи, томошабин, ўқувчиларнинг бадиий-естетик еҳтиёжлари, қарашлари асосида идрок етилишини тақозо етади. Шунга кўра бадиий идрок санъат асарларининг маънавий қадриятларга айланиш жараёнининг ўзига хос мезони бўлиб ҳисобланади. Бунда бадиий идрокнинг мураккаб зиддиятли жараён эканлигини ҳисобга олиш талаб етилади. Мазкур зиддият естетик онги даражаси турлича бўлган ижодкор ва санъат асарини идрок етувчи (ўқувчи, тингловчи, томошабин) ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқада амал қилади. Чунки идрок етувчининг естетик диди, еҳтиёжи доимо биринчисиникига нисбатан паст даражада бўлади. У шунинг учун ижодкор, бир томондан, ўз асарини яратишда омманинг естетик онги (еҳтиёжи, диди) даражасини ҳисобга олмоғи ва иккинчи томондан, умуминсоний ижтимоий-естетик идеаллар, ғояларига таянмоғи зарур.

Бадиий ҳаёт соҳасидан четда яшовчи аксарият кўпчилик кишилар санъатга шунчалик вақт ўтказиш, ҳордиқ чиқариш, оддий лаззатланиш воситаси сифатида муносабатда бўладилар. Бошқа бир тоифадагилар еса санъат асарлари мазмунига сингдирилган фалсафий-естетик ғояни англаб етаолмайдилар. Шунинг учун саргузашт, оддий сюжетли асарларни юзаки, шаклан идрок ета олдилар, холос.

Бундай тоифадаги кишилар санъат асарларини естетик қриятлар сифатида баҳолай олмайдилар. Ва худди шундай кишилар сиёсий муҳолифларимиз томонидан ҳозирги кунда амалга оширилаётган мафкуравий таъсирга тез берилувчан бўдилар. Чунки улар бу ишни, енг аввало, кишиларимизнинг, ххусан, ёшларимизнинг онгига маънавийтимизга ёт ғояларни оммавий санъат воситалари (зўравонлик, фаҳш, ёвузликни тарғиб қилувчи видео, кинофилмлар) орқали сингдиришга уринмоқдалар.

“Дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан ҳоли бўлиб туюладиган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, - деб таъкидлайди Ислом Каримов бу ҳақида, - уларга кўпинча етарлича еътибор беравермаймиз. Масалан, кейинги йилларда кўплаб намойиш етилаётган жангарилик филмларини олайлик. Бу филмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил... Шунинг учун онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай филмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқақизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси котади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик қаби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади”.^{34[24]}

^{32[22]} Озод ватан одами ёхуд замонимиз Қаҳрамони сиймосини яратиш масаласи, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001. 16 февраль. 2-бет.

^{33[23]} Ўша жойда. 3-бет

^{34[24]} Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси, 2000 йил. 8 июнь.

Айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бадиий идрок санъат асарларининг моддий ҳолатдан (бадиий асар, расм, кинотасма ва б.) маънавий қадриятларга айланиши омили, уларнинг яшаш усулидир.

Санъат турларининг пайдо бўлиши кишиларнинг маънавий ва ҳаётий, амалий еҳтиёжлари натижаси билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг маънавий-естетик еҳтиёжларининг сифат жиҳатдан ўзгариб, ривожланиб бориши уларни кондиришга қаратилган фаолият турларини юзага келтиради. Масалан, мусиқа санъати инсоннинг ички руҳий оламини бошқа санъат турлари тўла ифодадай олмаганлиги сабабли пайдо бўлган.

Санъатнинг турларга ажралишининг сабабларидан яна бири шундаки, акс етаётган воқеликнинг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги ва унинг турли хил усул ва воситаларда тасвирланиши, яъни бадиий образларда ифодаланишлиги билан белгиланади. Ва ҳудди шунга кура санъат турлари турлича бадиий идрок етилади.

Шунга кўра санъат бадиий образнинг қандай восита, усуллари орқали яратилиши ва уларни бадиий идрок етиш хусусиятига кўра 4 турга ажратилади:

1. Ўқиладиган, яъни фикран идрок етиладиган санъат тури - бадиий адабиёт.
2. Ҳажм (фазо) жиҳатидан идрок етиладиган (томоша қилинадиган) - меъморчилик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ва ҳ.
3. Вақт ўчови бўйича идрок етиладиган (тингланадиган) санъат тури—мусиқа
4. Фазо ва вақт бирлигида идрок етиладиган томоша қилинадиган ва тингланадиган санъат турига - театр, кино, ракс, сирк, “ойнаи жаҳон” киради.

Бадиий адабиёт санъат турлари тизимида марказий ўинни егаллайди. Чунки санъатнинг аксарият бошқа турлари у ёки бу тарзда у билан бевосита боғлиқдир. Адабиётнинг бундай хусусияти ундаги образлиликнинг асосий унсури бадиий сўз эканлиги билан изоҳланади. Шунга кўра бошқа санъат турларида шунингдек, фанда ҳам ифодаланиш қийин бўлган фикр, тафаккур силсиласи унинг образларида мужассамлашади. Шу боис мазкур санъат турини кўпинча образли тафаккур, фикрлаш ҳам деб атайдилар. Маълумки, фан илмий тушунчалар тизими бўлиб, улар рамзийлик, мажозийлик, конкрет ҳиссийликдан холи бўлган мантикий усуллар - анализ, синтез, умумлаштириш, мавҳумлаштиришлар орқали ҳосил қилинади, шакллантирилади. Бадиий адабиётдаги сўз-тушунчаларнинг мазмуни еса фанда қўлланилмайдиган, қайд етилган воситалар (рамзийлик, мажозийлик, конкрет - ҳиссийлик) орқали англашилади, идрок етилади. Масалан, естетика фанининг “гўзаллик” мезоний тушунчаси мазмуни мантиқ илмининг таърифлаш усули орқали очиб бериладики, буни ҳар қандай киши ҳам тўлалигича англаб олаолмайди. Шу маънода фаннинг имконияти, оммавийлик нуқтаи назаридан чеклангандир. Бадиий адабиёт еса бу жиҳатдан фанга нисбатан устивор мавқега егадир. Чунки ундаги тушунча — сўзларда ифодаланадиган фикр мазмуни конкрет-ҳиссий, образли тарзда тасвирланади, суратланади. Ва бунинг натижаси ўлароқ у ҳақида ҳар бир киши аниқ тасаввурга ега бўлади. Енг муҳими - ундан естетик завқ олади. Бу ўринда Ғафур Ғулумнинг “Гўзаллик нимада?” сарлавҳали шеърини олиб қарайлик.

Гўзаллик бир гулдир,
Муддати — фаслдир.
Яшамок — аслдир,
Сиз, биз бор — у яшар.
Гўзаллик — ишлайиш,
Манглайн терлатиш.
Гўзалдир унган иш
Мақтанса ярашар.^{35[25]}

Ушбу шеърни ўқиган ҳар бир киши гўзалликни конкрет-образли тарзда идрок етади.

Бадиий адабиёт ўзининг шу хусусиятига кўра кишилик тарихининг барча даврларида фалсафий-естетик ғояларнинг тажассуми булиб, уларни бир авлоддан иккинчисига етказиб келган. Масўлан, бугун биз тасаввуф адабиётисиз мазкур фалсафий таълимотнинг моҳиятини тўла англаб етаолмаймиз.

Бадиий адабиётнинг ўзини унда воқеа, ҳодисаларни, хусусан, инсон руҳий дунёсини қай даража, кўламда ва усулда тасвирланишига кўра учта - эпик, лирик, драматик турларга ажралади.

Меъморчилик — кишиларнинг моддий еҳтиёжларининг маънавий еҳтиёжларга ўсиб

^{35[25]}Ғафур Ғулум. Асарлар. 5 томлик, 1-том. Тошкент, 1964 йил, 25-бет

бориши натижасида юзага келган санъат туридир. Кишилар маълум бир тарихий тараққиёт босқичига келиб ўзлари яшайдиган уй-жойларини фақат яшаш учун зарур жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки ўзларининг бадиий-эстетик дидларига мос шаклда, кўринишда кўра бошлайдилар.

Шу тарзда аста-секинлик билан турли хил услубда (рококо, ампир, барокко ва бошқалар) шаҳар бинолари яратилади.

Меъморчилик бинолари услубларида муайян даврда яшаган авлодларнинг эстетик еҳтиёжлари билан бирга уларнинг сиёсий, мафкуравий карашлари ҳам ифодаланади. Соҳибкирон бобомиз Амир Темур шунга кўра ҳам ўзи қурдирган кошоналар пештоқида “Бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, кўрган биноларимизга қаранг”, деб ёздирган еди.

Тасвирий санъатда образлар асосан тимсол - рамзлар билан яратилади. Мазкур санъат мусаввирлик, хайкалтарошлик, чизикли расм (графика) каби турларга бўлинади. Мазкур турлар бир-биридан воқелик, ҳаётни ўзига хос восита, усулларда акс еттиришлиги билан фарқланади.

Лекин уларда қўлланилаётган воситалар рамзий “тили”да, аниқоғи нур-соя, ранглар жилосига таянилган ҳолатда қўлланилади. Масалан, мусаввир нур соясини айнан чизмайди, балки унинг воситасида асарнинг эстетик ғоясини ифодалайди.

Бу турдаги санъат асарларини идрок етишда ана шу рамзийликни пайқаш муҳимдир. Акс ҳолда машҳур мусаввирлар Ўрол Тансиқбоев, Рўзи Чориевнинг асарларини табиатнинг шунчалик тасвири сифатида идрок етилган бўлур еди.

Безакли — амалий санъат турининг хусусияти шунчаки, унда фойдалилик ва нафосатлилик уйғунлашган бўлади. Шунга кўра мазкур санъат кишиларнинг маиший турмуши, кундалик амалий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Нақш, безак ушбу санъат турида қўлланиладиган асосий восита ҳисобланадики, бу орқали меъморчилик бинолари—“қотирилган оҳанглар”га, ашёвий буюмлар (кийим, гилам, идиш ва б.) ноёб нарсаларга айланади.

Муסיқада образлилик оҳанг, товушлар уйғунлиги воситасида яратилади. Шунинг учун у энг нозик қалб тебранишларини, ички руҳий дунёсини акс еттира оладик, бундай имкониятга бошқа ҳеч бир санъат тури кодир эмас. Шу боис мусиқадан табобатда энг оғир руҳий ҳасталикни даволашнинг самарали воситаси сифатида фойдаланилади. Мусиқанинг эстетик таъсир кучи шундаки, у кучли завқ, нашъа, завқлантириш ҳислатига ега бўлиб, кишини руҳий- маънавий поклантиради, уни фозилликка йўналтиради. Форобий мусиқанинг бундай табиатини яхши англайди ва кўп жиддли “Муסיқа ҳақида катта китоб” рисоласини яратган еди. Бундан унинг кўзлаган мақсади мусиқа илмидан кишиларни хабардор қилиш, уларга мусиқадан завқланиш, лаззатланиш йўл-йўриқларини ўргатиш еди. Чунки буюк файласуф фикрича, бундай ҳислатга ега бўлиш ҳақиқий бахт-саодат, фозиллик ва фаровонликка еришув йўлидир.^{36[26]}

Театр қоришма санъат тури бўлиб, унда бадиий адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа воситаларидан бирдек фойдаланилади. Театрда драматик асарда тасвирланган ҳатти-ҳаракат воситасида “жонлантирилади” ва сахнада намойиш етилади. Мазкур вазифани актёрлар амалга оширади. Шу боис уларни “ҳаракатдаги шахслар” деб атайдилар. Бундай ҳаракат уларнинг “ўзлигини унутиб” қахрамон кийёфасига, унинг ички руҳий дунёсига кира олиш ва кишиларни бунга ишонтира олиш талантига ега бўлишлиги билан изоҳланади. Маҳоратли актёрлар, томошабинни воқеалар ичига олиб киради, унинг иштирокчисига айлантиради.

Айтишларича, Лондон шахрининг театр биноларининг бирида Шекспирнинг машҳур “Отелло” драмаси биринчи марта сахнада қўйилаётганда шундай воқеа юз берган экан. Ғийбат, иғволар кутқусига учиб пок, беғубор хотини Дездемонани бевафоликда шубҳа қилиб бқғиб ўлдираётган пайтда актёр- Отеллога қараб томошабинларнинг бири томонидан ўқ узилади. Воқеанинг сахнада кечаётганлигини, ўзининг томошабин эканлигини унутиб қўйган зобит ўзини ҳам тўппончаси билан отиб ўлдиради. Уларни ёнма-ён қўйиб кўмишадилар ва қабр устига “Енг моҳир актёр ва ҳақиқий томошабин” деб ёзилган мраммар тош қўйилади.

Кино ва “ойнаи жаҳон” энг оммавий санъат турлари ҳисобланади. Чунки улар кундалик турмуш, ҳаётнинг барча соҳаларини техник воситалар (кинокамера, овоз, рангларнинг экрандаги ҳажми тасвири ва бошқалар) орқали акс еттирадилар. Мазкур санъат турлари тасвирий санъат, театр, айниқса бадиий адабиёт билан ўзаро яқин алоқада ривожланади, ўз вазифаларини ўтайдилар. Зотан, барча кинофилмлар адабий жанр-кинossenарий асосида суратга олинади. Шундай қилиб, барча санъат турлари ўзига хос услуб, восита ва тилига ега бўлиб, булар бадиий идрок етиш жараёнида ҳисобга олинмоғи зарур.

^{36[26]} Қаранг: Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шахри” 1993 йил 190-бет

3. Санъат естетик тарбия воситаси сифатида. Мазкур масала таҳлили естетик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб олишни талаб этади. (Биз бу хусусда қисқача тўхталиб ўтамиз, чунки бу масала учун мустақил ўқиш соати ажратилган). Естетик тарбия умумий тарбия йўналишлари (сиёсий, мафкуравий, ахлокий, ҳуқуқий ва бошқалар) тизимининг муҳим таркибий қисми - йўналиши ҳисобланади. Умумий тарбиянинг асосий тамойили—шахсни ижтимоий, маданий ҳаётда фаол иштирок етиш ва ўз “Мен”ини қарор топтириш мақсадида унга муайян восита, усуллар билан таъсир кўрсатиш естетик тарбия учун ҳам хосдир. Индивид шахс сифатида ижтимоий муҳит, обектив шарт-шароит ва айни пайтда тарбия таъсирида шаклланади. Бунда кўпинча кейинги омил тарбия устуворлик мавқеини егаллайди. Шунга кўра маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт- ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган еди. Тарбиянинг бундай мавқеи энг аввало естетик тарбия йўналишида намоён бўлади. Чунки мазкур тарбия бевосита шахснинг маънавий-маърифий маданиятини, ижтимоий-мафкуравий фаоллигини ошириш мақсадида қаратилган жараёндир. Лекин айни пайтда естетик тарбия ўзига хос мақсад, вазифаларга егадир. Естетик тарбия асосан кишининг борлиққа бўлган естетик муносабатини, яъни унинг маънавий лаззатланиш, завқланиш ҳис-туйғуси билан йўғрилган, бирон-бир чакана фойдалиликни кўзлашдан ҳоли бўлган муносабатини шакллантиришга қаратилган фаолият жараёндир. Бунда унинг бажарадиган иккита вазифасини ажратиб кўсатиш мумкин: шахснинг маънавий-естетик қадриятларни идрок ва баҳолай билиш қобилиятини шакллантириш ҳамда унинг ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш.

Естетик тарбиянинг ўзига хос мақсади - бу шахснинг шу ҳилдаги маданиятини, яъни унинг воқеликка естетик муносабатда бўлиши ва уни гўзаллик, улуғворлик ва бошқа мезоний тушунча тамойиллари бўйича баҳолай олиш маданиятини шакллантиришдир. Мазкур мақсадга еса шахснинг естетик онги унсурлари - естетик еҳтиёж, дид, идеал, қарашларини мақсадли, доимий йўналтирилган тарзда шакллантириш орқали еришилади. Муайян естетик маданият даражасига ега бўлган киши нарса, ҳодисаларнинг естетик қимматини баҳолай олиш қобилиятга ега бўлиш билан бирга шундай қийматга ега бўлган қадриятларни яратиш жараёнида фаол иштирок этадилар. Ва бундай киши ўзида еркин ижодкорлик қобилиятини, ижтимоий фаоллигини намоён ета олади. Таниқли естетик олим Т. Маҳмудов таъкидлаганидек, шу боис естетик маданият бизни бойитади, жамият равнақи учун ҳхзmat қиладиган ижодий қобилиятларимизни намоён қилишга чексиз имкониятлар очиб беради.^{37[27]}

Естетик тарбия бир қатор воситалар - кишининг маиший муҳити, табиат, меҳнат, спорт ва б. орқали амалга оширилади. Лекин булар ичида санъат алоҳида мавқега ега. Чунки у, биринчидан, ўз табиатига кўра естетик онг шакли ва естетик фаолият туридир. Иккинчидан, у жамият маънавий ҳаётининг барча соҳаларини ўзида мужассамлаштирувчи дунёни ўзлаштириш усули ҳисобланади. Учинчидан, санъат бадиий қадриятларни юзага келтирувчи фаолият сифатида естетик маданиятнинг мағзини ташкил этади. Шунинг учун бадиий тарбия, яъни санъат асарларидан естетик завқланиш, лаззатланиш еҳтиёжини, уларни идрок етиш - тушуниш ва баҳолай олиш қобилиятини шакллантириш ҳамда бадиий ижодга йўналтириш естетик тарбиянинг фақат воситаси емас, балки айни пайтда таркибий қисми ҳамдир.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур тарбия турини естетик тарбиядан фарқлай билмоқ зарур. Естетик тарбия ҳозирги пайтда ҳам баъзи адабиётларда санъат асарларини идрок етиш, баҳолаш ва улардан завқланиш, лаззатланиш малакасини ҳосил қилишга қаратилган тарбия сифатида талқин қилинади. Шахс бадиий идрокнинг шаклланганлиги ҳали унинг естетик маданияти даражасини белгиловчи мезон бўла олмайди. Чунки мазкур маданият юқорида таъкидлаганимиздек, шахснинг кенг қамровли ижодий фаолияти, ижтимоий фаоллигида намоён бўлади. Лекин естетик тарбияни бадиий тарбиясиз амалга ошириб бўлмайди. Бунда биринчиси иккинчиси учун фақат восита вазифасини ўтаб қолмасдан айни пайтда мақсади ҳамдир. Чунки бадиий тарбиянинг сўнгги мақсади санъат воситасида шахс естетик онгини шакллантириш орқали уни ижодкорлик қобилиятини намоён қилдиришдир. Шунинг учун бадиий тарбия естетик тарбия тамойиллари асосида олиб борилмоғи зарурки, шу пайтдагина у естетик маданият, маънавиятни шакллантириш, мустаҳкамлашнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бадиий тарбия ҳар томонлама ёндашишни талаб етадиган мураккаб жараён бўлиб, улар муайян зарурий шарт-шароитлар, омил ва тамойиллар орқали амалга оширилади. Булар асосан қуйидагилар:

1. Санъатни кенг халқ, оммасига яқинлаштириш, уларда санъатга бўлган еҳтиёжни

^{37[27]} Қаранг: Тилаб Маҳмудов. Эстетика и духовные ценности . 1993, стр - 279.

шакллантириш учун энг аввало зарурий шарт-шароитлар, моддий базани яратиш талаб этилади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ушбу вазифа маънавиятни мустаҳкамлашнинг асосий шarti сифатида кун тартибига қўйилди. “Маънавиятни мустаҳкамлаш учун, - деб кўсатади И.А. Каримов,- меҳнат ва маблағи аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъий назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади”^{38[28]}.

2. Узлуксиз бадиий тарбия тизимини ташкил этиш. Умумий ўрта таълим мактаби, ўрта махсус лисей, касб-хунар коллежи, олий ўқув юрти таълим тизимини ўз ичига оладиган бадиий-эстетик тарбия тизимини ташкил этиш. Бундай тарбия тизими таълимнинг инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви принципларига таянилмоғи ва у таълим олувчиларда бой эстетик дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантиришга қаратилган бўлмоғи зарур.^{39[29]}

3. Бадиий тарбияни ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, экологик тарбия йўналишлари билан узвий равишда ўзаро бирликда олиб бориш талаб этилади. Мазкур тарбия бошқа тарбия йўналишлари билан ўзаро ички алоқадорликда амал қилган пайтдагина у санъатнинг жамият маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишини таъминлашда омил бўлиб хизмат қилади.

4. Кишиларда санъат асарларини эстетик мезоний тушунчалар, тамойиллари асосида маънавий кадриятлар сифатида ўзлаштириш, идрок этиш малакасини шакллантириш. Фақат шу пайтдагина бадиий тарбия маънавий - эстетик маданиятни шакллантиришнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра мазкур тарбия бугунги кунда демократик, фуқаролик жамияти барпо этиш ва комил инсонни барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил Ўзбекистонда қарор топаётган демократик, фуқаролик жамияти умуминсоний тамойилларга асосланади, бундай жамият тизимининг негизини янги типдаги ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий-эстетик баркамол кишилар ташкил этади. Маънавий-эстетик баркамоллик орқалигина комилликка еришиш мумкин.

«Мантиқ»

(Логика)

фанидан маъруза матнлари

1 - мавзу. МАНТИҚ ФАНИ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ. (2 соат).

Режа:

1. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари:

а) Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши. (Ҳиндистон, Юнонистон, Рим).

б) Ўрта асрларда мантиқ илми. Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиёда мантиқий фикр тараққиёти (Ал-Киндий, ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд).

в) Янги даврда (VII-XIX асрлар) мантиқ илми.

2. Тафаккур мантиқ фани ўрганиш объекти сифатида. Билиш ва унинг босқичлари. Мавҳумий тафаккурнинг хусусиятлари.

3. Тафаккурнинг шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча.

а) тафаккурнинг шакллари. (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш)

б) тафаккурнинг қонунлари. Тўғри фикрлаш (мантиқий) қонунлари ва уларнинг билишдаги методологик аҳамияти.

4. Мантиқ фанининг назарий ва амалий аҳамияти.

а) мантиқ фанининг фан ва техника тараққиёти учун аҳамияти.

б) мантиқ фанининг тафаккур маданиятини ўрганишдаги роли.

в) мантиқ фанининг янгича фикр, дунёқарашини шакллантиришдаги ва миллий мафкурани яратишдаги аҳамияти.

Таянч атамалар: Тафаккур, тафаккурнинг шакллари ва қонунлари, мантиқ фанининг

^{38[28]} Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992, 73-бет.

^{39[29]} Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари ҳақида Қаранг: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Маърифат” газетаси, 1998, 1-апрель, 5-бет.

предмети, мантикий фикр, қадимги дунё мантик илми, ўрта асрлар мантик илми, янги давр мантик илми.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов. Фан раванқисиз буюк давлат қуриб бўлмади. //
2. Бунёдкорлик йўлидан. Том-4. Т., Ўзбекистон 1996, 85-91-бетлар
3. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни –
4. миллат этишга хизмат қилсин. «Тафаккур» журнали. 1998.№2.
5. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ этикоди ва буюк
6. келажакка ишончдир. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –
7. пировард мақсадимиз. Том-8. Т., Ўзбекистон, 2000 й. 489-508-
8. бетлар.
9. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ. Т. 1993 й. 7-30-бетлар.
10. М. Шарипов, Д.Файзихужаева. Мантиқ. Т., 2001 й. 5-55-б.
11. Ивлев. Логика. Учебник для вузов. М., “Логос” 1998 г. 70-стр.
12. В.И. Курбатов. Логика. Ростов на Дони “Денике” 1997 стр.
13. М. Аллоёров. Мантиқ. СамДУ. 2000 й. 3-46 б.
14. И. Рахимов. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар.
15. Т. 1988 й. 1-боб.
16. Материалы по истории общественно-философской мысли. Т.1976 г.
17. 75-93, 109-273 – стр.

Қўшимча адабиётлар

1. Е.К.Войшвилло. Символическая логика: классическая и
2. релятивная. МГУ, 1989.7-35-стр.
3. Е.К.Войшвилло. М.Г.Дегтярев. Логика. Учебник для вузов.
- М., 1978 г. 9-45 – стр.
4. Ю.В.Ивлев. Логика. Учебник для вузов. М., 1998 г. 5-25 - стр.
5. Аль Фараби. Логические трактаты. Алма-Аты 1975 г.
6. Ибн Сина. Избранные философские произведения. М., 1980 г.
7. И.Кант. Критика чистого разума. Ростов на Дону. 1999 г. 87-96 - стр.
8. А.А.Ивин. А.П. Никифоров. Словарь по логике. М., 1988 г.
9. А.О.Маковелский. История логики. М., 1967 г. 10-170 - стр.

Бугунги кунда ҳар бир кишида ўзини англаш мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш энг муҳим вазифалардан Ҳисобланадики, бу энг аввало уларда миллий ғоя, мафқурага асосланган тафаккур маданиятини шакллантириш орқали амалга оширилади. Президентимиз И.Каримовнинг бу борада қуйидаги сўзлари дастуриламалӣ аҳамиятга эгадир: «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра дахшатлидир».

Шунинг учун бугунги кунда мантик, фанини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мантик фани фалсафий фан бўлиб, тўғри фикр, мушоҳада юритиш унинг бош масаласи ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мазкур фан грекча логика (логос – фикр, тафаккур) ва арабча мантик (ақл, фикр) сўзлари билан аталади. Мантиқ фанининг алоҳида билимлар тизмаси сифатида фалсафадан ажралиб чиққандан то бугунгача бўлган давр ичидаги ривожланиш даврини қуйидаги тўртта шартли босқичга ажратиш мумкин.

1. Қадимги давр мантикий фикр таракқиёти
2. Ўрта аср, Уйғониш давридаги мантий фикр.
3. 17-19 асрлардаги мантиқ фикри
4. 20-аср мантикий фикр таракқиёти

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мантиқ фани ривожланишининг юқорида қайд этилган босқичлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида юз берган ижтимоий муносабатлар, фан, маданият соҳасидаги сифат ўзгаришларнинг хусусиятлари билан изоҳланади.

Дастлаб Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Шарқда мантикий билимлар шаклланди. Шу билан бирга Греция ва Ўрта Осиёда ҳам у фан сифатида қарор топа бошлади. Дастлаб қадимги Хитой, Ҳиндистон, Шарқда мантикий билимлар умумий фикрлар тарзида баён этилган бўлса, кейинчалик қадимги Грецияда эрампиздан аввалги 43 асрларда тизимлаштирилган маҳсус фан сифатида шаклланиш тусини олди. Бу борада юнон мутафаккири Аристотель (эрампиздан ав. 385-322 йй.)

нинг хизмати каттадир. Шунинг учун ҳам уни ҳақли равишда мантиқ фанининг асосчиси деб атайдилар. У ўзининг «Категория», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддиялар ҳақида» каби асарларида фикр юритиш муайян шакл ва қонунлар асосида кечувчи жараён эканлигини асослаб берди. Шунинг билан биргаликда фикр юритиш, амал қилишининг асосий тамойиллари, усулларини очиб берди.

Аристотель фикр юритишни дунёни инсон томонидан билиб олишининг энг муҳим йўли деб ҳисоблайди ва бунда фикрнинг шаклини унинг мазмунидан ажратиб олиб қараш зарур деб ҳисоблайди. Шунинг учун Аристотель асос солган мантиқ формал (шаклий) мантиқ деб юритилади.

Мазкур Фан кейинчалик унинг ҳамюртлари бўлган Стоя фалсафий мактабининг вакиллари – Зенон, Хрисипп, Аристон, Посейдон каби мантиқшунослар томонидан янада ривожлантирилди.

Ўрта аср, Уйғониш даврида мантиқий билимларнинг ривожланиши кўпроқ Ўрта ва Яқин Шарқ, шунингдек Ўрта Осиёда кечади. Қадимги Греция давлати, кейинроқ Рим империясининг таназулга юз тутиши билан илм, Фан, маданият Мисрда гуркираб ривожлана бошлайди.

Маълумки, 6-7 асрлар антик даврнинг емирилиши ва феодал ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши даври бўлиб ҳисобланади. Бу даврда Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё мамлакатлари маданий ҳаётида Уйғониш даври бўлди. Мазкур давр ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ривожланиши ва шунга мувофиқ фан, маданиятнинг ҳам юксалиб бориши билан характерланади.

Ақл, тафаккур масаласи фақат аниқ фанларнинг эмас, балки фалсафа фанининг ҳам баҳс мавзусига айланди. Шунинг учун Уйғониш даврининг кўпгина файласуф, мутафаккирлари ўзларининг мантиққа доир асарларини яратдилар.

Ўрта Осиёлик қомусий олим Абу Носир Форобий (873-950) биринчилардан бўлиб, Аристотель, Порфирийларнинг мантиққа оид асарларига изоҳ ёзади. Абу Али ибн сино ўзининг таржимаи ҳолида Аристотелнинг асарларини қайта-қайта ўқиганлиги, лекин фақат Форобийнинг унга ёзган изоҳини («Метафизика тезислари») топиб ўқиганидан сўнггина, уларнинг маъносига тушунганлиги ҳақида ёзади. (Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно философской мысли в Узбекистане» Т.: Фан, 1976, с.278).

Шунингдек, «Логикага кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли ҳукмлар» каби мантиқий асарларини яратади. Форобий ўзининг бу асарларида мантиқ фанининг предмети, унинг аҳамияти, тушунчалардан ҳукм ва ҳукмлардая хулоса чиқариш (силлогизм) ҳақида фикр юритади. Форобий шунингдек тўғри фикр юритишнинг асосий усул ва воситалари- исботлаш, мунозара-баҳс, индукция ва дедукциялар ҳақида ҳам батафсил тўхталади.

Форобийдан сўнг мантиқ илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккир Абу Али Ибн Сино (980-1037) ҳисобланади. Форобийнинг мантиқ илмига оид асарларини чуқур ўрганган Ибн Сино ўзининг «Мантиқ», «Донишнома» каби рисоаларини яратди. Шунингдек, унинг табобат илмига оид «Китоб аш-шифо» асарининг бир боби мантиққа бағишланган бўлиб, у 9 қисмдан ташкил топгандир.

Ўрта аср мантиқий фикрлар тарққиётига озарбайжонлик Бахманер, арабистонлик Ибн Рашид ва эронлик Насриддин Тусий, Фахриддин Розий каби файласуф олимлар катта ҳисса қўшганлар.

Маълумки, 17-19 асрлар кишилик тарихида янги капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг юзага келиши, шаклланиши билан характерланадиган даврдир. Бу даврда аниқ, фанлар ижтимоий фанлар билан узвий равишда боғлиқликда ривожланади. Мантиқ фани эса, айтиш мумкинки, мана шу ўзаро боғлиқликни амалга оширувчи восита вазифасини ўтади. Бу пайтдаги йирик математик, физик ва бошқа аниқ фан вакиллари бўлган олимлар. Айни пайтда мантиқшунос ва файласуфлар фаолият кўрсатадилар. Масалан, франциялик олим Математик файласуф Декарт, инглиз табиатшуноси Френсис Бэкон, немис математики Лейбницлар мантиқий усул, восита ва принципларни аниқ, фан соҳасига қўллашнинг методларини ишлаб чиқдилар ва шу асосда мантиқ фанининг янги бир тармоғи математик-символик мантиқ юзага келди.

Немис классик фалсафасининг вакиллари бўлган Кант ва Гегельнинг мантиқ фани ривожланишига қўшган хиссасини алоҳида таъкидлаш зарур. Агар Декарт, Бэкон, Лейбницлар мантиқий қонун-қоида усулларини аниқ, фан соҳасига тадбиқ этган бўлсалар, улар фалсафани олам ва одамнинг моҳиятини билиб олиш учун хизмат қилдиришга ҳаракат қиладилар. Кант ва Гегель ҳар бири «Мантиқ» номли рисоалар ёзиб, уларда ақл, тафаккурнинг яратувчи, ўзгартувчи кучи ҳақида фикр юритадилар. Лекин биз то шу пайгача уларнинг фалсафа(мантиқ) соҳасидаги «рационал мағз» ни юзаки таъкидлаган ҳолда, унинг моҳиятини деярли ўрганмасдан келдик. Тўғри, Гегель фалсафаси мутахассислар томонидан тўғирилган, лекин гап унинг мантиқий жиҳатидан ўрганилиши ҳақида кетмоқда.

Шу вақтгача Гегель диалектикаси коммунистик мафкурага буйсундирилган марксча-ленинча философия-нинг юзага келишининг назарий манбаи бўлиб хизмат қилганлиги ҳақида фикр айтилиб келинди. Лекин Гегель диалектикасининг назарий асослари, мантикий қарашлари ҳақида фикр юритилганда, фақат Фарб фалсафий фикрига таянилган ҳолда изоҳланди. Гегель ўзининг дунёвий рух, ақл ҳақидаги фикрларига Жалолоддин Румийнинг суфийлик унинг мантикий қарашларининг шаклланишида Шарк мантикий илмининг ижодий таъсири ҳақида фикр қилиш асослидир. Лекин бу муаммо уз тадқиқотчитарини кутмоқда. Биз ўзимизнинг "Шарк, фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари" (СамДУ нашриети, 1993) номли рисолачамизда ушбу масала ҳақида қисман тўхталганмиз.

Немис классик фалсафасига асос солган мазкур мантиқ, тараккиёт, ривожланиш методига асосланган бўлиб, унда тафаккур Аристотель мантиғидагидек, фақат шакл жиҳатида эмас, балки мазмун томонидан олиб каралади. Лекин Гегель уз фалсафасининг формал (шаклий) мантиғини бутунлай инкор этмайди, унинг билимдаги, чин билимларга эришишдаги ролига юқори баҳо беради.⁴⁰

Гегельнинг диалектик мантиғи, гарчи идеалистик характерга эга бўлсада, ўзидан кейинги давр фалсафий ва мантикий фикр ривожланиши учун мудом дастур бўлиб хизмат қилди.

Тафаккур мантиқ фанининг предмети, ўрганиш объектидир. Лекин у умуман-тафаккур нима, у қаёқдан олинади ва пайдо бўлади, ривожланади. деган саволларга жавоб бериш асосида ўрганмайди. Тафаккур- худди шу жиҳатлари фалсафа (гносеология), психология, физиология каби фанлар томонидан урганилади.

Айнан мантиқ тафаккурни унинг шакли ва конунлари асосида урганувчи фалсафий фандир. Мақсад-объектив-. олам ҳодисалари ҳақида чин билимга эришишдир. Бошқача қилиб айтганда, туғри фикр юритиш йўл-йўриқлари, усулларини билмасдан чин билим, ҳақиқатларга эришиш мумкин эмас Бунда ўз навбатида тафаккур шакл, конунлари ва уларнинг фикр юритишда амал қиладиган асосий принципларини билиб олмасдан туриб эришиш мумкин эмас. Лекин тафаккурнинг шакл ва мазмунлари масаласига тўхталишдан олдин тафаккур. унинг хусусиятлари ҳақида умумий тушунчага эга бўлишимиз зарур. Хўш, тафаккур нима? Тафаккур бу инсон меҳнати жараёнида шаклланган ва ривожланадиган билишнинг юксак босқичидир. Билиш эса ижтимоий моддий ва рухий борлиқнинг инсон онгида қайта ишлаб чиқариладиган инъикос этиши жараёнидир. Билиш дастлаб киши сезги органлари томонидан нарса ва ҳодисаларни бевосита инъикос эттиришдан бошланади. Бундай жонли мушоҳада босқичи асосан уч шаклда амал қилади: сезги, идрок ва тасаввур. Сезги бу бевосита муносабатда бўлиш мумкин бўлган нарса, ҳодисаларнинг айрим хусусиятларининг инъикос этилишидир. Масалан, очилиб турган гул ранги, шакли кўриш, сезги органлари орқали акс этилади. Предметнинг сезги органларига бевосита таъсири асосида ҳосил бўлган яхлит образига идрок деб аталади. Масалан.; идрок туфайли киши сезги органларида акс этилган гул хусусиятлари яхлитлашади.

Бошқача қилиб айтганда, идрок сезги органларига таъсир этиш натижасида ҳосил бўлувчи предметнинг яхлитлашган образидир. Айрим , алоҳида-алоҳида ҳолда сезилган предмет белгилари идрок этиш орқали бир бутун яхлитлашади ва унинг конкрет образи ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Тасаввур - идрок этилган предметнинг киши онгида сақланган образидир. Шунинг учун ҳам хотирлаш билан киши мазкур образни қайта кўз олдига келтира олади. Масалан, ҳар бир кишининг ўзи ўқиган мактаби, дўстлари ҳақидаги тасаввурлари. (Бундан кейин маъруза матнида нарса ва ҳодисаларни ифодалашда умумий '«предмет» тушунчасини қўллаймиз.)

Лекин кишининг бевосита идрок этмаган предметлар ҳақида ҳам тасаввури бўлиши мумкин. Масалан, Хиндистонда умуман бўлмаган кишининг у мамлакат ҳақидаги тасаввури ёки фантаст ёзувчининг хаёлан яратган образлари, субъектив реаллиги.

Ҳиссий билиш шакллари инсоннинг амалий фаолияти жараёнида ўз-ўзини билиши, англаши даражасида юзага келадик, улар моҳаятан баҳовий характерга эгадир. Агар ҳайвонлардаги сезги, идрок, тасаввур қанчалик такомиллашган бўлмасин, бажарадиган функциялари уларнинг фақат яшаши учун курашига қаратилган бўлади. Инсондаги ҳиссий билиш эса унинг мушоҳадаси билан йўғрилган бўлиб, унинг ахлоқий, эстетик туйғуларини ҳам ифодалайди. Бундай туйғулар гўзаллик, эзулик каби категория, тушунчаларнинг мазмунини ташкил этувчи муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Демак, ҳиссий билиш- бу бевосита билиш бўлиб, бунда объектнинг ташқи, зоҳирий томонлари акс этади. Урганилаётган объектнинг моҳияти эса аклий билиш (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) орқали билиб олинади. Тафаккурнинг, яъни аклий билишнинг бундай хусусияти

⁴⁰ Қаранг. Гегель .Ф. Энциклопедия философских наук. Философия духа. М., Мысль,1977й. 37-403 5.

қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Тафаккур вокеликнинг инсон миясида умумлашган, воситали

инъикосидир. Умумлаштириш - бу предмет, ҳодисаларни энг муҳим белгиларига кўра жинс ва турларга ажратиш ва уларни номларда ифодалашдир. Масалан, биз "уй" тушунчасида унинг муҳим белгилари асосидаги умумлашган образни тасаввур қиламиз. Ва бунда унинг муҳим бўлмаган, иккинчи даражали белгиларини (қачон ва қандай материаллардан қурилганлиги, катта-кичиклиги ва б.) фикран соқит қиламиз. **Воситали акс эттириш** - бу чин билимларга таянган ҳолда хулосалар чиқариш, илмий тахминларни илгари суришдир. Масалан. бошқа сайёраларда ҳаётнинг борлиги ҳақидаги илмий гипотеза Ер планетаси ҳақидаги мавжуд билимларга таянилган ҳолда илгари сурилади. Археолог топилган у ёки бу ашё орқали маълум бир тарихий давр, унинг тараққиёт даражаси ҳақида фикр юритади. Шунингдек, ҳуқуқшунос жиноят содир этилган жойдан топиб олинган ашёвий далил ёрдамида қидирув, тергов ишларини олиб боради. Тафаккур тил билан узвий боғлиқдир. Биринчиси иккинчисисиз мавжуд бўлолмаганидек, фикрдан ажралган "соф" тилнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Тафаккур вокеликнинг инсон онгидаги умумлашган, воситали акс этишининг маҳсули - маънавий ҳодиса бўлса, тил уни юзага чиқарувчи, ифодалаш воситасидир. Тил орқали кишилар узаро ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатига киришадилар, алоқа қиладилар. Шу маънода у моддий ҳислатга эга. (Бу масала бўйича кейин батафсил тўхталамиз).

2. Тафаккур муайян мақсад томон йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Чунки ҳар қандай мақсад, вазифа фақат мушоҳада юритиш натижасида юзага келиб, унинг доимий иштирокида руёбга чиқарилади. Зотан инсон яшашининг мақсадини тирик мавжудотлар яшаш тарзидан фақат онглилик билан йўғрилганлиги билан фарқлаймиз.

Шундай қилиб, тафаккур мантиқ фанини ўрганиш предмети ҳисобланади. Лекин айтганимиздек, мазкур фан умуман тафаккурни эмас, балки унинг асосий шакллари ва қонунларини ўрганади. Тафаккурнинг мазкур жихатини ўрганиш тўғри фикр юритишнинг зарурий шартидир, бусиз. ўз навбатида киши тўғри ва чин билимларни ҳосил қилолмайди.

Тафаккур мантиқ фанининг ўрганиш объекти бўлиб, у тилсиз мавжуд бўла олмайди. Шу маънода тил тафаккурнинг воқе бўлиш воситасигина эмас, балки, мавжудлик. яшаш усулидир. Дарҳақиқат, фикрнинг сақданиши, жамғарилиши, авлодлардан авлодларга ўтиб бориши фақат тил воситалари орқали амалга оширилади. Лекин улар, гарчи бир-бири билан ўзаро бирликда бўлса-да, бир-биридан фаркланади. Агар тафаккур бош мия маҳсули

бўлса, тил уни юзага чиқариш, реаллаштириш воситасидир. Тафаккур вокеликнинг умумлаштирилган, воситали инъикоси бўлиб, маънавий ҳислатга эгадир. Тил фикрни нутқ органининг ҳаракати натижасида товушлар., сўзлар орқали юзага чиқаради, ёзма равишда баён этади.

Тил белгилар рамзий тизмаси ҳисобланади ва худди шу хусусиятига кўра информацияларни шакллантириш, сақлаш ва авлодлар ўртасида алоқа

воситасини ўташ каби функцияларни бажаради.

Тил белгилар тизими назарияси ҳисобланмиш семиотика (грекча semejon- белги) томонидан ўрганилади. Семиотика тилни учта: синтактик, семантик, прагматик аспектларда ўрганади. Бу аспектлар биргаликда грамматика (грекча grammatiks - ёзиш, ҳарф) ни ташкил этиб, тилнинг умумий қонун-қоидаларини ўрганади. Грамматика предмет, ҳодисаларнинг ифодаси бўлган сўзлар орқали нутқ жараёнида вужудга келганидан умумий муносабатларни. - сўзларнинг ўзаро боғланиб гап тузилиши билан боғлиқ қонун-қоидаларни ифодалайди. Бунда фикр ифодаланиши иккинчи планда олиб қаралгани ҳолда белгилар тизимига асосий диққат қаратилади.

Синтаксис (грекча syntaxis - тузиш) грамматиканинг бўлими ҳисобланиб, тилни структура жиҳатидан (белгиларнинг юзага келиши ва гап бирикмалари ҳосил қилиш ўзаро боғланиши) ўрганади. Аниқроғи, синтаксис белгилар орқали ифодаланувчи сўзларнинг ўзаро боғланиши - тугал фикр ҳосил қилтишни ўрганади.

Семантика (грекча semantikos- белги, маъно) грамматиканинг белгилар

ўртасидаги муносабатини маъно жиҳатдан ўрганувчи бўлимидир. Масалан: "о" ва «т» белгиларининг қўшилиб турли хил маъноларни англатишлиги.

(«Яхшилик қил болам, ёмонликни от», «ЁЛҒИЗ юрса чанг чиқармас яхши от»). Семантикада сўз (белги) ларнинг бош маъно ва ясама маънолар туфайли куп маънога эга бўлиши полисемантизм (грекча poly - куп, semant - белги, маъно) дейилади. Суз (белги) ларнинг бир маънолиги эса моносемантизм (грекча monos- бир. semantikos - белги) термини билан ифодаланади.

Прагматика (грекча *pragma* - иш, харакат) тилнинг (белгиларнинг) коммуникатив (эмоционал-психик, эстетик ва б.) функциясини ўрганади. Риторика, нутк маданияти масалалари мана шу аспект билан бевосита боғлиқдир. Прагматика шаклий мантиқ билан деярли муносабатда бўлмайди. Чунки бунда фақат асосан фикрнинг «соф» ҳолда, яъни ҳис-туйғулардан мавҳуман ажратилган тарзда ўрганилди.

Тил ўзининг бажарадиган функциясига кўра икки хил бўлади: табиий ва сунъий. Табиий тил у ёки бу миллатнинг тарихий онгини хотирада саклаш, авлодлардан авлодарга етказиш, ўзаро алоқа қилиш асосида иш кўрувчи тилдир. Хеч бир халқнинг тарихи, маданияти унинг табиий тилисиз мавжуд бўлолмайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, табиий тиллар айни пайтда фикрни аниқ тежамли тарзда ифодалаш нуктаи назаридан баъзи камчиликларга эгаки, бу сунъий тилларни яратиш эҳтиёжини туғдиради. Табиий тилларнинг камчилиги куйидагилар:

1. Табиий тилларда бир сўз турли хил маъно. мазмунга эга бўлиб, бир вақтда турли предметларни англатади. Бундай сўзлар грамматикада, омонимлар деб аталади. Масалан, «ўт», «олма», «операция» ва б.

2. Табиий тилда сўзларнинг маъноси кўпгина ҳолларда фақат контекстда англашилади. Масалан, «Унинг қўли узун» деган гапда «қўли узун» сўзининг маъноси шахснинг жисмоний хислатини, шунингдек, у ёки бу ишни амалга оширишдаги имкониятининг кенглигини ифодалаш мумкинки, бу фақат контекстда англашилади.

3. Табиий тилда қўлланиладиган тасдиқ, ва инкор . грамматик қоидалар мантиқий жиҳатдан мукамал бўлмайди. Чунки улар гапларнинг туғри тузилишини таъминлашнинг зарурий шартларини ифодалайдик, бунда фикрнинг чин ёки хатолиги назардан четда қолдирилади.

Табиий тиллардаги бундай камчиликларни ҳисобга олиш фикрнинг аниқлигига эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бунинг учун тафаккур усуллари ва қонунларининг талабларига риоя қилиш талаб этилади. Масалан, тушунчаларни атамалар, яъни бир маъноли тушунчалар тарзида қўллаш зарурки, бу таърифлаш (дефиниция) ва бўлиш каби мантиқий ёрдамида амалга оширилади. Масалан, «Бозор иқтисодига ўтиш -жамиётда туб ислохотларни амалга оширишнинг асосидир» деган муҳокамадаги мантиқий маънони англаб олиш биринчи галда «бозор иқтисоди» тушунчасининг мазмунини очиш, яъни таърифлаш талаб этилади.

Шунингдек айният қонунининг: «Муҳокамада фикр айнан ўз-ўзидан тенг бўлиши керак» деган талабини ҳисобга олмасдан туриб фикрнинг аниқлигига эришиб бўлмайди.

Сунъий тиллар фикрни бир маъноли ишора-белги, рамзлар орқали ифодалайди. Сунъий тиллар - бу табиий тиллар негизида яратилган махсус белгилар тизими бўлиб, улар мавжуд ахборот. информацияларни аниқ ўта тежамли равишда етказиш учун хизмат қилади. Ҳозирги замон аниқ фанлари сунъий тиллар алфавити бўйича иш кўради. Сунъий тиллар алфавити мантиқ фанида кенг қўлланилади. Фақат мана шу асосда иш кўрадиган мантиқ фанининг бир йўналиши - символик мантиқ деб юритилади.

(Хўш. табиий ва сунъий тиллар иккаласи ҳам белгилар тизими экан. Белги мантиқда қандай вазифани бажаради? Белги - бу билиш ва алоқа қилиш жараёнида у ёки бу объектни ўрганиш мақсадида фойдаланиладиган ишоравий объектдир. Олмон файласуфи Гегель белги бу муайян объектнинг мазмунини ифодаловчи образдир деб атайди. (Каранг. Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук М.: 1977. т.3.,с. 294.).

Белгининг уч хил турини ажратиш курсиш мумкин: 1- белги индекслар; 2-белги образлар; 3 – белги символлар.

Белги индекслар - бу оқибат орқали сабаб ҳақида тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи белгилардир. Масалан, муридан чиқаётган тутун олов ёнаётганлигидан хабар берувчи белгидир. Жиноятчилар сонининг ошиб бориши жамият маънавий ҳаётида мавжуд инкироз ҳақида хабар берувчи белгидир.

Белги образлар - таққосланилаётган объектнинг тасвирий ифодаси ҳисобланади. Масалан, у ёки бу минтақанинг географик харитаси.

Белги символлар - рамзий маънони ифодаловчи белгилардир. Масалан, давлат герби ва байроғидаги символлар. Мантиқ кўпроқ кейинги типдаги белги-символлар асосида иш кўради. Бунда белгилар фикрнинг мантиқий шакллари туғри ифодалаш, аниқлаш учун хизмат қилдирилади.

Белгиларнинг бундай тарзда ўрганилиши семиотиканинг семантика қисмида ўрганилади. Мантиқнинг формалаштирилган тилини тушуниш учун белгиларнинг шартли равишда киритилган маъносини яхши англай билиш зарур. Бунинг учун тилнинг семантика категориялари ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Бундай категориялар (атамалар) куйидагилар: предикат номлари, хусусият ва муносабатларни ифодаловчи муҳокамалар, гап. Семантика терминологиясида белги турлари

«категориялар» деб юритилади. Бу ерда категория сўзи мулоҳазалар мантиғи алфавитига янги рамзий ишора - белгилар киритилиши билан ҳосил қилинади. Бу белги -алфавитлар қуйидагилар:

1. a, b, c, \dots предмет номларини ифодаловчи символлар (константалар)...
2. x, y, z, \dots предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар
3. $P, Q \setminus R, \dots P \setminus Q^2, R^2 \dots P^n, Q^n, R^n$ предикаторларни ифодаловчи белги -символлар. Бунда штрихлар (1,2,3 ва x) предикаторларнинг неча ўринли эканлигини билдиради.
4. Ҳукмларнинг сон-микдорини билдирувчи белги-символлар. Булар «квантор» лар деб юритилади. Э-жузъийликни ифодаловчи кванторлар. булар «баъзи, айрим» каби сўзларда ифодалана.
5. $V(A$ чапчачаси) умумийликни ифодаловчи белги. Бу «хамма, барча», «хеч бир» каби сўзлар орқали англашилади.

Мулоҳазалар ва предикаторлар мантиғи алфавитларини - белгиларини биргаликда қўллаш орқали формулалар ҳосил қилинади.

Агар ўзгарувчан пропозиционларни ифодаловчи белгилар: конкрет мулоҳазалар билан алмаштирилса, мулоҳазалар мантиғи формулсида унинг чин ёки хатолиги айланади. Масалан, A бўлса, B дир формуласидаги ўзгарувчини «Агар жиноят содир этилган булса, жойда из қолади, қотилни топиш мумкин бўлади» мулоҳазаси билан алмаштирадик, унда чин мулоҳазага эга бўламиз. $(A \rightarrow B)$ формуласи бўйича эса хато мулоҳаза ҳосил қиламиз. Яъни, «Агар жиноят содир этилганда, жойда из қолади, лекин қотилликни топиш мумкин бўлмайди».

«Агар сен тўғри гапирсанг, сени амалдор бюрократлар ёмон кўради. Агар сен ёлғон гапирсанг, оддий халк ёмон кўради. Демак, сени амалдор бюрократлар ёки оддий халк ёмон кўради». (Бундан: сен тўғри хам ёлғон хам гапирмадеган хулоса (нотўғри) чиқариш мумкин. Шундай қилиб, белги- символлар мантик фанида фикрнинг туғри, зиддиятсиз, аниқ, ва тежамли ифодаланиши учун хизмат қиладиган восита вазифасини ўтайди. Лекин уларнинг фикр, билиш жараёнидаги ролини бўрттириб кўрсатиш тил ва тафаккур бирлигини нотўғри талқин этишга олиб келади. Л. Карнап «Эски ва янги мантик,» рисоласида сунъий тил-белгилар билишнинг бирдан-бир универсал усули деган ғояни илгари суради. Унингча, фикр юритишдаги чалкашликлар асосан табиий тилдаги омоним ва синоним сўзлар фразеологик бирикмаларнинг турлича маъно оттенкаларига эга эканлигидан келиб чиқади. Символлар эса ўзининг функциясига кўра бунга йўл қўймайди.

Бундай қарашга қўшилиб бўлмайди, чунки тафаккур, билиш- бу соф ақлий жиҳат махсули эмас, унинг шаклланиши кишининг объектга бўлган эмоционал, ҳиссий муносабати билан узвий равишда шартлангандир.

Машҳур физик олим А.Эйнштейн ўзининг нисбийлик назариясини кашф этишда Достоевский асарлари устида қилган мутолаа муҳим роль ўтаганлигини таъкидлайди. Бу хилдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тафаккур шакллари ва қонунлари.

Вокеликдаги нарса, ҳодисалар, хох, у моддий, хох, у маънавий кўринишда мавжуд бўлмасин. улар узининг муайян шакл ва мазмунига эга бўлади. Шу маънода шакл ва мазмун ҳар бир буюм, ҳодисанинг муайян вақт ва фазодаги мавжудлиги, борлигини ифодалайди. Масалан, «дарахт» деганимизда муайян шаклдаги (бўйи, эни, тузилиши ва б.)

Ўсимлик тури кўз олдимизга келади. Лекин, ижтимоий, маънавий ҳодисаларнинг шаклини бевосита идрок этиш мумкин эмас. Тафаккур шакли ҳақида гапирганимизда моддий нарсаларга хос микдорий (шаклий) ўлчовни қўллаш олмаймиз. Чунки, тафаккур юқорида таъкидлаганимиздек, борлиқнинг киши миёсида акс этишининг натижасидир. Шунинг учун унинг шакллари «соф» шакл эмас. балки улар фикрнинг ҳосил бўлиши, мавжудлиги, воқе бўлиши, амал қилишини ифодаловчи маникий категориядир.

Тафаккурнинг шакллари бу фикр мазмуни қисмларининг ўзаро боғланиш усули ва шу асосда фикрнинг муайян, изчил яхлитлигига бирлашишидир. Бундай боғланиш уч хил кўринишда бўлади: тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш. Мазкур шаклларнинг ҳар бирининг моҳияти бундан кейинги маърузаларда алоҳида кўриб чиқилади. Бу ерда уларнинг фикр мазмуни элементларини қай тарзда боғланиши ҳақида қисқача тўхталамиз. Бунинг учун аввало фикр мазмуни элементлари (қисмлари)нинг ўзи нима эканлигини яхши билиб олишимиз керак.

Фикр мазмуни унда акс этаётган предметнинг белги, хусусиятлари ташкил этади. Лекин бу белги, хусусиятлар фикр шакллариининг ҳар бирининг алоҳида ўзида ҳамда уларнинг ўзаро бир - бири билан умумий боғланиши асосида муайян мазмунини ташкил этади. Худди шунга кўра тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришдаги фикр хилма-хил умумий шаклда ифодаланади. Аниқроқ қилиб айтганда, бу фикр

мазмунни предметнинг муҳим белгиларининг тушунчада, ҳукмда тушунчаларнинг, ҳулосада эса ҳукмларнинг ўзаро умумий бир усулда боғланишидир. Ушбу айтилганларни мисолларда изоҳлайлик. Масалан, «давлат», «жиноят», «дарахт». «китоб» тушунчаларини олиб қарасак, улар турлича мазмунга эга. Лекин уларда ифодаланаётган предметларнинг муҳим ва умумий белгилари ўзаро боғланиб яхлит мазмунни англатади. Шунинг учун ҳам тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқаришдаги хилма-хил мазмун муайян бир умумий шаклда ифодаланади. Бу тушунчада муҳим белгиларнинг, ҳукмда тушунчаларнинг ва ҳулосада ҳукмларнинг ўзаро умумий бир усулда боғланишидир.

Агар «давлат», «жиноят», «дарахт». «китоб» тушунчаларини олиб қарасак, улар турлича мазмунга эга, чунки уларда ҳар хил белгиларга эга бўлган буюм, ходисалар акс этаётганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Лекин мазкур буюм, ходисалар инсон онгида умумий усулда, яъни уларнинг энг умумий ва муҳим белгиларининг бир бутун, яхлит акс этиши тарзида англашилади. Мазкур тушунчаларда ифодаланаётган буюм, ходисаларнинг ҳар бири (уларни А,Б,В харфлари билан белгилаймиз) хилма-хил белгиларга эга. (уларни в, с, д, х, м билан ишоралаймиз).

Лекин ҳар тўрттала тушунчаларда ҳам фақат уларнинг муҳим белгилари (уларни в, х. с билан ишоралаймиз) фикран ажралиб қолганлари, яъни номухимлари (д,ш) фикран тушиб қолдирилган ҳолда англашилади. Яъни: А-в,х,с; Б- в,х,с; В-в,х,с; Д-в,х,с тарзида.

Ҳукмларда буюм, ходисаларнинг хусусият, белгилари, муносабатлари тасдиқ, ёки инкор тарзида ифодаланади. Бундай фикр юритиш шаклида мазмун элементларининг бир хил умумийликда, усулда боғланишини кўрамиз. Куйидаги муҳокамаларни олиб қарайлик:

1. Жиноят давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий қонунларнинг бузилишидир.
2. Ўзбекистан мустақил демократик республикадир.
3. Алишер Навоий ўзбек шоиридир.
4. Ёрдамчи сўзлар келишиқда турланмайди.

Мазкур муҳокамаларнинг ҳар бири турлича мазмунга эга бўлса-да, лекин уларнинг таркибидаги атама (тушунчалар) ўзаро бир хил услубда боғлангандир. Ҳар тўрттала ҳукмда фикр юритилаётган предмет ҳақидаги атама субъект (бунини мантиқда S лотинча харф билан белгилаш қабул қилинган) ва унинг хусусият, белгисини ифодаловчи атама предикат (лотинча - P билан белгиланади), ҳамда субъект ва предикат ўртасидаги тасдиқ ва инкор тарзидаги мантиқий боғлама, (уни « - » ишораси билан белгиланади).

Ҳукмлардаги «жиноят», «Ўзбекистон», «Алишер Навоий», «ёрдамчи сўзлар» фикр предметлари субъектлардир; «давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий қонунларнинг бузилиши», «мустақил демократик республика», «ўзбек классик шоири», «келишиқда турланмок» предикатлар бўлиб. улар ўзаро тасдиқ, ёки инкор шаклида боғланиш ■ билан тугал маънони ҳосил қилинади.

Ҳукмларнинг ҳам ўз навбатида умумий усулда боғланиб ҳулоса чиқариш шаклига киришишини кўрамиз. Масалан: «Социологлар мантиқ илмини яхши билиши керак. Карим бўлғуси социолог». Бу икки ҳукмдан мантиқан: «.Демак, Карим ҳам мантиқ илмини яхши билиши керак» деган ҳулоса келиб чиқади. Ёки: «Хамма металллар электр ўтказувчандир. Темир-металл» деган ҳукмлардан: «Демак, темир ҳам электр токи ўтказувчандир». деган ҳулоса келиб чиқади. Бундай муҳокамалар боғланишини яна давом эттириш мумкин. Уларнинг барчаси учун бир хил умумийлик ҳосилдир: келтирилган ҳар икки ҳукм ўзаро такрорланиб келувчи (уни М харфи белгилаймиз) атама оркали (мисолларда «социологлар», «металл») келиб чиқади. Бундай умумийликни куйидаги формул билан ифодлаш мумкин:

М ----- Р

S -----M
S - P

Бошқача қилиб айтганда, ҳукмлар қандай мазмунга эга бўлмасин, улар ўртасида бир хил шаклдаги ўзаро боғланишни кўрамиз.

Фикр элементлари ўртасидаги боғланиш доимийлик, изчиллик. такрорланувчанлик характериға эга бўлиб, тафаккурнинг қонунларида ифодаланади. Тафаккур қонунларининг моҳиятини фикрнинг чинлиги ва формал (шаклий) туғрилиги масаласини фарқлай билиш асосида англаб етиш мумкин.

Агар фикр воқеликка мос келса, яъни уни айнан акс эттирса, у чин бўлади. Масалан, миллий мафкура келажак пойдеворидир.

Лекин фикрнинг чинлигига эришишнинг яна муҳим шarti - бу фикр элементларининг ўзаро мантиқий боғланиши, яъни фикрнинг туғрилигидир. Агар фикрнинг муайян тамойилдаги боғланиши бузилса, унинг ноаниқлигига йўл қўйилади. Масалан: «Хамма ҳуқуқшунослар сиёсий маданиятли бўлиши зарур. Ҳақимов ҳуқуқшунос эмас». деган ҳукмлардан: «Демак, Ҳақимовнинг

сиёсий жиҳатдан маданиятли бўлиши шарт эмас» деган мантикан нотўғри хулоса келиб чиқади. Чунки бу ерда ҳукмлар ўзаро тўғри фикр юритишнинг қонуни (айният қонуни) талабига риоя қилинмаган ҳолда боғланмоқда.

Шунинг учун тафаккур қонунлари фикр элементларининг ўзаро муайян талаблари асосида боғланиши ва шу асосда фикрнинг тўғрилигини таъминлайди.

Аммо тафаккурнинг шаклий (формал) қонунларини унинг диалектик қонунлари (карама қаршилиқлар бирлиги ва қураши, микдор узғаришларининг сифат ўзғаришларига ўзаро ўтиши, инкорни инкор қонунлари)ни аралаштириб юбормаслик керак. Агар мантикий зиддиятсизлик қонуни бир нарса ҳақида муайян вақт ва муносабатга зид фикр айтиш мумкин эмаслигини талаб этса, карама-қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонуни бу ҳолни инкор этади. Чунки диалектика нарса ва ҳодисаларни доимий ривожланиш, узғаришда олиб қарайди. Агар «Бу предмет муайян пайтда ок, ранглидир», «Бу предмет муайян пайтда ок, эмас», деган зид ҳукмлари шаклий мантик қонуни (учинчисини истисно) талаби буйича олиб қараладиган бўлса, бир пайтда чин ҳам хато ҳам бўлиши мумкин эмас. Бири хато бўлса, иккинчиси адбатта чиндир. Лекин диалектик мантик қонунлари талабига кўра улар бир вақтда хато ҳам, чин ҳам бўлиши мумкин. Чунки ушбу предмет доимий равишда сифат ўзғаришида деб қаратадики, мазкур тамойил унинг муайян пайтда, яъни шу вақтда, шу лаҳзада ўзининг рангини ўзгартираётганлигини эътироф этишни талаб этади.

Фикр элементлари ўртасидаги боғланиш доимийлик, изчиллик, такрорланувчанлик характериға эға бўлиб, тафаккурнинг қонунларида ифодаланғади. Тафаккур қонунларининг моҳиятини фикрнинг чинлиги ва формал (шаклий) тўғрилиги масаласини фарқлай билиш асосида англаб етиш мумкин.

Агар фикр воқеликка мос келса, яъни уни айнан акс эттирса, у чин бўлади. Масалан, миллий мафкура келажак пойдеворидир.

Лекин фикрнинг чинлигиға эришишнинг яна муҳим шarti - бу фикр элементларининг ўзаро мантикий боғланиши, яъни фикрнинг тўғрилигидир. Агар фикрнинг муайян тамойилдаги боғланиши бузилса, унинг ноаниқлигиға йўл қўйилади. Масалан: «Хамма ҳуқуқшунослар сиёсий маданиятли бўлиши зарур. Ҳақимов ҳуқуқшунос эмас». деган ҳукмлардан: «Демак, Ҳақимовнинг сиёсий жиҳатдан маданиятли бўлиши шарт эмас» деган мантикан нотўғри хулоса келиб чиқади. Чунки бу ерда ҳукмлар ўзаро тўғри фикр юритишнинг қонуни (айният қонуни) талабига риоя қилинмаган ҳолда боғланмоқда.

Шунинг учун тафаккур қонунлари фикр элементларининг ўзаро муайян талаблари асосида боғланиши ва шу асосда фикрнинг тўғрилигини таъминлайди.

Аммо тафаккурнинг шаклий (формал) қонунларини унинг диалектик қонунлари (карама қаршилиқлар бирлиги ва қураши, микдор узғаришларининг сифат ўзғаришларига ўзаро ўтиши, инкорни инкор қонунлари)ни аралаштириб юбормаслик керак. Агар мантикий зиддиятсизлик қонуни бир нарса ҳақида муайян вақт ва муносабатга зид фикр айтиш мумкин эмаслигини талаб этса, карама-қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонуни бу ҳолни инкор этади. Чунки диалектика нарса ва ҳодисаларни доимий ривожланиш, узғаришда олиб қарайди. Агар «Бу предмет муайян пайтда ок, ранглидир», «Бу предмет муайян пайтда ок, эмас», деган зид ҳукмлари шаклий мантик қонуни (учинчисини истисно) талаби буйича олиб қараладиган бўлса, бир пайтда чин ҳам хато ҳам бўлиши мумкин эмас. Бири хато бўлса, иккинчиси адбатта чиндир. Лекин диалектик мантик қонунлари талабига кўра улар бир вақтда хато ҳам, чин ҳам бўлиши мумкин. Чунки ушбу предмет доимий равишда сифат ўзғаришида деб қаратадики, мазкур тамойил унинг муайян пайтда, **яъни** шу вақтда, шу лаҳзада ўзининг рангини ўзгартираётганлигини эътироф этишни талаб этади.

Тафаккурнинг (тўғри фикрлашнинг) асосий қонунлари.

Ушбу саволни кўриб чиқишдан аввал дастлаб «қонун» тушунчасининг фалсафий мазмунини аниқлаб олишимиз зарур.

Қонун фалсафий маънода воқеликдаги нарса, ҳодисаларнинг ички, зарурий, такрорланувчи, муҳим боғланишлари бўлиб, бунда уларнинг муайян фазо ва вақтдаги мавжудлиги, моҳияти намоён бўлади. Шунинг учун ҳам табиат жамият қонунлари объектив характерға эғаки, уларнинг амал қилиши кишиларнинг хоҳиши, иродасига боғлиқ эмас. Қонунлар кишилар томонидан яратилмайди., балки кашф этилади. Шунга қура фалсафий маънода қўлланадиган қонун тушунчасидан мутахассислар томонидан ишлаб чиқиладиган ва ҳуқумат қарори билан қучға қирадиган жамиятда регулятив вазифани ўтайдиган социал норма, тамойиллар мавзуини ташкил этувчи юридик қонунларни фарқлай билмок керак. Масалан, табиат қонунларини (ирсият. табиий танланиш ва б.) инсоният пайдо бўлмасидан олдин ҳам амал қилиб келганлигиға ишонч ҳосил қиламиз. Жамият қонунлари ҳам, гарчи улар инсоннинг онгли фаолияти билан бевосита бошқа

булса-да кишиларнинг хохиши билан яратилмайди ва шунингдек бекор ҳам қилинмайди.

Мантиқий қонунлар инсон билишининг қонунлари бўлиб, уларнинг амал қилиниши ҳам объектив характерга эга. Чунки билиш жараёнининг мазмуни, билимлар нарса ҳодисаларнинг муҳим хоссаларининг инсон миясида воситали ва умумлаштирилган тарзидаги инъикосининг натижасидир. Тафаккур қонунлари фақат инсон мияси фаолияти билан бевосита боғлиқдиги, шунингдек, унинг ўзига хос хоссаси сифатида мавжудлиги нуктаи назаридангина субъектив характерга эгадир.

Тафаккур қонунлари фикрнинг изчил, зарурий ва муҳим боғланишларидир. Шу маънода туғри фикр юритишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Аниқлик, изчиллик, зиддиятсизлик, исбот этилганлик тафаккурнинг (туғри фикр юритишнинг) асосий тамойилларидир. Мазкур тамойиллар туғри фикрлашнинг қонунлари сифатида шаклландир.

Тафаккур қонунлари фикрнинг ички, зарурий ва муҳим боғланишларидир. Бу боғланишлар предмет, ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари, сабабий боғланишларининг инсон томонидан унинг амалий фаолияти ва ўз-ўзини англаб олишининг натижасида шаклланади. Шу маънода мазкур қонунлар табиат, жамият қонунларидан фаркли равишда инсон миясида кечувчи мураккаб жараён - фикр юритишнинг қонунларидир.

Фикр, тафаккур қонунларини диалектик ва формал мантиқ фанлари ўрганади. Диалектиканинг барча тамойил, элементлари табиат, жамият ҳодисалари, шунингдек тафаккур учун ҳам ҳосидир. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, инкорни инкор, микдор ва сифатнинг ўзаро бир бирига ўтиши қонунлари айна пайтда тафаккур, фикр жараёнида ҳам амал қилади.

Диалектика мантиқ тафаккурини ривожланишида, сифат жиҳатидан ўзгаришда, билиш жараёнининг муҳим томони сифатида ўрганади.

Диалектиканинг (диалектик мантикнинг) инкорни инкор қонуни тафаккур (билиш) жараёнини спиралсимон, яъни эски билимларни инкор этиш ва, бунда уларнинг нисбий ҳақиқат даражасидаги тамонларни ўзига олиш, сақлаб қолиш асосида ўрганади.

Шаклий мантиқ ҳам инкор усулини ўрганади, лекин бунда инкор этилган ҳукм мазмунидан ҳеч нарса сақлаб қолинмайди, балки бутунлай, инкор этилади. Масалан, муайян мураккаб муҳокама тизимидаги бирор ҳукм хато бўлса, мазкур муҳокама бутунлай хато деб ҳисобланади. Шунингдек агар берилган ҳукм чин бўлса, унда унга зид, қарама-қарши мазмундаги ҳукм хато бўлади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, диалектик тафаккур юритишда ҳам шаклий мантиқ қонунларига бўйсунилади. Бошқача қилиб айтганда диалектик мантиқ қонунлари тамойиллари бўйича фикр юритишда шаклий мантиқ қонунларининг талабларига таяниш талаб этилади.

Формал мантиқ тафаккурни шаклий жиҳатдан, яъни фикр элементларининг ўзаро туғри боғланишини таъминлаш асосида ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари диалектик мантиқ қонунларига нисбатан хусусий бўлиб, у тафаккур элементлари ўртасидаги боғланишнинг тамойиллари мажмуини ташкил этади.

Диалектик тафаккур қонунлари билишнинг барча соҳалари (илмий, бадиий) учун бирдек амал қилади.

Мазкур қонунларнинг методологик функцияси уларнинг чин ҳақиқатларга эриштириш, тафаккур маданиятини шакллантиришга хизмат қилишлиги билан белгиланади.

Формал мантиқ қонунлари тўртта: айният, зиддиятсизлик, учинчисини истисно, етарли асос қонунлари. Дастлабки учта қонун Аристотель, тўртинчиси Лейбниц томонидан очиб берилгандир.

Бу тўртта қонундан ташқари муҳим бўлмаган формал мантиқий қонунлар мавжуд. Улар фикр шаклларининг баъзи бирлари учун таалукли бўлиб, мантиқий усуллар тарзида амал қилади. Масалан, тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тесқари нисбат қонуни ва б.

Айният қонуни. Маълумки, бизни қуршаб турган барча нарса, ҳодисалар доимий ўзгаришда, бир сифатдан иккинчи бир сифатга ўтиб туради. Лекин улар бунда нисой сокинлик бўлиб, ўзларининг муайян барқарорлигини сақлаб тўрадиларки, бу инсон миясида айният қонунининг тамойили сифатида акс этади. Масалан, конкрет бир шахсни олсак, у биологик тур ва социал тип тарзида ҳар бир дақиқада ўзгаришга эга. Агар мазкур шахсдаги доимий ўзгариш жараёнини А, А, А ... тарзида белгиласак, бу шахс ҳақидаги фикримиз умуман А шахси ҳақида эмас, балки унинг муайян вақт ва замонда мавжуд бўлган А ёки А¹ ёки А² конкрет шахс ҳақида бўлиши керак.

Айният қонуни умуман буюм, ҳодисалардаги сифат узгаришларини инкор этмайди, балки уларнинг муайян нисбий сукунат ҳолати ҳақида фикр юритишни талаб этади. Масалан, агар биз Захириддин Бобур шахси ҳақида фикр юритмоқчи булсак, унинг зиддиятлар билан тўла ҳаётини

бир хил ўлчов билан баҳолашимиз қийин. Чунки унинг умриникг ҳар бир палласи, мантикий ибора билан айтганда алоҳда фикр предметидирки, уларнинг ҳар бири ўзига хос тавсиф, баҳо беришни талаб этади. Дарҳқиқат, Бобур айни бир пайтда ҳам шоир, ҳам подшоҳ ҳам ватанпарвар ҳам фарзандига жонини бахшида этувчи падари бузруквор, ҳам ошиқ сифатида гавдаланади.

Бу қонун талабига кўра маълум фикр муҳокама юритиш жараёнида ўзгартирилмаслиги керак, ўзига айнан бўлмоғи керак. Бундан маълум фикр, муҳокама, мунозара юритишда айнан бир маънода ишлатилмоғи зарур деган талаб, тамойил келиб чиқади.

Айтилганларни қуйидаги формулада ифодалаш мумкин: $A=A$ ёки A -бўлса, бу A дир. Бунда A (биринчиси) фикр предмети, иккинчи - A муайян предмет ҳақидаги фикрдир. Улар айнан бир-бирига тенг бўлиши ($A=A$ A - B эмас) керак.

Масалан, «С-гувоҳ» деган фикрни олайлик ва уни A деб белгилайлик. Муайян вақт давомидаги (дейлик у судда гувоҳ сифатида қатнашаётганлиги) муҳокамада у фақат гувоҳ сифатида олиб қаралмоғи зарур. Чунки унинг судда айби борлиги ҳам маълум бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолни D билан белгилайлик. Демак, C шахсига бир вақтда ҳам гувоҳ (A) ҳам айбдор (D) сифатида қараш мумкин. Лекин айният қонуни талабига хилоф тарзида фикр киритсак $A=A$ эмас, A - D бўлган бўлур эди. Бошқача қилиб айтганда, C ни бир вақтда ҳам гувоҳ ҳам айбдор сифатида олиб қарамаслик керак.

Айният қонунидан фикр юритиш учун қуйидаги икки талаб заруран келиб чиқади: 1. Турли предмет, ҳодисалар ҳақидаги фикрни бир-бири билан аралаштирмаслик керак; 2. Муайян предмет ҳақидаги фикрни бошқа предметга нисбат бермаслик керак. Бу талаблар муҳокама юритишда англамасдан ва қасддан бузилишига олиб келиши мумкин.

Бу асосан бир тушунча (сўз) нинг бир неча маъноларда (омоним), шунингдек бир қанча тушунча (сўзларнинг) бир маънони (синоним) ифодалаш билан изоҳланади. Шунинг учун мазкур қонун талабларига риоя қилиш биринчи галда фикрда предметнинг ўзини аниқлаб олишни талаб этади. Масалан, «Эртага Самарқандда соати 3 да учрашамиз» деган гапдаги фикрнинг предметини шахарми, меҳмонхонами, кинотеатрми аниқламасдан туриб учрашувга келишганлар белгиланган вақтда, жойда учраша олмасликлари мумкин.

Тушунчаларни (терминларни) аниқлаш, уларнинг аниқлигига эришиш суд жараёнларида умуман юриспруденция соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Унда ҳар бир тушунчанинг аниқ маъносини белгилаб олмасдан туриб тўғри ҳукм чиқариш мумкин эмас.

Тушунчалар мазмунини ўзгартириш тергов ва судлов ишларида нотўғри хулоса, ҳукмлар чиқаришга олиб келади.

Масалан, дейлик, вилоят суди H . шахсини жиноят ҳуқуқи кодексининг тегишли моддаси бўйича қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташ шарти билан ун икки йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Суд ушбу ҳукмни чиқаришда айбдорнинг бундан бир неча йил олдин H .нинг озодликдан маҳрум қилинганлиги ҳақидаги ҳукмга таянилади. Лекин уша вақтда, дейлик, айбланувчининг шикоят аризасига мувофиқ юқори суд органи томонидан вилоят суди ҳукми қайта кўрилиб (кассация тарзда) унга нисбатан-чиқарилган ҳукм узгартирилган ва чора кўриш вақтигача қамаб қўйилган бўлсин.

Республика Олий суди қошидаги жиноят ишлари бўйича суд коллегияси вилоят судининг H . шахсига оид ишини кўриб чиқиб, унинг ҳукмини бекор қилиши мумкин бўлади. Чунки бунда суд коллегияси вилоят судининг ҳукм чиқаришда H .нинг суддан олдинги қамокда ўтирганлигини жойда қамок жазосини ўташ билан айнан бир деб қараганлигини нотўғри деб ҳисоблайди. Шунга кўра Олий суд вилоят судининг ҳукмини ўзгартириб, H .нинг ўз жазосини кучайтирилган режимдаги меҳнат колониясида ўтказиш ҳақида ҳукм чиқариш мумкин.

Вилоят судининг хатоси шунда бўладики, H . устидан ҳукм чиқаришда айният қонунининг муҳим талаби - муҳокама юритишда фикр предмети ўзгартирилмаслиги зарур деган тамойил бузилади. Бошқача қилиб айтганда, бунда икки фикр предмети ҳақида бир хил фикр юритилади.

Айният қонунини талабларини билмасдан, англамасдан бузиш, тушунчаларнинг маъноларини тушунмасдан, билмасдан туриб ўзгартириб юбориш тафаккур маданиятининг пастлигининг оқибатида содир бўлади.

Айният қонунининг қасддан бузилиши бир қарашда чин деб қабул қилинган муҳокамалардан нотўғри, ноаниқ хулосалар чиқаришга олиб келади. Айниқса бунга баҳс юритишда оппонентларнинг бири иккинчисига сездирмасдан баъзи тушунчалар мазмунини узгартириш асосида эришилади. Масалан, оппонентлар демократия (демократик давлат) ҳақида баҳслашаётган бўлсин. Маълум бир вақтда уларнинг бири мазкур тушунчани анархистик талқиндаги эркинлик билан алмаштириб қўйгани холда ўз оппонентини мот қилишга ҳаракат қилади. Бунда унинг

мушохада юритиши тахминан шундай шаклда бўлиши мумкин: «Демократия бу ҳар бир кишининг эркинлигини эътироф этишдир. Бу давлат менинг эркинлигимни бўғмоқда. Демак, бу давлат демократик эмас».

Кадимги Грецияда софистлар (грекча-кувлиқ. айёрлик) мухокама юритишда сўзларнинг маъноларини узгартириш бўйича бахслар уюштириб, бир-бирларини мот қилишга ҳаракат қилишганлар. Масалан, улар қуйидагича фикр юритадилар: «Ўтирган киши жойидан турди. Демак, ўтирган киши тик турибди». «Бу кучук сенники, у отадир. Демак, у сенинг отанг, сен уни ураяпсан, демак, сен отангни ураяпсан» ва х.

Шунингдек Насриддин Афандининг хозиржавоблиги, донолиги унинг ҳар бир сўзнинг маъносини чуқур мушохададан ўтказиши ва уларни ўз ўрнида ва ўзгартириб қўллаши билан намоён бўлади. Бу ерда қуйидаги мисолни келтириш ўринлидир. «Подшо вазири билан Насриддин Афандини олиб, овга чиқди. Хийла ов қилгандан кейин подшо устидаги кийимларини ечиб Афандига берди. Буни кўрган вазир ҳам чакмонини Афандига узатди. Подшо Афандига тегишди:

- Афанди, устингизга биз бир эшакнинг юкини ортиб қуйдик-да?

Кошки эди бир эшакнинг юки бўлса, деди Афанди,

-устимда икки эшакнинг юки бор."

Ўзбек халқи орасида кенг тарқалган аския, қизиқчи

-кулги санъати сўз-тушунчаларнинг маъносини ўзгартириб ишлатишга асосланган бўлиб, софистларнинг усобақасига ўхшайди.

Зиддиятсизлик қонунига кўра муайян предмет, ҳодиса бир вақтда зид, қарама-қарши хусусият, белгига эга бўлиши мумкин эмас. Масалан, бу идишдаги сув айни вақтда иссиқ ёки совуқ бўлиши МУМКИН эмас.

Бир вақтнинг ичида муайян предметга зид хусусиятнинг хос бўлмаслиги ва бу жиҳатдан предметларнинг ўзаро боғланиши маълум изчиллик асосида мавжудлиги фикр юритишда зиддиятсизлик қонуни тарзида ифодаланади. Агар предмет муайян пайт, лахзада зид хусусиятга эга булиши мумкин эмас бўлса, уни мавжуд деб қурсатиш ҳатодир.

Мазкур қонун талабига мувофиқ, бир предмет ҳақида айтилган икки қарама-қарши фикр (мухокама) айни бир вақтда, нисбатда чин бўлиши мумкин эмас. Лекин бу қарама

- қарши фикр турли вақт ва муносабатда олинганда чин бўлиши мумкин. Масалан, Карим мантиқ фанини билади -Карим мантиқ фанини билмайди, деган қарама – қарши фикр, албатта, унинг мазкур фанни ўрганишга киришмаслигидан олдин ва ўрганганидан сўнгги вақтлар учунгина нисбатан чиндир.

Шунингдек, турли муносабатларда олинган қарама -қарши (зид) фикрни чин ва ҳато деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, «Ҳакимов инглиз тилини яхши билади», «Ҳакимов инглиз тилини яхши. билмайди», деган зид фикр унинг таржимон ва имтиҳон топширувчи талаба сифатида олиб қаралганда чин ва ҳато бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, мазкур қонун фикр юритишда зиддиятга йўл қўймастикни талаб этади. Буни қуйидаги формулада ифодалаш мумкин: А- А* эмас, яъни агар А фикр чин бўлса, А* ҳато, агар А* чин бўлса, А ҳатодир. Бунда А берилган фикр (мухокама), А унинг инкори, (*) - инкор белгиси, - белгиси «ва» боғламасини ифодалайди. Предмет А муайян хусусият, белгига эга бўлса, унда буни тасдиқлаш чин, инкор этиш эса ҳатодир.

Зиддиятсизлик қонуни объектив воқелиқдаги зиддиятларни инкор этмайди, балки улар ҳақида зиддиятсиз фикр юритишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳаётий, яъни диалектик зиддиятлар билан формал мантиқий зиддиятларини бир-биридан фарқлай билиш зарур.

Маълумки, диалектик зиддиятлар- бу предмет ходисалар ривожланиши ўзгаришини ифодалайди. Диалектик зиддият-тараққиёт манбаи ҳисобланади. Формал мантикнинг ушбу қонуни ҳаракатни (доимий ўзгаришнинг) сукунатда узлуксизликни узулишда олиб қарашни талаб этади. "Жисм фазода чекланган ва чекланмаган", "Бу жисм айни пайтда бор, айни пайтда йук," каби мулоҳазалар диалектик зиддиятни ифодалашлиги билан чин фикр ҳисобланса, формал мантикнинг зиддиятсизлик қонунига кўра ҳатодир. Бошқача қилиб айтганда, диалектик зиддиятни мазкур формал мантиқ қонуни талаби асосида изоҳлаб бўлмайди. Лекин бунда диалектик зиддиятларни ифодаловчи мухокамаларни риторик сўз ўйини тарзидаги зид мухокамалар билан аралаштириб юбормаслик керак, масалан, "эшик ярим очик," деган фикрни "эшик ҳам очик, ҳам ёпик" деб ифодалаш мумкин.

Зиддиятсизлик қонунининг талаби асосида фикрлардаги ҳатолик, ёлғон, мантиксизликни очиб бериш мумкин. Бу айниқса ҳуқуқий ишларни (суров, суддов) амалга оширишда муҳим

аҳамиятга эга.

Агар содир этилган жиноятни аниқлашга тегишли ашъёвий далил,

гувоҳлар бўлмаса, тергов ишлари гумон остига олинган кишиларнинг сўровда берган жавобларидаги зиддиятсизликни аниқлашдан бошланади. Масалан, сўроқ қилишда айбланувчи: "1995 йил 16 августда соати 15 да қаерда эдингиз?" деган саволга ҳар сафар турли хил жой ва вақтларни айтадиган бўлса, бу унинг содир этилган жиноятда у ёки бу тарзда қўли борлиги ҳақида тахмин қилиш учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилади.

У ёки бу иш бўйича чиқарилган суд ҳукмлари кўпгина ҳолатларда содир этилган жиноятларнинг белгиларини аралаштириб юборилиши туфайли зиддиятли муҳокамаларга йўл қўйилади. Масалан, ўғирликнинг ўзи турли белгиларга эгаки, шу бўйича айбдорлик даражаси белгиланади (босқинчилик, ўмариш, шилиш ва ҳк).

Масалан, жиноят кодексининг моддасига кура ўғирликнинг муҳим

белгиларидан бири жабрланувчининг ҳаёти учун хавфли бўлмаган ҳолатдаги пул, қимматли ашъёларни қўлга киритишдир. Лекин, дейлик, айбдорлар Н. шахсининг ҳаёти учун хавфли даражадаги тан жароҳати келтирганлари ҳолда, унинг уйдаги нарсаларини ўмаришадилар. Бунда икки қарама-қарши муҳокама юзага келади: Айбдорлар жабрланувчининг ҳаёти учун хавфли тан жароҳати келтирганлари ҳолда ўғирлик қилдилар." "Айбдорлар жабрланувчи ҳаёти учун тан жароҳати келтирмаганлари ҳолда ўғирлик қилдилар". Агар судда ушбу фикрий зиддият ҳисобга олинмасдан ҳукм чиқарилса, албатта у нотўғри, адолатсиз ҳукм бўлиши мумкин.

Бадиий адабиётда зиддиятсизлик қонунининг талабларига риоя қилмаслик мисолида характер, типларнинг рухий олами, дунёқараши тасвирланади. Масалан, А.П.Чеховнинг "Хамелеон" ҳикоясида тасвирланган бозор назоратчиси Очумеловнинг дайди кучук ҳақида бир вақтнинг ўзида билдирган қарама-қарши фикри лаганбардор чиновникнинг маънавий қиёфасини ёрқин тарзда очиб бериш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бу ерда шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, санъатда, хусусан адабиётнинг предмети инсон рухий дунёси бўлиб, унинг тадқиқ этилиши умумий мантиқ қонунларидан ташқари ўзига хос мантиқий тамойилларни тақозо этади. Бундай усул, тамойиллар шаклий мантиқ қонунлари, хусусан зиддиятсизлик қонуни талабларига буйсунмайди.

Масалан, ўзбек халқ, достони "Маликаи айёр" да тасвирланишича, Авазнинг Маликани излаб унинг юрти Туркистонга етиб бориши учун юз йигирма йиллик масофани босиб ўтиши керак. Гўруғлининг ўзи Авазга бу масофани босиб ўтиш учун муъжизавий кучга эга бўлган Япроқ, дев хизмат қилдирилади. "Япроқ дев бир тилсимот ўқиб уччовини (Аваз ва унинг хамроҳларини-М.О.) учта олмага айлантириб елкасига солди-да, қўйди, яна бир тилсимот билан уч отни турғай қилиб қўйнига солди, шундай қилиб осмонга учиб кета берди".

Агар мазкур мулоҳазалар шаклий мантиқ қонунлари талаби бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, уларнинг зиддиятли эканлигини аниқлаймиз. Дарҳақиқат, агар дев одамни олмага айлантириш қудратига эга бўлса, унда нега у Аваздан қўрқиб унинг хизматкорига айланади. Аваз ва унинг дусларини олмага айлантириб осмонга учган дев уларни ерга ташлаб юбориши ёки еб юбориши мумкин-ку? Лекин ўқувчи мазкур мантиқий зиддиятни зиддиятсиз идрок этади, бунга ҳаёлан ишонади. Ижодаги ҳаёл эса доимо ҳиссиёт ва фикрнинг уйғунлигида кечади, шунга мувофиқ, образлар яратилади.

Шундай қилиб, зиддиятсизлик қонуни мантиқий туғри фикр юритишнинг муҳим тамойилини белгилаб беради ва билишнинг барча турларида (илмий, фалсафий, диний, бадиий ва б) турлича намоён бўлади.

Учинчиси истисно қонуни зиддиятсизлик қонуни каби бир-бирига зид булган муҳокамалар ўртасидаги муносабатни ифода этади. Шунинг учун ҳам биринчи қарашда мазкур қонун зиддиятсизлик қонунининг талабларининг тақрорланишидек туюлади. Лекин уларнинг талаблари бир-биридан фарқ қилади. Агар зиддиятсизлик қонуни умуман бир-бири билан сиғишмайдиган қарама-қарши муҳокамаларга таалуқли бўлса, учинчиси истисно қонуни талаби зид муҳокамаларга таалуқлидир. (Зид ҳукмлар қарама-қарши муносабатдаги ҳукмлардан фарқли равишда бир-бирини инкор этувчи ҳукмлар бўлиб, улар ўртасида учинчи фикрнинг бўлиши мумкин эмас. Умумий тасдиқ ва жузъий инкор, умумий инкор ва жузъий тасдиқ ҳукмлари ўртасидаги муносабат зидликни ифода қилади). Масалан: Хамма суд ҳукмларида айб қўйилади (хато). Баъзи суд ҳукмларида айб қўйилмайди" (чин), учинчи фикрга урин йўқ; Қарама-қаршилиқ муносабатидаги ҳукмда эса учинчи фикрнинг бўлиши мумкин, бунда улар бир вақтда хато бўлиши мумкин. "Хамма суд ҳукмларида айб қўйилади" (хато), "Ҳеч бир суд ҳукмларида айб қўйилмайди" (хато). Чунки бундай ҳукмлар миқдорий муносабатдаги (умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий

тасдиқ, жузъий инкор) қарама-қаршилиқни ифодалайди.

"Бу гул оқдир", "Бу гул кизилдир" ҳукмлари қарама-қарши бўлиб, бу гул ҳақида яна бошқа ранг турларини ҳам айтиш мумкин.

"Бу гул оқдир", "Бу гул оқ эмас" дейиладиган бўлса, унда гул ҳақида учинчи фикр айтиб бўлмайди. Чунки сарик, пушти ва ҳ. бўлганида ҳам оқ эмас деб ҳисобланилади.

А ёки А эмас (А ёки унинг инкори А эмас чиндир-учинчисига ўрин йўқ), яъни АВА (V "ёки" деб ўқилади). Зидлик муносабатидаги ҳукмлар бир предмет ҳақидаги тасдиқ ва инкор фикрни ифодалайди. Бунда учинчи фикрга ўрин қолмайди. Зиддиятсизлик қонуни икки зид ҳукмнинг бирининг хато бўлишгини кўрсатгани ҳолда, иккинчисининг хато ёки чин эканлигини очик қолдиради. Бу масала учинчисини истисно қонунига асослангани ҳолда ечиладики, бунга кўра икки зид ҳукм бир вақтда, бир нисбатда хато бўлмайди, уларнинг иккинчиси доимо чин бўлади. Масалан, "Одамни ўлдиришда ишлатилган пичоқ Н. ники"- "Одамни ўлдиришда ишлатилган пичоқ Н.ники эмас" ҳукмлари бир вақтда олинганда чин бўлмайди, аммо хато бўлиши мумкин. Чунки бу пичоқ бошқа шахсга тегишли бўлиши мумкин. Шунга кўра ушбу ҳар икки қарама-қарши ҳукм хато бўлиши мумкин. Агар биринчи ҳукмга зид "Одамни ўлдиришда ишлатилган пичоқ, Н.ники эмас" деганда, албатта, уларнинг фақат бирини чин дейиш мумкин.

Нарса ва ҳодисаларни инъикос эттирганда уларнинг муайян пайтда маълум белги, хусусиятларга эга ёки эга эмаслигини, яъни а, в, с белгилари унга бир вақтда хос бўлмаслигини истисно қонунининг талабида ифодаланади.

Шу жихатдан мазкур қонунни тафаккур юритиш жараёни учун зарур бўлган зиддиятсизлик, изчиллик ва муайянлик тамойилининг давоми тарзида олиб қарамоқ керак. Шунинг учун ушбу қонун муҳокамаларнинг икки мантиқий аҳамияти—чин ва хатолигини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга. Бунинг учун берилган ҳукмнинг шакли ўзгартирилади ва натижада хато ҳукм ҳосил қилинади.

Учинчисини истисно қонуни мазкур талабини билиш ва уни муҳоқама юритишда қўллай билиш юридик ишларда муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, у ёки бу шахснинг маълум ишда айбдор эканлигини аниқлаш учун энг аввало қатор гумон (версия) лар илгари сурилиши ва улар «ёки-ёки» (учинчи фикрнинг бўлмаслиги тарзида) таҳлил қилиниши керак.

Н. шахсини айбдор деб ҳисоблаш учун, дейлик унинг душанба куни соати 22 да вокзалда ресторанда С. шахси билан учрашган ёки учрашмаганлигини энг муҳим далил эканлиги аниқланган бўлсин. Бунинг учун олдин Н. шахсининг айтилган вақтда қаерда эканлигини аниқлаш талаб этилади. Агар ундан сўров жараёнида бир-бирини инкор этувчи зид жавоб олинса, унинг айбдорлиги ҳақидаги гумон қисман тасдиқланган бўлади.

Учинчисини истисно қонуни баҳс, мунозара жараёнида принципсизлик, келишувчиликнинг мантиқан асоссизлигини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун мазкур қонун исбот ва инкор этиш жараёнининг мантиқий асоси ҳисобланади.

Етарли асос қонуни. Фикрнинг (чин ёки хатолигини) асосли, ишонарли бўлишлиқ хусусияти мантиқий фикр юритишнинг муҳим тамойилидирки, бу етарли асос қонуни талабида ўз ифодасини топади. Биз у ёки бу муҳокамаларни баён етар эканмиз, албатта унинг чин ва хатолигини кўрсатишга, асослашга ҳаракат қиламиз, Масалан: дарсга кечикиб келган талаба бунинг сабабини асослашга ҳаракат қилади. ("Автобус бўлмади", "Троллейбус тўхтаб қолди." ва б.) Бу қонун талаби бўйича муҳоқама юритиш жараёнида ҳар қандай фикр мулоҳаза ўзининг етарли асосига эга бўлмоғи зарур. А фикр чин ёки хато, чунки унинг В асоси бор. Ўз даврида миллионлаб кишиларнинг катағон, қатл қилиниши худди мана шу қонуннинг оддий талабларига амал қилмаслиги натижасида амалга оширилган эди. Масалан, Усмон Носирни уз шеърларида "қоронғу-тун". "йиғлайман" каби сўзларни ишлатганлиги учун ўлимга маҳкум қилинганлигини эслаш кифоядир.

Келтирилган далиллар фақат етарли бўлиш билан биргаликда, чинлиги аниқ муҳокамалар, фактлар, аксиома, назариялар бўлиши керак.

Асосланиладиган мулоҳазанинг аниқ бўлмоғи, яъни бунда айният қонунининг талабига қатъий риоя қилинмоғи зарур, акс ҳолда муҳоқамада фикрий ноаниқлик юзага келади ва "тезисни алмаштириш", "қанчалик кўп асосланган, ҳеч нарса исбот этилмайди" деган мантиқий хатоликларга йўл қўйилади. Бу ўринда Насриддин Афандининг мазкур қонуннинг талабини қасддан бузиш йули билан қандай қилиб ўз муҳолифини мот қилганлигини келтириш характерлидир.

Бир куни подшо пашшаларнинг хиралигидан хуноби ошиб ўтирган экан, Афанди кириб қолибди.

-Афандим, -деди подшо, - оламда пашша йўқ, жой бормикин-а?

-Бор.-деди Афанди.- одамлар йўқ, жойда пашшалар бўлмайди.Подшо бу жавобни эшитди-да, сира мот қилолмай келаётган Афандини бир мот қилмокчи, одамлар йўқ, жойда ҳам пашшалар бор бўлишини исботламочи бўлиб : -Қани юринг, менинг орқамдан , деб отга миниб, уни даштга бошлаб кетди.

Юриб-юриб чарчаганларидан кейин, бир ерга кўниб, дам олиб ўтиришган эди, беш-олтита пашша подшонинг у ёқ-бу ёқидан айланиб гувуллай бошлади.-Хўш,бунга нима дейсиз, Афандим? Мана одам йўқ жойда ҳам пашша бўлар экан-ку?

-Ие , шохим, сиз одам эмасмисиз?"

Етарли асос қонунининг талаблари оддий, кундалик мушоҳада, муҳокама юритишдан тортиб бадиий билишда кенг қўлланишни заруран тақозо этади. Бу айниқса, ҳуқуқий ишларда кенг қўлланишни талаб этади. Масалан, суд ҳукми, тергов хулосалари етарли даражада асосланган бўлмоғи керак.

Мантиқ фанининг назарий ва амалий аҳамияти унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Мантиқ билиш назариясининг таркибий қисмидир, чунки унинг предмети тафаккурнинг шакл ва қонунлари бўлиб мақсади чин билим, ҳақиқатга эришиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мантиқ фани умумметодологик аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, тафаккур шакллариининг ўзаро боғланишида янги билимлар ҳосил қилиш ва бунда тафаккур қонунлари, тутри фикр юритиш тамойилларига риоя қилиш чин билим, ҳақиқатларга эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ўз вақтида Абу Наср Форобий мантиқ илмининг бундай табиати ҳақида шундай деб ёзган эди:"Мантиқ маълум хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима чин ва нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз".

Ҳеч бир фан соҳаси йўқки, у янги хулосавий билимлар ҳосил қилишга асосланмаган бўлсин. Бу эса анланган ва анланмаган тарзда- тафаккурнинг қонун ва шаклларига таянишни талаб этади. Масалан, ҳар бир фан маълум илмий тушунчалар аппарати билан иш куради. Уларнинг моҳияти эса таърифлаш ва бўлиш каби мантиқий усуллар орқали англашилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кишилар фикр юритишда ўзлари англамаган ҳолда тафаккур қонунларига риоя қиладилар ва шунга мувофиқ тушунчаларнинг ўзаро боғланишидан ҳукм, ҳукмлардан эса хулосалар чиқарадилар.

Мантиқ фанини умуман ўрганмаган кишилар ҳам муайян даражадаги тафаккур маданиятига эга бўладилар. Илм ахллари тадқиқот ишлари олиб борадилар. Лекин бундан мантиқ фанини махсус ўрганиш шарт эмас, деган хулоса чиқариш ярамайди. Аксинча тафаккурнинг қонун ва шакллари пухта билиш ва уларнинг тамойилларини муҳокама юритиш жараёнида англаган тарзда қўллай билиш янги билимлар ҳосил қилиш, шунингдек тафаккур маданиятини шакллантириш учун энг самарали восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек мантиқ инсон, хусусан, ёшларимизнинг дунёкараши, иймон-этикоддини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Зотан ҳар қандай ҲОЯ, ҚАрашлар мантиқан асосланган, яъни исбот этилган пайтдагина кишиларнинг этиқодларига айланади. Далиллаштириш, яъни асослаш назарияси мантиқ фанининг предметига киради. Бу ўринда мазкур талаб ёшларимизда мустақиллик ғоясига бўлган ишонч-этиқодни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик ғоясини яратиш ва мустахламлиш бугунги умумлавлат аҳамиятига молик вазифалардан биридирки, унинг ҳал этилиши, руёбга чиқарилиши айни пайтда ижодий, фаол тафаккурни, мантиқий маданиятни шакллантириш зарурлигини тақозо этади .

Бу борадаги дастлабки реал тадбирлардан бири бўлиб Республикамиз олий таълим вазирлигининг 1995-96 уқув йилидан бошлаб "Мантиқ" фанини барча олий ўқув юрларининг ҳамма факультетларида зарурий ўқув предмети сифатида ўрганишлиги ҳақида қабул қилган махсус фармони ҳисобланади.

Юқрида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мантиқ фанининг қонун, категориялари, усулларини яхши билиш ва уларни онгли тарзда қўллай билиш театри фикр юритишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шунга кўра мантиқ фани билиш жараёни учун дастуриламал аҳамиятга моликдир.

2. Мантиқ инсон мушоҳада юритиши, фикрлашини рефлексивлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, инсон билишини унинг ўзини ботинан билиб олишга йўналтиради. Шунга кўра мантиқ илмини эгаллаш фикрлаш, жараёни фаоллигини, ижодийлигини-ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу жихатдан олиб қараганда мантиқ фани бугунги кунда " элим деб, юртим ёниб яшовчи" (И.А.Каримов) фаол шахсни шакллантириш, камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Фан соҳасидаги илмий гипотезалар мантикий билиш асосида илгари сурилади ва асосланилади. Дарҳақиқат илмий тахмин, башоратлар мохиятан анологик(тамсил) хулоса чиқаришнинг натижаси ўларок юзага келади.

4. Тўғри фикр юритишнинг асосий тамойиллари (айнанлик, изчиллик зиддиятсизлик, асосланганлик), айниқса, юриспириденция соҳасида, хусусан, тергов ишларини амалга оширишда, одил суд ҳукмини чиқаришда катта роль уйнайди. Айтиш мумкинки, мантиқ илмини яхши ўзлаштирмаган ҳуқуқшунос ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўла олмайди.

5. Мантиқ фикрни ёзма ва оғзаки ифодалаш мантикий қоида, усулларнинг талабига риоя этишни талаб этади. Шу маънода мантиқ фани мохиятан фикр юритиш грамматикаси ҳисобланади. Мантиқнинг барча қонун, категориялари, қоидаларини яхши билиш фикрни тил шаклларида ғоят аниқ, лунда, тежамли ва айни пайтда саводхонлик даражасида ифодалаш учун хизмат қилади. Шунга кўра мантиқ, тил (грамматика)нинг фалсафий асоси ҳисобланадики, бу масала то ҳозиргача бизнинг тилшунос олимларимизнинг назар • эътиборидан четда қолиб келмоқда.

б. Тил ва тафаккур узаро диалектик боғлиқ бўлиб, бу айни пайтда уларнинг функционал фарқланишини инкор этмайди. Тафаккур миянинг маҳсули бўлиб, воқеяликдаги нарса ва ҳодисаларнинг воситали ва умумлашган тарзидаги инъикосидир. Тил эса фикрнинг юзага чиқиши, воқеъ бўлиши инъикосидир. Тафаккур мантиқ фанининг ўрганиш мавзуи бўлса, тил грамматиканикидир.

Тил билиш, алоқа қилиш (коммуникатив), информацияларни сақлаш ва етказиш функцияларига эга бўлиб, буларни у асосан белгилар тизими орқали бажаради. Мантиқ ҳам ўзига хос белгилар (алфавит) тизимига эга ва бундан у фикрнинг аниқ тежамли бўлиши учун фойдаланади.

Мантиқ фанининг назарий ва амалий аҳамияти унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Мантиқ билиш назариясининг таркибий қисмидир, чунки унинг предмети тафаккурнинг шакл ва қонунлари бўлиб мақсади чин билим, ҳақиқатга эришиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мантиқ фани умумметодологик аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, тафаккур шакллариининг ўзаро боғланишида янги билимлар ҳосил қилиш ва бунда тафаккур қонунлари, тутри фикр юритиш тамойилларига риоя қилиш чин билим, ҳақиқатларга эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ўз вақтида Абу Наср Форобий мантиқ илмининг бундай табиати ҳақида шундай деб ёзган эди: "Мантиқ маълум хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима чин ва нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз".

Ҳеч бир фан соҳаси йўқки, у янги хулосавий билимлар ҳосил қилишга асосланмаган бўлсин. Бу эса анланган ва анланмаган тарзда- тафаккурнинг қонун ва шаклларига таянишни талаб этади. Масалан, ҳар бир фан маълум илмий тушунчалар аппарати билан иш куради. Уларнинг мохияти эса таърифлаш ва бўлиш каби мантикий усуллар орқали англашилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кишилар фикр юритишда ўзлари англамаган ҳолда тафаккур қонунларига риоя қиладилар ва шунга мувофиқ тушунчаларнинг ўзаро боғланишидан ҳукм, ҳукмлардан эса хулосалар чиқарадилар.

Мантиқ фанини умуман ўрганмаган кишилар ҳам муайян даражадаги тафаккур маданиятига эга бўладилар. Илм ахллари тадқиқот ишлари олиб борадилар. Лекин бундан мантиқ фанини махсус ўрганиш шарт эмас, деган хулоса чиқариш ярамайди. Аксинча тафаккурнинг қонун ва шакллариини пухта билиш ва уларнинг тамойилларини муҳокама юритиш жараёнида англаган тарзда қўллай билиш янги билимлар ҳосил қилиш, шунингдек тафаккур маданиятини шакллантириш учун энг самарали восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек мантиқ инсон, хусусан, ёшларимизнинг дунёкараши, иймон-этикодини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Зотан ҳар қандай ғоя, қарашлар мантиқан асосланган, яъни исбот этилган пайтдагина кишиларнинг эътиқодларига айланади. Далиллаштириш, яъни асослаш назарияси мантиқ фанининг предметиға киради. Бу ўринда мазкур талаб ёшларимизда мустикаллик ғоясига бўлган ишонч-эътиқодни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мустикаллик ғоясини яратиш ва мустикаллаш бугунги умумлавлат аҳамиятиға молик вазифалардан биридирки, унинг ҳал этилиши, руёбға чиқарилиши айни пайтда ижодий, фаол тафаккурни, мантикий маданиятни шакллантириш зарурлигини тақозо этади.

Бу борадаги дастлабки реал тадбирлардан бири бўлиб Республикамиз олий таълим вазирлигининг 1995-96 укув йилидан бошлаб "Мантиқ" фанини барча олий ўқув юртрларининг

хамма факультетларида зарурий ўқув предмети сифатида ўрганишлиги ҳақида қабул қилган махсус фармони ҳисобланади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мантиқ фанининг қонун, категориялари, усулларини яхши билиш ва уларни онгли тарзда қўллаш билиш театри фикр юритишнинг зарурий шарт ҳисобланади. Шунга кўра мантиқ фани билиш жараёни учун дастуриламал аҳамиятга моликдир.

2. Мантиқ инсон мушоҳада юритиши, фикрлашини рефлексивлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, инсон билишини унинг ўзини ботинан билиб олишга йўналтиради. Шунга кўра мантиқ илмини эгаллаш фикрлаш, жараёни фаоллигини, ижодийлигини-ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу жihatдан олиб қараганда мантиқ фани бугунги кунда " элим деб, юртим ёниб яшовчи" (И.А.Каримов) фаол шахсни шакллантириш, камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Фан соҳасидаги илмий гипотезалар мантикий билиш асосида илгари сурилади ва асосланилади. Дарҳақиқат илмий тахмин, башоратлар мохиятан аналогик(тамсил) хулоса чиқаришнинг натижаси ўларок юзага келади.

4. Тўғри фикр юритишнинг асосий тамойиллари (айнанлик, изчиллик зиддиятсизлик, асосланганлик), айникса, юриспириденция соҳасида, хусусан, тергов ишларини амалга оширишда, одил суд ҳукмини чиқаришда катта роль уйнайди. Айтиш мумкинки, мантиқ илмини яхши ўзлаштирмаган ҳуқуқшунос ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўла олмайди.

5. Мантиқ фикрни ёзма ва оғзаки ифодалаш мантикий қоида, усулларнинг талабига риоя этишни талаб этади. Шу маънода мантиқ фани мохиятан фикр юритиш грамматикаси ҳисобланади. Мантиқнинг барча қонун, категориялари, қоидаларини яхши билиш фикрни тил шаклларида ғоят аниқ, лунда, тежамли ва айни пайтда саводхонлик даражасида ифодалаш учун хизмат қилади. Шунга кўра мантиқ, тил (грамматика)нинг фалсафий асоси ҳисобланадики, бу масала то ҳозиргача бизнинг тилшунос олимларимизнинг назар этиборидан четда қолиб келмоқда.

б. Тил ва тафаккур узаро диалектик боғлиқ бўлиб, бу айни пайтда уларнинг функционал фарқланишини инкор этмайди. Тафаккур миянинг маҳсули бўлиб, воқеяликдаги нарса ва ходисаларнинг воситали ва умумлашган тарзидаги инъикосидир. Тил эса фикрнинг юзага чиқиши, воқея бўлиши инъикосидир. Тафаккур мантиқ фанининг ўрганиш мавзуи бўлса, тил грамматиканикидир.

Тил билиш, алоқа қилиш (коммуникатив), информацияларни сақлаш ва етказиш функцияларига эга бўлиб, буларни у асосан белгилар тизими орқали бажаради. Мантиқ ҳам ўзига хос белгилар (алфавит) тизимига эга ва бундан у фикрнинг аниқ тежамли бўлиши учун фойдаланади.

2-мавзу. ТУШУНЧА-ТАФАККУР ШАКЛИ СИФАТИДА.

(2 - соат).

Режа:

1. Тушунча тафаккурнинг шакли сифатида. Предметларнинг белгилари: умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим белгилар.
2. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Тушунчанинг турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
3. Тушунчани таърифлаш ва унинг турлари.
4. Тушунчани бўлиш ва уларнинг турлари.
 - а). Белгиларнинг ўзгариши бўйича бўлиш.
 - б). Дихотомик бўлиш.
 - в). Бўлишнинг қоидалари.
 - г). Таснифлаш (классификация).

Таянч атамалар: Тушунча, белги, синф, синф элементлари, катта, кичик синфлар. Анализ, синтез, таққослаш, мавҳумлаш, умумлаштириш; тушунчанинг мазмуни ва ҳажми, улар ўртасидаги тесқари нисбат қонуни;

Тушунчанинг турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар, таърифлаш, бўлиш, таърифлашга ўхшаш усуллар.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Том. 8. – Т., Ўзбекистон, 2000. 330-351-бетлар.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т. 1997. 143-149 б.
3. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси. 2002. 8 июнь.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2001, 89-96 б.
5. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ. Т. 1993, 103-141, 142-177 б.
6. М. Шарипов, Д. Файзихужаева. Мантиқ. Т. 2001, 71-89 б, 90-111 б.
7. М. Аллоёров. Мантиқ. СамДУ. 2000, 47-87 б.
8. Ж. Яхшилик, М. Аллоёров. Фалсафа ва мантиқдан тест саволлари. СамДУ. 1996, 34-40 б.
9. Е.К. Войшвилло. Понятие как форма мышления. МГУ, 1989 г. 101-131- стр.
10. И. Рахимов. Логика курсидан амалиёт машғулотлар ва методик тавсиялар. Т. 1988. 2-боб.

Қўшимча адабиётлар

1. Е.К. Войшвилло. М.Г. Дегтярев. Логика. Учебник для вузов. М. 1978, 9-45 б.
2. А.А. Ивин., А.Л. Никифоров. Словарь по логике. М. 1998. 272, 324 б.
3. Е.Д. Смирнова. Основы логической семантики. М. 1989. 17-37 б.

Бундан олдинги маърузамизда мантиқ фанининг предмети тафаккурнинг шакллари, қонунлари эканлиги ҳақида фикр юритган эдик. Хусусан, тўғри фикр юритишнинг асосий тамойилларини (аниқ, изчиллик, зиддиятсизлик, асосланганлик) ифодалаш билан бирга унга эришишнинг ҳам зарурий шarti эканлигини кўриб чиққан эдик.

Эндиги маърузаларимиз тафаккур шакллари (тушунча, муҳокама, хулоса чиқариш) ва уларнинг хусусиятларини ҳар бирини алоҳида кўриб чиқишга бағишланади. Лекин бундай ажратиш мавҳумлаштириш натижасидир. Чунки фикр юритиш жараёни тушунча, ҳукм ва хулоса чиқаришнинг ички узаро боғланиши бир-бирига ўзаро ўтиши тарзида кечадики, бу тафаккур қонунлари, тамойиллари билан заруран шартланганлири. Шунга кура айтиш мумкинки, муҳокамалар тушунчаларнинг, хулосалар эса муҳокамаларнинг ўзаро ички, зарурий ва муҳим боғланишлари орқали фикр шакли тарзидаги табиатини намоён қилади.

1. Тушунча деб предмет, ҳодисаларнинг муҳум ва умумий белгиларини инсон онгида яхлит тарзда акс эттирувчи тафаккур шаклига айтилади. Тушунчаларда фақат ташқи объектив борлиқ эмас, балки инсон, унинг рухий борлиги ҳам ифодаланади. Масалан "имон", "эътиқод", "виждон" ва б. ана шундай тушунчалардир.

Тушунча инсоннинг асрлар бўйи тўпланган сезиш, ибтидоий даражадаги идрок, тасаввур қилиш тажрибаларини доимий равишда умумлаштириб бориши асосида эришган ютуғидир. Агар биз, инсон билиминини организм десак, унда тушунча бу организмнинг хужайрасидир. Албатта, бу инсон тафаккури тарихида олдин, ҳукм ундан сўнг вужудга келган деган гап эмас. Инсон тафаккури тарихи унинг шакллари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланганидан дарак беради. Тушунча ҳукмларга асосланади. Ҳукм эса, ўз навбатида тушунчаларга таянади. Тушунча буюмлар орасидаги муҳим боғланиш ва муносабатларни ифодалайди ҳамда з навбатида ҳукм, хулоса чиқариш таркибига киради. Якка, жузъий буюмлар тушунча ҳосил қилишда муҳим рол ўйнайди, албатта, лекин мантиқ энг умумий тушунчалар ва категорияларга таянади. Агар биз «Ўрта Осиё халқлари қадимий ва бой маданий меросга эга» десак бу ҳукм ўз пойдевори сифатида бир қанча тушунчага – «Ўрта Осиё», «халқлари», «маданий мерос» ва бошқаларга таяниб ҳосил бўлади. Бу ҳолда тушунчалар ҳукмнинг таркибига киради. Умуман ҳар қандай ҳукм тушунчалар бирикмасидан ташкил топади. Ҳукм тушунчаларни ҳаракатлантиради.

Тушунча инсоннинг психик билиш шакллари – сезиш, идрок ва тасаввурдан фарқ қилади. Сезиш буюмлардаги айрим сифатлар (ранг, таъм, ҳид ва б.) нинг инсон онгидаги аксидир, идрок эса буюмларнинг инсон онгида тўла яхлит ҳолда инъикос этишидир. Шунинг учун идрок сезишга нисбатан инсон психик фаолиятининг мураккаброқ ҳолатидир. Масалан, бир мўридан чиқаётган тутунни кўраётганда, бу ҳодисанинг кўп хислатларини, тутуннинг рангини, тутун зарраларининг ҳаракатини, буруқсиб чиқаётган тутуннинг қуюқлигини ва қайси томонга кетаётганлигини, унинг қанча баланд кўтарилганлигини ва шу қабиларни идрок қилиш имкониятига эга бўламиз. Аммо инсон тутунни кўриши билан дарров бошқа нарсани ҳам, яъни: «демак, печкада ёки ўчоқда ўт

ёкилаяпти».

Ҳақиқатда эса кўриш органи фақат мўридан чиьқаётган тутунни билдиради ва унинг кўзига кўринадиган баъзи ташқи белгиларни акс эттиради холос. Бошқа сезги органлари бу ҳодисани акс эттиришда мутлақо қатнашмайди. Сезги билан идрок бу ҳолатда бевосита боғлангандир.

Демак, инсон печкада ёки ўчоқда ёкилган ўтнинг фактлар асосида билади. Бунинг асосий сабаби тутун билан ўт орасидаги боғланиш ва муносабат борлигини англаб олишдир.

Шундай қилиб фикрлашда мантикий тушунча икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, тушунча ҳукмнинг вужудга келишини таъминловчи зарур шароитни яратади, сўнг унинг элементи сифатида таркибига киради. Тушунчанинг иккинчи муҳим вазифаси инсон онгида билимнинг тўлароқ якунини ифодалашдир.

Тушунчанинг белгилари:

Белги деб предмет, ҳодисани иккинчисидан фарқ этувчи ва аини пайтда уларнинг ўхшашлигини белгиловчи хусусиятларига айтилади. Ҳар бир буюм ўзига хос хоссаларга эгаки, шу орқали бошқа предмет ҳодисалардан ажратилади ва аини пайтда муайян жинс, синфга бирлаштирилади. Масалан: демократик давлатни унитар давлатдан, зиёлини пахтакордан, адабиётни тарихдан ва х.к. фарқлаймиз. Шунингдек демократик ва унитар давлатларнинг ўхшаш (умумий) белгилари (ўз армияси, бошқариш ташкилотлари, сиёсий ташкилотлари) борки, шунга кўра уларни "сиёсий ташкилот типи", зиёли ва пахтакорни "моддий ва маънавий кадриятларни яратувчи" каби тушунчаларда умумлаштира оламиз.

Предмет, ҳодисаларни фарқлантирувчи ва ўхшашлигини кўрсатувчи белгилар муҳим ва умумий белгилар тарзида намоён бўлади. Бу белгилар нисбий характерга эга бўлиб, маълум бир вақтда муҳим бўлмаган, хусусий белгиларга айланиши мумкин.

Буюм, ҳодисаларга сифат муайянлиги бағишлайдиган хусусиятларига муҳим белги деб аталади. Бу белги предметнинг ички табиати, моҳиятини ифодалайди. Шунинг учун муҳим белгининг ўзгариши билан ушбу предмет ҳам ўзининг сифат муайянлигини йўқотади. Масалан: парламент сайлови, сайлов ва сайланиш ҳамманинг конституцион ҳуқуқга эга эканлиги демократик давлатчиликнинг муҳим белгиларидан ҳисобланиладики, бу белгиларсиз ёки уларнинг муқобили ўзгариши уни бошқаришнинг унитар, монархияли ва б. типига айлантиради. Муҳим бўлмаган белгилар деб предметларга у ёки бу даражада хос булса-да, лекин уларнинг моҳиятини, табиатини белгилайдиган белгиларга айтилади. Шунинг учун бундай белгиларнинг ўзгариши ёки барҳам топиши предметнинг сифатини ўзгартира олмайди.

Масалан: давлат ва жамоат ташкилотлари тизими таркибини ҳар қанча ислоҳ қилиш, ўзгартириш билан бугунги кунда мамлакатимизда туб сифат узгариши ясаб бўлмайди. Бунинг учун мулкчилик муносабатини узгартириш зарур. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз давлат тасарруфидаги мулкларни хусусийлаштиришни бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Ҳар бир предмет ўзининг хусусий (индивидуал) ва умумий белгиларига эгадир. Агар белги фақат муайян предмет, ҳодисага хос бўлса хусусий, белги агар предметлар гуруҳлар, синфига тааллуқли бўлса умумий белги деб аталади. Масалан, ғазал жанрига хос шундай белгилар борки, (қофияланиш тартиби, матла ва мактаъ ва б) улар бошқа поэтик жанрларда учрамайди. Аммо аини вақтда ғазал ҳамма поэтик жанрлар учун хос бўлган умумий белгиларга ҳам эга.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, муҳим (номухим), умумий (хусусий) белгилар нисбий характерга эга. Муайян вақт шароитда предмет учун муҳим ҳисобланган белги номухимга, умумий белги эса хусусийга айланиши мумкин. Масалан, собиқ Иттифок даврида шахснинг ўз-ўзини англаши диний эътиқоди, иймони унинг учун муҳим бўлмаган белги сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда улар комил инсонни шакллантиришнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шунингдек, умумий белгилар кўпинча муҳим белгилар сифатида намоён бўлишлиги мумкин. Масалан, тўқималарнинг хужайрали тузилиши барча тирик организмлар учун умумий белги бўлиб, у аини пайтда инсон ва бошқа мавжудотларнинг генофонини таъминловчи муҳим хусусият ҳисобланади. Шунингдек, хусусий белгилар ҳам муайян бир пайтда муҳим ва муҳим бўлмаган белгилар тарзида намоён бўлади. Буюм, ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгиларини ажратиб олиш орқали тушунчалар ҳосил қилинади, яъни шакллантирилади. Мазкур мураккаб жараёнда бир қатор мантикий усуллар қўлланиладики булар куйидагилардир: 1. Таққослаш; 2. Анализ ва синтез; 3. Мавҳумлаштириш (абстракциялаш); 4. Умумлаштириш:

Фандаги илмий ва умуман фикр юритишдаги қўлланиладиган барча тушунчалар ана шу усулларнинг диалетик бирликда қўлланилиши орқали шаклланган. юзага келгандир. Буюм, ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш ва ўхшашлигини аниқлаш, шунга мувофиқ, уларнинг муҳим

умумий белгиларини ажратиш энг аввало такқослаш (қиёслашдан) дан бошланади. Дарҳақиқат, билиш негизида такқослаш ётади. Масалан, "ибтидоий жамоа", "қулдорлик", "феодализм", "капитализм", "ижтимоий формация" тушунчалари кишилиқ жамияти босиб ўтган тарихий даврларни муайян босқичларда такқорлаш, сўнгра анализ ва синтез қилиш ва мавхумлаштириш орқали ҳосил қилинади.

Такқослашда предметларнинг муҳим белгилари ажратиб олинмайди, балки уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятлари аниқланилади. Такқосланилаётган предметлар анализ қилиниб, яъни фикран таркибий қисмларга ажратилиб уларнинг ҳар бирининг хусусиятлари аниқланилиб, яна қайта яхлитлаштирилгандан (синтезлаштирилгандан) сўнгина қандай муҳим ва умумий белгилари борлиги ҳақида фикрга келинади.

Мантикий анализ ва синтез қилиш фикрнинг конкретликдан мавхумликка, умумийликка ўтишининг муҳим шартидир.

Мавхумлаштириш – бу предмет, ҳодисаларнинг, конкрет белгиларидан узоқлашиши орқали уларнинг моҳиятли жиҳатини (қонуниятини) аниқлашдир. Масалан, "конус" тушунчасида фойдаланувчи предметнинг қандай материалдан ясалганлиги, катта-кичиклиги, оғирлиги ва бошқа конкрет белгилари фикран соқит қилинади, бунда фақат унинг моҳиятли томони-геометрик фигура эканлиги кўзда тутилади.

Умумлаштириш - мавхумлаштириш усулининг ўзига хос бир тури, яъни уни тўлдирувчи шакли бўлиб, бунда айрим предметлар, уларнинг тўплами муҳим белгиларига кўра муайян синф, жинсга бирлаштирилади. Масалан, сўзларнинг шаҳе, сон келишиқда тусланиши каби муҳим белгиларига кўра "мустақил сўз туркуми" деган тушунчада умумлаштирилади.

Мавхумлаштириш ва умумлаштириш сўз, номлар воситасида амалга ошади. Айни пайтда ҳар қандай сўз энг аввало мавхумлаштириш, умумлаштириш мантикий усулининг натижасидир. Масалан, ҳар қандай сўз предметнинг келиб чиқиши, мавжудлиғига нисбатан ҳеч қандай сабабли боғланишга эга эмас.

Тушунчалар ифодаланиш, воқе бўлишининг грамматик шакли сўздир. Бошқача қилиб айтганда, тушунчалар сўз орқали англашиладики, лекин ҳар қандай сузлар тушунчани ифодаламайди. Чунки тушунча фикр шакли бўлиб, предмет, ходисаларнинг инсон онгидаги инъқоси бўлса, сўзлар уларни номларда ифодалайди. Номлар эса белгилар тизимида (ҳарф, рамзий ишоралар) қайд этилади. Шунга кўра сўзлар ёзма битикларда ҳам ифодаланади. Сўзлар фақат фикр шакли тушунчаларни эмас, ҳис-туйғуларни ҳам ифода эта олади. Шунга кура илмий тушунчаларни ифодаловчи сузлардан фикр ҳис-туйғуни ўзида умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи сузларни, яъки поэтик (бадий) сузларни фарқлай билиш лозим. Масалан, "иссиқ қор", "кўзнинг кўз ёши" ва б.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўзлар фақат тушунчаларни ифодалаш шакли бўлмасдан, айни пайтда уларнинг ўзаро боғланиши ва мулоҳаза (гап) тарзида мақомга эга бўлишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу кўпинча бир сўз ва сўз бирикмасининг тугал фикрни ифодалашлиғида намоён бўлади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Ҳар бир тушунча ўзининг мантикий таркиби: мазмуни ва ҳажмига эга.

Тушунчанинг мазмуни деб тушунчада ифодаланаётган предмет ва ходисаларнинг муҳим белгиларининг мажмуига айтилади. Бунда тушунча ва предмет белгиларини бир-биридан фарқламоқ зарур. Агар буюм, ходиса муайян хусусият, белгиларга эга бўлса, улар мазкур предмет ходиса учун ёки муҳим ёки номуҳим иккинчи даражали ҳисобланилади. Нарса, ходисаларнинг сифат жиҳатдан ўзгариб бориши билан улар янги хусусиятларга эга бўлади. Масалан, бугунги кунда "ватанпарварлик", "ватан\ "диндор", "мафқура" каби тушунчаларнинг мазмуни собиқ Иттифоқ даврида қўлланилиб келинган маъносидан фарқ, қилади.

Лекин тушунча белгиси, предметлар белгисидан фаркли тарзда муайян синфга кирувчи, буюм, ходисаларнинг энг муҳим ва умумий белгиларининг инъқосидир. Масалан, гул усимлик (предмет) сифатида бир қанча белги, хусусиятларга эга: оқ, кизил, сариқ ва х.к., ёввойи ва ҳонаки ҳолда ўсиши, бир йиллик ёки кўп йилликдаги ва бошқалар.

Лекин "гул" деган тушунчада мазкур усимликнинг барча саналган белгиларини кўзда тутмаймиз, балки шу предмет "гул" учунгина хос булган муҳим хусусият: киши учун унинг меваси эмас, биринчи галда хиди, ранги зарурлигини англаймиз.

Тушунчанинг муҳим белгилари предметларнинг кўп сифатлилиги билан изоҳланади. Шунга кўра тушунчанинг мазмуни бир қанча муҳим белгилар йиғиндисидан ташкил топган бўлади.

Тушунчанинг мазмунини М харфи билан унда ифодаланаётган предметларнинг муҳим белгиларини а,в,с,д, билан белгилаб, қуйидаги шартли формулани ҳосил қиламиз: $M=a,в,с,д...$ бундан предметнинг муҳим белгилари қанча кўп бўлса, мазмуни шунчалик кенг бўлади ва аксинча - муҳим белгилари қанча кам бўлса, мазмуни шунчалик кичик бўлади, деган талаб келиб чиқади. Яъни $M=a+в+с-д...$ н; $M=a-в-с-д$. Масалан, "жиноят" тушунчасининг (М) мазмуни шахс томонидан содир этилган қонунга хилоф хатти ҳаракат учун хос қуйидаги муҳим белгилар йиғиндисини ташкил этади: Ижтимоий хавfli характердаги хатти-ҳаракат (а), қонунга хилофлик (б), айбдорлик (с) жазога лойиқлик (д).

Тушунчаларнинг мазмунида предметларнинг моҳияти ифодаланади. Шунга кўра тушунчаларнинг мазмунини билиш, аниқлаш уларнинг моҳиятини билишнинг зарурий шартини ҳисобланади. Масалан, "истиклол мафқураси". "истиклол ғояси", "маънавият¹ ва бошқа шу каби тушунчалар мазмунини аниқлаб олмасдан туриб, бугунги кунда жамиятимизда кечаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаб бўлмайди.

Буюмлар қанчалик конкрет, алоҳида бўлса, унинг муҳим белгилари шунчалик кўпроқ бўлади.

Тушунчанинг ҳажми. Бунда икки ҳолатга эътибор бермоқ керак: биринчидан, муайян тушунчада ифодаланаётган предмет, ҳодисанинг қандай жинс, синфга мансублиги; иккинчидан, мазкур жинснинг қандай муҳим белгиларга эга эканлигини аниқлаш. Масалан, "гул" тушунчасининг ҳажмини хиди, ранги билан қадрланадиган хусусиятга эга бўлган ўтмиш, ҳозир ва келажакдаги барча усимлик синфига киришини кўрсатиш билан биргаликда, унинг барча турларини ҳам (хилларини) кўзда тутамиз. Шунингдек "гап" тушунчасининг ҳажмини аниқламоқчи бўлсак, энг аввало унинг муҳим белгиларини аниқлаб, ҳар бирини асос қилиб олиш билан унинг турларини аниқлаб оламиз. Ва шунга кўра гапнинг тузилиши, фикрни қай даражада ифодалашига кўра турларини аниқлаш мумкин.

Тушунчаларнинг ҳажмида предметларнинг тур ва жинс (яккалик, хусусийлик, умумийлик) муносабатлари акс этади. Шунга кура улар жинс гуруҳлари ва тур гуруҳларига ажратилади.

Тур гуруҳлари хусусий ва ўхшашлик белгиларига эга бўлган якка, алоҳида буюм ҳодисалар гуруҳи ҳисобланади ва жинс гуруҳини ташкил этади ҳамда унга бўйсунди. Масалан, ўғирлик, қаллоблик, қотиллик ва б. тур гуруҳи сифатида "жиноятчи" деган жинс тушунчасини ҳосил қилади ва унга бўйсунди. Лекин бу ерда яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, тур гуруҳларнинг ўзи ҳам айна пайтда жинс гуруҳи бўлиб келади. Масалан, "ўғирлик" тушунчаси жиноят тури сифатида унинг хилма-хил ҳорлатларда содир этилишини ифодалайди (кисовур, мол ўғриси, машина ўғриси ва б).

Мантикда шунингдек тушунчанинг ҳажмига нисбатан "синф", "кичик синф". "синфлар элементи" деган атамалар қўлланилади.

Синф деб умумий белгиларга эга бўлган турлар гуруҳининг йиғиндисига айтилади. Масалан, судралиб юрувчилар, талабалар ва ҳ.

Кичик синф деб муайян синф таркибига кирувчи қисмга айтилади. Бошқача қилиб айтганда, кичик синф умумий синфнинг маълум қисмини ташкил этади. Масалан, судралиб юрувчилар синфининг кичик синфини умуртқали судралиб юрувчилар ташкил этади. Талабалар синфининг кичик синфини филологик марказ талабалари ва бошқалар ташкил этади. Синф элементи деб муайян синфга кирувчи предметга айтилади. Масалан, ёрдамчи сўзлар синфининг элементи сифатида грамматик боғламаларни кўрсатиш мумкин.

Синф, кичик синф, синфлар элементида фақат тушунчаларнинг ҳажмий муносабатлари эмас, балки шунга мувофиқ уларда муҳим белгилар йиғиндисининг нисбатининг ҳам ўзгариб бориши ифодаланади.

Буюм, ҳодисалар туридан жинсга ва ундан синфларга фикран ўтиш билан тушунчаларнинг ҳажми кенгайиб боради, лекин айна пайтда хусусий муҳим белгилар тушириб қолдирилиб борилгани ҳолда умумий белгиларига ўтилади. Фикр юритишдаги ушбу қонуният тушунчалар мазмуни ва ҳажми ўртасида тесқари нисбат қонуни деб юритилади. Мазкур қонунга кўра тушунчанинг ҳажми қанчалик тор (кичик) бўлса, мазмуни шунчалик кенг бўлади ва аксинча, тушунчанинг ҳажми қанчалик кенг булса, мазмуни шунчалик тор бўлади.

Дарҳақиқат, агар тушунчалар ҳажм жиҳадидан торайтириб борилса, уларнинг мазмуни кенгайиб боради. Чунки алоҳида, якка предмет, ҳодисаларни ифодаловчи тушунчалар умумий жинс тушунчаларига нисбатан кўпроқ белгиларга эгадир. Масалан, "тил" ва "ўзбек тили" тушунчаларини таққослайдиган бўлсак, улар бир-бирига нисбатан жинс ва тур муносабатида бўлиб, биринчисининг ҳажми иккинчисиникига нисбатан кенг, лекин мазмуни тор, иккинчисининг

ҳажми тор, мазмуни кенгдир. Бу шу билан изоҳланадики, "ўзбек тили" тушунчасига тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси, фикрнинг нутқда воқе бўлиши ва белгилар тизими эканлиги каби муҳим белгилар хос бўлиши билан биргаликда яна хусусий муҳим белгиларга (миллийлик, унлиларнинг микдори, уларнинг талаффуз қилиниши, сингорманизм ва б) ҳам эгадир. Шуни таъкидлаш керакки, тескари нисбат қонуни категория ва шу ҳажмдаги илмий тушунчаларга нисбатан тадбик, этиб бўлмайди.

Тушунчалар мазмунига кўра: конкрет ва мавҳум; нисбий ва нисбатсиз; мусбат ва манфий; ҳажмига кўра: яққа ва умумий, жамланган ва жамланмаган турларга ажратилади.

Конкрет тушунча деб муайян хусусиятларига эга бўлган реал предмет ва ҳодисаларни ифодаловчи тушунчаларга айтилади. Масалан, "қонун", "давлат", "дарахт", "журналист" ва х.

Мавҳум тушунчада предметнинг хусусияти, бошқа предмет билан бўлган муносабати акс этади. Бунда предметнинг муҳим ва умумий белгилари унинг узидан ажратиб олиниб, маълум бир номда ифодаланади. Масалан, "синус", "косинус", "қаҳрамонлик", "қиймат" ва б. Бундай тушунчалар - номлар ўз-ўзича эмас, фақат буюм ва ҳодисаларга нисбатан маъно англатади.

Бир тушунчанинг мазмуни иккинчи бир тушунчага нисбатан англашилса, улар нисбий тушунчалар хисобланади. Масалан, "ассимиляция ва диссимиляция", "миллий мафкура" ва "истиқлол ғояси" ва б.

Мазмуни бошқа тушунчаларсиз, мустақил англашиладиган тушунчалар нисбатсиздир. Масалан, "от", "университет" тушунчаларининг мазмуни "институт", "хайвон" тушунчаларининг мазмунига ҳам мустақил тарзда англашилади.

Муайян белгининг предметга тааллуқди эмаслиги акс эттирилса, манфий хисобланади. Масалан, "аклли", "инсофли", "билимли" мусбат тушунчалардир. Манфий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар одатда "-сиз", "эмас", "но", "бе"- каби қўшимчалардан ясалади. Масалан, "бебурд", "ноинсоф", "виждонсиз" ва б.

Бир буюм, ҳодисани ифодаловчи тушунчалар яққа тушунчалар деб аталади. Масалан, "Самарқанд", "Алишер Навоий», «Ўзбекистоннинг биринчи президенти» ва х.

Бир гуруҳ предметлар кўлами фикр қилинадиган тушунчаларга умумий дейилади. Масалан: самалёт, адвокат, қонун.

Умумий тушунчалар ифодаланаётган предметларнинг кўламига кўра қайд қилинадиган ва қайд қилинмайдиган тушунчаларга ажратилади. Предметларнинг жинс, синф элементлари ҳисобга олинса, бундай тушунчалар қайд қилинадиган тушунчалар деб аталади. Масалан: масалан мустақил сўз туркуми, қуёш тизими планеталари ва б. кўлами номаълум яъни ҳисоблаш қийин микдордаги элементлардан ташкил топган синфларни ифодаловчи тушунчалар қайд қилинмайдиган тушунчалар деб аталади. Масалан: сув ҳайвонлари ва осмон жисмлари ва б.

ЖАМЛОВЧИ ТУШУНЧАЛАР деб яхлит бутунликдан ташкил топган элементлар бирлигини ифодаловчи тушунчаларга айтилади. Масалан: коллектив, кутубхона ва б.

Тушунчалар ҳажм ва мазмун жиҳатидан такқосланадиган ва такқосланмайдиган муносабатдаги тушунчаларга ажратилади.

ТАҚҚОСЛАНДИГАН ТУШУНЧАЛАР деб баъзи умумий белгиларга эга бўлган ва шунга кўра ўзаро киёсланадиган тушунчаларга айтилади. Масалан «калам ва билим тушунчаларини уларнинг умумий белгиларига эгаллигига кўра бир –бири билан киёслаш мумкин.

ТАҚҚОСЛАНМАЙДИГАН ТУШУНЧАЛАР деб умумий ўхшаш белгиларга эга бўлмаган ва киёсланилмайдиган тушунчаларга айтилади. Масалан: калам коинот ва бошқалар... Фақат такқосланадиган тушунчалар ўзаро мантикий муносабатларга киришидиларки, бундай тушунчалар муносабати икки хил бўлади: сигишадиган ва сигишмайдиган.

Агар тушунчаларнинг ҳажми тўлиқ ёки қисман мос бўлса, улар сигишадиган муносабатда бўладилар. Бундай муносабатлар ўз навбатида уч хил бўлади: бир маъноли тушунчалар муносабати (мослик муносабати), бўй суниш (тур ва жинс), қисман мослик муносабати.

Мослик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажми айнан бир –бири бўилан тенг бўлади. Чунки бунда икки ёки ундан ортиқ тушунчаларда бир предмет ифодаланади. Масалан: Самарқанд, Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти ва б.


Мазкур муносабат типининг 1-расмда ифодаланади: мантиқда эйлер доираси деб юритилади: А-Самарқанд, Б-Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти, С-Амир Темур давлатининг пойтахти.

1-РАСМ

А В С


БЎЙСУНИШ муносабатидаги икки ёки ундан ортик тушунчалар хажм жихатидан бири иккинчисига буйсуниб келади. Шунинг учун у кўпинча турва жинс муносабати деб ҳам юритилади. Чунки жинс тушунча хажмига кирувчи тур турлича унга кирувчи турларга нисбатан жинс бўлиб киради. Масалан «хайвон» «сут эмизувчи хайвон» «ок кит» тушунчалари бири иккинчисига бўй сунсаларда улар айна пайтда ўзаро тур ва жинс муносабатида бўладилар. Буни иккинчи расмда ифодалаш мумкин: А-хайвон, Б- сут эмизувчи хайвон, С- кит, Д –ок кит ;

2- РАСМ



Лекин тур тушунчаси жинс тушунчасига фақат хажм жихатидан бўй сунади.

КИСМАН МОСЛИК муносабатидаги тушунчалар хажм жихатидан бир-бирига тўлик эмас, балки қисман қиришадилар. Масалан сут эмизувчи хайвон ва сув хайвони тушунчаларининг хажми бир бирига қисман мосдир, чунки сут эмизувчи хайвонларнинг ҳаммаси сув хайвони бўлмаганидек, сув хайвонларнинг ҳаммаси ҳам сут эмизувчилар туркимига қирмайди.




3-РАСМ

Агар тушунчалар хажм жихатидан тўлалигича ҳамдан қисман мос келмайдиган бўлса улар сизишмайдиган муносабатдаги тушунчалар деб аталади. Бундай тушунчалар муносабати уч хил типда бўлади: бирга бўйсунуш, қарама-қаршилик ва зидлик.

Бирга бўй сунуш муносабатида тушунчалар

Айна бир вақтда ҳам сизишмайдиган , ҳам сизишмайдиган муносабатларда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, икки ёки ундан ортик тушунчалар муайян жинс тушунчаси хажмига тур сифатида қирсаларда лекин тур тушунчалар ўзаро элементга эга бўлмаган сизишмайдиган тушунчалар ҳисобланади. Масалан: медуза, балиқ, кит сув хайвонлари балсада лекин уларнинг яшаш тарзи ва бошқа хусусиятларига кўра бир-бирдан фарқланадилар. Ушбу муносабат тўртинчи расмда ифодаланган.



4- РАСМ



Бир тушунча муайян белгига эга бўлиб, иккинчи тушунчани унинг бошқа белгиларига ўрин қолдирган ҳолда инкор этса бундай тушунчалар ўзаро қарама-қаршилик муносабатида бўлади.

Бунда жинс тушунчасига хажман кирувчи бир-бирини инкор этувчи тушунчаларнинг хажми жинс тушунчасининг хажмини тўлик қамраб ололмайди. Шунга кўра тур тушунчаларининг хажми жинс тушунчасининг хажмидан доимо кичик бўлади. «бола», «чол», «ок», «қора», «тўрт оёқли хайвон» ва «кўп оёқли хайвон» каби қарама –қаршилик муносабатидаги тушунчаларнинг хажми «одам», «ранг», «хайвон» тушунчаларининг хажмини қамраб ололмайди. Яъни $A > B + C$

5-расм




6- РАСМ

Агар икки тушунча бир-бирини учинчи бир ўртанча ҳолга ўрин қолдираган тарзда инкор этишса унда зидлик муносабатида бўладилар. Масалан: ок- ок эмас, бола –бола эмас....

Зидлик муносабаидаги тур тушунчаларининг хажми жинс тушунчасининг хажмини тўлик камраб олади. Яъни $A=B+B$ эмас.

яъни "умумий мантик" (B) ва ўз навбатида унинг яқин жинси "фалсафий фан" (C), "ижтимоий фан" (D), «фан» (E) тарзида давом эттирган ҳолда кўрсатиб борилади, буни куйидаги расмда ифодалаш мумкин:

11 – расм ABCDE




Тушунчалар шу тарзда умумлаштирилиб борилиши билан ниҳоят энг умумий тушунчалар, яъни "онг", "материя", "ҳаракат* каби категориялар ҳосил қилиниши билан яқунланади.

Тушунчалар орасидаги муносабатларнинг типларини яхши билиш синфлар бўйича мантикий операциялар бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

1. Синфлар бўйича мантикий операциялар бажаришдан мақсад шуки, бунда икки ёки ундан ортиқ синфларда янги синфлар ҳосил қилинади. Мантикий операциялар куйидагича бўлади: а) қўшиш; б) кўпайтириш; в) инкор этиш; г) умумлаштириш ва чегаралаш.

Синфлар бўйича мантикий операциялар ўтказишда куйидаги рамзий шарт ва белгилардан фойдаланилади: А, В, С.. – ихтиёрий синфлар, 1-умумий синф, о-бўш синф; U-қўшиш белгиси; П-кўпайтириш белгиси; А* инкор белгиси; умумий синф квадрат билан бошқалари эса эйлер доираси билан белгиланади. Қўшишда икки ёки ундан ортиқ синфлар бирлаштирилади ва бунда улар мазкур умумий синфнинг ташкил этувчи элементлари ҳисобланади. Масалан, «умуртқалилар» синфини «умуртқасизлар» синфи билан қўшиш орқали «хайвонлар» деган универсал синф ҳосил қилинади. «Мустақил сўзлар», «ёрдамчи сўзлар», «сўзлар туркумини» ҳосил қилади. Куйидаги туркумларда ифодаланилади: а) умуртқалилар; б) умуртқасизлар; I-хайвон. Яъни, $A \cup B = I$.

Кўпайтириш операцияси орқали икки ёки ундан ортиқ синфлар учун умумий, ўхшаш элементлар ахтариб топилади. Бунда тушунчалар орасидаги қисман мослик муносабатидан фойдаланилади. Масалан, «сув хайвони» (А), «сут эмизувчи», (В) тушунчаларининг ўзаро кесишиши орқали «сут эмизувчи», «сув хайвони» (С) ҳосил қилинади.




Бу куйидаги формулада ифодаланади: $A \cap B = C$.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш операцияси орқали универсал синфлар ва айни пайтда муайян синфнинг якка турлари аниқланилади. Мазкур мантикий операция фикрнинг конкретликдан мавҳумликка ва кейингисидан конкретликка ўтилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тушунчани умумлаштириш деб ҳажми кичик, аммо мазмуни кенг тушунчадан ҳажми кенг, лекин мазмуни тор тушунчаларга қараб фикран ўтиладиган мантикий усулга айтилади. Умумлаштириш орқали тур тушунчаларининг яқин жинслари изчил, кетма-кетлик билан аниқланиб борилади. Масалан, «шаклий мантик» (А) тушунчасини умумлаштириш учун унинг энг яқин жинси, яъни «умумий мантик» (В) ва ўз навбатида ва унинг яқин жинси «фалсафий фан» (С), «ижтимоий фан» (D), «фан» (E) тарзида давом эттирган ҳолда кўрсатиб борилади ва куйидаги расм билан ифодаланилади:

11-расм:



Тушунчани чегаралаш деб шундай мантикий усулга айтиладики, унинг воситасида жинс тушунчаларининг турлари аниқланилади. Чегаралаш жинс тушунчасининг якка турини топиш

билан тугайди. Тушунчани чегаралаш мохияти умумлаштириш мактикий усулининг тескариси бўлиб, бунда ҳажми кенг, аммо мазмунан тор тушунчалардан ҳажми кичик, лекин мазмуни кенг тушунчаларга фикран ўтилади.

Бошқача қилиб айтганда, тушунчани чегаралаш учун унинг муҳим тур белгиларини кетма-кет кўрсатиб бориш орқали мазмуни кенгайтирилиб борилади. Дейлик, бизга "тил" тушунчасини чегаралаш берилган бўлсин. Бунинг учун биз дастлаб унинг энг яқин тури - "табiiий тилни" кўрсатамиз. Шундан сўнг мазкур турнинг яна энг яқин турини - "туркий халқлар тили"ни аниқлаймиз. Шу хилдаги турнинг турини аниқлаш ушбу мисолимизда "ҳозирги ва узбек тили" деган яқка тур тушунчасини кўрсатишгача давом этади. Бу қуйидаги расмда ифодаланади:

12 расм.



А-тил
С-туркий тил
Д-узбек тили
Е-ҳозирги замон ўзбек тили
В-табiiий тил

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, тушунчани чегаралашда доимо жинс тушунчасининг энг яқин тури аниқланиши керак. Юқоридаги мисолимизда кўрсатилганидек, "тил"нинг энг яқин тури "туркий тиллар" эмас, балки "табiiий тил"дир, чунки тил кишилар ўртасидаги алоқа воситаси, фикрнинг воқе бўлиши, белгилар тизими сифатида олиб кзралганда табiiий ва сунъий бўлади.

Тушунчани бўлиш деб унинг ҳажмини очишга қаратилган манткий усулга айтилади. Бизга маълумки, тушунчанинг ҳажми бу унда фикрланаётган предметлар кўлами, турларининг йиғиндисидир. Бошқача қилиб айтганда, тушунчада ифодаланаётган предметнинг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаштирган турларнинг мажмуи тушунчанинг ҳажмини ташкил этади. Тушунчани бўлиш унда фикрланаётган предметларни шунчалик турларга ажратиш бўлмасдан, айна пайтда уларнинг муҳим белгилари асосида муайян жинснинг тур (элемент)ларини аниқлашга қаратилган манткий усул ҳисобланади. Бу эса тушунчаларда акс этган буюм, ходисаларни ҳар томонлама билиб олиш учун хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, билиш жараёнининг бошланиши тушунчаларни бўлишдан бошланади. Дарҳақиқат, қандай бир фанни олиб қарамайлик уларни ўрганиш муайян тушунчалар тизимининг ҳажмини очишдан бошланади. Бўлиш усулини амалга оширишда бўлинувчи, яъни ҳажми очилиши талаб этиладиган тушунчани. бўлиш аъзолари - қисмларини, яъни бўлишда ҳосил қилинадиган бирга бўйсунувчи тушунчаларни, шунингдек, бўлиш асосини-бўлиш учун олинадиган муҳим белги каби элементларини бир-биридан фарқлай билиш зарур. Бўлишда бўлинувчи тушунча жинс, бўлинма аъзолари эса унга бирга бўйсунувчи тушунчалар сифатида олиб қаралади ва бунда жинс тушунчасининг муҳим белгисидан бири асос қилиб олади. Масалан, "гап" тушунчасини унинг тузулиши, фикрни ифодалаши характериға (белгисига) кўра бўлиш мумкин. Яъни содда ва қушма гап; дарак, сўрок, ундов гап.

Тушунчани бўлиш икки хил бўлади: белгиларнинг ўзгариб бориши бўйича бўлиш ва дихотомик бўлиш. Тушунчанинг муҳим бир белгиси асос қилиб олиниб, сўнгра бошқа белгиларига ўтиш орқали бўлиш белгиларининг ўзгариб бориши бўйича бўлиш деб аталади.

Масалан, давлатни унинг тарихий типлари (кулдорлик, феодалистик ва капиталистик давлатлари). бошқариш шакли (унитар, монархистик, демократик) бўйича бўлиш мумкин.

Бўлиш асоси қилиб тушунчанинг муҳим белгилари олинади. Номуҳим белгилар бўйича бўлиш билиш учун ҳеч қандай аҳамиятга эға бўлмайди. Масалан, кишиларни жингалак ва бароқ сочилиларға, узун ва қалта бўйлиларға ажратиш инсоннинг мохиятини билиш учун аҳамиятли томони йўқ. (Кишиларни бундай булиш баъзан муайян амалий мақсадларнигина-кидирув, аскарларни сафлантириш ва б.) кўзлаб амалга оширилади.

Белгиларнинг ўзгариб бориши бўйича бўлишда бир қатор қоидаларға риоға қилиш талаб этилади.

1. Бўлиш тенг ҳажмли, яъни мутаносиб бўлиши керак. Мазкур қоиданинг талаби шундан

иборатки, бўлинувчи тушунча ва булиш аъзоларининг ҳажми тенг булиши лозим. Мазкур крида булинувчи жинс турларининг бирортасини ҳам қолдирмасдан кўрсатилишини, шунингдек, унинг ҳажмига бошқа бирор турнинг киритилишини ҳам ман этади. Масалан, агар мустақил сўзларни бўлишда фақат от, сифат, сон кўрсатилиб, қолганлари қайд этилмаса. шунингдек, унга юклама, кўмакчи ва бошқа киритилса. бўлиш нотўғри бажарилган бўлади. Ва бунда "туликсиз бўлиш" ҳамда "ортиқча аъзолар билан бўлиш" деган мантиқий хатоликларга йўл қўйилади. Агар бўлинувчининг ҳамма турлари кўрсатилмасдан, бирортаси қолдириб кетилса, бу туликсиз бўлиш, агар бўлинувчи жинс учун алоқаси бўлмаган бошқа бир тур қўшиб кўрсатилса, ортиқча аъзолар билан бўлиш ҳисобланади.

2. Бўлиш фақат битта асос бўйича олиб борилмоғи керак.

Мазкур қоида бўлиш жараёнида асос сифатида олинган белги бошқа иккинчи белги билан ўзгартирилмасликни талаб этади. Фикр юритишда учрайдиган ноаниқлик, ноизчиллик кўпинча бўлишнинг ушбу қоидаси талабига риоя қилмаслик оқибатида юз беради.

Масалан, талабаларни қайси бўлимида ўқишлигига, фанларни ўзгартиришга ва бошқа белгиларига кўра турларга ажратиш мумкин. Лекин бу белгиларни бир пайтнинг ўзида, ажратмасдан асос қилиб олинса, талабалар қуйидагича аралаш тарзида бўлинган булар эди: кундузги бўлим талабаси, "аъло" ўқийдиган талаба. сиёсий фаол талаба.

3. Булиш аъзолари бир-бирини инкор (истисно) этиши лозим. Ушбу қоиданинг талаби иккинчи қоиданинг талабидан бевосита келиб чиқадики, бунда бўлиш аъзолари ўзаро қисман мослик муносабатида бўладиган бўлса, унда улар бир-бирини инкор этмайдилар. Ушбу қоида эса бунга йўл қўймасликни талаб этади. Масалан, хайвонларни сут эмизувчилар, қушлар, сувда яшовчилар тарзида бўлсак, бўлиш аъзолари бўлган тур тушунчалар (сут эмизувчилар. қушлар, сувда яшовчилар) ўзаро қисман мослик муносабатида бўлади, яъни бир-бирини инкор этмайди. Чунки қушлар ва сувда яшовчилар орасида сут эмизувчи бўлганидек, сут эмизувчилар синфини ҳам қушлар ва сувда яшовчилар ташкил этмайди.

4. Бўлиш узлуксиз бўлмоғи керак. Мазкур қоида жинс тушунчасини бўлишда унинг энг яқин турларининг кўрсатилишини, шунингдек, ушбу турларнинг ўз навбатида яна қандай турлардан ташкил топганлигини аниқлашни талаб этади. Масалан, "фан" тушунчасини бўлишдан олдин унинг энг яқин турларидан бирини - "табиий фан" ва шундан сўнг "табиий фан"нинг турлари ҳисобланмиш физика, химия, биология ва б. кўрсатилади. Агар бунда энг яқин тур кўрсатилмасдан бўлинганда эди, табиий фанларнинг турлари (физика, химия, биология) қандай асос бўйича бўлинишлигини билмаслигимиз ва бунда бошқа фан турларини қўшиб юбориш ҳам мумкин бўлган булар эди.

Демак, бунда энг яқин тур бўлишнинг асоси қилиб олинади. Бу эса бўлиш жараёнида "бир турнинг туридан бошқа турнинг турига сакраб ўтиш", деган мантиқий хатоликка йўл қўйишдан кишини сақлайди.

Масалан, гапни риторик, сўроқ гап, эргашган қўшма гап, атов гаплар тарзида қўшма гапларнинг барча турларини тўлиқ санаб ўтилмасдан туриб, сўроқ гапнинг турини кўрсатишга ўтилмоқда.

Дихотомик бўлиш (грекча *dicha* ва *to me* -икки қисмга бўлиш деган маънони ифодалайди) деб бўлинувчи тушунчани икки бир-бирига зид тушунчага ажратишга айтади.

Аниқроқ қилиб айтганда, бундай бўлишда тушунчанинг муҳим бир белгиси асос сифатида олиниб, у бўйича икки бир-бирига зид бўлинма аъзолари ҳосил қилинади. Масалан, бошқариш белгиси асос қилиб олингани ҳолда "давлат" тушунчаси демократик ва нодемократик турларга ажратилади.

Дихотомик бўлишда кўпинча бўлинувчи тушунчани икки бир-бирига зид тушунчага ажратиш билан яқунланмайди: бўлинма аъзоларидан инкор қилинган қисми ўз навбатида яна турларга (кичик турларга) бўлинади. Бундай бўлиниш хусусийлик ва яққалик даражасидаги турларга бориб етгунча давом эттирилиши мумкин. Масалан, "хайвон" (А) тушунчасини "умуртқали" ва "умуртқасиз" (В эмас) га, кейингисини (В эмас) яна уз навбатида "қуруқликда яшовчи умуртқасиз хайвонлар" ва (С) "қуруқликда яшамайдиган умуртқасиз хайвонлар" (С эмас)ларга, кейингисини (С эмасни) яна ўз навбатида «денгизда яшовчи умуртқасиз хайвонлар» (D) га, кейингисини яна "дарё ва қўлларда яшовчи умуртқасиз хайвонлар" (E) ва "дарё ва қўлларда яшамовчи умуртқасиз хайвонлар" (E эмас) бўлиш мумкин. Дихотомик бўлиш умумийликдан хусусийликка ўтиш ва бу орқали фикр предметини аниқлаб олишда катта роль. Дихотомик бўлиш айниқса юриспруденция соҳси, хусусан, қидирув, тергов ишларини олиб боришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бўлишнинг ушбу туридан бўлинувчи тушунчаларнинг барча турларини кўрсатиш имконияти бўлмаган ҳолларда фойдаланилади. Шу жихатдан дихотомик бўлиш белгиларнинг ўзгариб бориши бўйича бўлишдан нисбатан баъзи афзалликларга эгадир.

Биринчидан, дихотомик бўлишда жинснинг турлари курсатиб ўтирилмайди, иккинчидан, бўлинувчи тушунча билан булиш аъзолари тенг ҳажмда бўлади. Учинчидан, бунда бўлиш доимо битта асос бўйича олиб борилади. АММО ДИХОТОМИК бўлиш айна вақтда баъзи бир камчиликларга хфм эгаки, булар қуйидагилар: Биринчидан, инкор тушунчаларнинг ҳажми ноаник бўлади. Масалан, ҳайвонларни сувда яшовчи ва сувда яшамовчиларга бўлганимизда, кейингисининг ҳажми ниҳоятда кенгайтирилган булади. Чунки унинг Ҳажмига куруқликда, музликда, тупроқда яшовчиларни киритиш мумкин. Иккинчидан, фақат биринчи хосил қилинган икки зид тушунча - бўлинма аъзолари (В-В эмас) аниқ ва изчил характерга эга бўлиб, қолган ҳоллар учун бундай аниқлик ва изчиллик хос булмайди. Чунки таъкидлаганимиздек, зид тушунчанинг (бўлинма аъзосининг) ҳажми жуда кенг булади. Бу эса "ҳаддан ташқари кенг бўлиш" деган мантикий хатоликнинг йўл қўйилишига олиб келади. Масалан, тилни табиий ва табиий бўлмаган тилларга бўлсак, кейингисига сунъий тиллардан ташқари жаргон ва унга ўхшаган "тиллар" ҳам киритилиши мумкин.

Классификация - тасниф тушунчаларни бўлишнинг ўзига хос шаклидир. Классификация бу синф, жинсларни ўз хусусиятига кўра тур, гуруҳларга ажратиш бўлиб, улар доимий, барқарор ўрнига эга бўладилар. Классификация тушунчаларни бўлишдан фарқли тарзда, предметларни фақат хусусий, муҳим белгиларига эмас, балки умумий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда турларга ажратилади. Масалан, дунё тилларини классификация қилишда (Европа, Хинд-Европа, турк, славян ва б.) уларнинг энг умумий хусусиятлари (келишикларнинг сони, сўз ўзакларининг ўхшашлиги ва б.) ҳисобга олинади.

Классификация икки хил бўлади: табиий ва сунъий, Табиий классификация бу синфларни уларнинг туб хусусиятларига кўра кичик синфларга, турларга ажратишдир. Бунга мисол сифатида материяни турларига, унинг харакатини шаклларга ажратиш ва шу кабиларни келтириш мумкин. Сунъий классификация - бу билиш жараёни ва амалиётда муайян, мақсад ва вазифани амалга оширишда қўлланиладиган ўзига хос бўлиш усули ҳисобланади. Масалан, олиб кириган машинани ахтариб топиш учун терговчи - изкувар ишни дастлаб муайян жойдаги ҳамма машиналарни уларнинг ранги, маркасига ва бошқа маркаларига кўра таснифлашдан бошлайди.

Классификация билишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай билимлар тизими -фанлар класификацияга таянган ҳолда иш кўради. Бобокалонимиз Абу Наср Фаробий уз вақтида фанларни класификация қилиш асосида билимларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб берган эди. Унинг "Ихсо ал улум" ("Билимлар класификацияси") номли асари бу жихатдан узининг илмий қимматини то ҳозиргача йўқотмасдан келмоқда.

Кишилар ўзларининг кундалиқ амалий ҳамда илмий фаолиятларида доимо мантикий таърифлашга мурожаат қиладилар. Дейлик, нотик мустақиллик мафқураси мавзуида маъруза қилмоқчи бўлса, энг аввало ундан ушбу тушунчанинг ("мустақиллик мафқураси") мазмунини очиб бериш талаб этилади. Бу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа доимо ёдимга келади. Талабалик йилларим эди. Бизнинг ётоқхонага фалсафа кафедрасининг бир ёш ўқитувчиси келиб "Бахт нима?" деган жарангдор мавзуида маъруза қилди. Нотик бу борада нима билса ҳаяжонланиб сузлаб бергач, минбардан тушиб ўтираётган эди, ёнимда ўтирган бир қиз савол берди: "Домла, айтингчи, шундай қилиб, бахт деб нимага айтса бўлади?".

Кизнинг бундай савол билан мурожаат қилишга сабаб шунда эдики, нотик ўз маърузасида, гарчи у бахт ҳақида ярим соат зиёдроқ вақт сўзлаган бўлса-да, мазкур тушунчага таъриф бермаган эди. Ҳар бир фан муайян тушунча (категориялар) тизимидан ташкил топган бўлиб, (масалан, тилшуносликда "келишик". "эта ва кесим" ва б., биологияда "ассимиляция", "диссимляция". "оксил". "ирсият" ва б.)улар айна пайтда таърифланишни талаб этадилар. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳар қандай фан предмети тушунчаларни таърифлаш орқали тадқиқ этилади ва шунга кўра билимлар тизими ҳисобланади.

Фан тушунчалари таърифланиш орқали тадқиқ объектнинг моҳияти, қонуниятларини очиб беради. Бошқача қилиб айтганда, тушунчалар таърифланилгандан сўнггина категориялар, атамалар мақомини олади ва билишнинг ўзига хос босқичлари бўлиб хизмат қиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча фанлар, гарчи таърифлашсиз иш кўролмасалар-да, лекин уларнинг бирортаси ҳам қандай қилиб тушунчаларга таъриф бериш кераклиги масаласи билан шуғулланмайди.

Фақат шаклий мантик таърифлашнинг умумий методологик тамойиллари, қоидаларини

аниқлаш, белгилаш масаласи билан бевосита шуғулланади.

Шарқ мутафаккирлари таърифлашга фалсафий билишнинг муҳим усули (методи) сифатида қараганлар ва ундан кенг равишда фойдаланганлар. Бу жиҳатдан ўрта асрларда яшаб ижод этган машҳур араб файласуфи, мантиқшуноси Ал Киндий (801-866)нинг "Нарсаларни тасвирлаш ва таърифлаш ҳақида трактат" номли рисоласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, юртдошимиз Абу Али Ибн Сино (980-1037) ўзининг "Мавжуд нарсаларни таснифлаш ҳақида трактат" (¹Рисолатун тақсим-ул мавжудот") ва "Донишнома" асарларида таърифлаш масаласига алоҳида боблар ажратади.

Тушунчанинг мазмунини очиб берувчи мантикий усул таърифлаш ёки дифиниция деб аталади. Бизга маълумки, тушунчанинг мазмунини унда фикрланаётган предметнинг муҳим белгилари ташкил этади. Демак, таърифлашда тушунчанинг муҳим белгилари аниқланилади.

Таърифлашнинг таркибий қисмларини билиш мазкур мантикий усулни амалга ошириш малакасига эга бўлишнинг шартларидан бири ҳисобланади. Таърифлаш икки таркибий қисмдан иборат: таърифланилувчи ва таърифловчи. Мазмуни очилиши талаб этиладиган тушунча таърифланилувчи (бу мантиқда лотинча дефиниенис -таърифланиш сўзининг қискартирилган Dfd билан белгиланади), таърифланилувчининг мазмунини очиб берувчи қисм (бу лотинча дефиниенис - таърифловчи сўзининг қискартирилган ҳарфлари Dfn билан белгиланади) таърифловчи тушунча деб аталади.

Таърифланилувчи тушунчанинг характериға кўра, яъни унда предмет ёки унда ифодаловчи ном (суз)ининг мазмунининг очилишиға кўра таърифлаш икки хил бўлади: номинал ва реал таърифлаш.

Тушунчани ифодаловчи сўзнинг (номнинг) луғавий маъносини очиб беришға қаратилган мантикий усулға номинал таъриф деб аталади. Масалан: "Грамматика лотинча сўздан олинган бўлиб, тип кўрилиши ва унинг конунлари ҳақидаги лингвистик фандир". Шунингдек, номинал таъриф воситасида маълум предметни тасвирлаш орқали янги атама (номлар) лар ҳам киритилади. Масалан: "Табиат ва жамият ўртасида юзага келган зиддиятлар ва уларни ҳал этиш муаммоси билан шуғулланувчи фан соҳаси экология деб юритилади".

Реал таърифлашда предметнинг муҳим белгилари кўрсатиб берилади. Бошқача қилиб айтганда, бундай таърифлашда предметнинг муҳим хусусиятлари аниқланиши асосида у муайян синфға кирувчи бошқа турлардан ажратилади. Масалан: "Олмош – бу от, сифат, сон ўрнида келувчи мустақил сўз туркумидир" деган таърифда олмошнинг муҳим белгиси кўрсатилиши билан у бошқа сўз туркумларидан ажратиб олинмоқда.

Таърифланувчи тушунчаларнинг характериға кўра таърифлаш икки хил бўлади: аниқ ва ноаниқ.

Аниқ таърифлашда таърифланувчининг мазмуни бевосита унда фикрланаётган предметнинг муҳим белгиларини кўрсатиш орқали очиб берилади.

Ноаниқ таърифлашда эса таърифланувчи тушунчанинг мазмуни маълум бир контекстда очилади. Аниқ таърифлашнинг турларидан бири-бу энг яқин жинс ва тур белгиларини кўрсатиш орқали таърифлашдир. Бундай таърифлаш икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда таърифланувчи тушунчанинг энг яқин жинси топилади, яъни у тур сифатида қандай жинсға киришлиги аниқланилади. Иккинчи босқичда таърифланилувчи тушунчада ифодаланаётган предметнинг (турнинг) шу жинсға кирувчи бошқа турлардан фаркланадиган муҳим белгиси топилади.

Биз ўтган маърузамизда тушунчалар орасида буйсуниш муносабати бўлишлиги ва бунда бўйсиндирувчи тушунча жинс, унга бўйсинувчи тушунча тур булишлигини кўриб чикқан эдик. Буни қайд қилишимиздан мақсад шуки, мазкур таърифлашнинг биринчи босқичини амалга оширишда ана шу мантикий операцияға таянилиш талаб этилади.

Дейлик, бизға санъат тушунчасини таърифлаш берилган бўлсин. Бунинг учун, юқорида айтганимиздек, биринчи босқичда санъатнинг жинси-ижтимоий онг шакли эканлиги аниқланилади. Ва бунда "Санъат-ижтимоий онг шакли" деган умумий таъриф ҳосил қиламиз. Лекин ушбу таъриф санъатнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Бунинг учун унинг ижтимоий онг шакларининг (жинсининг) бошқа турларидан (ахлоқ* дин, фан ва б) ажратиб. фарклантириб турадиган муҳим белгисини аниқлаш талаб этилади. Ушбу мантикий амал таърифлашнинг иккинчи босқичида амалга оширилади.

Бунда санъатни бошқа ижтимоий онг шакллари билан узаро таққослаш орқали унинг маданият феномени, воқеликни бадий-образли инъикос эттиришиға ва бошқа муҳим белгиларини аниқлаймиз. Шундан сунг: "Санъат воқеликни бадий-образли инъикос эттирувчи маданият

феномени сифатидаги ижтимоий онг шаклидир". деган тўлик таърифни ҳосил қиламиз. Мазкур таърифлаш тури куйидагича формула орқали ифодаланади: $Dfd=Dfh$. Бунда $Dfd=Dfh$ таърифланувчи тушунчалар бўлиб, = улар орасидаги тенгликни ифодаловчи рамзий белгидир.

Бу ерда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, таърифланилаётган тур тушунчанинг баъзи муҳим белгилари шу жинснинг бошқа турларида ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун иложи борича унинг хусусий тарздаги муҳим белгилари аниқланилиши зарур. Юқорида келтирилган мисолимизда санъатнинг маданият феномени эканлиги фақат унинг муҳим белгиси бўлмасдан бошқа ижтимоий онг шакллари учун ҳам ҳосилдир. Лекин воқеликнинг бадиий- образли инъикос эттиришлиги фақат хусусий муҳим белгиси ҳисобланадики, мана шу белги орқали уни бошқа ижтимоий онг шаклларида ажратиш оламиз.

Энг яқин жинс ва тур белгиларини кўрсатиш орқали таърифлаш барча фан соҳаларида хусусан, ижтимоий билишда кенг қўланиладиган мантикий усул ҳисобланади.

Бу ўринда Президентимизнинг «мафкура» тушунчасига берилган классик таърифни мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда «мафкура» тушунчасининг яқин жинси сифатида-«Ғоя» тушунчаси олинади ва унинг муҳим хусусиятлари (белгилари) кўрсатиб берилади:

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ шу миллатни келажакни кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган... ғояни мен жамият мафкураси деб биламан». (И.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали-1982 й. №2. 6-бет).

Генетик (грекча сўздан олинган бўлиб, "пайдо бўлиш" деган маънони ифодалайди) таърифлаш деб предметнинг пайдо бўлиши, унинг қандай усулда шаклланиши бўйича бериладиган таърифга айтилади. "Конус-бу учбурчакнинг ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик шаклдири", "Ўзбекистон Республикаси - бу собиқ Иттифоқ барҳам топгандан сўнг 1991 йил 1 сентябрда ўз мустақиллигини биринчи бўлиб қўлга киритган Урта Осиёдаги демократик давлат" таърифлари генетик таърифлардир. Чунки уларда фикр предметларининг қандай тарзда пайдо бўлишлиги кўрсатилмоқда.

Генетик таърифлаш жинс ва тур орқали таърифлашнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Чунки предметнинг қандай тарзда пайдо бўлишининг ўзи айна пайтда унинг муҳим белгиси эканлигини курсатади. Дарҳақиқат, учбурчакнинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида пайдо бўлиши геометрик шакллардан фақат конусга, ўз мустақиллигига биричи бўлиб эришиш МДХ, республикалардан фақат Ўзбекистонга ҳосилдир.

Аниқ таърифлаш бир қатор қоидаларга риоя қилишни талаб этади.

1.Таърифлаш мутаносиб бўлмоғи керак. Мазкур қоидадан талабига мувофиқ таърифланувчи ва таърифловчи тушунчаларнинг ҳажми ўзаро тенг бўлиши керак. Бу қоида куйидаги формулада ифодаланади. $Dfd=Dfn$

Тушунчалар ҳажмининг тенглигига эса улар орасидаги мослик муносабатини ўрнатиш орқали эришилади. Таърифланувчи ва таърифловчи тушунчалар ҳажмининг тенглигини аниқлаш учун аввало уларнинг муҳокамадаги ўрни алмаштирилиб қурилади. Масалаи, "Давлат - бу сиёсий ташкилотдир" деган таъриф "Сиёсий ташкилот - бу давлатдир" га алмаштирилади. Бунда ўз-ўзидан аниқ бўладикки, таърифланувчи ("давлат") ва таърифловчи ("сиёсий ташкилот") тушунчаларининг ҳажми тенг эмас. Дарҳақиқат, "сиёсий ташкилот" тушунчасининг ҳажми "давлат" тушунчасининг ҳажмидан кенгдир. Чунки биринчисининг ҳажмига сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, черков ва б. қиради. Яъни фақат давлатнинг ўзини сиёсий ташкилот деб бўлмаганидек, кейингисининг ҳажмини фақат давлатнинг ўзи қамраб ола олмайди.

Бошқача қилиб айтганда, улар ўзаро мослик муносабатида эмас, балки жинс ва тур муносабатидадирлар. Уларнинг ҳажмини тенглаштириш учун давлатнинг бошқа сиёсий ташкилотлардан фарклантирувчи муҳим белгиларидан бири, бошқариш функцияси қонунчилик, суд, армия орқали амалга оширадиган сиёсий ташкилотдир" тарзида таърифланади.

Ушбу қоидадан бузилиши "ҳаддан ташқари кенг (формуласи- $Dfd<Dfh$) ва тор (формула $Dfd>Dfh$) таърифлаш" деган мантикий хатоликларга йўл қўйишга олиб келади.

Ҳаддан ташқари кенг таърифлаш таърифловчи тушунчанинг ҳажми таърифланувчи тушунчанинг ҳажмидан кенг бўлган пайтда содир бўлади. Масалан, "Кит сут эмизувчи ҳайвондир". Бунда таърифловчи тушунча "сут эмизувчи"нинг ҳажми кенг бўлиб, унинг белгиси фақат кит учунгина хос эмас.

Аксинча, таърифловчи тушунчанинг ҳажми таърифланувчи тушунчанинг ҳажмидан кичик бўлса, бунда тор таърифлашга йўл қўйилган бўлади. Масалан: "Биология-ўсимликлар ва

хайвонот дунёсини ўрганувчи фан", дейдиган булсак, таърифловчи тушунчанинг ҳажми тор, чунки мазкур фаннинг предметига ўсимлик ва ҳайвонлардан ташқари бошқа тирик организмлар ҳам киради.

2. Таъриф айланма булмаслиги керак. Ушбу қонданнинг талабига кўра таърифланувчи тушунча таърифловчи тушунча орқали таърифланилмоғи керак. Агар бунга риоя қилинмаса, яъни иккинчиси биринчиси орқали таърифланилса, таъриф айланма бўлади. Бунга мисол тариқасида куйидаги таърифларни келтириш мумкин. "Мустақиллик мафкураси - бу истиқлол ҳақидаги мафкурадир". Ушбу таърифда берилган тушунчаларнинг мазмуни очилмасдан қолмоқда.

Айланма таъриф асосан тафталогия шаклида бўлади, яъни бунда таърифловчи тушунча таърифланувчини такрорлайди. Мисол: "Тафаккур қонунлари- бу мантиқий фикрлаш қонунларидир".

5. Таъриф аниқ, равшан бўлмоғи зарур. Мазкур қоида таърифловчи тушунчанинг муҳим белгилари аниқ бўлишлигини, яъни унинг ўзи мазмуннинг очилишига муҳтож бўлмаслиги керак. "Давлат дунёвий рухнинг сиёсий шаклдаги ифодасидир" (Гегель) деган таърифда "дунёвий рух" тушунчасининг ўзи таърифлашга муҳтож, мавхум тушунчадир.

Ушбу таърифлаш қоидаси кўпгина ҳолларда таърифловчи тушунчалар ўрнида метафорали, образли иборалар қўлланилгани туфайли бузилади. Масалан: Шер - қалб тугёнининг ифодаси", "Шер - ҳайвонлар подшоси" ва х.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, формат м антиқ талабидаги таърифлаш тамойиллари бадиий билиш соҳасида амал қилмайди. Чунки метафорали. Образли фикрлаш санъатнинг табиатини белгилайдиган муҳим хусусиятдир.

4. Таърифлаш инкор шаклида бўлмаслиги керак. Бу қоида предметга тааллуқди бўлган белгиларни кўрсатишни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, предметнинг белгилари истисно (инкор) этилмаган тарзда курсатилиши зарур, чунки зидлик муносабатидаги тушунчаларда ноаниқ миқдордаги буюм, ҳодисалар кўлами ифодаланади. Масалан; биз агар "Идеалист-бу материалист бўлмаган киши" деб таърифлайдиган бўлсак, "материалист бўлмаган" тушунча ҳажм жиҳатидан жуда кенг бўлиб, материализмга муқобил барча фалсафий қарашларни ўзида ифодалайди. Идеализмга тўғри таъриф бериш учун эса унга хос бўлган муҳим белги - онгнинг бирламчилигини эътироф этишлиги кўрсатилиши талаб этилади.

Лекин баъзан инкор шаклидаги таърифлашлар аниқ фанларда, хусусан математикада қўлланилади.

Ноаниқ таърифлаш. Шундай тушунчалар борки, уларнинг мазмуни реал таърифлаш воситасида очиб бериб булмайди. Ҳажм жиҳатидан энг кенг тушунчалар (категориялар). Математик атамалар ана шулар жумласига киради. Чунки улар мазмунан мавхум тушунчалар булиб, уларнинг жинс ва тур белгиларини аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолларда ноаниқ таърифлашга мурожаат қилинади. Мазкур таърифлаш турли шаклларга эга бўлиб, улар орасида энг кўп қўлланиладиганлари - бу контекстуал ва предметнинг ўзига бўлган қарама-қаршилик муносабатини кўрсатиш орқали таърифлашлардир.

Контекстуал таърифлашда тушунчанинг (атаманинг) мазмуни муайян контекстда очиб берилади. Маълумки, контекст (лотинча сўздан олинган бўлиб, «узвий боғлиқ» деган маънони ифодалайди) - бу нисбий тугал фикр бўлиб, уни ифодалаётган ҳар бир сўз, гапнинг маъноси аниқланилган бўлади.

Масалан: математикадаги кўпгина мавхум тушунчалар (синус, косинус, хосила ва б.) фақат концептуал, яъни маъноси аниқланган бошқа мавхум тушунчалар орқали таърифланилади.

Умумий хулосалар:

1. Тушунча тафаккурнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда предмет, ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгилари инсон онгида яхлит тарзда акс этади. Шунингдек, тушунча табиати рефлексив характерга эгаки, унинг фикр шакли сифатида юзага келиши фақат дунёнигина эмас, айни пайтда инсон руҳий борлигининг ҳам акс этиши билан шартлангандир.

Тушунча сўз билан узвий ўзаро боғлиқдир. Тушунчалар сўз орқали ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, тушунчанинг тафаккур шакли сифатидаги реаллиги сўз орқали намоён бўлади. Шу маънода тушунчанинг моддий асоси сўз ҳисобланади.

Шунингдек, сўзлар тушунчаларнинг шаклланиш жараёнида муҳим роль уйнайди.

2. Ҳар бир тушунча ўзининг мантиқий таркибига: мазмунига ва ҳажмига эгадир. Мантиқий фикрлаш малақасини ҳосил қилишнинг дастлабки шарт - бу тушунчаларнинг муҳим белгилари ва уларда ифодаланаётган предметларнинг кўламини аниқлаш ҳисобланади.

3. Тушунчалар мазмунига кўра конкрет ва абстракт, нисбий ва нисбатсиз, мусбат ва

манфий, хажмига кура якка ва умумий жамланган ва жамланмаган турларга бўлинади.

4. Тушунчалар орасидаги муносабатни ҳамда улар устида мантикий операциялар ўтказиш малакасига эга бўлиш тўғри фикр юритишнинг зарурий шarti хисобланади.

Тушунчаларнинг мантикий таркиби асосида улар орасидаги муносабатлар аниқланилади, мантикий усуллар ўтказилади. Фақат таққосланиладиган тушунчаларгина узаро мантикий муносабата киришадиларки, бу муносабат икки хил бўлади: сиғишадиган ва сиғишмайдиган. 5. Синфлар бўйича мантикийоперация (усуллар) ўтказиш орқали тушунчалардан янги синфлар ҳосил қилинади.

6. Тушунчани бўлиш-бу берилган тушунчаларнинг хажмини очиб берувчи мантикий усул бўлиб, унинг ёрдамида айна пайтда муайян тушунчанинг мазмуни ҳам аниқланилади. Чунки бўлишда тушунчада фикрланаётган предмет, ходисалар турларга ажратиладики, бунда эса уларнинг муҳим белгилари асос қилиб олинади.

7. Тушунчани таърифлаш тушунчанинг мазмунини очиб беришга қаратилган мантикий усул бўлиб, у кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Таърифлаш ўрганилаётган предмет ҳақидаги билимларни умулаштириш асосида уларни муайян тизимга солади. Таърифлаш тушунчаларнинг муҳим белгиларини очиб бериш орқали янги билим берувчи муҳокамалар ҳосил қилишнинг зарурий шarti хисобланади. Таърифлашга ўхшаш усуллар ёрдамида ўрганилаётган буюм, ходисалар ҳақида тўлиқ билимлар ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам улар таърифлашни тўлдирувчи мантикий усуллар хисобланади. Ўтган маърузаларимизда тушунча тафаккурнинг ўзига хос шакли эканлиги, унинг мантикий билиш, муҳокама юритишда тутган ўрни ҳақида фикр юритган эдик.

3-мавзу. ХУКМ-ТАФАККУР ШАКЛИ СИФАТИДА

(2 соат).

Режа:

1. Хукм тафаккур шакли сифатида. Хукмнинг таркиби (субъект, предикат, мантикий боғлама) ва асосий хусусиятлари.

2. Оддий (содда) хукмлар ва уларнинг турлари: а) умумий тасдиқловчи; б) Якка-жузъий тасдиқловчи; в) умумий инкор; г) якка – жузъий инкор.

3. Мураккаб хукмлар ва уларнинг турлари: а) бириктирувчи; б) айирувчи; в) шартли (имплекатив); г) эквивалент.

4. Хукмлар ўртасидаги муносабатлар: сиғишадиган (мослик, қисман мослик, тур ва жинс муносабатлари) ва сиғишмайдиган хукмлар ва улар ўртасидаги муносабатлар (зидлик, қарама-қаршилиқ, бирга бўйсиниш муносабатлари).

Таянч атамалар:Хукм, субъект, предикат, мантикий боғлама, содда ва мураккаб хукм, хукмлар муносабати, «мантикий квадрат».

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Том. 8. – Т., Ўзбекистон, 2000. 330-351-бетлар.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т. 1997. 143-149 б.

3. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси.2002. 8 июнь.

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.Т.2001, 89-96.б.

5. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ. Т. 1993, 103-141, 142-177.б.

6. М. Шарипов, Д.Файзихужаева. Мантиқ. Т.2001, 71-89.б, 90-111.б.

7. М. Аллоёров. Мантиқ. СамДУ. 2000, 47-87 б.

8. Ж. Яхшиликов, М. Аллоёров. Фалсафа ва мантиқдан тест саволлари. СамДУ. 1996,34-40 б.

9. Е.К. Войцвилло. Понятие как форма мышления. МГУ, 1989 г. 101-131- стр.

10. И. Рахимов. Логика курсидан амалиёт машғулотлар ва методик тавсиялар. Т.1988. 2-боб.

Хукм тафаккурнинг муҳим шакли бўлиб, унинг мантикий асосини тушунчалар ташкил этади. Лекин уларни бир-биридан ажратиб қараш мавҳумлаштириш натижаси бўлиб, мазкур ажратиш уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олишга қаратилгандир.

Дархақиқат, тафаккур -бу тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришларнинг диалектик бирлигида кечувчи мураккаб жараёнки, уларнинг бири иккинчисининг юзага келиши, амал қилишининг мантиқий негизи ҳисобланади.

1. Ҳукм фикрнинг тасдиқ ёки инкор шаклидир. Чунки у муайян бир

белгининг предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини, бир предметнинг бошқа предметга муносабатини ифодалайди. Масалан: "Кит сўт эмизувчи сув ҳайвонидир", "Ой планета эмас", "Пўлат темирга нисбатан юқори температурада эрийди". Келтирилган ҳар уччала ҳукмлар таркибида иккитадан тушунчалар бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида олинганда тасдиқ, ёки инкорни, яъни тугал бир фикрни ифодаламайди.

Мазкур тушунчалар бунда предметнинг тур ва жинс муносабатини ифодалаш орқали ҳукмни юзага келтирмоқдалар. Агар биринчи ва иккинчи ҳукмларда предметнинг муайян жинсга мансублиги ёки мансуб эмаслиги кўрсатилаётган бўлса, учинчисида ўзаро тур муносабати ифодаланмоқда.

2. Ҳукм таркиби учта элементдан ташкил топган бўлади: субъект /лотинча-Subiektum/, предикат /лотинча-Praedikatum/, боғлама.

Ҳукм куйидаги формулада ифодаланади: S-Рдир, S-Р эмас. Субъект-бу фикр предмети, яъни нарса, ҳодисани ифодаловчи ҳукм элементидир. Предикат фикр предмети, субъектнинг белги, хусусиятларини ифодалайди. Субъект ва предикатни бир-бири билан ўзаро муносабатга кириштирувчи элемент боғлама ҳисобланади. Боғлама у ёки бу белгининг субъектга хос ёки хос эмаслигини кўрсатади ва шунга кўра у тасдиқ ("дир", "ҳисобланади" ва б. сўзларда ифодаланади) ва инкор ("эмас", "ҳисобланмайди", "йўқ," ва б. шу каби сўзларда ифодаланади) шаклида бўлади. Шунга кўра ҳар қандай боғлама фикрнинг тасдиқ ёки инкоридир. Масалан: "Ўзбекистон - БМТ аъзосидир", "Натрий сувдан оғир эмас".

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, муҳокамаларда субъект ва предикатларнинг ўрнини яхши билиш тўғри фикр юритишнинг дастлабки шартларидан ҳисобланади.

4. Ҳар қандай ҳукм чин ёки хато бўлади. Мантикка доир кўпчиликдарслик, қўлланмаларда ҳукмнинг чинлиги унинг нарс, ҳодисаларни айнан акс эттиришлиги, яъни фикрнинг унда акс этилаётган предметга мос келишлиги билан белгиланади, деб кўрсатилади. / қаранг: Рахимов И. Мантик. Университет нашриёти. 1994.)

Бизнингча, мазкур қоидани ҳар қандай ҳукмларнинг чинлигини белгиловчи ўлчов сифатида қабул қилиб бўлмайди. Агар ушбу қоида воқеий ҳукмларга нисбатан тадбиқ этиш мумкин бўлса, Масалан: "Амударё – Марказий Осиёдаги энг катта дарё". "Симоб электр токи ўтказувчи жисмдир"¹ ва х) модал, баҳовий ҳукмларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Масалан, узок йиллар мобайнида "Марксизм-ленинизм энг илмий ва гуманистик таълимотдир"¹, "Дин афюндр" каби ҳукмлар мутлақ ҳақиқат сифатида тарғиб қилиб келинган бўлса-да, уларнинг уйдурма эканлигини тарихнинг ўзи кўрсатиб берди.

Ўз пайтида немис файласуфи И.Кант ҳукмларни турли даражадаги билимларни ифодалашига кўра аналитик, синтетик ва эстетик турларга ажратган ва уларнинг чинлиги турлича мезонлар билан ўлчанишлиги ҳақидаги қарашни илгари сурган эди.

Кантнинг фикрича, аналитик ҳукмларда предикат субъектнинг бир қисмини ўз ичига олади. Шунга кўра унинг чинлиги ўз-ўзича аниқ зарурийдир. Масалан: «Ҳамма жисмлар кўламлидир» деган ҳукмни олиб қарайдиган бўлсак, унинг предикати "кўламлидир" субъектнинг ҳажм ва мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунга кўра "Кўламга эга бўлганлардан бири-бу жисмлардир" дейиш мумкин.

Синтетик ҳукмларда предикат субъект учун хос белги, хусусиятларни ифодаламайди. Масалан: "Баъзи жисмлар оғирдир" ҳукмининг предикати-оғирлик жисм тушунчасининг мазмунига заруран кирмайди. Чунки жисм тушунчаси учун оғирлик муҳим белги ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай ҳукмларнинг чинлигини белгилашнинг муҳим шарт-ўлчови тажриба ҳисобланади.

4. Ҳукм тушунчадан фаркли равишда гап орқали ифодаланади. Чунки гап тугал фикрни ифодаловчи грамматик шаклдир. Лекин гап фақат ҳукм ифодаланишининг грамматик шакли бўлмасдан унинг мавжудлик, амал қилишининг усули ҳамдир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, то ҳозиргача мантиқ ва тилшуносликда ҳукм ва гап бир-биридан ажратилган ҳолда ўрганилиб келинади. Шунинг учун гапнинг тахлили одатда унинг грамматик тузилишини белгилашга қаратилган бўладигани, бунда унинг семантик /маъновий/ аспекти назардан четда қолади. Мантиқни фикр грамматикаси, грамматикани эса мантиқ бирлигида ўрганиш бугунги куннинг талабидир. Зотан, тафаккур ва нутқ маданиятини

шакллантириш кишилар маънавий-руҳий тикланишининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Гарчи ҳукм ва гап диалектик бирликда бўлса-да, улар ўзаро бир-биридан фарқланади.

1. Ҳар қандай ҳукм гап орқали ифодаланади, аммо ҳар қандай гап ҳукм бўла олмайди. Чунки шундай гап турлари борки, (сўроқ, ундов, буйруқ, атов ва б.уларда ҳукмга хос хусусиятлар (тасиқ ва инкор, чин ёки хато бўлиши ва б.) учрамайди. Мисол учун қуйидаги гапларни олиб қарайлик.

1. Санзар Ўзбекистондаги энг кичик дарёдир.
2. Мен у билан энди ҳечам учрашмасам керак.
3. Симоб суюқ металдир.
4. Бу шеърни ифодали ўқинг.
5. Тонг... . Соат неча бўлди?

Келтирилганларнинг ҳар олтитаси ҳам грамматик жиҳатидан гап ҳисоблансалар-да, уларнинг 1 ва 3-ларигина ҳукми ифодалади. Чунки уларда фикрнинг чин ёки хатолиги маълум бўлиб, тасдиқ ва инкор шаклида ифодаланган. Шунингдек уларда субъект ва предикат муносабати мавжуд. Қолган гапларда бундай хусусият йўқ. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўроқ, ундов, буйруқ, гапларда ҳукм бевосита ифодаланади. Бундай хусусият кўпроқ сўроқ гапларга хос бўлади. Кўпгина сўроқ гапларда ҳукм яширинган ҳолда ифодаланади. Масалан, "Ким биринчи бўлиб Американи кашф этган?", деган сўроқ гапда "Маълум бир давргача Америка қитъаси кишиларга маълум бўлмаган, у маълум бир вақтда ким томонидандир кашф этилган", деган фикр-ҳукм яширинган. Сўроқ "савол билиш жараёнида муаммо, гипотезаларни илгари суришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун оддий муҳокама юритишдан тортиб илмий тадқиқот ишларида мантикий сўроққа мурожаат этилади.

Мантикий сўроқ—бу инсон билимидаги иккиланиш, ноаниқликларни бартараф этишга ҳамда тадқиқ этилаётган объектлар ҳақида тўлиқ билим олишга қаратилган фикрдир. Сўроқлар тузулишига кўра икки хил бўлади: ечимга доир ва тўлдиришга доир сўроқлар. Қўйилган муаммоларнинг ҳал этилиш йўллари аниқлашга қаратилган сўроқ ечимга доир ҳисобланади. Масалан: "Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?" (Ислом Каримов). Тўлдиришга доир сўроқ- бу берилган муқобил /альтернатив/ ҳукмлар гуруҳига тўғри /чин/ жавоб топишга қаратилган сўроқдир.

2. Ҳукм ва гапнинг таркибий элементлари: субъект, предикат, боғлама-

эга, кесим ва иккинчи даражали бўлақлар айнан бир хил мақоматга эга эмаслар. Чунки улар гап ва ҳукмда синтактик ва семантик вазифаларни ўтайдилар. Масалан: "Энг иқтидорли, билимли ёшлар республика конкурсида иштирок этадилар", деган муҳокама гап нуктаи назаридан таҳлил қилинадиган бўлса, унда "ёшлар"-эга, "иштирок этадилар"-кесим, "энг иқтидорли, билимли", "Республика конкурсида" иккинчи даражали /аниқловчи/ бўлақ ҳисобланади. Агар мазкур гап ҳукм тарзида таҳлил қилинадиган бўлса, "Энг иқтидорли, билимли ёшлар"-субъект. "Республика конкурсида иштирок этиш"-предикат, боғлама-"зтмоқ" бўлади. Шунингдек, субъект ва предикат эга ва кесимдан фарқли равишда ўзининг ҳукм таркибида доимий ўрни-мақоматига эга бўлмайди. Унинг ўрни кўпинча мантикий урғу берилиш билан ўзгариб туради. Шунга мувофиқ бир гап турли маъноларни ифодалаш мумкин. Масалан: "Университетимизда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб халқаро конференция ўтказилди" ҳукмида урғу бериш билан унинг субъект ва предикатларини ўзгартириш мумкин.

а) Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция /S/ университетимизда ўтказилди./P/.

б) Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб университетимизда ўтказилган конференция /S/ халқародир (P).

в) Университетимизда ўтказилган халқаро конференция S Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлангандир /P/.

Содда ҳукмлар ва унинг турлари. Ҳукмлар тузилишига кўра иккита турга ажратилади: содда ва мураккаб. Бир субъект ва предикатдан ташкил топган ҳукмларга содда ҳукмлар деб аталади. Масалан: Биринчи сентябр -Ўзбекистоннинг мустақиллик куни. Субъект ва предикатнинг ўзаро муносабатига кўра содда ҳукмлар уч турга ажратилади: атрибутив, мавжудлик, муносабатли. Атрибутив /лотинча - attributia хусусият, белги/ ҳукмда фикр предмети хос бўлган белгиси ифодаланади. Агар предикат субъектнинг муҳим белгисини ифодаласа, катъий, муҳим бўлмаган белгисини ифодаласа, нокаътий бўлади. Масалан: "Самарқанд-Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти" /катъий/, "Самарқанд-Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири" /нокаътий/.

Мавжудлик ҳукмида предикат субъектнинг белги, хусусиятини эмас, фикр предметининг муайян макон ва замонда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги акс этади. Масалан: "Материя абадий ва

чексиздир". "Мафкурасиз сиёсий маданият бўлмайди".

Муносабат ҳукмларда предметларнинг ўзаро макон, замондаги турли хил муносабатлари ифодаланади. Масалан: "Улуғбек-Амир Темурнинг набираси", "Бобур Лутфийдан кейин яшаган" ва х.

Содда ҳукмлар, шунингдек сон ва сифат жиҳатидан ҳам турларга бўлинади. Ҳукмларнинг сонига субъектда ифодаланаётган тушунчанинг ҳажми ифодаланади. Шунга кўра содда ҳукмлар сонига кўра якка, жузъий ва умумий турларга ажратилади.

Агар субъектда бир предмет, ҳодиса ифодаланса, у якка ҳукм ҳисобланади. Масалан: "Байкал-дунёдаги энг чуқур кўл".

Муайян синф ва унинг турларининг белгиларни ифодаловчи ҳукмлар умумий ҳисобланади. Масалан: "Судялар олий маълумотли ҳуқуқшунослардир".

Жузъий ҳукмларда маълум белгининг муайян турларнинг бир қисми учун тааллуқли ёки тааллуқли эмас эканлиги ифодаланади. Жузъий ҳукмнинг якка ва умумий ҳукмлардан фарқи шундаки, унда ифодаланаётган муайян предметлар синфи ва унинг турларининг қайси бирига тааллуқли эканлиги номаълум бўлади. Масалан: "Баъзи ҳайвонлар сувда ва қуруқликда яшайди", "Баъзи кимёвий моддалар реакцияга киришмайди".

Жузъийликни "баъзи", "айрим", "кўпчилик" каби сўзлар ифодалайди.

Содда қатъий ҳукмлар сифатига кўра тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади. Ҳукмнинг сифати унинг боғламасида ифодаланади. Ҳукмлардаги сон ва сифат доимо ўзаро бирликда бўлади. Чунки ундаги сифат, яъни тасдиқ ва инкор субъектда ифодаланаётган умумийлик, жузъийлик ва яккаликка тегишли бўлади.

Сон ва сифат жиҳатидан бирлашиб келишига кўра содда қатъий ҳукмлар тўртта турга бўлинади: 1) Умумий тасдиқ ҳукм; 2) Якка-жузъий тасдиқ ҳукм; 3) Умумий инкор ҳукм; 4) Якка-жузъий инкор ҳукм.

Бир вақтда сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан тасдиқловчи ҳукмлар умумий тасдиқ ҳисобланади. Бундай ҳукмдаги умумийлик "Ҳамма", "барча", "каби" квантор сўзларида ифодаланади. Масалан: "Ҳамма мустақил давлатлар ўз валютасига эга". Кўпинча муҳокама юриштида бундай квантор сўзлар тушириб қолдирилади. Лекин барибир бунда умумийлик англашилиб туради. Масалан: "Ўқувчилар сўнгги кўнгиракдан сўнг ўз ўқитувчиларига раҳмат сўзи айтишди".

Умумий тасдиқ ҳукм куйидаги рамзий ишора-А (/лотинча- Attirmo-тасдиқлайман сўзининг биринчи унли ҳарфи) ва куйидаги формулада ифодаланилади:

Ҳамма S - P дир.

Бир вақтда якка, жузъий ва тасдиқ ҳукмлар якка-жузъий тасдиқ деб аталади. Масалан: "Мантиқ фалсафий фандир", "Баъзи илонлар сувда яшайди" рамзий ишораси j, формуласи: Баъзи S - P дир.

Агар ҳукм бир вақтда сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан инкор бўлса, Умумий инкор ҳукм деб аталади. Рамзий ишораси E /лотинча Хего-инкор этмок, сузининг биринчи унли ҳарфи/ Формуласи: Ҳеч бир S - P эмас. Масалан: "Ҳеч бир ёрдамчи сўз келишида турланмайди".

Ҳукм бир вақтда сонига кўра якка ва жузъий, сифатига кўра инкор бўлса, жузъий инкор ҳисобланади. Рамзий ишораси -O /Nego-сўзининг иккинчи унли ҳарфи/, формуласи: Баъзи S - P эмас. Масалан: "Баъзи металллар сувдан оғир эмас".

Символик мантиқда A, E, J, O ҳукмларидаги квантор "сонни ифодаловчи/ сўзлар ҳамда субъект ва предикат муносабати алоҳида рамзий ишора-белгилар /алфавитларда/ ифодаланади.

Умумийлик квантори V немисча "alle-ҳамма" сўзининг биринчи ҳарфининг тескариси/, мавжудлик E немисча "existieren-мавжудлик сузи ҳарфининг тескариси/.

Предикатлар мантиғи тилида мазкур ҳукмлар куйидагича формулада ёзилади.

Умумий тасдиқловчи /Ҳамма S-Рдир/ ҳукми $VxP(x)$ ва куйидагича ўқилади: "Ҳар бир x /субъект/ P хусусиятга эгадир".

Умумий инкор /Ҳеч бир S-P эмас/ ҳукми: $VxP(x)$ ва куйидагича ўқилади: "Ҳеч бир X P хусусиятга эга эмас".

Якка-жузъий тасдиқ, /Баъзи S-P дир/ ҳукми: $ExP(x)$ ва куйидагича ўқилади: "Баъзи X лар мавжуд бўлиб, улар P хусусиятга эгадир".

Якка- жузъий инкор /Баъзи S-P эмас/ ҳукми: $ExP(x)$ -Баъзи P хусусиятига эга X лар мавжуд эмас".

A, E, J, O ҳукмларининг хулоса чиқариш жараёнида қўлланишида уларнинг атамалари /субъект, предикат/нинг бўлинган ва бўлинмаганлигини билиш муҳим шартлардан бири

хисобланади. Хукм таркибидаги атама-тушунчаларнинг бири иккинчисининг хажмига тўлиқ кирса, /бўйсунса/ ёки -тўлиқ, ундан /ҳажмидан/ чиқарилган бўлса, унда мазкур тушунча-атама бўлинган хисобланади.


Агар атаманинг хажми бошқасининг хажмига қисман кирса, /қисман мослик муносабатида бўлса/, ёки унинг хажмидан чиқариб олинган бўлса /мустасно этилса/, унда мазкур атама бўлинмаган бўлади. Энди айтилганларни А, Е, j, 0 турлари бўйича кўриб чиқамиз.

Умумий тасдиқловчи хукмда субъект бўлинган, пердикат бўлинмаган бўлади. Мисол учун "ҳамма металллар электр токи ўтказади" деган хукмни олиб қарайлик. Бунда субъектнинг -"ҳамма металллар"нинг хажми пердикатнинг-"электр токи ўтказадига хажмига тўлиқ киради. Чунки предикатни ифодаловчи тушунча субъектга нисбатан жинс хисобланади. Бошқача қилиб айтганда, электр токи ўтказувчиларга фақат металллар эмас, балки бошқа кимёвий моддалар ҳам киради. Шунга кўра улар бўйсунувчи, яъни жинс ва тур муносабатидаги тушунчалардир. Буни куйидаги схемада ифодалаш мумкин: (схеманинг чизиқли қисми бўлинганликни ифодалайди) сут эмизувчилардир" хукмини олиб қарайлик. Бунда субъектнинг хажми предикат хажмига қисман киришгандир. Чунки баъзи сут эмизувчилар сув ҳайвонлари хисобланади. Бунинг схемаси:

Якка-жузъий тасдиқ хукмлар ҳам бўладики, унинг Предикати бўлинган хисобланади. "Баъзи ўсимликлар дуккаклидир" хукмида предикат- "дуккакли"нинг хажми субъект хажмига тўлиқ кирсади. Буни куйидагича схемада кўрсатиш мумкин:

Умумий тасдиқловчи хукмлар типидир ҳам борки, уларда субъект ва предикат тенг хажмли бўлади. Бундай хукмларда уларнинг субъектга ва предикатга ҳам бўлинган бўлади. Масалан: "Ҳар миллат ўзининг тил, урф-одат ва территория бирлигига эгадир"

Умумий инкорда субъект ва предикатлар бўлинган бўлади. Масалан: "Ҳеч бир фан ўз предметига эга бўлмаслиги мумкин эмас" хукмини таҳлил қилмоқчи бўлсак, субъектнинг хажми тўлиқ предикат хажмидан чиқарилганлигига ва аксинча, пердикатнинг хажми субъектнинг хажмидан чиқарилганлигини кўрамиз. Дарҳақиқат ҳеч бир фан ўз предметига эга бўлмаганларга кирмайди ва аксинча, ўз предметига эга бўлмаган билимлар фан тушунчаси хажмига кирмайди. Бунинг схемаси:



Якка-жузъий тасдиқ хукмда субъект ҳам, предикат ҳам бўлинмаган бўлади. Масалан: "Баъзи сув ҳайвонлари Якка-жузъий инкор хукмда субъект бўлинмаган, пердикат бўлинган бўлади. Масалан: "Баъзи моддалар сувда эримайди". Ушбу хукмнинг субъектида суяк моддаларнинг бир қисми ҳақида фикр юритилади. Предикатда эса сувда эримайдиган кимёвий моддаларнинг ҳаммаси ҳақида сўз юритиладики, уларни субъектда ифодаланаётган кимёвий моддалар хажмига киритиб бўлмайди. Бунинг схемаси:



А, Е, j, 0 хукмларида субъект ва предикатларнинг бўлинган ва бўлинмаганлигини ёдда қолдириш учун куйидаги жадвал тавсия этилади. /жадвалдаги «+» бўлинган, "-" бўлинмаганликни ифодалайди.

| Хукм | S | P |
|------|---|------------|
| A | - | — баъзан + |
| E | + | + |
| J | - | — баъзан - |
| 0 | - | - |

Мурақаб хукмлар содда хукмларнинг ўзаро мантиқий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғламаларнинг ифода шакли грамматик боғламалардир. /"ва", "билан", "ҳам, "ҳамда". "ёки". "ё", "агар ... унда" ва б./ Лекин улар бир-биридан фарқ қилади. Грамматик

боғламалар гапларни уларда фикрнинг тугалланганлигини ифодалашга бўлган муносабатига кўра боғлайди. Ва бунда фикрни мазмунан тўлароқ ифодалашга хизмат қилади. Масалан: "Баҳор келди ва дала ишлари бошланиб кетди".

Мантиқий боғламалар эса ҳар қандай гапларни эмас, балки ҳукмларни бир-бири билан боғлайди. Ва бунда уларнинг мантиқий аҳамияти -чин ва хатолиги ҳисобга олинади. Бунда гапларда ифодаланувчи фикр изчиллиги, тугаллиги иккинчи планда қолдирилгани ҳолда, уларнинг чин ёки хато эканлигига эътибор қаратилади.

Шунга кўра мантиқда, хусусан, символик мантиқда бир-бири билан маънодош бўлмаган ҳар қандай чин ҳукмларни ўзаро боғлаш мумкин ҳисобланади. Масалан: "Икки қарра икки-тўрт ва қор оқдир".

Мураккаб ҳукмлар асосан қўшма гапларда ифодаланади. Лекин ҳар қандай қўшма гаплар ҳукм ҳисобланмайди. Чунки қўшма гаплар кўпинча грамматик боғламалар билан эмас, балки турли аффикслар, интонациялар орқали бирикади ва асосий мақсад гапда мазмун бир-бутунлигига эришишга қаратилган бўлади. Масалан: "Чолларнинг меҳнати унум бермаса ҳам, маслаҳати унум беради-ку!". /Абдулла Қаҳҳор/.

Шунингдек, мураккаб ҳукмлар уюшиқ бўлакли содда гапларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: "Эрта саҳардан бери иш бошида юрган Ойқиз ва Олимжон кўк пиёз сепилган ошни иштаҳа билан едилар". Шароф Рашидов/.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш керакки, мураккаб ҳукм ва қўшма гап масалан грамматика ва мантиқда деярли ўрганилмаган мавзулардан ҳисобланади. Мантиқий боғламалар характериға кўра мураккаб ҳукмлар тўрт хил бўлади: конъюнктив /бириктирувчи/, дизъюнктив /айирувчи/, шартли /имплекатив/, эквивалент.

Конъюнктив (лотинча-сopjugo-бириктирмок) ҳукм содда ҳукмларнинг бир-бири билан "ва", "ҳам"- "билан" каби мантиқий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Кўпинча бундай мантиқий боғламалар вазифасини мантиқий урғу бажаради. Конъюнкция рамзий ишораси билан белгиланади.

Конъюнктив ҳукм таркибий қисмларға ажратилади. Масалан: "Ўзбекистон собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб ўз мустақиллигига эришган ва демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этиш сиёсатини олиб бораётган суверен давлатдир». 1. "Ўзбекистон собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб ўз мустақиллигига эришган суверен давлатдир".

2. «Ўзбекистон собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этиш сиёсатини олиб бораётган суверен давлатдир".

Конъюнктив ҳукм содда ҳукмларнинг ўзаро уч хил шаклда боғлашидан ҳосил бўлади. 1. Бир қанча субъектлар учун битта умумий белги, хусусият хос эканлигини ифодаловчи конъюнктив ҳукм: S ' - S- S -P. Масалан,; "Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши - тараққиётға эришишнинг асосий омилдир» (И.Каримов), "Тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш тафаккур шакллариридир".

2. Битта субъектға бир қанча белгилар хос эканлигини ифодаловчи ҳукм: S - P ^ P ^ P- Масалан: "Ўзбекистон демократия ва ижтимоий адолат давлатидир".

3. Бир қанча субъектлар учун бир қанча белгилар хос эканлигини ифодаловчи ҳукм. S^S^ Sn -P^ P^P Масалан: "Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир"..

«Форобий, Абу Али Ибн Сино, Берунийлар ҳам файласуф, ҳам табиатшунос қомусий олимлар бўлишган». Ҳар қандай содда ҳукмларни ўзаро бириктириш билан конъюнктив ҳукмлар ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда қуйидаги шартни ҳисобга олиш зарур: келтирилган содда ҳукмлар чин бўлмоғи керак. Уларнинг бири хато бўлган пайтда ҳам ҳосил қилинадиган мураккаб ҳукм хато бўлади. Мазкур шартни қуйидаги жадвалда ифодалаш мумкин:

| а | в | ҳосил бўлган конъюнктив ҳукм |
|--------------|--------------|------------------------------|
| 1-Содда ҳукм | 2-содда ҳукм | A ^ B |
| чин | чин | чин |
| хато | чин | хато |
| Чин | хато | хато |
| хато | хато | хато |

Масалан: "Ўзбекистон-суверен давлат" -чин, "Ўзбекистон БМТ аъзоси эмас" -хато. Бу икки ҳукм мантикий аҳамиятга кўра бир-бирини истисно этади, шунга кўра уларни ўзаро кўшиш билан чин ҳукм ҳосил қилиб бўлмайди. Айирувчи (дизъюнктив) мураккаб ҳукм содда ҳукмларнинг бир-бири билан "ё", "ёки" каби мантикий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Дизъюнкция Y рамзий ишораси билан белгиланади. Масалан: "Ҳар қандай жиноят ё қасддан, ёки бехосдан содир этилади"-Дизъюнктив ҳукм ҳам уч хил шаклда бўлади:

S-P, vP2vP3 ; 2/ SvS, vS2vSn-P: 3/ SvS2vSn-Pv P2v Pn, Масалан : "Гулнорнинг ўйлаб юрган охири чораси ё ўлим, ёки Ёдгор билан қочиб кетиш зди" /Садриддин Айний/.

SvSvS-P- Масалан: "Салим ёки Карим ёки Ахмед бу мусобақада биринчилиқни кўлга киритди".

SvS-PvP. Масалан: "Қариндош-уруғчилик ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида иш кўрадиган... уюшмалар умумдавлат, умумхалқ манфаатига зарар келтирадilar". (Ислом Каримов)

Мантикий боғлама характериға кўра дизъюнктив ҳукм икки хил бўлади: қатъий ва ноқатъий дизъюнкция. Ноқатъий дизъюнкцияда "ёки" боғламаси маъно жиҳатидан бириктирувчи аҳамията эга бўлади. Масалан: "Бу спортсмен ўта тиришқоқлиги ёки доимий машқ билан шуғулланганлиги сабабли мусобақада ғолиб чиқди" деган ҳукмдаги "ёки" боғламаси "ва" боғламаси маъносида қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, спортсменнинг мусобақада ғолиб чиқишида унинг ўта тиришқоқлиги ҳамда доимий машқ қилганлиги бирдек омил булиб хизмат қилган бўлиши мумкин.

Ноқатъий дизъюнкция ҳам конъюнктив ҳукм каби фақат бир ҳолатда чин бўлади: мураккаб ҳукм таркибига кирувчи содда ҳукмлар чин бўлганда. Бу қуйидаги жадвалда ифодаланади:

| а | Б | а. v б |
|------|------|--------|
| чин | чин | чин |
| чин | хато | чин |
| хато | чин | чин |
| хато | хато | хато |

Қатъий дизъюнкцияда "ёки" боғламаси содда фикрларни ўзаро истисно этиш асосида боғлайди. Шунга кўра улар бирданигана чин бўлмайди. Масалан: "Бу кимёвий модда ёки электр токи ўтказиши ёки ўтказмайди". Шубҳасиз, агар ушбу кимёвий модданинг электр ток ўтказиши чин бўлса, электр токи ўтказмайди дейиш хатодир ва аксинча. Бундай типдаги ҳукмлар чин ва хатолигининг шартини қуйидагича жадвалда ифодалаш қабул қилинган:

| а | б | а v б |
|------|------|-------|
| чин | чин | хато |
| чин | хато | чин |
| хато | чин | чин |
| хато | хато | хато |

Шартли ҳукм деб содда ҳукмларнинг бир-бири билан "агар ..унда" деган мантикий боғлама орқали бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмга айтилади. Мазкур боғлама -» рамзий ишораси билан белгиланади.

Шартли ҳукм бир қанча содда ҳукмлардан иборат бўлса-да, улар икки қисмга ажратилади. Биринчи қисм ҳукм - антецедент /лотинча antecedens-олдинги/, иккинчи қисм консеквент /лотинча consequens-кейинги натижа' деб аталади.

Антецедент ҳукмни - асосни А, консеквент ҳукмни -натижани В билан белгилаб, шартли ҳукм формуласи ҳосил қилинади: $A \Rightarrow B$, /Агар А бўлса, В дир, деб ўқилади/. Антецедент ва консеквент орасидаги шартлилик сабаб ва оқибат, семантик, мантикий боғланишларда бўлади. Сабаб ва оқибат боғланиши: "Агар туман қалин бўлса, унда самолёт рейси кечиктирилади". Сабаб ва оқибат боғланиши: "Қаердаки мафкуравий бўшлиқ, вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин" (Ислом Каримов).

Семантик боғланиш: "Агар К С билан яқин бўлса, унда К.нинг ҳам бу ишда қўли бўлиши мумкин".

Мантикий боғланиш: "Агар тирик организмлар хужайрали бўлса, унда микроблар ҳам хужайралидир, чунки у ҳам тирик организмдир». Шуни таъкидлаш керакки, мазкур ҳукм туридаги бундай боғланишларни бир-биридан ажратиб қараш шартли бўлиб, унинг асосида мантикий муҳокама юритиш ётади.

Шундай гаплар ҳам борки, гарчи уларда "Агар... унда" боғламаси бўлса-да, шартли ҳукм ҳисобланмайди, чунки уларда юқорида қайд этилган сабаб ва оқибат боғланишлари ифодаланмайди. Масалан: "Агар кишилар юртини душмандан ҳимоя қилишни ўйласалар, у ўз жонини саклаш ташвишида эди".

"Агар раним томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар. Агар навқарликни қабул қилса, навқар қилсинлар" /"Темур тузукларидан».

Шартли ҳукмлар антецеденти консеквентта нисбатан асос, кейингиси биринчисига нисбатан натижада муносабатида бўлади. Мазкур ҳукм турининг чинлиги ана шу мантиқий муносабат буйича белгиланади. Асоснинг чинлиги натижани чин деб ҳисоблаш учун етарли далилдир. Масалан: "Агар ёмғир егса, ер нам бўлади" ҳукмда асоснинг чинлиги "ёмғир эканлиги/", натижанинг юз берганлиги /ёрнинг нам бўлганлиги/ шубҳасиздир. Қолган ҳолатларда асос ва натижа муносабати хато бўлади. Бу жадвалда ифодаланади.

| А | В | А=> В |
|------|------|-------|
| чин | чин | чин |
| чин | хато | хато |
| хато | чин | хато |

Баъзи бир шартли ҳукмлар мураккаб тузилишда бўлади: -уларда бир асоснинг бир қатор натижалари ва аксинча, натижанинг бир қатор асослари кўрсатилади. Масалан: "Агар жамиятда иқтисодий инкироз юз берса, унда сиёсий зиддиятлар кескинлашади, маънавий айнишлар рўй беради". "Агар талаба дарсларга доимий иштирок этса, ўз устида мустақил ишласа, у имтиҳонларни муваффақиятли топширади".

Импликатив /лотинча *implicite*- чамбар-час боғламок/ ҳукм шартли ҳукм каби содда ҳукмларнинг "Агар . . . унда". деган боғлама ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади, шартли ҳукмдаги каби антицедент /асос/ ва консеквент /натижа/ қисмлардан ташкил топади. Импликатив боғламанинг рамзий ишораси: -

Импликатив ҳукмда шартли ҳукмдаги каби антицедент, консеквентларнинг маъно жиҳатидан боғланиши эмас, балки мантиқий аҳамияти /чин ва хатолиги/ эътиборга олинади.

Шунга кўра бундай ҳукм фақат қуйидаги бир ҳолатда хато бўлади: бир вақтда антицедент чин бўлиб, консеквент хато бўлганда, Қолган қуйидаги уч ҳолатда чин бўлади: 1. антецедент ва консеквентнинг ҳар иккаласи чин бўлганда; 2. антецедент хато ва консеквент чин булганда; // антецедент ва ҳар иккаласи хато бўлганда.

Айтилган шартларнинг жадвалда ифодаланиши қуйидагича; (жадвалда кўрсатилган шартлар ҳукмларда ифодаланган бунда уларнинг фақат учинчисигина хато бўлиб, қолганлари чин бўлади.

| А | В | А^В |
|------|------|------|
| чин | чин | чин |
| хато | чин | чин |
| чин | хато | хато |
| хато | хато | чин |

Энди қайд этилган шартларни мисол орқади кўриб чиқайлик.

Биринчи қаторда қайд этилган шарт шартли ҳукмдаги каби асоснинг чинлити натижани чин деб ҳисоблаш учун етарли далил ҳисобланади. Масалан: "Жисм ишқаланса, қизийди" асос /жисмнинг ишқаланганлиги/ чин бўлса, унинг қизиганлиги шубҳасиздир.

Иккинчи қаторда кўрсатилган шартга кўра антецедент хатолиги /жисмнинг ишқаланмаганлиги/ да консеквент ўзининг чинлик /қизиганлиги/ аҳамиятни йўқотмайди. Дарҳақиқат, агар антецедент ва консеквентнинг мазмун жиҳзтидан ўзаро боғлиқлигини фикран соқит қилиб, уларнинг фақат мантиқий аҳамияти эътиборга олинандиган бўлса, бунда жисм ишқаланмаса-да, қизиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Тўртинчи қаторда қайд этилган шартга мувофиқ антецедентнинг хатолиги /жисмнинг ишқаланмаганлиги/ аниқ бўлса, консеквентнинг чинлигига ҳам шубҳада бўлмайди. Чунки жисм ишқаланмаган бўлса. унинг қизимаслиги аниқ чиндир.

Айтилганлардан мазкур ҳукмнинг фақат бир ҳолатда хато эканлиги келиб чиқади -асос чин бўулса, натижани хато деб тасдиқлаш хатодир. Дарҳақиқат, жисмнинг ишқаланганлиги аниқ бўлса, уни қизимаган, дейиш хатодир. Импликатив ҳукмларнинг табиатини янада яхшироқ англаш учун уларнинг мантиқий аҳамиятини шартли ҳукм чин ва хатолигининг шартлари билан таққослаб

кўриш зарур. Юқорида кўриб ўтганимиздек, шартли ҳукмларнинг чин ва хатолиги уларнинг таркибига кирувчи ҳукмларнинг /антецедент ва консеквент/ маъно жиҳатидан ўзаро боғланиши билан изоҳланилади. Бунда шартли ҳукмлардаги асос ва натижалар боғланиши куйидаги тўртта қоидага бўйсунади.

1. Агар асос чин бўлса, натижа ҳам чин бўлади. Масалан:

Агар тўп отилса, қаттиқ овоз чиқади.

Асос чин, яъни тўп отилди.

Хулоса ҳам чин: демак, қаттиқ овоз чиқди.

2. Агар асос хато бўлса, бундан натижанинг хатолиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас.

Буни яна шу мисолда кўрамиз.

Агар тўп отилса, қаттиқ овоз чиқади.

Асос хато: тўп отилмади.

Бундан қаттиқ овоз чиқмади, деб хулоса чиқариш хато. Чунки бошқа сабабларга кўра ҳам қаттиқ овоз чиқиши мумкин.

3. Агар натижа чин бўлса, бундан асоснинг чинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас.

Масалан:

Агар тўп отилса, қаттиқ овоз чиқади.

Натижа чин: қаттиқ овоз чиқди. Бундан: демак, тўп отилди, деб хулоса чиқариб бўлмайди, чунки бошқа қаттиқ овозлар ҳам тўп товушига ўхшаши мумкин.

4. Агар натижа хато бўлса, унда асос ҳам хатодир.

Масалан: Агар тўп отилса, қаттиқ овоз чиқди.

Натижа хато: қаттиқ овоз чиқмади.

Бундан: демак, тўп отилмади, деб хулоса чиқариш

ноўғри.

Эквивалент / тенг-ҳажмли/ ҳукмлар содда ҳукмларнинг "Қачонки . . . шунда", "қачонки . . . шу пайтда" боғламаси натижасида кўшилишидан ҳосил бўладиган ҳукмларга айтилади. Эквивалент мантикий боғлама <^> рамзий ишораси билан белгиланади ва куйидаги формулада ёзилади: S-P<-> S,-P.

Мазкур ҳукм таркибидаги содда ҳукмлар мантикий аҳамиятига кўра тенг мазмунли бўлади. Шунинг учун уларнинг ўрни ўзгариши билан мазмуни сақланиб қолади. Масалан: Қачонки давлат ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришса, шунда у ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳамкорлик қила олади", "Давлат ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳамкорлик қилишга эришган пайтдагина у ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришган бўлади".

Эквивалент ҳукмларнинг чин ва хатолиги ҳам уларнинг таркибидаги содда ҳукмларнинг мантикий аҳамиятининг нисбати билан белгиланадики, буни куйидаги жадвалда кўрсатиш мумкин.

| а. | в | а о в |
|------|------|-------|
| чин | чин | чин |
| хато | хато | хато |

Ҳукмни инкор этиш мантикий усул бўлиб. Унинг ёрдамида муҳокамаларнинг /содда ҳукмларнинг/ мантикий аҳамияти ўзаро нисбатида аниқланилади. Шу жиҳатдан мазкур мантикий усул мураккаб ҳукмлар ҳосил қилиш ва уларнинг чин, хатолигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳукмни инкор этишда берилган ҳукмнинг сони ва сифати унга қарама-қарши сифатга айлантирилади ва шу орқали унинг мантикий аҳамияти аниқланилади.

Умумий ҳукмни /А,Е/ инкор этиш билан якка, жузъий / j ,0/ ва аксинча. кейингиларни инкор этиш билан умумий ҳукм ҳосил қилинади. Масалан: "Ҳамма балиқлар жабра билан нафас олади", "Баъзи балиқлар жабра билан нафас олмайди". Агар биринчи ҳукм чин бўлса, инкор этилган ҳукм хато бўлади. Бу куйидаги жадвалда ифодаланади:

АЕ ___ J O

Чин хато

Хато чин

ҲУКМЛАРНИНГ МОДАЛЛИГИГА кўра турлари. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳукмлар текширилаётган объект ҳақида билимларни тасдиқ ёки инкор тарзида ифодаловчи фикр шакли ҳисобланади. Лекин объект ҳақидаги билимлар тасдиқ ва инкор этиши билан биргаликда яна кўшимча ахборот усуллари- модаллик /лотинча modus ўлчов, усуя/ орқали ифодаланади. Бундай

вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билиш шарт".

(Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонундан).

Аксиологик (грекча-аксіо-баҳо) модалликда баҳовий

/ахлоқий, эстетик, сиёсий/ билимлар ҳақидаги ҳукм ифодаланади. Шунинг учун бундай модал ҳукмларда қадриятлар мавке-мақомини олган қарашлар, ғоялар акс этади. Масалан: "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" (Ислом Каримов).

Ҳукмлар орасилаги муносабатларни аниқлаш мантиқий усул бўлиб, унинг воситасида фикрнинг муҳокама тарзида ифодаланиши ва шунга мувофиқ, чин ёки хатолиги белгиланади.

Ҳукмлар орасилаги муносабатларни белгилашда уларнинг мантиқий аҳамияти асос қилиб олинади. Гарчи содда ва мураккаб ҳукмлар учун ўзига хос муносабатлар мавжуд бўлса-да, лекин содда ҳукмлар орасидаги мантиқий муносабатлар белгиловчи жиҳат ҳисобланади. Шунинг учун дастлаб содда ҳукмлар орасидаги муносабатларни кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай содда ҳукмлар ўзларининг мазмуни ва ҳажмига кўра таққосланиладиган ва таққосланилмайдиган бўлади, чунки уларнинг таркибидаги субъект ва предикатлар буюм, ҳодисаларнинг ўхшаш, умумий белгиларни ифодалашлиги ёки ифодаланмаслиги мумкин.

Агар ҳукмларнинг субъекти ёки предикати турлича мазмун ва ҳажмга эга бўлса, унда улар таққосланилмайдиган муносабатда бўлади. Масалан: "Зарядланган заррачаларнинг тартибли ҳаракати-бу электр токидир". "Учбурчакнинг ички бурчакларининг йиғиндиси 180" га тенгдир?

Шунинг учун бундай ҳукмларнинг орасидаги муносабатни аниқлаб бўлмайди.

Бир хил субъект ва предикатларга эга бўлиб, фақат сифатига кўра фарқланадиган ҳукмлар таққосланилади. Масалан: "Ҳамма мустақил сўз туркумлари келишиқда турланади" - "Баъзи мустақил сўз туркумлари келишиқда турланмайди".

Таққосланиладиган ҳукмлар икки хил бўлади: сиғишадиган ва сиғишмайдиган.

Ўз навбатида сиғишадиган ҳукмлар уч хил муносабатда бўлади: тўлиқ мос келиш /эквивалентлик/, қисман мослик, бўйсунуш муносабатларида.

Сиғишмайдиган ҳукмлар эса қарама-қаршилик ва зидлик муносабатларида бўлади.

Содда ҳукмлар орасида қайд этилган ушбу турдаги муносабатлар "мантиқий квадрат" деб аталадиган жадвалда ифодаланади.

Квадратнинг бурчаклари тўртта содда ҳукмни /А, Е, I, 0/ томон ва диагоналлари улар орасидаги муносабат турларини ифодалайди.

Сиғишадиган муносабат квадратда узлуксиз чизик сиғишмайдиганлари эса узлукли чизикларда кўрсатилади.

Тўлиқ мослик муносабатида икки ёки ундан ортиқ ҳукмлар турли хил субъект, предикат ва боғламаларга эга бўлса-да, бир маънони ифодалайди. Масалан: "Ҳар қандай жамият ўз мафқураси асосида ривожланади", "Ҳеч бир жамият ўз мафқурасисиз ривожланмайди".

А қарама-қарши Е

бўйсунуш

J Қисман мослик С



бўйсунуш

Бўйсунуш муносабати А,Е,-J,0 ҳукмлари ўртасида бўлиб, бўйсундурувчи ҳукмлар -А, Е чинлиги бўйсунувчи J, О ҳукмларнинг чинлигини белгилайди. Аксинча бўлмайди. Масалан: "Кислоталар металллар билан ўзаро таъсирланишдадир" /А/ деган ҳукмнинг чинлигидан, шубҳасиз, "Сульфат кислота металллар билан ўзаро таъсирланишдадир", деган ҳукмнинг /J/ чинлиги бевосита келиб чиқди. Аммо "Баъзи ўсимликлар ҳашоратлар билан озикланади", деган ҳукмнинг чинлигидан "Барча ўсимликлар ҳашоратлар билан озикланади", деган /А/ҳукмнинг чинлиги келиб чиқмайди.

Қисман мослик муносабати J-0 ҳукмлари орасида мавжуд бўлиб, улар бир вақтда бирданига чин бўлиши мумкин, лекин хато бўлиши мумкин эмас. Масалан: "Кимёвий моддалар сувда яхши эрийди», "Баъзи кимёвий моддалар сувда ҳам эрийди", "Баъзи кимёвий моддалар сувда эримайди". Ушбу уччала ҳукм чин бўлса-да бир вақтда хато бўлиши мумкин эмас.

Сиғишмайдиган муносабатлар. Қарама-қаршилик муносабати А-Е ҳукмлари орасида мавжуд бўлиб, бундай муносабатдаги икки ҳукм бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас. Бири чин, иккинчиси албатта хато бўлади. Лекин улар бир вақтда хато бўлиши мумкин. Қарама-қарши ҳукмларнинг бирининг чинлиги иккинчисининг хатолигини белгилайди. Схемаси: А-Е, Е-А. Масалан: "Ҳамма тирик организмлар кислород билан яшайди. Ҳеч бир тирик организм кислород

билан яшамайди" ҳукмларининг ҳар иккаласи бир вақтда чин эмас, биричиси чин, иккинчиси хатодир. Бундай муносабатдаги ҳукмларнинг инкори /Е/ тасдиғининг (А) чинлигини белгилайди. Масалан: "Ҳеч бир кириш сўз гапда вергул билан ажратилмайди", деган хато ҳукмдан "Ҳамма кириш сўзлар гапда вергул билан ажратилади". деган ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади.

Икки қарама-қарши ҳукм бир вақтда хато бўлиши мумкин. Масалан: "Ҳамма гувоҳлар судда тўғри кўрсатма берадилар" - "Ҳеч бир гувоҳ судда тўғри кўрсатма бермайди. Бу икки ҳукм бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас, лекин хато булиши мумкин. Агар А чин булса, Е хатодир. Агар Е чин булса, А хатодир. Агар J чин бўлса, унда А ноаниқдир. Агар О чин бўлса, унда Е ноаниқдир. Агар А хато бўлса, унда Е ноаниқдир. Агар Е хато бўлса, унда А ноаниқдир. Агар J хато бўлса, унда А хатодир. Агар О хато бўлса, А чиндир. Зидлик муносабатида бўлган ҳукмларнинг чин, хатолиги қуйидагича белгиланади: уларнинг бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги ва аксинча иккинчисининг хатолигидан биринчисининг чинлиги қатъий равишда келиб чиқади. Масалан: "ҳамма товарлар ўз истемол қиймати ва таннархига эга (А)" ҳукмининг чинлигидан "Баъзи товарлар ўз истемол қиймати ва таннархига эга эмас", деган (О) ҳукмининг хатолиги келиб чиқади.

Мураккаб ҳукмлар орасидаги муносабатларни белгилашда улар таркибидаги содда ҳукмларнинг ўзаро мантикий боғланиши ҳисобга олинади. Агар икки мураккаб ҳукм таркибида ўхшаш содда ҳукмлар бўлса, унда бундай ҳукмлар таққосланиладиган ҳисобланади.

Бундай ҳукмлар ҳам содда ҳукмлар каби сиғишидиган ва сиғишмайдиган бўлади.

4- мавзу. ХУЛОСА-ТАФАККУР ШАКЛИ СИФАТИДА (2 соат).

Режа:

1. Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи, тузилиши, турлари. Дедуктив хулоса чиқариш, унинг турли хил шакллари.

2. Қатъий ҳукмлардан бевосита хулоса чиқариш: айлантириш, алмаштириш, предикатга, қарама-қарши қўйиш, «мантикий жадвал» бўйича.

3. Қатъий силлогизм, унинг таркиби, аксиомаси ва умумий қоидалари. Силлогизмнинг фигуралари ва модуслари.

4. Мураккаб ҳукмлар асосида дедуктив хулоса чиқариш. Шартли, шартли-қатъий, айирувчи-қатъий, шартли-айирувчи хулоса чиқаришлар.

Таянч атамалар: Хулоса чиқариш, дедукция, индукция, аналогия, бевосита хулоса чиқариш: айлантириш, алмаштириш, предикатга қарама-қарши қўйиш, "мантикий квадрат" бўйича хулоса чиқариш; силлогизм таркиби: асослар, қатга, кичик, ўрта атамалар, модус, фигуралар, энтимема, қискартирилган, мураккаб силлогизмлар, шартли, шартли-айирувчи хулоса чиқаришлар (лемматик ва деструктив).

АДАБИЁТЛАР.

1. И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Том. 8. – Т., Ўзбекистон, 2000. 3-66-бетлар.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т.1997. 188-207 б.

3. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратамиз. Том-7, - Т., Ўзбекистон, 1999, 132-154-бетлар.

4. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ. Т. 1993.178-223.б.

5. М.Аллоёров. Мантиқ. Самарқанд. 2000, 120-196-бетлар.

6. И.Раҳимов. Логика курсидан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. Т., 1988, 3-боб.

Қўшимча адабиётлар

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000.

2. В.А. Бочаров. Аристотель и традиционная силлогистика. МГУ. 1991 г

3. В.И. Маркин. Силлогистические теории в современной логике. МГУ, 1991.

4. Е.К.Войшвилло, М.Г. Дегтярев. Логика. Учебник для ВУЗов. М.: «Владос», 1998 г. 333-361 – стр.

Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни ҳосил қилиш мантиқ илмида хулоса чиқариш, деб аталади.

Хулоса чиқариш деб бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида


янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

Хулоса чиқариш жараёни асослар, хулоса ва асослардан хулосага ўтишдан ташкил топади. Тўғри хулоса чиқариш учун, аввалам бор, асослар чин мулоҳазалар бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак

Масалан, «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юнон файласуфидир» деган икки чин мулоҳазадан хулоса чиқариб булмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ.

Хулоса асослари ва хулоса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хулоса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади. Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса чиқмайди. Масалан «Талаба А—аълочи» деган мулоҳазадан «Талаба А—одобли», деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражасига кўра, аниқроғи, хулоса чиқариш қоидаларининг қатъийлигига кўра ҳамда хулоса асосларининг сонига ва фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра бир қанча турларга бўлинади.



Мазкур классификацияда хулоса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукамалроқ бўлиб, у хулоса чиқаришнинг бошқа туплари ҳақда ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, редуктив хулоса чиқариш зарурий хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш (тулиқ индукцияни ҳисобга олмаганда) ва аналогия эҳтимоллий хулоса чиқариш, деб олиб қаралиши, бевосита хулоса чиқариш эса дедуктив хулоса чиқаришнинг бир тури сифатида урганилиши мумкин.

а) Дедуктив хулоса чиқариш

Дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқан зарурий ҳарактерга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хулоса чиқаришдир.

Фақат биргина мулоҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Бевосита хулоса чиқариш символик мантиқда куйидагича ифодаланади: $X_{sp} \Rightarrow Y_{sp}$, бунда X ва Y оддий қатъий мулоҳазаларни (A, E, I, O), S ва P лар эса мулоҳазаларнинг субъекти ва предикатини ифодалайди. X_{sp} -хулоса асоси ёки антеседент, Y_{sp} - хулоса ёки консеквент деб аталади. Бевосита хулоса чиқариш жараёнида мулоҳазаларнинг шаклини ўзгартириш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос мулоҳазанинг структураси, яъни субъект ва предикат муносабатларининг миқдор ва сифат характеристикалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хулоса чиқаришнинг куйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

1. Айлантериш (лот.-obversio) - шундай мантиқий усулки, унда берилган мулоҳазанинг миқдорини сақлаган ҳолда, сифатини ўзгартириш билан янги мулоҳаза ҳосил қилинади. Бу усул

билан хулоса чиқарилганда кўш инкор содир бўлади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин боғловчиси инкор этилади. Буни куйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

S-P

S-P

Инкор қилиш жараёнида инкор юкламаларидан (-ма; -сиз; -мас) ёки инкор қилинаётган тушунчага зид бўлган тушунчалардан фойдаланилади. Оддий қатъий мулоҳазаларнинг ҳаммасидан айлангириш усули билан хулоса чиқарилади. Хулоса асоси бўлган мулоҳаза хулосада куйидагича ифодаланади:

| | | | | |
|--|--|---------------------|--|----------------------|
| | | Хулоса асоси | | Хулоса |
| | | Хамма S-P | | Хеч бир S-P мас эмас |
| | | Хеч бир S-P эмас | | Хамма S-мас P дир |
| | | Баъзи S-P | | Баъзи S-P сиз эмас |
| | | Баъзи S-P эмас | | Баъзи S эмас-P дир |

Айлантиришда А-Е га, Е-А га, I-0 га, 0-I га ўзгаради.

Масалан:

1. А.Хамма илмий қонунлар объектив характерга эга.

Е. Хеч бир илмий қонун субъектив характерга эга эмас.

2. Е.Хеч бир сахий хасис эмас.

А. Хамма сахий бўлмаганлар хасисдир.

3. I. Баъзи тушунчалар мазмунан конкрет бўлади.

0. Баъзи тушунчалар мазмунан абстракт булмайди.

4. 0. Баъзи мулоҳазалар мураккаб эмас.

1. Баъзи мулоҳазалар соддадир.

Демак, айлантириш усули билан хулоса чиқарилганда «бирор ниманинг кўш инкори унинг тасдиғига тенгдир», деган қоидага асосланади.

II. **Алмаштириш** (лот.-sonversio) - шундай мантикий хулоса чиқариш усулики, унда хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади.

Алмаштиришда берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажми эътиборга олинishi шарт. Агар берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажмига эътибор берилмаса, хулоса нотўғри бўлиши мумкин: Масалан,

Хамма инсонлар тирик мавжудотлардир

Хамма тирик мавжудотлар инсонлардир

Хулоса хато, чунки берилган мулоҳазада P - (тирик мавжудотлар) тўлиқ ҳажмда олинмаган, хулосада эса тўлиқ ҳажмда олинган. Юқоридаги асосдан «Баъзи тирик мавжудотлар инсонлардир» деб чиқарилган хулоса тўғри бўлади. Шунга кўра алмаштиришнинг уч тури фарқланади: торайтирилган, кенгайтирилган ва соф алмаштириш.

| | | | | | | |
|--|--|------------------|--|-----------------------|--|-----------------|
| | | Хулоса | | Хулоса | | Алмаштириш тури |
| | | Хамма S-P | | Хамма P- S | | Соф алмаштириш |
| | | Хеч бир S-P эмас | | Хеч бир P-S эмас эмас | | Соф алмаштириш |

| | | | | | |
|--------|--|---------------|--|--------------------|---------------------------|
| 4 5 | | Баъзи S- P | | Баъзи P- S эмас | Соф алмаштириш |
| | | Хамма S- P | | Баъзи P- S | Торайтирилган алмаштириш |
| | | Баъзи S- P | | Хамма P- S | Кенгайтирилган алмаштириш |

Юкоридаги схемани мисоллар билан кўриб чиқамиз.

1- А Ҳамма тирик мавжудотлар сезиш хусусиятига эга.

А. Сезиш хусусиятига эга бўлганларнинг ҳаммаси тирик мавжудотдир.

2. Е. Ҳеч бир хасис сахий эмас.

Е- Ҳеч бир сахий хасис эмас.

3. I Баъзи файласуфлар табиатшуносдир.

I. Баъзи табиатшунослар файласуфлардир.

4. А. Ҳамма врачлар олий маълумотлидир.

I. Баъзи олий маълумотлилар врачлардир.

5. I. Баъзи одамлар шоирдир.

А. Ҳамма шоирлар одамдир.

Жузъий инкор мулоҳазадан (O) алмаштириш усули билан хулоса чиқариб бўлмайди, чунки бу мулоҳазанинг предикати тўлиқ ҳажмда олинган. Демак, у хулосада ҳам тўлиқ ҳажмда олинмиши керак яъни хулоса умумий инкор мулоҳаза (E) бўлиши керак У ҳолда хулосанинг предикати ҳам тўлиқ ҳажмда олинмиши керак бўлади, бу эса мумкин эмас, чунки у асоснинг субъектида тўлиқ ҳажмда олинмаган. Масалан:

O. Баъзи Файласуфлар мантиқшунос эмас.

E. Ҳеч бир мантиқшунос файласуф эмас.

ёки

O. Баъзи мантиқшунослар файласуф эмас.

Ҳар икки ҳолатда ҳам хулоса нотугридир.

Демак, алмаштириш усули қўлланилганда мулоҳазадаги субъект ва предикат ҳажми аниқланади ва шу асосда мулоҳазадаги терминларнинг ўрни алмаштирилиб, хулоса чиқарилади. Бу усул, айниқса, тушунчага берилган таърифларнинг тўғрилигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

III. Предикатга қарама-қарши қўйиш (лот.contraposito) бевосита хулоса чиқаришнинг мантикий усулларида бири бўлиб, бу усул қўлланилганда берилган мулоҳаза аввал айлантиради, сўнгра алмаштирилади. Натижада ҳосил қилинган мулоҳазанинг (хулосанинг) субъекти асос мулоҳаза предикатига зид, предикати эса унинг субъектига мос бўлади:

S-P

P- S

Бунда хулосада 5 нинг инкор шаклида бўлиши хулоса боғловчисининг инкор этилиши натижасидир. Предикатга қарама-қарши қўйишда А-Е га, Е-И га, 0-И га ўзгаради.

Турли мулоҳазалардан бу усул воситасида хулоса чиқариш қуйидаги схемада кўрсатилган:

| | | Хулоса асоси | Хулоса |
|--|--|------------------|-----------------------|
| | | Ҳамма S-P | Ҳеч бир P эмас S эмас |
| | | Ҳеч бир S-P эмас | Баъзи P эмас S дир |
| | | Баъзи S-P эмас | Баъзи P эмас S дир |

Масалан,

1. А. Ҳамма ҳукмлар дарак гап орқали ифодаланади. Е. Дарак гап орқали ифодаланмаган фикр ҳукм эмас.

2. E. Ҳеч бир ватанпарвар ўз Ватанига хиёнат қилмайди.

1. Баъзи Ватанига хиёнат қилмайдиганлар ватанпарвардир.

3. O. Баъзи талабалар файласуф эмас.

1. Баъзи файласуф бўлмаганлар талабадир.

Жузъий инкор мулоҳазадан предикатга қарама-қарши қўйиш усули билан хулоса чиқарилганда, бу мулоҳазадан алмаштириш усули билан хулоса чиқариб бўлмаслигини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун O мулоҳазадан

«Баъзи S-P эмас» шаклида эмас, балки «Баъзи S эмас—P дир»

«Баъзи P- S эмас», «Баъзи P эмас S дир» шаклида хулоса чиқарилади.

Жузъий тасдиқ (I) мулоҳазадан предикатга қарама-қарши қўйиш усули билан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки, «Баъзи S-P мулоҳазани айлантисак «Баъзи S-P мас эмас» яъни жузъий инкор ҳукм келиб чиқади. Ундан алмаштириш орқали хулоса чиқариб бўлмайди.

Мантиқий квадрат орқали хулоса чиқариш.

Бунда оддий қатъий мулоҳазаларнинг ўзаро муносабатларини (қаранг: мантиқий квадрат) эътиборга олган ҳолда, мулоҳазалардан бирининг чин ёки хатолиги ҳақида хулоса чиқарилади. Бу хулосалар мулоҳазалар ўртасидаги зидлик, қарама-қаршилиқ, қисман мослик ва бўйсиниш муносабатларига асосланади.

Зидлик (контрадикторлик) муносабатларига асосланган ҳолда хулоса чиқариш. Маълумки, зидлик муносабати A-O ва E-I мулоҳазалари ўртасида мавжуд бўлиб, учинчиси истисно қонунига бўйсунди. Бу муносабатга кўра мулоҳазалардан бири чин бўлса, бошқаси хато бўлади ва, аксинча, бири хато бўлса бошқаси чин бўлади. Хулосалар қўйидаги схема бўйича тузилади.

A O; E —I; O —A; I —E Масалан, —→

A. Ҳамма инсонлар яшаш ҳуқуқига эга.

O. Баъзи инсонлар яшаш ҳуқуқига эга эмас.

I. Баъзи файласуфлар давлат арбоби.

E. Ҳеч бир файласуф давлат арбоби эмас.

Бу мисолда асос мулоҳазанинг чинлигидан хулосанинг хато эканлиги (учинчиси истисно қонуни асосида) келиб чиқади.

Қарама-қаршилиқ (контрарлик) муносабатларига асосланган ҳолда хулоса чиқариш. Қарама-қаршилиқ муносабати A ва E мулоҳазалар ўртасида мавжуд бўлиб, зиддият қонунига бўйсунди. Бу муносабатдаги мулоҳазалардан бирининг чинлигидан бошқасининг хато эканлиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Лекин бирининг хатолиги бошқасининг чинлигини асослаб бермайди, чунки ҳар икки мулоҳаза ҳам хато бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳамма инсонлар яхши яшашни хоҳлайдилар» деган умумий тасдиқ (A) мулоҳазанинг чинлигидан «Ҳеч бир инсон яхши яшашни хоҳламайди» деган умумий инкор (E) мулоҳазанинг хатолиги келиб чиқади.

A. Ҳамма тушунчалар конкрет бўлади.

E. Ҳеч бир тушунча конкрет эмас.

Бу мисолда асос мулоҳаза ва хулоса хато. Демак, қарама-қаршилиқ муносабатидан A —→ E, E —→ A., кўринишида хулоса чиқариш мумкин.

Қисман мослик (субконтрарлик) муносабатига асосланган ҳолда хулоса чиқариш. Бу муносабат жузъий тасдиқ (I) ва жузъий инкор (O) мулоҳазалар ўртасида мавжуд бўлади. Бу Мулоҳазаларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин бир вақтда хато бўлмайди. Улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, иккинчиси чин бўлади. Қисман мослик муносабати асосида хулоса

чиқариш I —→ O; O —→ I; I-O; O-I кўринишида бўлади. Масалан:

O. Баъзи илмий қонунлар объектив характерга эга эмас.

I. Баъзи илмий қонунлар объектив характерга эга.

Бунда асос мулоҳаза хато бўлганлиги учун хулоса чин бўлади.

I. Баъзи файласуфлар давлат арбоби.

O. Баъзи файласуфлар давлат арбоби эмас.

Бу мисолда асос мулоҳаза ҳам, хулоса ҳам чин фикрдир. Баъзан асос мулоҳаза чин бўлганда хулосанинг чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайди.

Бўйсиниш муносабатига асосланган ҳолда хулоса чиқариш. Бу муносабат сифатлари бир хил бўлган умумий ва жузъий мулоҳазалар (A ва I; E ва O) ўртасида мавжуд бўлади. Умумий - бўйсиндирувчи мулоҳазалар чин бўлса, жузъий - бўйсинувчи мулоҳазалар ҳам чин бўлади. Лекин

бўйсинувчи - жузъий мулоҳазаларнинг чинлигидан, бўйсиндирувчи - умумий мулоҳазаларнинг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бундай ҳолда умумий мулоҳазалар чин ёки хато бўлиши мумкин. Шунга кўра бўйсиниш муносабатига асосланган хулоса чиқариш куйидаги кўринишда бўлади:

$$\neg A \rightarrow I; E \rightarrow O.$$

Масалан:

А. Ҳамма мустақил давлатлар БМТ га аъзо.

1. Баъзи мустақил давлатлар БМТ га аъзо.

А - мулоҳаза чин бўлгани учун, I мулоҳаза ҳам чин.

0. Баъзи ўзбек аёллари олий маълумотга эга эмас.

Е. Ҳеч бир ўзбек аёли олий маълумотга эга эмас.

Бу мисолда О - мулоҳаза чин бўлса ҳам, Е-мулоҳаза хато.

Юқоридаги муносабатларни умумлаштирган ҳолда, асос мулоҳаза ва хулосанинг чинлик даражасига кўра куйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

1. Асос мулоҳаза ва хулоса чин бўлган:

$$A - I, E - I.$$

2. Асос мулоҳаза чин ва хулоса хато бўлган:

$$A \rightarrow O; E \rightarrow I; O \rightarrow A; I \rightarrow E; A \rightarrow E; E \rightarrow A.$$

3. Асос мулоҳаза хато ва хулоса чин бўлган.

$$I \rightarrow O; O \rightarrow I.$$

Мантиқий квадрат орқали хулоса чиқарилганда карама-қаршилик муносабатидаги мулоҳазалардан бири хато бўлганда, Қисман мослик муносабатидаги мулоҳазалардан бири чин бўлганда ва бўйсиниш муносабатида жузъий мулоҳазалар чин бўлганда, улардан чиқарилган хулоса ноаниқ бўлади.

Бевосита хулоса чиқариш усуллари билишда мавжуд фикрни аниқлаб олишга, унинг моҳиятини тўғри тушунишга, шунингдек бир фикрни турли хил кўринишда баён қилишга, янги билимлар ҳосил қилишга имконият беради.

Оддий қатъий силлогизм

Маълумки, дедуктив хулоса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. Силлогизм қўшиб ҳисоблаш, деган маънони англатади. Бу терминдан мантиқда, одатда, дедуктив хулоса чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури ҳисобланган оддий қатъий силлогизмни ифода қилиш учун фойдаланилади. Силлогизм хулоса чиқаришнинг шундай шаклики, унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи - янги қатъий мулоҳаза зарурий тарзда келиб чиқади. Бунда дастлабки мулоҳазалардан бири албатта ё умумий тасдиқ ёки умумий инкор мулоҳаза бўлади. Ҳосил қилинган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан умумийроқ бўлмайди. Шунга кўра силлогизмни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, деб атаса бўлади. Масалан, куйидаги мулоҳазалар берилган бўлсин:

Ҳеч бир хасис сахий эмас.


Баъзи бойлар хасисдир.

Бу мулоҳазалардан зарурий равишда - «Баъзи бойлар сахий эмас», деган учинчи мулоҳаза келиб чиқади. Силлогизмнинг таркиби оддий қатъий мулоҳазалардан ташкил топгани учун у оддий қатъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари (praemissae) ва хулоса (conclusio) дан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар **терминлар** деб аталади. Хулосанинг мантиқий эгаси — S кичик термин мантиқий кесими - P катта термин деб аталади. Хулоса асослари учун умумий бўлган, лекин хулосада учрамайдиган тушунча - M -ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мулоҳазада катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мулоҳаза кичик асос деб аталади.

Терминларнинг катта ёки кичик деб аталиши улар ифодалаган тушунчаларнинг хажмига боғлиқ. Терминлар ўртасидаги муносабатни доиралар ёрдамида куйидагича ифодалаш мумкин.

S - кичик термин.



М- ўрта термин.
Р - катта термин.


Р

Ўрта термин катта ва кичик терминни мантикий боғловчи элемент ҳисобланади.

Силлогизм аксиомаси

Аксиомалар исботсиз чин деб қабул қилинган назарий мулоҳазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мулоҳазалар асослаб берилади. Силлогизмнинг аксиомаси хулосалашнинг мантикий асосланганлигини ифодалайди. Силлогизм аксиомасини терминларнинг ҳажмига ёки мазмунига кўра, яъни атрибутив таърифлаш мумкин.

Силлогизм хулосасининг асослардан зарурий келтириб чиқарилиши қуйидаги қоидага асосланади: «агар бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмнинг ичида бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмнинг ичида жойлашган бўлади» ёки «бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмдан ташқарида бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмдан ташқарида жойлашган бўлади». Бу қоидани қуйидаги схемалар ёрдамида яққол ифодалаш мумкин.



Бу қоида силлогизм аксиомасининг моҳиятини терминларнинг ҳажми муносабатлари асосида тушунтириб беради. Силлогизм аксиоманинг моҳияти қуйидагича: **буюм ва ходисаларнинг синфи тўғрисида тасдиқлаб ёки инкор этиб баён қилинган фикр шу синф ичига кирувчи барча буюм ва ходисаларнинг ҳар бири ёки айрим қисмига ҳам тааллуқли бўлган тасдиқ ёки инкор фикр ҳисобланади.**

Масалан:

Тафаккур шакллари объектив характерга эга.

Тушунча тафаккур шаклидир.

Тушунча объектив характерга эга.

Силлогизм аксиомаси атрибутив ифодалаганда предмет билан унинг белгиси ўртасидаги муносабатга асосланилади. Бирор буюм, ходиса белгисининг белгиси шу буюм ходисанинг белгисидир; буюм-ходиса белгисига зид бўлган буюм ходисанинг ўзига ҳам зиддир.

Силлогизм аксиомаларида фикр шакли ва мазмуни ўзаро узлуксиз объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди.

Силлогизмнинг умумий қоидалари

Силлогизмда учта атама бўлиши керак. Мазкур қоида талаби шундан иборатки, унда ўрта атама (М) асосларда ўзининг муайян мазмунини ўзгартирмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда асослар ўзаро айният қонунинг талаби бўйича боғланиши зарур. Ушбу қонун бузилса асосларда терминларнинг миқдори ёки кўп ёки кам бўлиши мумкин. Масалан, организм оқсил моддалардан ташкил топгандир. Жамият организмдир деган асослардан «Жамият оқсил моддаларининг яшаш усулидир деган мантикий хулоса келиб чиқади». Чунки бунда биринчи ҳукм асосидаги организм тушунчаси иккинчи ҳукмда – асосда бошқа маънода «тизим» маъносида (фалсафий атама) қўлланилмоқда. 2. Ўрта атама ҳеч бўлмаганда асосларнинг бирида бўлинган бўлиши керак. Масалан: «Баъзи ҳуқуқшунослар, прокурорлардир. Каримов ҳуқуқшунос, демак у прокурор».

Бундай чиқарилган хулоса нотўғри, чунки ўрта атама «ҳуқуқшунослар ҳар икки асосда ҳам бўлинмаган маълумки жузъий тасдиқ ҳукмда субъект ва предикатларнинг ҳажми тўлиқ олинмаган – бўлинмаган бўлади». (ҳукм мавзусига қаранг).

Агар ўрта атама асосларнинг иккаласида ҳам бўлинмаган бўлса, у ҳолда биринчи асосда ўрта атама – субъект ҳажмининг бир қисми, иккинчи асосда – предикат ўрнида келиб, бошқа қисми ҳақида фикр юритилади ва натижада у мантикий боғловчи вазифасини ўтай олмайди.

3. Агар силлогизмнинг субъект ва предикатлари асосларда бўлинмаган бўлса, хулосада ҳам бўлинмаган бўлиши керак. Масалан, «юқори хароратли киши касал ҳисобланади».

Бу кишининг харорати йўқ.

Бу киши касал эмас.

Бунда хулоса заруран келиб чиқмайди. Чунки, киши юқори харорати

бўлмасда, касал бўлиши мумкин, бунда хулоса ноаниқлигининг сабаби шундаки катта ва кичик асосларнинг субъект ва предикатлари бўлинмаган хулосада эса уларнинг бири «касал» атамаси бўлинган тарзда олинаётир.

4. Агар силлогизм асосларининг бири инкор ҳукм бўлса, унда чиқарилган хулоса ҳам инкор бўлади. Масалан: ҳеч бир турдош от катта ҳарф билан ёзилмайди.

«Мактаб» – сўзи турдош от.

«Мактаб» - сўзи катта ҳарф билан ёзилмайди.

5. Асосларнинг бири жузъий бўлса, хулоса ам жузъий бўлади.


Масалан: ҳамма металллар электр токини ўтказди.

Баъзи металллар сувдан енгилдир.

Баъзи сувдан енгил химиявий элементлар электр токини ўтказувчандир.

6. Иккита инкор ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди – асосларнинг бири доимо тасдиқ ҳукм бўлиши зарур. Чунки, бунда силлогизм аксиомасига риоя қилинмаган бўлади.

Силлогизмда натижа ҳукм – хулоса унинг турли фигуралари бўйича чиқарилади. Бунда асосларнинг таркибидаги атама – тушунчаларнинг ҳажмий муносабати уларнинг сон ва сифат чихатидан турлари ва муайян қодалари бўйича боғланиши ҳисобга олинади. Силлогизмнинг фигуралари ва модулари. Оддий, қатъий силлогизмнинг структурасида ўрта терминнинг жойлашишига қараб силлогизмнинг тўртта фигураси фарқ қилинади.



I-фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти кичик асоснинг предикати бўлиб келади.

II-фигурада ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлиб келади.

III-ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти бўлиб келади.

IV-фигурада ўрта термин катта асоснинг предикати кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.

Силлогизм асослари оддий қатъий ҳукмлар (А, Е, I ва О) дан иборат. Бу ҳукмларнинг икки асос ва хулосада ўзига хос тартибда келиши модус деб аталади. «Модус» - шакл деган маънони англатади. Силлогизм фигураларининг ўзига хос модулари мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри модулари аниқлашда, тўғри хулоса чиқаришда силлогизмнинг умумий қодалари билан бирга ҳар бир фигуранинг махсус қодаларига ҳам амал қилинади.

Оддий қатъий силлогизмнинг биринчи фигураси куйидаги махсус қодаларга эга.

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

I фигуранинг тўртта модуси мавжуд.

AAA, EAE, AII, EIO

Модусларнинг биринчи ҳарфи катта асоснинг, иккинчи ҳарфи кичик асоснинг, учинчи ҳарфи хулосанинг сифат ва миқдорини кўрсатади. Фигураларнинг модулари бир-биридан фарқлаш мақсадада, уларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади.

AAA-Varbara модуси

A. Ҳамма илмий қонунлар объектив характерга эгадир.

A. Тафаккур қонунлари- илмий қонунлардир.

A. Тафаккур қонунлари объектив характерга эга.

EAE- Celarent модуси.

E. Ҳеч бир диндор атеист эмас.

A. Имомлар диндордир.

E. Ҳеч бир имом атеист эмас.

A II - Daggi модуси

A. Барча жиноятчилар жазога лойиқдирлар.

I. Баъзи кишилар жиноятчидир.

I. Баъзи кишилар жазога лойиқдир.

E IO – Fatio модуси.

E. Ахлоқли инсонларнинг ҳеч бири виждонсиз эмас.

I. Баъзи ёшлар ахлоқли инсондир.

О. Баъзи ёшлар виждонсиз эмас.

Силлогизмнинг биринчи фигураси оддий қатъий ҳукмларнинг барча турлари бўйича хулосалар беради. Оддий қатъий силлогизмнинг I I - фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга.

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.
2. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак.

II-фигуранинг тўғри модуси мавжуд.

АЕЕ, ЕАЕ, АОО, ЕЮ.

АЕЕ - Camestres модуси

А. Ҳамма ҳукмлар дарак гап орқали ифодаланмади.

Е. Савол дарак гап орқали ифодаланмайди.

Е. Ҳеч бир савол ҳукм эмас.

ЕАЕ - Sestimi модуси.

Е. Ҳеч бир атеист диндор эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е. Ҳеч бир имом атеист эмас.

АОО - Baroko модуси.

А. Ҳамма қушлар учади.

О. Баъзи мавжудотлар учмайди.

О. Баъзи мавжудотлар қушлар эмас.

ЕЮ-Festino модуси.

Е. Қонунларга амал қилмаганларнинг ҳеч бири эркин эмас.

И. Баъзи фуқаролар эркиндирлар.

О. Баъзи фуқаролар қонунга амал қилувчи эмаслар.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, силлогизм

II-фигурасининг хулосалари фақат инкор ҳукмдан иборатдир.

Оддий қатъий силлогизмнинг III-фигурасининг битта махсус қоидаси бор: кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

III фигуранинг тўғри модуслари олтига: ААИ, АII, IAI, ЕАО, ЕЮ, ОАО.

ААИ - Darapti модуси.

А. Ҳамма мантиқшунослар файласуфдир.

А. Ҳамма мантиқшунослар-илмли кишилардир.

И. Баъзи илмли кишилар файласуфдир.

АН - Datisi модуси.

А. Ҳамма оддий қатъий ҳукмлар хулоса асослари бўлади.

И. Баъзи оддий қатъий ҳукмлар чин фикрдир.

И. Баъзи чин фикрлар хулоса асослари бўлади.

I A I - Disamis модуси.

И. Баъзи файласуфлар мантиқшунос бўлган.

А. Ҳамма файласуфлар илмли кишилардир.

И. Баъзи илмли кишилар мантиқшунос бўлган.

ЕАО - Falapton модуси.

Е. Ҳеч бир партия дастурсиз иш юритмайди.

А. Ҳамма партиялар сиёсий ташкилотдир.

О. Баъзи сиёсий ташкилотлар дастурсиз иш юритмайди.

ЕЮ - Ferison модуси.

Е. Ҳеч бир диндор эътиқодсиз эмас.

И. Баъзи диндорлар-ёшлардир.

О. Баъзи ёшлар эътиқодсиз эмас.

ОАО - Bokardo модуси.

О. Баъзи одамлар рост гапирмайдилар.

А. Ҳамма одамлар яхши яшашни хоҳлайди.

О. Баъзи яхши яшашни хоҳловчилар рост гапирмайдилар.

III фигура модусларининг хулосалари фақат жузъий ҳукмдан иборат бўлади.

Оддий қатъий силлогизмнинг IV-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукм бўлади.

2. Катта асос тасдиқ ҳукм бўлса, кичик асос умумий ҳукм бўлади

IV-фигуранинг бешта тўғри модуси мавжуд:

AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.

AAI - Bramalip модуси.

A. Ҳалол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.

A-Ҳамма виждонлилар адолатли кишилардир.

I- Баъзи адолатли кишилар ҳалол одамлардир.

AEE-Camenes модуси.

A. Қўли очиқ одамлар саҳий бўлади.

E- Ҳеч бир саҳий хасис эмас.

E. Ҳеч бир хасис кули очиқ одам эмас.

IAI - Dimaris модуси.

I. Баъзи ёшлар спорт билан шугулланадилар.

A. СПОРТ билан шугулланганларнинг ҳаммаси соғлом кишилардир.

I. Баъзи соғлом кишилар ёшлардир.

EAO - Fesapo модуси.

E. Ҳеч бир софист рост гапирмайди.

A. Ҳамма рост гапирмайдиганлар ёлғончидир.

O. Баъзи ёлғончилар софист эмас.

EIO - Frestion модуси.

E. Ҳеч бир ақлли одам илмсиз эмас.

I. Баъзи илмсизлар ёшлардир.

O. Баъзи ёшлар ақилли одам эмас.

Силлогизмнинг IV-фигураси умумий тасдиқ ҳукм кўринишидаги хулосани бермайди.

5- мавзу. ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ. АНАЛОГИЯ

(2 соат).

Режа:

1. Индуктив хулоса чиқаришнинг хусусиятлари ва турлари
2. Тўлиқ индукциянинг хусусиятлари.
3. Тўлиқсиз индукция, унинг турлари. Илмий индукция ва унинг методлари: ўхшатиш, тафовут, йўлдош ўзгаришлари, қолдиқлар.
4. Аналогия ва унинг турлари: хусусият ва муносабат аналогияси.

Таянч атамалар: Индуктив хулоса чиқариш, индуктив методлар, тўлиқ индукция, тўлиқсиз индукция, ўхшатиш, илмий индукция, аналогия, хусусият аналогияси, муносабат аналогияси.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Том. 8. – Т., Ўзбекистон, 2000. 3-66-бетлар.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т.1997. 188-207 б.
3. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратамиз. Том-7, - Т., Ўзбекистон, 1999, 132-154-бетлар.
4. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ. Т. 1993.178-223.б.
5. М.Аллоёров. Мантиқ. Самарқанд. 2000, 120-196-бетлар.
6. И.Раҳимов. Логика курсидан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. Т., 1988, 3-боб.

Қўшимча адабиётлар

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000.
2. В.А. Бочаров. Аристотель и традиционная силлогистика. МГУ. 1991 г
3. В.И. Маркин. Силлогистические теории в современной логике. МГУ, 1991.
4. Е.К.Войшвилло, М.Г. Дегтярев. Логика. Учебник для ВУЗов. М.: «Владос», 1998 г. 333-361 – стр.

Индуктив хулоса чиқариш воситали хулоса чиқариш шаклидир. Индуктив хулоса чиқаришда бизнинг билимимиз якка ва хусусийдан умумийга қараб боради. Индуктив хулоса чиқаришнинг характерли хусусиятларидан бири якка, хусусий буюмлар моҳиятини ўрганиш орқали тегишли қонунларни очиқдир.

Тажрибада кўп такрорлаш орқали индуктив хулоса ёрдами билан эришилган умумий натижалар бизнинг билимимизни ўзгартиришга, тўлдиришга ва аниқлашга ёрдам беради.

Индуктив хулоса чиқаришнинг моддий асосини билишда умумийлик, хусусийлик ва яккалик диалектикаси ҳақидаги таълимотга асосланамиз.

Турли ғайриилмий таълимотлар воқеликдаги умумийлик, хусусийлик ҳамда яккаликни бири-биридан ажратиб қўяди. Масалан, умумийликнинг ҳам, хусусийликнинг ҳам умуман объектив характерга эга эканлигини идеалистлар инкор этадилар. Айрим ҳолларда умумийлик фақат ақлга хос нарса, яккалик бўлса сезгилар билан борлиқ деган тезис олга сурилади. Мета-физиклар эса умумийлик билан хусусийликни мутлақо ажратиб қўядилар. Улар зўр бериб объектив реаллик фақат якка жисмларнинг тасодифий тупламидан иборат ва улар ўртасида ҳеч қандай қонуният ҳамда умумийлик йўқ деган фикрни асослашга уринадилар.

Илмий дунёқараш эса бу фикрларга қарама-қарши ўлароқ объектив воқеликда умумийлик хусусийлик ва яккалик узвий диалектик боғланишда мавжуддир, деган таълимотни олга суради. Илмий билиш яккани умумийдан ажратиш мумкин эмаслигини, яккалик, хусусийлик ва умумийлик ўзаро узвий боғланган эканлигини асослаб беради. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик бирлиги индукциянинг объектив асосидир.

Индукция орқали якка нарсалар ва ҳодисалар хусусияти ўрганилади ҳамда улардаги умумий хислатлар, қонуниятлар аниқланади. Буюмлардаги умумийлик қо-нуниятларини билиш фақат якка, хусусий хислатларни қуйидаги мисолни олиб қарайлик. Билиш учун хизмат қилувчи руҳий жараённинг асосий турлари: хис, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур ҳамда бўлар инсон онгининг турли томонлари эканлиги биз учун маълум. Бўларнинг ҳар бирини якка тарзда ўрганиш натижасида бу жараёнлар объектив воқеликни иъикос эттириш якуни эканлиги аниқланади.

Шунга асосланиб, ҳамма билиш учун хизмат қилувчи руҳийжараёнлар объектив воқеликни иъикос эттириш натижасида ривожланади, деган умумий ҳукм—мулоҳазага эга бўламиз. Бу мулоҳаза тўлиқ индукция натижасидир. Ўтмишни—қулдорлик, феодализм, капитализмни айрим-айрим тарзда ўрганар эканмиз, ўша асосда уларнинг ҳар бири учун ишлаб чиқариш қуроллари хусусий мулк бўлишлигини ҳамда киши кучидан фойдаланиш улар учун характерли хусусиятлардан эканлигини аниқлаймиз. Шунинг натижасида эса уч хил шаклдаги жамиятда уч турдаги эксплуатация ҳуқуқ суршининг кислород (H_2O) атомидан иборат эканлигини аниқлаймиз. Бундай анализ асосида ҳамма сувлар таркиби ҳам шундай деган хулоса чиқарамиз. Ҳақиқатан сув таркибининг икки атом водороддан ва бир атом кислороддан иборат эканлигини аниқлаш учун ҳамма сувларнинг таркибини анализ қилишга ҳожат йўқ ва амалга ошириш мумкин ҳам эмас.

Индуктив хулоса чиқариш турлари.

Мантикда икки шаклдаги индуктив хулоса чиқариш диққатга сазовордир. 1. Тўлиқ индукция.

2. Тўлиқсиз индукция.

Тўлиқ индукция хулоса чиқаришнинг шундай шаклидирки, бунда биз бир группа нарса ёки ҳодисанинг ўхшаш белгиларига қараб уларга тааллуқли бўлган умумийликни белгилаймиз. Масалан, Ўрта Осиёдаги мустақил республикаларнинг ҳар бири пахта маҳсулоти етиштириш билан шуғулланишини аниқлаб, Ўрта Осиёдаги ҳамма мустақил республикалар пахта етиштириш ишлари билан шуғулланадилар, деган умумий хулосага келамиз. Бу хулоса тўлиқ индукция натижасидир.

Тўлиқ индукция натижасида вужудга келган умумий ҳукм бир жинсдаги ҳамма якка воқеаларни умумлаштиришнинг натижасидир. Шу билан бирга умумий ҳукм натижаси шу жинсдаги барча буюм ёки ҳодиса учун тааллуқли бўлади. Тўлиқ индукция ёрдами билан пайдо бўладиган хулоса айрим турдан айрим жинсга қараб боради.

Тўлиқ индукция характерини тўлароқ билиш учун тўлиқ бўлмаган индукция учун иккинчи бир мисолни кўриб чиқайлик Қадимги Греция мутафаккири Демокритдан бошлаб то XIX асрнинг ўрталаригача атом буюмнинг энг кичик бўлинмас ва ўзгармас қисми деб қаралар эди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан бошлаб эса физик олимларимиз атомни анализ қилиш орқали катта кашфиёт яратдилар. Улар атомнинг ядро ва электрондан иборат бўлган мураккаб моддий система эканлигини аниқладилар. Бу хулоса ҳам тўлиқ бўлмаган индукциядир. Чунки бунда айрим атом таркибига хос хусусият ҳамма атомларга ҳам хос деган умумий хулоса ётади. Биз келтирган бу хулоса текширилган ва текширилмаган бир жинсдаги ҳодисаларга хосдир. Шундай қилиб, тўлиқ бўлмаган индукция кузатилган ҳодисалардан

кузатилмаган ҳодисалар ҳақида, бир соххадаги текширилган ҳодисалар белгисини шу жинсдаги бошқа ҳодисаларга татбиқ қилиш ҳақида воситали хулоса чиқаришдир.

Тўлиқ бўлмаган индукциянинг илмий хусусияти нимадан иборат

Шунингдек, диалектик умумийликни яқка ёки хусусийлик билан объектив узвий алоқада, қонуниятлар ҳам буюмлар билан объектив боғланишда деб таълим беради. Дарҳақиқатан ҳам, юқорида баён этилганидек, умумийлик ёки қонунлар конкрет нарса ёки ҳодисалар орқали кўринади.

Баъзи мантиқшунос олимлар тўлиқ бўлмаган индукцияни илмий ва оммабоп қисмларга ажратадилар. Тўлиқ бўлмаган индукцияни бу тарзда икки қисмга ажратиш ўз моҳиятига кўра анча чегаралангандир. Агар ҳақиқатдан ҳам, тўлиқ бўлмаган индукция шу тартибда икки қисмга ажралганда эди, унда тўлиқ индукция учун илмийлик ва оммабопликнинг даҳли йўқ деган хулоса келиб чиқарди. Бизнинг фикримизча эса, илмийлик ва оммабоплик тўлиқ индукцияга ҳам бевосита алоқадордир. Ҳақиқатда тўлиқ индукцияда илмий хулоса тўлиқ бўлмаган индукцияга нисбатан анча чинроқ ва асослироқ бўлади. Чунки тўлиқ индукция бир жинсдаги буюмларнинг ҳамма турларига хос бўлган белгини умумлаштириш орқали хулоса чиқаради. Тўлиқ бўлмаган индукция хулосаси эса аксинча, ҳамма буюмни камраб ололмаслиги, илмий асосга эга бўлмаслиги ҳам мумкин, Чунки бунда юқорида баён этилганидек, хулоса бир жинсдаги ҳамма нарса ёки ҳодисани тўла текшириш ва улардаги умумий ва муҳим белгини аниқлаш орқали бормайди. Балки у айрим нарса ёки ҳодиса белгисини аниқлаш орқалигина бизга маълум бўлмаган (аммо шу буюмнинг ҳамма жинсларига хос) ўша жинсдаги умумий хусусият ҳақида хулоса бериши мумкин. Шунинг учун илмий ва оммабоплик тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган индукцияларга бир хилда тааллуқлидир.

Демак, тўлиқ бўлмаган индукция, айниқса белгиларни оддий санаш натижасида вужудга келган индукция хулосаси эҳтимоллик характериға эга бўлади. Чунки ҳар доим синфнинг санаб утилмаган қисмидаги буюмлар ва уларнинг белгиси номаълум бўлиб қолади. Шунинг учун бу хулоса янги буюмнинг аниқланиши билан инкор этилиши мумкинлиги хавфидан холис бўла олмайди.

Лекин индукциянинг бундай эҳтимоллик характери айрим файласуфлар

(Яков Бернулли, Лейбник, Ж. Ст. Милль) таъкидлаганидек, инсон онгининг кучсизлиги ёки туғма характерининг маҳсули эмас, балки индуктив хулоса чиқаришнинг бундай эҳтимоллик характери инсон билишининг чегараланмаганлигини кўрсатади. Юқорида кўрсатилганидек, тўда бўлмаган индукцияда умумлашма хулоса чиқариш ҳар доим чегараланган билимга, яъни маълум синф, жинсдаги буюмларнинг бир қисми (ҳаммаси эмас) ҳақидаги билимга асосланган бўлади. Демак, хулоса ўз эҳтимоллигини ҳар доим сақлаб қолади.

Мантиқ илмида тўлиқ бўлмаган индукция хулосасининг эҳтимоллигини

камайтириш ва бу хулосанинг чинлигини оширишнинг қатор шарт-шароитлари мавжуд. Уларга қатъий риоя этиш индуктив хулосанинг моҳиятини янада кучайтиради. Унинг учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

а) индуктив хулосанинг эҳтимоллигини камайтириш учун имконияти борича жинснинг кўпроқ ўхшаш турларини, буюмларини кўриб чиқиш керак. Масалан, Ердан ташқарида ҳам ҳаёт бор-йўқлиги ҳақидаги хулосага келиш учун бир планетани ўрганиш билан кифояланмайди. Кўпчилик планеталарни ўрганиб чиқиш мумкин. Кўпчилик планеталарни ўрганиш асосида амалга оширилган хулоса, албатта, ҳақиқатга яқинроқ бўлади;

б) агар индуктив хулосага асос қилиб олинувчи фактлар қанчалик ранг-баранг, турлича, яъни хулоса объектини кўп томонлама характерласа, хулоса ҳам шунчалик ҳақиқатга яқин, эҳтимолликдан узоқ бўлади;

в) индуктив хулосага асос қилиб олинган фактлар, белгилар мазкур жинс, синф учун қанчалик муҳим характерли бўлса ва улар бу жинснинг ички хусусиятлари, қонуниятларини қанчалик тўлиқ акс эттирса, хулоса ҳам шунчалик чин, эҳтимолдан узоқ бўлиши мумкин.

3. Оддий санаш индукцияси ёки оммабоп индукция.

Оддий санаб ўтиш ёки оммабоп индукция деб объектив воқеликдаги фактларнинг оммабоп белгисининг такрорланиши, уларни оддий санаб ўтиш натижасида тафаккурда келиб чиқадиган хулосага айтилади.

Аммо нарса ёки ҳодисадаги бу айрим белги маълум бир шароитда айрим нарса ёки ҳодисада такрорланиши ва аксинча, иккинчи бир шароитда эса такрорланмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун, Осиё қитъасидаги какликлар кулранг бўладилар, деган индуктив хулосани олиб қарайлик Бундай хулоса кун йиллар давомида Осиё қитъасидаги какликларни кузатиш натижасида, уларда

хақиқатдан ҳам кулранглик белгиси такрорланиши аниқланганлиги натижасида пайдо бўлгандир. Бундан яна Осиё қитъасидаги какликларда бошқача ранг (масалан, оқ, қора ва бошқа) йўқ деган иккинчи хулоса ҳам келиб чиқади. Аммо бу хулоса фақат айрим жойлардаги (Осиё қитъаси) какликларга хос хулосадир. Чунки бизнинг бу хулосамиз иккинчи такрорланадиган шу нарса турининг айрим белгиси билан солиштириб қаралса, унда у хато бўлиб чиқади. Маълум бўлишича, Европадаги какликларнинг ранги оқ экан. Шунинг натижасида бизда бир синфга мансуб нарсанинг айрим белгиси ҳақида икки хил қарама-қарши фикр ҳосил бўлади. Ана шундай хулоса натижасида эса какликлар кулранг бўладилар» деган аввалги хулосани инкор этувчи янги хулоса пайдо бўлади. Бу хулоса оммабоп деб айтилади, чунки бу уринда айрим фактлар қайта такрорланади, аммо бу тасодифий бўлганлиги сабабли ҳам у қонуний ҳолат деб қаралмайди.

Оддий санаш индукцияси ёки (оммабоп) индукция маълум бир шароитда айрим воқеанинг такрорланишини, иккинчи бир ҳолатда эса унинг такрорланмаслигини эътироф этади. Айрим фактларнинг такрорланиши ҳар бир индукция учун зарурий шартдир. Буюмларнинг такрорланиши улар ҳақида умумий хулоса чиқаришга имкон беради. Бунингсиз эса илмий хулосалар ҳам бўлмайди. Лекин оддий санаш индукцияси кўпинча юзаки, тасодифий, боғланишсиз такрорланадиган белги, фактларга ҳам асосланаверади.

Буюмлар орасидаги такрорланиш хислати ҳаммадан аввал нарсалар ва ходисалар орасидаги ўзаро муносабатда кўринади. Агар буюмлардаги айрим белгиларнинг такрорланиши суний бўлса, унда у ҳақиқатга зид бўла олмайди. Аксинча агар буюмлардаги айрим белги тасодифий ва иккинчи даражали бўлса, у ҳолда хулоса зид бўлади. Оммабоп индукция бир-бирига зид бўлган, аммо тасодифий ва иккинчи даражали бўлмаган фактларга асосланади. Оммабоп индукция биз учун чуқур асосли билим бера олмайди. Шунга қарамай, оммабоп индукция эмпирик қонунларни очиш учун ишлатилади. Бундай пайтда оммабоп индукция хулосаси кузатиш, тажрибалар ёрдамида аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

4. Илмий индукция. Илмий индукция деб айрим нарса ёки ходисанинг

муҳим белгисини аниқлаб, унинг шу синфга мансуб нарса ёки ходисага хослиги орқали хулоса чиқаришга айтилади. Иккинчи хил қилиб айтганда, илмий индукция бир ёки бир қанча факт-воқеаларни анализ қилиш натижасида объектив воқелиқдаги нарса ёки ходиса ҳақида умумий хулоса чиқаришдир. Илмий индукцияда хулоса умумийлиги ходисаларнинг муҳим белгиларининг такрорланишига қараб пайдо бўлади. Бокқача қилиб айтганда эса, илмий индукция бир соҳадаги фактларга хос муҳим белгиларнинг такрорланиш сабабини аниқлаб беради.

Шундай қилиб, айрим нарса ёки ходисадаги белгини анализ қилиш орқали бу белгининг такрорланадиган нарса ва ходисаларда бўлиши ҳақидаги хулосага илмий индукция орқали келамиз. Бу хулоса эса умумий характерга эга бўлиб, бизга ишончли—ҳақиқий билим беради. Илмий индукция орқали пайдо бўлган умумий мулоҳазалар айрим ходисаларнинг объектив қонунини очишга имкон беради. Бу қонунлар эса умумий ва зарурий характерга эгадир. Чунки бу қонунлар таъсири албатта намоён бўлади, аммо улар, яъни қонунларнинг қиммати тамоман йўқолмайди. Шу боисдан илмий индукция умумийлик моҳиятини ўзида инъикос эттиришлиги сабабли ҳам у чин бўлиш характерига эгадир; илмий индукция орқали умумий хулоса чиқариш учун бир ёки бир неча воқеа асос бўла олади.

Илмий индукция оддий санаш ёки оммабоп индукциядан фарқли ўларок буюм, ходисалар муносабатидаги муҳим муносабатларни ва айниқса, бу муносабатлар ичида алоҳида аҳамиятга эга бўлган сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга, топишга қаратилган бўлади.

Бу муҳим муносабатларнинг сабабий алоқаларини билиш инсон

тажрибасида, илм-фанда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу уларга жараёнларни олдиндан кўриб, яъни ихтиролар қилиш учун имконият яра-тиб беради.

5. Ходисалар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методлари индуктив хулоса чиқариш, хусусан, илмий индукциянинг энг муҳим вазибаларидан бири ходисалар боғланишидаги сабаб-оқибат муносабатларини, уларнинг сабабий боғланишларини аниқлаш ҳисобланади. Сабабий боғланиш ходисалар муносабатининг энг муҳим томонидан бўлиб, у конкрет воқеа ва далиллар асосида ётган қонуниятларни очиб беришга имкон беради. Индукциянинг бундай муҳим хислатини биринчи бўлиб ҳар томонлама асослаб берган буюк олим — инглиз файласуфи Френсис Бекон (1561 — 1626) бўлди. У индуктив йўл билан ходисаларнинг сабабий боғланишини аниқлашни асосий метод, йўлларини ҳам белгилаб берди. Ундан сўнг эса инглиз олимлари, айниқса Жон Гершел ва Жон Стюарт Милль XVIII ва XIX асрнинг бошларидаги табиий фанларнинг тажрибаларини умумлаштирган ҳолда сабаб-оқибат муносабатларини индуктив йўл билан аниқлашнинг муҳим методларини ҳар томонлама аниқ ўтаб,

кенг баён этдилар.

Лекин Ж - Ст. Милль индукция ходисасига метафизик ёндашди ва шу билан уни билишнинг бирдан-бир методи, воситаси деб талқин этди ҳамда индукциянинг вазифасини сабабий муносабатларни ўрганиш билан чегаралаб қўйди. Тўғри, индуктив методларнинг асосий вазифаларидан бири, ходисалар орасидаги сабаб боғланишларини текширишдир. Аммо биз биламизки, бу билан индуктив методнинг вазифалари тугалланмайди. Балки бу методлар бундан бошқа кенг ҳажмдаги билиш функциясини ҳам бажаради. Шунингдек, индукция буюмларнинг бошқа муносабатларини очиш учун хиз-мат қилади. Шу сабабли Миллнинг индукция ва индуктив методларнинг билим учун бўлган аҳамиятини чегаралаши асоссиздир. Лекин, шу билан бирга индукция ва индуктив методлар нарсалар ва ходисалар орасидаги сабаб боғланишларини ҳар томонлама тўлиқ билиш имконини берар экан деб тушуниш ҳам нотўғридир.

Ж. Ст. Миллнинг катта хизмати шундан иборат бўлдики, у нарсалар ва

ходисаларнинг сабаб-оқибат боғланишини текшириш учун хизмат қиладиган индуктив методларни ҳар томонлама ифодалаб берди.

Мана биз сабаб терминини ишлатаяпмиз. Хўш, сабабнинг ўзи нима?

Сабаб деб бошқа ҳодисани вужудга келтирувчи ҳодисага айтамыз. Масалан, троллейбусни ҳаракатга келтирувчи сабаб электр токидир. Ток кучидан фойдаланган ҳолда троллейбус бошқарилади. Шунинг учун ҳам бу сабабий боғланиш бўлади. Аммо бу муносабат электр энергиясининг қаердан пайдо бўлиши, троллейбуснинг ишқаланиш қаршилигига боғлиқлиги ва шунга ўхшаш қатор ходисаларни ифодаламайди. Шунинг учун, агар сиз троллейбус ва унинг ҳаракатига сабаб бўладиган электр кучи ҳақида борадиган бўлса, бундан бошқа ходисалар бизнинг диққат ва эътиборимиздан четда қолади.

Индуктив методлар объектив олам қонуниятларининг якка нарса ва ходисаларда кўринишини очишга имкон беради. Бу қонуниятларни билиш инсоннинг кундалик иш фаолиятида катта аҳамиятга эга. Бэкон томонидан кашф этилган ва Ж. Ст. Милль томонидан ривожлантирилган илмий ютуқлар асосида янада аниқланган ва сабаб-оқибат муносабатларини билиш учун хизмат қиладиган индуктив методлар: а) ўхшатиш; б) тафовут; в) колдиклар; г) йўлдош ўзгаришлар ҳамда д) ўхшатиш ва тафовут қўшма методларидир. Биз куйида шуларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

а) Ўхшатиш методи. Ўхшатиш методининг моҳияти куйидаги тарзда ифодаланади: агар икки ёки ундан кўп нарса-ходисаларда бир хил оқибат намоён бўлса, бунда унинг ягона сабаби ҳам мавжуд деб хулоса чиқарилади. Ўхшатиш методи орқали икки ёки ундан кўп ходисалардаги ягона умумий сабаб текширилиб аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, ўхшатиш методи ходисалар сабабини ечиб беришга ёрдам беради. Масалан, улуғ рус олими М. В. Ломоносов иссиқлик пайдо бўлиши учун хизмат қиладиган бир қатор ходисаларини текшириш натижасида унинг асосий сабаби механик ҳаракат, яъни ишқаланишдир, деб кўрсатади. Дарҳақиқат, агар биз икки қўлимиз кафтини бир-бирига қўйиб ишқаласак ёки икки темир, ёғоч ва бошқа нарсаларни бир-бирига ишқаласак, иссиқлик пайдо бўлади. Шундай бўлгач, биз турли буюмлардаги бир хил сабаб, яъни ишқаланиш иссиқлик пайдо бўлиш натижасига олиб келади, деган хулосага келамиз. Бундай вақтда бизни ходисалардаги ҳар хил сабаблар қизиқтирмайди. Бизни қизиқтирадиган ҳолат, бу ҳар хил ходисаларда такрорланадиган ўхшаш сабабдир. Мантиқ илмида ўхшатиш методи куйидаги схема орқали ифодаланади:

Биринчи воқеа: АВС-----а

Иккинчи воқеа: АДЕ -----а

Учинчи воқеа: АПН-----а

Демак: А -----а

Энди бу схема мазмуни билан танишамиз: биринчи воқеа уч сабабга — АВС, иккинчи воқеа уч сабабга — АДЕ ва учинчи воқеа ҳам уч сабабга — АПН га эгадир. Буардан келиб чиқадиган оқибат кичик (а) ҳарфи билан ифодаланган. Агар биз оқибатни (а) биринчи воқеадаги В ходисасидан келиб чиққан деб хулосаласак, бунда бизнинг фикримиз хато бўлар эди. Чунки (а) оқибат иккинчи ва учинчи воқеаларда ҳам такрорланмоқда. Уларда эса (В) ходисаси йўқдир. Шунга ўхшаш (а) оқибати (П) ходисасидан пайдо бўлган десак, бу ҳолда ҳам фикримиз хато бўлади. Чунки бу ҳодиса учинчи воқеада кўриниб, бошқа воқеаларда кўринмайди. Демак (а) оқибати уч воқеадаги (А) сабабидандир, деган хулосага келамиз. Чунки (А) сабаби уч воқеада такрор кўринмоқда ва унинг оқибати ўхшатиш методи талабига мувофиқ (а) белгиси билан ифодаланмоқда. Фикримизнинг далили учун куйидаги мисолни олиб қарайлик. Сув қуёш иссиқлигидан парланади.

Сув олов билан иситишдан парланади.
Сув электрда иситилса ҳам парланади.
Демак: Иссиқлик сув парланишининг сабабидир.
Иккинчи мисол.

Темирни темирга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади.

Ёғочни ёғочга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади. Тошни тошга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади. Резинани резинага ишқаласа — иссиқлик вужудга келади.

Ёғочни темирга ишқаласа — иссиқлик вужудга келади ва ҳоказо.

Демак, ишқаланиш — иссиқлик сабабидир. Ўхшатиш методи ёрдами билан хулоса чиқариш учун кузатиш ва тажриба усулларидан фойдаланадилар. Кузатиш нарсалар ва ҳодисаларнинг табиий ҳолатини ўрганиш учун ишлатилади. Тажриба эса текшириладиган объектга сунъий ҳолат бериб, текшириш ишини олиб боради. Биз ўхшатиш усули бўйича хулоса чиқариш пайтида текшириш мақсадига қараб ё кузатишдан ёки экспериментдан фойдаланишимиз лозим.

б). Тафовут методи. Бу метод воқеанинг айрим ҳолат-да кўриниши ва бошқа бир ҳолатда кўринмаслигига қараб хулоса чиқаришдир. Агар биз (ABC) воқеанинг натижаси (авс) десак ва (BC) воқеасининг оқибати (вс) десак, унда (A) воқеасининг оқибати (а) деган хулосага келамиз.

Ж. Ст. Милль ўзининг «Мантикий система» деган асарида тафовут методига қуйидаги мисолни келтиради: Бир шахснинг юрагига ўқ теккани учун у ўлган. Ўлишинг ягона сабаби юракнинг яраланишидир. У шахснинг тирик бўлган вақтидаги организмнинг бошқа ҳолати бузилган эмас. Фақат унинг юраги яраланган. Демак, у шахс ўлимнинг сабаби юрагининг яраланишидир. Тафовут методи асосида қуйидаги аксиома бор: ҳар бир воқеанинг сабаби унинг оқибати учун ҳам асосдир. Аксинча, ҳар бир воқеанинг оқибати ҳам сабаб учун асос бўлади. Тафовут методи бўйича текшириш қуйидаги схема орқали олиб борилади:

ABC ----- a
BC-----
Демак: A----- a

Схеманинг биринчи қаторидаги воқеа (ABC) белгиларига эга, унинг оқибати (а) билан ифодаланган. Иккинчи қатордаги воқеа (BC) белгисига эга. Иккинчи қатордаги воқеа оқибати ифодаланмаган. Шунга кўра биринчи қатордаги (B) воқеа сабаби (а) оқибатини вужудга келтирган деган хулосага келамиз.

Тафовут методи хулосаси ўхшатиш методи хулосасига нисбатан асослироқдир. Тафовут методи бўйича хулоса чиқариш тажриба орқали олиб борилади. Ўхшатиш методи эса ўз хулосасини кузатиш орқали олиб боради. Ана шу хислатига кўра тафовут методи ўхшатиш методидан фарқ қилади.

В) Қолдиқлар методи. Қолдиқлар методи — бу воқеа сабабини баъзи ҳолат ёки қисман воқеа-сабаб боғланишига қараб индуктив хулоса чиқаришдир. Агар текшириладиган мураккаб ходиса (авс) мураккаб сабаб (ABC) натижасида вужудга келади деб гумон қилсак, унда қолдиқлар методи талабига мувофиқ мураккаб «а» ходиса сабаби А, «в» сабаби В дир деган хулосага келамиз. Бундан эса «ав» ходиса сабаби АВ дир деган натижа келиб чиқади. Шундан сўнг «с» ходиса сабаби аниқланишга мухтож бўлади. Ҳақиқатан ҳам «ав» ходиса сабаби (AB) бўлса, унда қолдиқлар методи талабига кўра «с» ходиса сабаби С деган хулосага келамиз.

Юқорида баён этилган фикримизни қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин:

ABC - авс
AB -----аз
Демак, C-----с сабабидир.

Схема мазмунини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз: 1846 йилда қолдиқлар методи ёрдами билан Нептун планетаси борлиги аниқланган эди. Нептун планетасининг мавжудлигини аниқлаш энг аввало Уран планетасининг ҳисобланган орбита атрофидан айланишида силжиш содир бўлаётганлигини қайд қилишдан бошланди.

Уран планетасини кузатиш натижасида кўринган силжиш (авс) бошқа бир планетанинг (ABC) бу ҳаракатга кўрсатган таъсиридан пайдо бўлиши мумкинлиги белгиланган. Таниш бўлган планеталарнинг силжиш даражаси (ABC) ҳисобланганда, Уран планетасининг силжиш миқдори таниш планеталар (BC) силжишидан сезиларли даражада кўп эканлиги аниқланган. Шунга кўра олимлар ҳозиргача биз билмаган яна бошқа планета (A) бўлса керак, у планета шундай нотаниш силжиш (а) сабабчисидир, деган тахминий хулосага келганлар. Олимлар нотаниш силжиш

микдорини (А) билиб, нотаниш планетанинг ҳолатини ҳисоблаб чиққанлар. Шундай қилиб Нептун планетасининг борлиги аниқланган.

Г. Йўлдош ўзгариш методи. Йўлдош ўзгариш методи бир воқеа ўзгариши бошқа бир воқеа ўзгариши учун йўлдош бўлади деб ҳулоса чиқаришга имкон беради, яъни агар, аниқ бир ҳолнинг ўзгариши бошқа бир ҳолнинг ўзгариши учун сабаб бўлса, бундай вақтда уларнинг биринчиси сабаб, иккинчиси эса унинг натижаси ёки оқибати деб айтилади. Йўлдош ўзгариш методи бўйича ҳулоса чиқариш қуйидаги схемада олиб борилади:

$A_1 BC \rightarrow a_1$

$A_2 BC \rightarrow a_2$

$A_3 BC \rightarrow a_3$

Демак, $A \rightarrow a$ а воқеа сабабидир.

Схемадаги $A_1 A_2 A_3$ белгилари бир хил воқеаларнинг ўзгаришини ифодалайди. Мисол: агар биз кўмир хлорини мис суюқлигига қўшсак ва унга электр токи юборсак, унда (катод заряди атрофида) мис ажрала бошлайди. Бу мисол йўлдош ўзгариш методига мувофиқ хлор суюқлигидан электр токининг ўтиши, унда мис ажратиш ҳислати кўриниши бор эканидан дарак беради, яъни ток ўтса, у ҳолда мис ажралади, аксинча, ток ўтмаса мис ажралмайди. Йўлдош ўзгариш методидан фойдаланиш вақтида бўлинган қатъий силлогизмнинг инкор—тасдиқ модусининг инкор усулидан фойдаланилади. Бундай вақтда биз ҳаммадан олдин бўлинган ҳукми ҳосил қилишимиз лозим: а сабаби ёки А, ёки В, ёки С дир.

Энди йўлдош ўзгариш методи талабига мувофиқ В ва С ҳолатларини чиқариб ташлаймиз, чунки ўзгараётган воқеа ёки ҳолат бўла олмайди. Шунга кўра В-а сабаби бўла олмайди, чунки В ўзгармаётир. Шунга ўхшаш С ҳам а сабаби бўла олмайди, деган ҳулосага келамиз. Демак, а сабаби А ҳолати экан деган ҳулоса фикримизда пайдо бўлади.

Баён этилган мулоҳаза аниқроқ бўлиши учун уни қуйидаги тарзда ифодалаймиз:

а сабаби ёки А, ёки В, ёки С дир.

Аммо В ҳам, С ҳам а сабаби эмас.

Демак, а сабаб А дир.

Д. Ўхшатиш ва тафовут қўшма методи. Бу метод текширилаётган икки ёки кўп микдордаги воқеа-ҳодисалар учун ўтган ҳолатлардан фақат бири умумий бўлиб, қолган икки ёки ундан кўп ҳолатлар эса ўтган воқеаларда кўринмаслиги умумий ва фақат шу орқали икки қатор воқеалар бир-бири билан ажраладиган бўлсалар бу ҳолат текшираётган воқеа сабаби деб кўрсатилади. Ўхшатиш ва тафовут қўшма методининг характерли хусусияти шундаки, бунда биз кўпроқ ҳулосага тажриба орқали эмас, балки кузатиш орқали келамиз.

6. Индукция, илмий кузатиш ва эксперимент. Объектив реалликдаги буюм ҳодисаларнинг белгилари, муносабатларини ўрганиш, ўзи тўғрисида тўғри ҳулосалар чиқаришда инсон кузатиш ва эксперимент деб юритилувчи усуллардан ҳам кенг фойдаланади.

Кузатиш ва эксперимент айниқса илмий индукция бўйича ҳулосалаш жараёнида кўп учрайди. Мураккаб илмий аппаратуралар, машиналар фақат илмий индуктив ҳулосалар учунгина эмас, балки мураккаб дедуктив процессларни ҳам очиқ беришга кодирлар. Тафаккур процессларини бажара оладиган машина яратишга интилиш узоқ тарихга эга. Лекин инсоннинг «ўйловчи», «фикрловчи» механизмлар тўғрисидаги орзу-умидлари бизнинг давримиздагина руёбга чиқмоқда. Ҳозир айрим тафаккур операцияларини тўғри бажара оладиган, миллионлаб рақамлардан фойдаланган ҳолда турли математик амалларни бажара оладиган, текстни бир тилдан иккинчи тилга таржима қила оладиган компьютер технологияларидан халқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

Улар турли мантикий масалаларни мустақил равишда ечиб беришга ҳам кодирдир.

Кузатиш — фан учун зарур бўлган ҳодисаларни бевосита ўрганишнинг

энг оддий шакли саналади. Бунда олим табиат ҳодисаларига аралашмайди, балки уларни четдан томошабин сифатида кузатиб, турли табиий ўзгаришларни белгилаб боради.

Анология ҳулоса чиқаришни махсус шаклидир. Анология индуктив ва дедуктив ҳулоса чиқариш сингари воситали бўлади. Бунда биз айрим буюмёки буюмлар гуруҳи учун хос бўлган хусусиятлар бошқа буюм ёки ҳодисалар ҳақида янги билим олишга интиламиз. **Анология деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмнинг бошқа ўхшаш белгиларга эга эканлигини кўрсатишга айтилади.** Бошқа қилиб айтганда мантикий йўл билан бир буюмдаги белги иккинчи буюм учун ҳам хос деган ҳулосага келамиз. Шундай қилиб, анология йўли билан ҳулоса чиқариш формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин.

А – а,б,в,г,д,... Белгиларга эга.

В – а,б,в,г,х, ... Белгиларга эга.

Демак, В да ҳам эҳтимол Д белгиси бўлса, формуладаги А ва В ўхшатиладиган буюмлар ёки ходисалардир. Формуладаги а,б,в,г – икки буюм учун хос бўлган ўхшаш белгидир. Формуладаги д белгиси А буюм учун хос бўлиб, В буюм учун кўп ўхшаш белгилар топилиши муносабати билан унда ҳам бўлиши мумкин деб фараз қилиб кўрсатилган белги. Шунинг учун х дир деб гумон қилинади.

Аналогия ёрдамида, демак, ходисаларни таққослаш асосида улар ўртасидаги янги боғланиш, умумий хусусият аниқланади ва бу билан моҳиятни очишга янада яқин борилади.

Аналогия маълум предметларнинг белгиларини таққослашга асосланади ва бизнинг улар тўғрисидаги билимларимизни чуқурлаштириш ва конкретлаштириш учун хизмат қилади.

Аналогия ёрдамида хулоса чиқаришнинг мантикий шарт-шароитлари ҳақида гап борганда бундай хулосанинг эҳтимоллик характерини камайтириш, чинлигини кучайтиришга қаратилган талаблар назарда тутилади. Бу талаблар хулоса чиқариш мақсадида таққосланадиган белгиларнинг муҳимлиги, кўп олинishi, бир-бирига ўхшаш ёки турли-туман бўлишига боғлиқдир.

Демак, хулоса қилиб айтганда, аналогия деб бир буюмнинг бир қанча хусусият ва муносабатларини иккинчи буюм учун ҳам хос деб, шунинг натижасида биринчи буюмда ҳам иккинчи буюм хусусияти ва муносабати борлиги ҳақида хулоса чиқаришга айтилади.

Аналогия йўли билан чиқариладиган хулосанинг эҳтимоллиги камроқ, ҳақиқатга эса яқинроқ, бўлиши учун: а) ўхшатиладиган буюмларда кўпроқ умумий белгилар; б) умумий белгилар эса кўпроқ турли-туман; в) умумий белгилар таққосланадиган буюмларда кпроқ муҳим; г) улар учун умумий белгилар кўпроқ хос; д) ўтказиладиган белги ўз характерини билан умумийлиги аниқланган белгидан камроқ ажраладиган бўлиши керак.

Агар ўтказиладиган белги фақат таққосланадиган буюмлар хусусияти билан аниқланадиган бўлса ва бу хусусият улар учун умумий бўлса, аналогия асосли характера эга бўлади.

Агар биринчи буюм учун аниқланган белги иккинчи буюм учун хос бўлмаса, унда аналогия йўли билан хулоса чиқариб бўлмайди.

2. Аналогия йўли билан хулоса чиқаришнинг турлари

Мантиқ илми ҳаммадан олдин аналогия йўли билан хулоса чиқариш пайтида белгини кўчириш характерига қараб икки турга ажратилади:

1) сифат ва хусусият аналогияси;

2) муносабат аналогияси. Биринчи тур орқали кўчириладиган белги

буюмларнинг сифати ёки хусусиятидаги ўхшашлик ҳақида янги билим беради. Бунга мисол қилиб медицина тарихида бир ҳодиса хислатини иккинчи ҳодиса хислатига ўхшатиш усули билан янги перкуссия (лотинча тик-тик уриш) методининг очилишини кўрсатиш мумкин. Машҳур рус медеги Тализин сув билан бир хилда тўлдирилмаган бочкаларни уриб кўрганда овози турлича бўлишини пайқайди. У бу хусусиятни инсон табиати учун ҳам хос деб, медицинада хозиргача қўлланадиган перкуссия деган янгиликни очди. Бу тажриба ўхшатиладиган буюмлар сифати ва хислатини иккинчи буюмга ёйиш учун мантикий асос бўлди.

Муносабат аналогияси буюмлар орасидаги икки муносабатнинг ўхшашлигини аниқлайди. Мисол: С — Д га тааллуқли (мансубли) эканлиги аниқланган бўлса, унда А ҳам В га тааллуқли бўлади. Шунга кўра, А — В буюмлари муносабати орасидаги аниқланган белгилар С — буюмлари муносабати учун ҳам мансуб бўлади.

Муносабат аналогиясининг сифат ва хусусият аналогияси билан аралаштирмаслик лозим. Муносабат аналогияси икки якка ҳодиса ўхшашлигини кўрсатса, сифат ва хислат аналогияси бундай монандлик бўлишига йўл қуймайди. А — В муносабати монандлигини С — Д муносабатига ўхшатиш, А ни С га В ни Д га ўхшатишни белгиламайди. Бу буюмлар тамоман ўхшамасликлари ҳам мумкин. Ҳаммадан муҳими А — В буюмлари муносабатнинг С — Д буюмлари муносабатига мос бўлиши-дир.

Муносабат аналогиясининг фанлар учун ҳам аҳамияти каттадир. Математика, физика, астрономия, химия, биология ва бошқа фанларда ўхшатиш муносабати орқали кўп ажойиб илмий кашфиётлар яратилишини фанлар тарихи яхши билади. Техникада ҳам моделлаштириш усули учун муносабат аналогиясидан кенг фойдаланилади.

